

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**



**“ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ИНТЕГРАЦИЯСИДА ИННОВАЦИОН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ -  
МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ  
МУҲИМ ОМИЛИ”**

**мавзусидаги XV республика илмий-амалий конференцияси  
МАТЕРИАЛАРИ  
III ҚИСМ**

*(2018 йил, 2-3 июн)*

*Самарқанд-2018*

**“Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида инновацион технологияларни қўллаш-мамлакат тараққиётининг муҳим омили”**

мавзусидаги ёш олимлар, докторантлар, магистрант ва талабаларнинг анъанавий XV республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –

Самарқанд: СамДАҚИ нашри, 2018.

*Ушбу тўпламга конференция мавзусидан келиб чиққан ҳолда республикамизда Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган шаҳарсозлик, архитектура, қурилиш, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, замонавий бунёдкорлик соҳасида олиб борилаётган илмий-амалий изланишлар натижалари, мулоҳазалар ва таклифлар киритилган.*

Конференция материаллари Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий-техник кенгашининг қарори асосида нашрга тавсия этилди (Баённома № 9, 24.05. 2018).

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:**

1. С.И. Ахмедов СамДАҚИ ректори, таҳрир хайъати раиси;
2. Э.Х. Исаков Илмий ишлар бўйича проректор, таҳрир хайъати раис муовини;
3. А.Р. Рахимов Ўқув ишлари бўйича проректор, аъзо;
4. А.Х.Ражабов Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректор,аъзо;
5. У.А. Хушвақтов Илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, аъзо;
6. Л.Т. Ибрагимов “Ёш олимлар” Кенгаши раиси, аъзо;
7. Ф.А. Қосимова Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўйича услубчи, аъзо.
8. О.Б.Хайитов Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи СамДАҚИ кенгаши бошланғич ташкилоти етакчиси

Масъул муҳаррирлар: У.А.Хушвақтов, Л.Т.Ибрагимов  
Компьютерда саҳифаловчилар: Қосимова Ф.А., Бобоназаров А.Б.

*Ушбу тўплам муаллифларнинг қўлёзмалари асосида ўзгартиришсиз тўлалигича нашрга тайёрланди ва чоп этилди.*

## С Ў З Б О Ш И

Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ўсиш суръатлари дунё ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилмоқда. Бу айни пайтда илм-фанни ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар самарасидир.

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инновация ва интеграцияга асосланган ривожланиш йўлига ўтиш ишлари жадал равишда олиб борилмоқда.

Хусусан, бугунги илмий-анжумандан кўзланган мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сонли “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 сентябрдаги 704-сонли “Олий таълим муассаларида илмий изланишлар олиб бораётган докторантлар ва иқтидорли талабаларни илмий-тадқиқот ишларига жалб этиш, ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтларида тажриба-синов ишлари учун шароит яратишни такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғини амалга ошириш каби устувор вазифалар назарда тутилган.

Бундай эзгу ишларни босқичма-босқич амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган **“Таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясида интеллектуал салоҳиятли ёшлар-мамлакат тараққиётининг муҳим омили”** мавзусидаги мазкур конференция фан-таълим тизимини инновацион ривожлантириш орқали баркамол авлодни вояга етказишга қаратилган саъйи-харакатлардан бири ҳисобланади.

Бугунги конференциянинг асосий мақсади ҳам олий таълими муассасаларида иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий тадқиқот ишларига йўналтириш, ёшлар ўртасида ўзаро илмий-ижодий ҳамкорлик муҳитини ривожлантириш, ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашишлари учун шароит яратиб бериш, ёшларни фан-техника тараққиёти йўлида бирлаштириш ҳамда ёш олимларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Ўйлайманки, анжуманда берилган таклиф ва тавсиялар республикамизда мазкур соҳаларни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур илмий-амалий конференция ишига муваффақиятлар тилаган ҳолда, Сизларга омад ва илмий изланишларингизга ривож тилайман, келажакда илм фан соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритишингизга, ўз билимларингизни Ўзбекистон тараққиёти йўлида сафарбар қилишингизга ишонаман.

*Султон Илясович Ахмедов*  
*СамДАҚИ ректори*

## Қўштабақали геодезик чизиқли - бурчакли асосни тенглаштириш

*Бахтиёржон Мамасолиевич Саидов*

*Дилафруз Усмановна Тоғаева*

*Тошкент архитектура қурилиш институти*

Архитектура тарихий обидаларини реставрация қилиш жараёнида обидани планли ва баландлик ҳолатини тиклаш учун геодезик маълумотлар зарур бўлади. Бундай маълумотларни геодезик таянч пунктларидан олиш керак бўлади. Амалиётда бундай пунктлар чизиқли-бурчакли триангуляция кўринишида боғланади ва шаклан кўш табақали бўлиши мумкин.

Кўш табақали геодезик чизиқли-бурчакли триангуляция яратиш кўп вақт ва катта маблағ талаб этади. Кўш табақали чизиқли-бурчакли триангуляция барпо этишучун дастлаб жойда таянч нуқталари белгиланади ва уларни бирлаштириб кўш табақали чизиқли-бурчакли триангуляцияси кўринишида тўр ҳосил қилинади. Сўнгра тўрдаги ички бурчаклар ҳамда томонларнинг узунликлари ўлчанади. Яратилган тармоқнинг таянч нуқталарини координаталари ва баландликлари ўлчаш натижалари асосида махсус “Credo DAT” дастури орқали ҳисоблаб топилади. Ҳар бир учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси  $180^\circ$  га тенг бўлиши керак. Ички бурчаклар дирекцион бурчаклардан, дирекцион бурчаклар эса таянч нуқта координаталаридан аниқланганлиги сабабли учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси албатта  $180^\circ$  га тенг бўлади. Ҳар бир учбурчакнинг ички бурчаклари йиғиндиси  $180^\circ$  дан, 1-2 секунддан ошмаслиги керак. 1-чизмада кўштабақали геодезик чизиқли, бурчакли асос схемаси келтирилган. Ушбу яратилган геодезик асосни баҳолаш учун тузилган шакллар тенгламаси ва шартли тенгламалар тузилади. 1-чизмада тузилган кўш табақали геодезик чизиқли-бурчакли триангуляцияда 6 та учбурчак мавжуд бўлиб, уни баҳолаш учун тузилган шартли тенгламалар сони 18 тани ташкил этди.

### Шаклшарти

$$1. (1+2)+(4)+(7)-180^0=0$$

$$1. (1)+(3+4)+(6)-180^0=0$$

$$2. (3)+(5+6)+(8)-180^0=0$$

$$4. \frac{S_1}{S_2} = \frac{\sin 4}{\sin 7}; S_1 \cdot \sin 7 - S_2 \cdot \sin 4 = 0$$

$$9. \frac{S_6}{S_1} = \frac{\sin(1+2)}{\sin 4}; S_6 \cdot \sin 4 - S_1 \cdot \sin(1+2) = 0$$


$$10. (9+10)+(12)+(15)-180^0=0$$

$$11. (9)+(11+12)+(14)-180^0=0$$

$$12. (11)+(13+14)+(16)-180^0=0$$

$$13. \frac{S_7}{S_8} = \frac{\sin(12)}{\sin(15)}; S_7 \cdot \sin 15 - S_8 \cdot \sin(12) = 0$$

$$18. \frac{S_{11}}{S_7} = \frac{\sin(9+10)}{\sin 12}; S_{11} \cdot \sin 12 - S_7 \cdot \sin(9+10) = 0$$



1- чизма. Қўштабақали геодезик чизиқли, бурчакли асос схемаси

Шартлитенгламалар

1.  $(3-1)+(6-5)+(11-10) - 180^0$
2.  $(2-1)+(6-4)+(9-8) - 180^0$
3.  $(5-4)+(9-7)+(12-11) - 180^0$
4.  $\frac{S_7}{S_8} = \frac{\text{Sin}(6-5)}{\text{Sin}(11-10)}$ ;  $S_1 \cdot \text{Sin}(11-10) - S_2 \cdot \text{Sin}(6-5)$

.....

$$9. \frac{S_6}{S_1} = \frac{\text{Sin}(3-1)}{\text{Sin}(6-5)}; S_6 \cdot \text{Sin}(6-5) - S_1 \cdot \text{Sin}(3-1)$$

$$10. (15-13)+(18-17)+(22-21) - 180^0$$

$$11. (14-13)+(18-16)+(20-19) - 180^0$$

$$12. (17-16)+(20-6)+(1-22) - 180^0$$

$$13. \frac{S_7}{S_8} = \frac{\text{Sin}(18-17)}{\text{Sin}(22-21)}; S_7 \cdot \text{Sin}(22-21) - S_8 \cdot \text{Sin}(18-17)$$

.....

$$18. \frac{S_{11}}{S_7} = \frac{\text{Sin}(15-13)}{\text{Sin}(18-17)}; S_{11} \cdot \text{Sin}(18-17) - S_7 \cdot \text{Sin}(15-13)$$

Шакл тенгламалари

1.  $\omega_1 = - \{3-1\} + \{6-5\} + \{11-10\} - 180^0$
2.  $\omega_2 = \{2-1\} + \{6-4\} + \{9-8\} - 180^0$
3.  $\omega_3 = \{5-4\} + \{9-7\} + \{12-11\} - 180^0$
4.  $\omega_4 = S_1 \text{Sin}(11-10) - S_2 \text{Sin}(6-5)$
5.  $\omega_5 = S_2 \cdot \text{Sin}(3-1) - S_3 \text{Sin}(11-10)$

$$18. \quad \omega_{18} = S_{11} \cdot \sin(18-17) - S_7 \sin(15-13)$$

Шартлитенгламалартузиш

$$1) -(1)+(3)+(5)-(6)-(10)+(11) - 180^0 + \omega_1 = 0$$

$$2) -(1)+(2)-(4)-(6)+(9) - 180^0 + \omega_2 = 0$$

$$3) -(4)+(5)-(7)+(9)-(11)+(12) - 180^0 + \omega_3 = 0$$

$$4) \sin\{11-10\}V_{S_1} - \sin\{6-5\}V_{S_2} - \frac{S_1}{\rho} \cos\{11-10\}(10) + \frac{S_1}{\rho} \cos\{11-10\}(11) +$$

$$\frac{S_2}{\rho} \cos\{6-5\}(5) - \frac{S_2}{\rho} \cos\{6-5\}(6) + \omega_4 = 0$$

$$9) \sin(6-5)V_{S_6} - \sin(3-1)V_{S_1} - \frac{S_5}{\rho} \cos(6-5)(5) + \frac{S_6}{\rho} \cos(6-5)(6) +$$

$$\frac{S_1}{\rho} \cos(3-1)(1) - \frac{S_1}{\rho} \cos(3-1)(1) + \omega_9 = 0$$

$$10) -(13)+(15)-(17)+(18)-(21)+(22) - 180^0 + \omega_{10} = 0$$

$$11) -(13)+(14)-(16)+(18)-(19)+(20) - 180^0 + \omega_{11} = 0$$

$$12) -(16)+(17)-(6)+(20)-(22)+(1) - 180^0 + \omega_{12} = 0$$

$$13) \sin(22-21)V_{S_7} - \sin(18-17)V_{S_8} - \frac{S_7}{\rho} \cos(22-21)(21) + \frac{S_7}{\rho} \cos(22-21)(22) +$$

$$\frac{S_8}{\rho} \cos(18-17)(17) - \frac{S_8}{\rho} \cos(18-17)(18) + \omega_{13} = 0$$

$$18) \sin(18-17)V_{S_{11}} - \sin(15-13)V_{S_7} - \frac{S_{11}}{\rho} \cos(18-17)(17) + \frac{S_{11}}{\rho} \cos(18-17)(18) +$$

$$\frac{S_7}{\rho} \cos(15-13)(13) - \frac{S_7}{\rho} \cos(15-13)(15) + \omega_{18} = 0$$

Ушбу тенгламаларни ечиш орқали олинган натижалар шуни кўсатадики, чизиқли бурчакли геодезик асоснинг аниқлиги мавжуд анъанавий геодезик тармоқ яратиладиган усулларга нисбатан аниқроқ бўлади.

Ҳозирги фан ва техника ривожланган вақтда бундай геодезик ишларни бажариш, ҳисоб-китобларни компьютернинг махсус дастурларида ҳам юқори аниқлик билан бажарилмоқда. Шунингдек, бундай яратиладиган геодезик асос қурилишнинг барча йўналишларида қўлланилиши мумкин.

*Фойдаланилган адабиётлар*

2.Н.М.Нишонбоев “Мақбул усулларда ечиладиган геодезик масалалар”  
Ўқув қўлланма. Тошкент. Ўқитувчи 1992.

3.Б.М.Саидов “Ноёб иншоотларни қуришдаги геодезик ишлар”  
Магистрлик диссертацияси. 2011 й.

## УДК 349.4(575.1)

Сервитут ҳуқуқини вужудга келишининг илмий асослари

204-ГКК гуруҳ талабаси Юлдошев Шахзод

Илмий раҳбар: Ибрагимов Лазизбек (СамДАҚИ)

**Калим сўзлар:** *сервитут, предиал, usus, usufructus, operas servorum*

**Аннотация:** Ушбу мақолада ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш, сервитут ҳуқуқини амалга ошириш ва ер муносабатларини тартибга солиш билан боғлиқ масалалар, ер участкаларидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солишининг илмий-амалий ва назарий муаммолари атрофлича ёритилган.

Ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, ер муносабатларини тартибга солиш ва ер участкаларидан чекланган тарздан фойдаланишни такомиллаштириш ҳамда ерларни муҳофаза қилишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширилишини таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш, ер участкаларига нисбатан мулк ҳуқуқи масаласи, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммолари таниқли эколог-ҳуқуқшунос олимлар М.Б. Усмонов, Ж.Т. Холмўминов, Ш.Х. Файзиев, Х.Ҳайитов, У.Т. Аюбов, М.Р. Мирзаабдуллаева, И.Б. Зокиров, Р.Ж. Рўзиев, Ш.Н. Рўзиназаров, С.С. Ҳамроев ва М.Х. Баратовларнинг тадқиқотларида қисман ўрганилган бўлсада сервитут ҳуқуқининг миллий қонунчилигимиздаги ўрни ва аҳамияти илмий асосланмаган.

Сервитут-ер ҳуқуқининг янги институти бўлиб, унга кўра маълум эҳтиёж ёки зарурият туғилганда бир ёки бир неча ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўзганинг ер майдонидан чекланган тарзда фойдаланишни амалга оширадилар.

Сервитутнинг ривожланиш тарихи ва элементлари Ҳамураппи қонунларида, ўрта асрларда Оссурия ва Хетт қонунларида ҳам ўз аксини топган. Бироқ, нисбатан мукамал кўринишдаги ҳуқуқий тартибга солиниши бевосита рим ҳуқуқи билан боғлиқ. Айни дамда “сервитут” сўзининг этимологик келиб чиқиши ҳам қадимги рим ҳуқуқига бориб тақалади. Рим ҳуқуқида ер сервитутининг турлари, уларни амалга ошириш хусусиятлари мустаҳкамланган[1].

Сервитут юқорида таъкидлаганимиздек, моҳиятан классик шаклда Рим ҳуқуқи даврида вужудга келган бўлиб, бошқа шахсга тегишли бўлган ашёдан фойдаланиш ҳуқуқи ўша даврда айнан сервитутни англатган. [2] “Servitus” сўзи “ашёнинг ўзга шахсга хизмат қилиши” маъносини англатиб, ушбу атамадан муайян ер участкаси ўз муклдоридан ташқари бошқа шахсга ҳам хизмат қилганда фойдаланилган. Рим ҳуқуқида даставвал фойдаланиладиган ашёларга нисбатан сервитут атамаси қўлланилган бўлиб, кейинчалик ушбу атама ўзганинг ашёсидан фойдаланишни англатган ва кенг омма ўртасида тарқалган.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига биноан фуқароларга ердан фойдаланишнинг янги шакли, яъни ўзганинг ер участкасидан чекланган

тарзда фойдаланиш ҳуқуқи белгиланди. Бу ер ҳуқуқида янги институт бўлиб, маълум эҳтиёж ёки зарурият туғилганда бир ёки бир неча ер участкаларидан ер эгалари, ердан фойдаланувчиларнинг ўзганинг ер майдонидан чекланган тарзда фойдаланиши тушунилади.

Бинобарин, амалдаги қонунчиликда ер сервитути ҳақидаги умумий қоидалар белгиланган бўлиб, уларни белгилаш ва бекор қилиш асослари, сервитут муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонунчилигимизда атрофлича тартибга солинмаган. Шубҳасиз, Фуқаролик кодексининг 173-моддаси ва Ер кодексининг 30-моддасига сервитутга оид умумий қоидалар ушбу соҳага оид муносабатларни тартибга солиш учун етарли эмас, бу айниқса ушбу соҳада хорижий тажрибага мурожаат этсак, яққол намоён бўлади. Зотан, бир қанча хорижий мамлакатларда сервитут муносабатларини тартибга солишга алоҳида бўлимлар ажратилганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 173-моддасида ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқи белгиланган бўлиб, унга кўра “Кўчмас мулк (ер участкаси, бошқа кўчмас мулк) эгаси қўшни ер участкасининг эгасидан, зарур ҳолларда эса - бошқа ер участкасининг эгасидан ҳам ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш (сервитут) ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлидир.

Ер участкасига ҳуқуқларнинг вужудга келишига асос бўладиган қонунда фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари вужудга келишининг асоси сифатида назарда тутилган давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳужжатлари деганда, даставвал бундай органлар томонидан ер участкасини мулк сифатида бериш тўғрисидаги қарорлари тушунилиши лозим. Бундай ер участкасининг мулк сифатида тақдим қилиниши доимий ёки муддатли фойдаланиш, ижара ва ҳоказолар кўринишида бўлиши мумкин.

Суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қарорида агар ер участкасига нисбатан ҳуқуқлар, жумладан сервитут ҳуқуқи белгилаб қўйилган бўлса, бундай асосга кўра ҳам ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи, жумладан сервитут ҳуқуқи вужудга келади. Бундай асос қоида тариқасида ҳуқуқ тўғрисида мавжуд бўлган низо натижасида келиб чиқади. Бундай низолар одатда судларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим қилинади. Суднинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаган қарорига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келадиган ҳолатга эгасиз ер участкасига нисбатан мулк ҳуқуқининг белгилаши мисол бўла олади. Умумий юрисдикция судлари ёки ҳакамлик судларининг қонуний кучга кирган қарорлари ер участкасига нисбатан бўлган ҳуқуқнинг суд қарорига асосан давлат рўйхатига олиниши учун асос бўлади.

Қонун йўл кўядиган асосларда мол-мулк олиш натижасида ер участкасига бўлган ҳуқуқларнинг, жумладан сервитут ҳуқуқининг вужудга келишига мисол сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 188-моддаси (ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқи)ни келтиришимиз мумкин. Унга кўра фуқаролар ва юридик шахсларнинг ер участкаларига



бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, тартибда ва шартларда юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддаси ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш деб номланади ва унга биноан ер участкаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини, ер участкаларини ижарага олиш ҳуқуқини, шунингдек ер участкаларига бўлган мулк ҳуқуқини, шу жумладан сервитутлар тўғрисидаги битимлар ва бу ҳуқуқларга доир бошқа чеклашларни давлат рўйхатига олиш туман (шаҳар) ер кадастри дафтарида тегишли маълумотларни киритиш орқали ер участкаси жойлашган ерда амалга оширилади.

Ўтказилган назарий ва амалий тадқиқот натижалари, қонун ва қонуности мёрий ҳужжатлар ва хорижий давлатлар таҳлилига таяниб қуйидагича хулосалар қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 30-моддасидан келиб чиқиб ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи – сервитут ҳуқуқининг келиб чиқиш асосларини қуйидагича гуруҳлаштиришимиз мумкин:

1) сервитутни белгилашни талаб қилган шахс ёки шахслар гуруҳи билан ўзга ер участкасининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси, ижарачиси ва мулкдори ўртасидаги келишувга мувофиқ вужудга келадиган сервитут ҳуқуқи;

2) тегишли равишда қабул қилинган суд қарорига асосан вужудга келадиган сервитут ҳуқуқи.

Фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг жамоа эҳтиёжлари бўйича қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 2-моддасида берилган ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг асосий принципларини фуқароларнинг ва жамоат ташкилотларининг ерга оид ҳуқуқларнинг белгиланишига оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиши принципи билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Фуқароларнинг ва жамоат ташкилотларининг ерга оид ҳуқуқларнинг белгиланишига оид қарорлар қабул қилинишида иштирок этиши принципи оммавий ер участкаси сервитутларини белгилашга оид қарорлар қабул қилинишида фуқаролар ва жамоат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб беришда ва фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг бундай қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирокини таъминлашда ҳуқуқий восита сифатида хизмат қилар эди.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги Қонунининг 16-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган ер участкасига бўлган ҳуқуқларни ва ер участкаларига оид битимларни давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги ёки рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкинлиги тўғрисидаги қонуннинг Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 35-моддасида ҳам белгилаб берилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юридик адабиётларда ерга нисбатан ҳуқуқ деганда ерни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш, сервитут, бир умрлик мерос қилиб қолдириш,

ижара каби ҳуқуқлар англашилишидан келиб чиқадиган бўлсак, сервитут бу ерга нисбатан бўлган ҳуқуқнинг бир кўринишидир.

Ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқига оид муносабатларни тартибга солишга оид хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш вазиятга ойдинлик киритиши ҳамда айрим муаммоларнинг илмий асослантирилган ечимини таклиф этиши, муҳими Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини такомиллаштиришнинг истиқболли йўналишларини ишлаб чиқишга асос бўлиши мумкин. Бу соҳада хорижий тажрибага мурожаат этиш зарурияти икки сабабга кўра зарурдир: биринчидан, маълумки, ўзганинг мулкидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи (сервитут) фуқаролик ҳуқуқий институти роман-герман ҳуқуқ оиласидан кириб келган; иккинчидан, сервитутлар хусусий мулкчилик билан чамбарчас боғлиқ эканлигини ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Усмонов М.Б., Мирзаабдуллаева М.Р., Узакова Г.Ш. Ўзбекистонда ер ҳуқуқининг назарий муаммолари. Монография // Масъул муҳаррир: Ж.Т.Холмўминов. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – Б. 124.

2. Юридический энциклопедический словарь. / Под общ.ред. В.Е.Крутких. – 3-е изд., перераб и доп. – М.: Инфра-М, 2004. – С. 365.;

3. Суд прецедентлари: Sunnyside Valley Irrigation District v. Dickie, Docket No. 726353MAJ (Wash. 2003).; Berg v. Ting, 125 Wn.2d 544, 552, 886 P.2d 564 (1995).

4. Астапенко П.Н. Римское частное право: Учебное пособие / Под общей редакцией профессора В.И. Кузицина. – М.: ЮИ МВД РФ, Книжный мир, 2001. – С. 125.

5. Новицкий И.Б. Римское право. – М., 1995. – С. 48.

6. Шейнин Л.Б. Земельное право России. – М.: Эксмо, 2006. – С. 244.

7. Нерсесов Н. И. Римское вещное право. – М., 1996. – С. 183.; Шейнин Л.Б. Земельное право России. – М.:

8. Усмонов М.Б. Ер ва қонун. – Тошкент: Адолат, 1994. – Б. 3.

### **Muhandislik-geodezik qidiruv ishlari**

*To'xtamishev Sh, 401 – GKK guruh talabasi Hamdamova D (SamDAQI)*

Muhandislik inshootlarini qidiruvdagi va qurishdagi geodezik ishlarining vazifalari va tarkibi: Inshootlarini qurishdagi loyiha ishlarini ishlab chiqishda muhandislik qidiruv ishlaridagi barcha geodezik ishlar qabul qilingan qurilish me'yoriy va qoidalari bo'yicha olib boriladi. Muhandislik qidiruv ishlarini hajmi va tarkibi, tasvir masshtabi va o'lchash aniqligi qidiruv dasturi bo'yicha belgilanib, loyihadagi joyning sharoiti, loyihalash bosqichlariga loyihalangan inshootni harakteriga moslanadi. Qurilish obyektlarining loyihalashdagi geodezik qidiruv ishlarining asosiy vazifasi loyiha bo'limlarini topografik geodezik ma'lumotlari bilan to'liq ta'minlashdan iborat. To'plangan bu ma'lumotlar loyihani sifatini ishlab chiqishda va baholashda asosiy omil hisoblanadi

Inshootlarni loyihalash maqsadida bajariladigan muhandislik —qidiruv ishlari maxsus qidiruv, qidiruv —loyihalash va loyihalash tomonidan olib boriladi.

Muhandislik — geodezik qidiruv ishlar tarkibi quyidagilardan iborat:

- qurilishdagi hududning bo'yicha o'tgan yillardagi topografik — geodezik ma'lumotlarni to'plash va ularni tahlili;
- tasvir olishda planli — balandlik geodezik to'rlarini tashkil qilish;
- 1: 10000 — 1:500 masshtabli topografik tasvir olish;
- avvalgi yillar olingan topografik planlarni yangilash;
- chiziqli inshootlarni trassalash va trassa elementlarni joyda biriktirish;
- muhandislik — geologik qazilmalar, geodezik va boshqa nuqtalarni bog'lash;
- gidrometrologik ishlar bilan bog'liq geodezik ishlarni bajarish;
- havfli geologik jarayonlar bilan bog'liq geodezik ishlar;
- mavjud korxonalar, inshootlarni loyihalash, ta'mirlashdagi geodezik ishlar, mavjud avtomobil yo'llarni tasvirga tushirish;
- muhandislik — geodezik materiallarni tahlil qilish va ko'paytirishdir;

Muhandislik inshootlarni qurishdagi geodezik ishlar majmuasi ham qurilishda qabul qilingan me'yoriy hujjatlar bo'yicha olib boriladi. Qurilishdagi geodezik ishlarni tarkibi hajmi va aniqligi loyiha hujjatlaridagi inshootni geometrik ko'rsatkichlariga mos kelishini ta'minlashi kerak.

Muhandislik-geodezik qidiruv ishlari:

• Muhandislik — geodezik qidiruv quriladigan inshootlarni loyihalashda kerak bo'ladigan topografik—geodezik materiallar va ma'lumotlar hamda boshqa turdagi (iqtisodiy, gidrometrologiya, muhandislik geologik va h.o) muhandislik qidiruvlarni bajarilishini ta'minlashi kerak.

• Muhandislik — geodezik qidiruv ishlarini bajarish uchun texnik topshiriq tuzilib, taxt qilinishi qidiruv dasturi tayyorlanishi, hisob—kitob va ishlarni bajarish uchun ruhsatnoma olinishi lozim.

• Qidiruv ishlarini bajarish uchun tuziladigan texnik topshiriq buyurtmachi tomonidan tayyorlanib, qidiruvni tashkil qilish va bajarish qidiruv dasturi va hisobot hujjatlari tuzish uchun barcha ma'lumotlar keltiriladi.

• Texnik topshiriq, asosida qidiruv ishlarini bajaruvchi korxonalar muhandislik qidiruv ishlarini dasturi, hajmi, tarkibi, uslubi, texnologiyasi va ishlarni ketma — ketligi tartibi ishlab chiqiladi. Dasturni texnik topshiriq, bilan mosligi buyurtmachi bilan kelishib olinadi.

• Muhandislik — geodezik qidiruv ishlarining tarkibi va hajmi nafaqat loyihalananayotgan hududni iqlimiy sharoitlari va inshootni katta kichikligi, loyiha bosqichlariga ham ko'proq, bog'liq bo'ladi ( texnik iqtisodiy asos T.I.A, texnik iqtisodiy hisoblar — T.I. H, loyiha — L (ishchi loyiha — I.L.) va ishchi hujjatlar.

Yuqorida qayd qilingan muhandislik — geodezik qidiruv ishlarini tarkibi barcha loyiha bosqichlari uchun bir tarafdin bir xil bo'lishi bilan birga, ayrim hollarda farq, qilishi ham mumkin. Chunonchi: loyihalashni boshlang'ich bosqichlarida (T.I.A. uoki T.I.H.) muhandislik — geodezik ishlar katta maydonlarda olib boriladi. Bu esa o'z navbatida aerokosmik usullarni qo'llash, mayda mashtabli topografik planlarni tuzishga olib keladi.

Har bir keyingi loyihalash bosqichida oldingi bosqichdan bajarilgan qidiruv materiallaridan foydalanib, topografik tasvir masshtabi yiriklashadi va yer usti usullar bilan tuplanadigan topografik — geodezik ma'lumotlar hajmi ham oshib

boradi; Ishchi hujjatlar loyihalash bosqichida qidiruv ishlari asosan yer usti geodezik usullar bilan bajarilib loyihalalanadigan inshootni asosiy o'qlari va elementlarni joyida belgilanib mustahkamlanadi.

• Gidrotexnika inshootlari qurish maqsadida olib boriladigan muhandislik-geologik qidiruv ishlari quyidagi ikki bosqichda olib boriladi: texnik-iqtisodiy asoslash (TIA);

- 1) texnik loyiha;
- 2) ish chizmasi.

Texnik-iqtisodiy ma'ruza (TIM) dasturini ishlarini tuzish, rayonning geologik tuzilishi haqidagi adabiyotni va arxiv materiallarini mukammal o'rganish hamda texnik topshiriqni o'rganishdan iborat. Buni asoslash uchun muhandislik-geologik syomka materiallardan foydalaniladi.

*Foydalanilgan adabiyotlar:*

1. Avchiyev Sh.K., Toshpo'latov S.A Amaliy geodeziya Toshkent:Toshkent kitob –jurnal fabrikasi.2002. I,II qism

3. Левчук Г.П., Новак В.Е, Лебедев Н.Н. Прикладная геодезия: М., Недра, 1983.

### **ArcGIS 9.3 дастуридан фойдаланиб, тарихий маданий объектлар давлат кадастрини юритишда электрон рақамли хариталарда маълумотлар баъзасини яратиш**

*Илмий раҳбар: Раҳимов Улугбек*

*Талаба: Абдурахмонов Шуҳрат (СамДАҚИ)*

Электрон хариталарни яратиш учун янги замонавий асбоблар ва дастурлар зарур бўлади. Шу жумладан ҳозирда ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ArcGIS 9.3 дастури янги рақамли хариталарни яратишда жуда қўлайликлар яратмоқда. Ушбу дастур ёрдамида яратилган хариталар билан ишлаш фойдаланувчининг имкониятларини янада кенгайтиради. Шунинг учун ушбу дастур ёрдамида тарихий маданий объектлар харитасини яратиш ва такомиллаштириш, маълумотлар баъзасини тўлдириш давр талаби ҳисобланади.

ArcGIS 9.3 дастури тарихий маданий объектларни географик маълумотлари ва атрибут маълумотлари билан биргаликда ишлаш имкониятини беради.

ArcGIS 9.3 дастурида маълумотлар базасини йиғиш ва сақлаш жуда қўлай. ArcGIS 9.3 дастурида электрон хариталарни яратиш учун қуйидагиларни бажаришимиз керак.

-ArcGIS 9.3 дастурининг ArcView қисми компьютер базасига ўрнатилади;

-жойни ҳаводан туриб рақамли фотокамера ёрдамида суратга туширилади;

-трансформацияланган суратлардан жойнинг фотоплани ёки фотосхемаси тuzилади;

-фотоплан олиб жойга бориб, дешифрофка қилинади;

-суратларни ArcGIS дастурига масштаб бўйича туширамыз;


-дешифрофка қилинган фотоплан ёки фотосхемага қараб ArcGIS дастурига электрон харита чизилади, шу билан биргаликда маълумотлар ҳам компьютерга киритилиб борилади.

ArcGIS дастури асосий икки қисмдан иборат.

1.ArcMap; 2.Arc Catalog.


1 бўлим ArcMap географик объектларни атрибут маълумотлар билан ишлашга қўлланилади.

Ишчи ойнадан ArcMap ни яъни, дастурни ишга тушириш учун, ишчи ойнадан ArcMap нинг устига сичқончанинг чап тугмасини босиш орқали ишчи ҳолатга туширилади (1.1 расм).





1.1 – расм.

2бўлим Arc Catalog бу маълумотларни бошқариш (1.2 расм).



1.2расм.





Arc Catalog ойнаси очилиб,  яратиблинади.


 ичига ўзимизга керакли шартли белгиларни ва объектларни киритамиз.

Ҳар шартли белгилар давлат стандартига мос равишда ясалади (1.3 - расм).

Ясалган ҳар бир шартли белгига координаталар тизимидан жойига тўғри келадиган координата тизимини киритамиз. Бизнинг республикамизда асосан Gauss Kruger координаталар тизимидан фойдаланилади. Барча топографик ва обзор топографик хариталар тенг бурчакли кўндаланг цилиндрик проекцияда тузилади. Бу проекцияни немис олими К.Ф.Гаусс (1777 - 1855) назарий жиҳатдан асослаган бўлса, иккинчи бир немис олими Л.Крюгер (1857-1923) уни ҳисоблаш формулаларини ишлаб чиққан. Шунинг учун ҳам Гаусс Крюгер проекцияси дейилади. Бу проекцияда эллипсоид сиртидаги шакл бурчаклари текисликда айнан ўзига ўхшаш тарзда тасвирланганидан унга тенг бурчакли ёки конформ (ўхшаш) проекция дейилади.

Баландлик бўйича бошланғич садҳий юза қилиб, Болтиқ денгизининг садҳи, ҳозирги Калининград шаҳридаги Кронштад фуштогининг ноли қабул қилинган.

Бу тизимни ишга тушириш учун ишчи ойнадан  ёқилади, унда  координалар очилади бу тизимдан  танланади. Pulkova 1942 йилги координата тизими ҳудудларга бўлинади. Биз яшаб турган ҳудудга мос келадиган  координата тизимидир (1.3 расм).





1.3 расм.

Arc Catalog ойнаси ёпилади.

ArcGIS дастурига электрон хариталарни киритиш.

Arc Map ойнаси очилади;

Arc Map ойнасидан редактор панели очилиб  ёқилади; редактор панелдан “задачи” пунктида “создать новый объект” очилади;

редактор панелидан  керакли “слой” танланади;


редактор панелидан  шу белгилар ёрдамида атрибут маълумотлар базаси яратилади;

атрибут маълумотлар базаси тўлдирилади (1.4 расм).

Свойство	Значение
ОБЪЕКТID	5
SHAPE_Length	494,462
Объект_номи	Бурхониддин Сагарджи макбараси
Объект_манзили	Самарканд шаҳри Регистон кучаси
Идоравий_мансублиги	Самарканд вилояти тарих ва маданият ёдгорликларини сақлашва улардан фойдалан...
Даври	XIV аср
Мухофаза_учун_асос_булган_хужжат	№52 27.03.1923 й. Туркистон Халк комиссаријати ва Марказий ижрои комитети, №58...
Объект_тури_ва_тоифаси	архитектура ёдгорлиги
Ер_кадастри_раками	141601930100020007001
Идентификацион_раками	<Null>
Иморат_баландлиги	22,90 метр
Умумий_эгаллаган_майдон_га_	11768,75
Бино_эгаллаган_майдон_квм_	200,27
Конструктив_элементлари	ганч аралашмали гишт
Архитектура_безаклари	йук
Техник_холати	коникарли
Охирги_таъмирланган_йили	1990 йил
Тарихий_маданий_киймат_ахамияти	бебахо
Объектнинг_суратлари	растри
Кушимча_маълумотлар	Шайх Бурхониддин Сагарджи макбараси адабиётларда 14 асрда курилган дейлади...
ДКЯТга_руйхатга_олинган_раками	№ 2624

1.4 расм.

Харитани ArcGIS 9.3 дастурида умумий кўриниши кўйидагича бўлади (1.5расм).



1.5расм

## Ерости коммуникацияларини замонавий электрон тахеометр ёрдамида планга туширишнинг ахамияти

*Раҳбар доцент Ф.А. Артиков*

*Стажёр ўқитувчи Ш.Р Саманқулов*

*Магистрант Бектошев Азиз*

*301-ГКК гуруҳ талабаси М.Н. Жумаев (СамДАҚИ)*

Яшаш жойлари, кўчалар, майдонлар ва саноат корхоналари ҳудудлари остида турли хил ерости коммуникациялар тўри жойлашгандир. Коммуникациялардан тўғри фойдаланиш ва уларни ҳисобини тўғри олиб боришда коммуникация ўлчамлари ҳақидаги маълумотлардан ташқари уларни планли - баландлик жойлашиш ҳолатини билиш зарур бўлади. Ушбу мақсадда ерости коммуникацияларини махсус геодезик планга олиш бажарилади. Планга олишда ерости коммуникацияларини текширув ва ўлчов ишлари бажарилиб, натижалар бўйича ҳудуддаги ерости комуникация тўрларининг плани тузилади.

Инженерлик комплекслари ва иншоотларини куриш жараёнида курилиш худудидаги ерости инженерлик тармоқларини ўтказиш ишларига катта этибор берилади. Ерости инженерлик тармоқлари таркиби ва катталикларини танлаш, жойга оптимал ётқизиш, нафақат, курилиш ишларида, балки бино ва иншоотларни эксплуатация қилишда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бу эса ўз ўрнида бу ишларни бажарувчи кадрдан юқори малака талаб қилади.

Шаҳар ерости коммуникациялари ўзиоқар ва босим остида ҳаракатланувчи ҳамда турли кучланиш ва мақсадлардаги кабелларга ажратилади.

**Ўзиоқар коммуникациялар** (масалан канализация) қувурлардаги оқова сувлар маълум бир нишабликда ўзлари ҳаракат қила оладиган қилиб курилади. Улар 600 мм ва ундан катта диаметрли қувурлардан курилади. Бу турдаги коммуникацияларга дренажларни ҳам киритиш мумкин.

Ўзиоқар қувур ўтказгичларни ётқизишда лойиҳавий нишабликларга катта аҳамият берилади, нишабликнинг энг кичик қиймати 200 мм диаметрли қувур учун 0,003-0,001 ва 1250 мм ва катта диаметрли қувурлар учун 0,0005 ни ташкил этиши керак.

**Босимости коммуникациялари** суюқликни маълум бир босим остида ҳаракатланиши учун курилади, буларга қуйидагилар киради: сувкоммуникациялари, иссиқлаштириш коммуникациялари, нефтқувурлари, газлаштириш ва бошқа коммуникациялар.

**Кабелли ётқизилмалар** электроэнергияни узатиш, электр билан ишловчи транспортлар ва ёритиш учун ишлатиладиган юқори ва паст кучланишли кабеллар ҳамда телефон алоқаси, радиоёшиттириш, сигналлаштириш учун ишлатиладиган тармоқлар мисол бўла олди.

Ерости коммуникацияларини планга олиш ўзаро ва йўл-кўчалар билан кесишуви одатда тўғри бурчак ёки унга яқин бурчак остида амалга оширилади ва уларнинг жойлашиш чуқурлиги коммуникациянинг туридан, хилидан ва маҳаллий иқлим шароитидаги тупроқ музлаш чегарасидан келиб чиқади. Ўзиоқар канализациянинг қуйидаги жойларида назорат қудуқлари ўрнатилади: қувур материали ва диаметри ўзгарганда, канал нишаби ўзгарганда, канални бурилиш бурчакларида ва канализация тизимларини уланиш жойларида.

Ерости коммуникацияларини ўтказиш бўйича бажариладиган инженер-геодезик ишлар мажмуи қуйидагилардан иборат:

- Ерости коммуникациялари ва улардаги иншоотларнинг трассасини жойга кўчириш ва тегишли белгилар билан мустаҳкамлаш;
- трасса ўқини батафсил жойга кўчириш;
- траншеялар қазилишида, қувурлар ётқазилишида, қудуқлар ўрнатишда ва бошқаларда отметкаларни аниқлаш;
- ерости тармоғининг трассасини, уланишларни, қудуқларни, фавқулодда чиқиш жойларини ижровий планга олиш.

Планга олиш ишларини анъанавий нивелирлаш усулидан четлашган ҳолда, замонавий электрон геодезик асбоблар ёрдамида бажариш анчагина вақт ва иқтисодий томондан энгиллик, ҳамда энг асосийси биз кутган



аниқликдаги натижаларга эришилмоқда. Ерости коммуникацияларини планга олишда электрон тахеометрнинг ўрни ва олинган натижаларни қайта ишлашда фойдаланиладиган дастурлар бўйича фикр мулоҳазалар юритамиз.

Leica TS 1500 электрон тахеометри ёрдамида ерости коммуникацияларини планга олиш ишлари олиб бориш (1-расм). Юқори аниқликдаги Leica TS 1500 электрон тахеометри секундига 1000 та нуқтани нишонга олади, ҳар 1000 м масофадаги аниқлиги  $\pm 0.5$  мм, ишлаш ҳарорати  $-20^{\circ}\text{C}$  дан  $+50^{\circ}\text{C}$  гача, оғирлиги 7.5 кг.

Замонавий тахеометр лазерли шовун ва маълумотларни кабелсиз компьютерга узатиш учун инфрақизил портга эга. Агар компьютер асбобдан 3 м узоқ бўлмаган радиусда жойлашган бўлса, маълумотларни инфрақизил порт орқали узатиш мумкин. Иш жойидан маълумотларни офисга узатиш учун қуйидаги алоқа занжирини қуриш мумкин: Тахеометр– мобил телефон, инфрақизил порт ва модем билан таъминланган– офис компютери.



1-расм. *Leica TS 1500 электрон тахеометри*

Замонавий тахеометр лазерли шовун ва маълумотларни кабелсиз компьютерга узатиш учун инфрақизил портга эга. Агар компьютер асбобдан 3 м узоқ бўлмаган радиусда жойлашган бўлса, маълумотларни инфрақизил порт орқали узатиш мумкин. Иш жойидан маълумотларни офисга узатиш учун қуйидаги алоқа занжирини қуриш мумкин: Тахеометр– мобил телефон, инфрақизил порт ва модем билан таъминланган– офис компютери.

Юқорида зикр этилган барча такомиллаштиришлар тахеометрларни мукамаллаштиради ва геодезист иш унумини ошириш билан бирга бозорда асбобнинг рақобатбардошлилигини ҳам оширади.

Тахеометрик план олишда барча коммуникация тармоқлари учун уларнинг планли ҳолати бўйича қуйидагилар аниқланади:

– геодезик асос пунктларига ёки контурнинг турғун нуқталарига нисбатан қудуқ қопқоғини, оралик нуқталардаги ва каналдаги қувурузатма ёки қудуқдаги кабеллар ўқини жойлашиш ҳолати;

– қудуқ, камера ва коверларнинг ташқи ва ички контури бўйича ўлчамлари;

– кудуқ ва кудуқ қопқоқлар мазказларини ўзаро силжиш-марказлашмаслик қиймати;

– кудуқ ва камералардаги тармоқ қисмларини уларнинг деворига ёки қувурузатмага нисбатан жойлашиш ўлчамлари;

– қувурузатманинг диаметри ёки канал кесими;

– қувурузатмалар уланиш жойлари ёки кабеллардаги уланиш муфтларининг кудуқ қопқоқларини марказига нисбатан ёки трассанинг бошқа характерли нуқталарига нисбатан жойлашиш ўрни.

Ерости коммуникацияларининг баландлик ҳолати бўйичақуйидагилар аниқланади:

– кудуқ қопқоқларининг халқасини отметкалари;

– кудуқ олдидаги ер сатҳи;

– қатта кудуқлардаги ёки камералардаги устки қоплама плитасининг усти отметкаси;


– кудуқларда ва тармоқ трассасининг оралиқ нуқталарида канал усти отметкаси (канализация, иссиқлик тармоғида);

– каналсиз ётқизилган тармоқларда қувурузатмани устки отметкаси;

– кудуқларда қувурларни остки ёки очик канализацияда нов туби отметкаси.

Энг содда ва шу билан бирга энг аниқ ва ишончли план олиш усулларида бири, зовурларга ётқизилган ер ости коммуникацияларини ижройи планини олиш ҳисобланади. Панда бурилиш бурчак учлари, кудуқлар ва бошқа характерли нуқталар геодезик асос пунктларига ёки иншоот ўқларига боғланади. Қувурутказгичларнинг баландлик ҳисоби аниқланиб чиқилади.

Leica TS 1500 электрон тахеометри ёрдамида ерости коммуникациялари планга олингандан сўнг маълумотларни порт орқали компьютер Auto CAD дастурига экспорт қилинади. Auto CAD дастури ёрдамида олинган маълумотлар қайта ишланиб съёмка плани тузилади. 2-расмда Дагбит-Сиёб (Шохизинда кўчаси). Auto CAD дастури ёрдамида тузилган ерости коммуникациялари плани келтирилган.



2- расм. Дагбит-Сиёб (Шохизинда кўчаси). Auto CAD дастури ёрдамида тузилган ерости коммуникациялариплани.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. ШНҚ 1.02.19-09-“Қурилиш учун йирик масштаблардаги махсус топография планлари”. Асосий талаблар.

2. Ер ости коммуникацияларини планга олиш фанидан амалий машғулотлар учун услубий қўлланма (А.Ғ.Қодиров 2010 й. 36 бет).

**ArcGIS дастурида хариталар яратиш**

*СамДАҚИ ўқитувчиси У.А.Бердикулов*

*СамДАҚИ 2-курс магистранти А.Н.Қобилов (СамДАҚИ)*

Ҳозирги кунда республикаимизда барча соҳаларда шу жумладан аҳоли яшаш жойлари, қишлоқ хўжалиги корхонларида ахборот технологиялари шу даражада ривожландики, уларда кадастр ишларини такомиллаштириш давр талабига айланди ва бошқа соҳаларда рақамли хариталар билан ишлаш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун ҳам янги дастурлар ва замонавий асбобларда амалга оширилмоқда. Шу жумладан Arc GIS 9.3 дастурида рақамли хариталар билан ишлаш имкониятларини янада кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш мақсадида дастурда рақамли хариталар билан ишлаш амалиётга тадбиқ қилинмоқда.

Arc GIS 9.3 ESRI компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу объектларни географик маълумотлари ва атрибут маълумотлари билан биргаликда ишлаш имкониятини беради.

Республикаимиз кадастр хизматлари даражасини ҳозирги замон талабларига мос тарзда ташкил этиш учун, давлат бюджетидан хар йили ажратиладиган катта маблағлар эвазига, мавжуд ер майдонлари ва кўчмас мулк объектларини электрон хариталарга тушириш ва кадастр маълумотларни тезкор қайта ишлаш бўйича автоматлашган тизим жорий этиш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда, кадастр маълумотларини автоматлаштирилган тизими хали янги ва энди шаклланиб келаётган бўлганлиги боис, бу тизим асосан тор доирадаги давлат мақсадларга хизмат қилиб келмоқда. Ваҳоланки, ривожланган давлатларда кадастр хизматлари нафақат давлат эҳтиёжлари учун балки кўчмас мулк объектларига боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатларга кирувчи турли муниципал, камунал хизмат кўрсатувчи, маркетинг, қурилиш транспорт логистик ва бошқа турдаги хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятлари самарадорликларини оширишга хизмат қилади.

Мисол учун қишлоқ аҳоли ерларини чегараси бўйлаб ўлчаганда 15гектар чикса хар битта аҳолининг ҚФЙ китобидаги хисоб китобини қўшиб чиксак 15 гектарни бермайди. Бу муаммоларни ечишда ҳозирги кундаги замонавий электрон асбов ускуналардан фойданиб рақамли хариталарни яратиб бу муаммоларни ечиш мумкин. ArcGIS дастуридан фойдаланиб қишлоқ аҳоли ерларининг рақамли кадастр харитасини яратилса қишлоқ аҳолиси ҳамда давлатимиз учун катта фойда келтирилади. Мисол учун ArcGIS дастурида рақамли хариталар яратилса унга барча турдаги малумотларни жойлаштирсак бўлади. Бу маълумотлардан маҳалла фуқаролар йиғини ва бошқа ташкилотлар ҳам бемалол фойдаланса бўлади. Бундан фойдаланиш

учун ArcGIS дастури харитани очиб аҳоли ва бошқа ташкилотлар хақида маълумотлар олишимиз мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги кунда юқори аниқликдаги рақамли хариталарни тузишда Arc GIS дастурини қўллаш фойдаланувчининг вақтини тежайди ва олиб борилаётган ишларни осонлаштиради. Ушбу рақамли хариталарни ишлаб чиқаришга жорий этиш иш унумдорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.



1-Расм қишлоқ аҳоли ерининг харитаси

2-Расм қишлоқ аҳолисиниг ArcGIS дастурида тайёрланган харитаси

### ArcGIS 9.3 дастуридан фойдаланиб, тарихий маданий объектлар тўғрисида сайёҳлик ва оммабопэлектрон хариталарини яратиш

*Илмий раҳбар: Раҳимов Улуғбек*

*Талаба: Абдиев Бунёд (СамДАҚИ)*

Тарихий маданий объектлар тўғрисида сайёҳлик ва оммабоп электрон схематик харита яратишда ArcGIS 9.3 дастуридан фойдаланилди. Ушбу дастурнинг имкониятлари кенглиги шундаки, турли хариталарни (рақамли, мавзули, топографик, планли, контурли хариталар) турли форматда чизиш (электронлаштириш) мумкин.

ArcGIS дастурида шартли белгиларни, матнни ва сарлавҳани исталган масштабда кўйиш мумкин. Хоҳлаган шартли белгини танлаб, шартли белги рўйхатида хоҳлаган масштаб белгиланади ва ўрнатилади. Panorama дастурида эса битта – битта териш керак бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳар иккала дастур ҳам ишлаб чиқариш жараёнида ўз ўрнига эгадир. *Panorama* дастури рус тилидаги дастурдир. *ArcGIS* дастури эса кўпроқ инглиз тилидаги дастурдир. Ҳар иккала дастурни ҳам яхши ўзлаштирган мутахассис учун ишлаш имкониятларини кенгайтиради [14].

*ArcGIS9.3* дастурида атрибут маълумотларни электрон схематик харитага жойлаштириш имконияти борлигини инобатга олиб, Самарқанд шаҳрини электрон схематик харитасини *ArcGIS9.3* дастурида яратдик.

*ArcGIS9.3* дастурида Самарқанд шаҳрини схематик харитасини яратишда:




SASPlanet дастури орқали шаҳар харитасини интернетдан керакли жойини белгилаб, кўчириб олинади;

олинган харитани .map ва .w кенгайтмалари қилиб хотирага жойлаймиз;

*ArcGIS9.3* дастури ёрдамида хотирага олинган харитани “добавить данные” функцияси орқали очилади;

харита растрли кўринишда бўлади;




харитага координаталарни қўйилади;


Бу ерда координаталар ўзгаради, яъни растрли харитани маҳаллий координатага ўтказиш учун UTM → WGS 1984 координата тизими худудларидан  WGS 1984 UTM Zone 42N танланади. Самарқанд шаҳри учун шу координата худуди тўғри келади.


маҳаллий координата тўри ўрнатилгач, керакли шартли белгилар ўрнатилади;

ўрнатилган шартли белгилар ёрдамида растрли кўринишдаги харита ўстидан схематик харита чизилади;


Тайёр бўлган схематик харитага тарихий маданий объектлар жойлаштирилади. Бу учун:


Редактор пунктини  Завершить редактирование учиради, сўнг Arc Catalog ишга туширилади. Arc Catalog ойнаси очилиб,  Персональная база геоданных яратиб олинади.  Персональная база геоданных

ичига кириб, контексли меню орқали “новый” пунктини белгилаймиз. Ёнидан очилган дарчадан  Класс пространственных объектов... пунктини танлаймиз. Кўйидаги ойна очилади (1.1 расм).



1.1 расм.

“Имя” қаторига шартли белги номи ёзилади, “тип” қаторига шартли белгини тури кўрсатилади. Сўнг “далее” тугмаси босилади. Координатани киритиш керак бўлган қисмида, UTM→WGS 1984 координата тизими ҳудудларидан  танланади. Тайёр шартли белгини Arc Catalogдан харита “слои”га кўчирилади. Шартли белги нуқта ҳолатида берилади, унга ўзгартириш киритилади (1.2 расм).




1.2 расм

Нуқтали шартли белгилар орасига белгиланган нишон кўринишида сақланади (1.3 расм).

Ушбу электрон схематик харитадаги атрибут маълумотлар сайёҳлар, сайёҳлик фирмалари, сайёҳлар учун фойдаланиладиган интернат сайтлари ва меҳмонхона хизматлари учун мулжалланган бўлиб, тарихий маданий объектлар давлат кадастрини юритишдаги электрон рақамли харита атрибут маълумотларидан фарқланади. Ушбу электрон схематик харитадаги атрибут маълумотларига давлат аҳамиятига молик бўлган баъзи маълумотлар киритилмаган.

Харитада атрибут маълумотлари умумий кўриниши қўйидагича бўлади (1.5 расм).



1.5 расм.

## **Нивелирлашда вертикал рефракцияни замонавий ҳисобга олиш усулларининг қисқача шарҳи.**

*Суюнов А.С., Эшимов А.А., Каримова У.Э.,  
Рахматуллаева К.Б. (СамДАҚИ).*

Атмосфера рефракцияси физик ҳолат сифатида қадимдан олимларни қизиқтириб келган. XIX асрнинг охирларигача мавжуд бўлган рефракциянинг эмпирик тадқиқотлари атмосферанинг юқори қатламларининг тузилиши ҳақидаги аниқ маълумотларнинг йўқлиги сабабли интуитив асосларда тузилган. Шу сабабли рефракция соҳасидаги кўплаб назарий тадқиқотлар узок вақт амалга оширилмасдан қолган.

Шуни таъкидлаш керакки, горизонтга яқин зонада вертикал рефракцияни ўрганишга бағишланган ишлар физика атмосферасини ўрганишга асосланган. П.Гарцер[1] илк бор оптик нурнинг тарқалиш йўлида рефракцияни ҳисоблаш учун 25 км баландликгача атмосферани аэрологик зондлашнинг катта статистик материалларидан фойдаланди.

Ф.Линк ва Л.Нежил [2] томонидан Ер юзасининг тўртта нуқтаси (Эквадор, Шарқий Ҳиндистон, АҚШ ва Канада)да  $85^{\circ} \leq Z \leq 90^{\circ}$  зонада аэрологик зондлаш материаллари асосида бажарилган тадқиқотлар амалиётда қизиқиш уйғотади. Ундан олинган натижалар Ф.Линк ва Л.Нежилга ёзги ва қишки давр учун оптик нурнинг горизонтал траекторияси учун ўртача рефракция қийматини ҳисоблаш имконини берди.

Ер рефракцияси назариясини ривожлантиришга

Ер рефракциясини ҳисобга олиш назарияси ва амалиёти масалаларига геодезия соҳасининг рус олимлари А.А.Изотов, Л.П.Пеллинен, Н.В.Яковлев, М.Т.Прилепин, И.Ф.Куштин, А.Л.Островский, Г.А.Мешееков, Л.С.Юношев, Б.М.Джуман, И.С.Пандул, М.В.Ратинскийлар шунингдек чет эл олимлари Ангус Леппан, Мориц, Куккамяки, Саасамойнен, Джейнс, Вейс, Лейонхувуд, Годзон, Бреттербауэр, Кобольд ва бошқалар ҳам ўз хиссаларини қўшишган.

Ҳозирги вақтда атмосферанинг тузилишини таснифлаш учун тадқиқотчилар кўпроқ метеопараметрларнинг ва ҳаво атмосферасининг зичлигини ўзгаришига тўғри келишини такидлайди. Бунинг учун эса аэрологик маълумотлардан фойдаланилади. Ер атмосферасида физик жараёнларнинг кўплаб тадқиқотлари олиб борилмоқда. Атмосферанинг тузилиши ва таркиби ўрганилмоқда, рефракциянинг замонавий назарияси таҳлил қилинмоқда, уни ҳисобга олишнинг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда. Бу масалаларга бағишланган энг янги фундаментал тадқиқотлар эътиборлидир.

Астрономик ва ер рефракцияси соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришнинг замонавий босқичида тўпланган тажрибаларни умумлаштириб рефракция таъсирни ҳисобга олишнинг учта асосий усуллари кўрсатиш мумкин:

1. Стандарт атмосфера моделини қўлловчи статистик усул.
2. Рефракция бурчакларини тўғридан-тўғри ўлчовчи инструментал усул.
3. Атмосферани зондлашда асосланган метеорологик усул.

Бурчак дисперсиясини  $0,01''$  гача аниқлик билан билиш зарурати геодезия рефрактометриясида инструментал усулларни ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда. Бундай аниқликка эришиш катта техник қийинчиликни туғдиради. Баланд объектлар рефракциясига келсак, атмосферадаги тинимсиз ўзгарувчанлик ҳолатлари ва турли омилларнинг геодезик ўлчаш ишларига таъсири, уларни дисперсион усулларда аниқлаш янада жиддий техник қийинчиликларга олиб келади.

Универсал геодезик асбоб – охирги авлод электрон тахеометрлари қисқа вақт ичида, маълум аниқликдаги натижалар билан ҳар қандай жойни суратга олишни ва зарурияти бўлган тегишли геодезик масалаларни ечиш мумкинлигини таъминлайди. Электрон тахеометр, электрон теодолит, кичикҳажмли фазалисветодално мерва микрокомпьютернинг битта конструкцияда жамланганини аниқлатади.

Улар рефракция билан курашишнинг иккита йўли кўрсатилган:

**1) зенит масофани кузатишда рефракция коэффициентни ёки (бурчаги)ни аниқлаш;**

**2) барча йўналишлар бўйлаб вертикал рефракциянинг бир хил бўлган коэффициентлиги даврида қўйилган кузатишлар.**

Ҳозирги вақтда маълумки, рефракция билан курашишнинг иккинчи йўли яъни барча йўналишлар бўйича атмосферанинг ерга яқин қатламини ташқи муҳитнинг таъсири бир хил бўлган нейтрал стратификацияси даврида мумкин. Бироқ бу даврлар (эрталаб ва кечқурун) жуда қисқа ва ҳаво атмосферасининг барқарор антициклон ҳолатида бу 20...30 дақиқани ташкил этади, бу геодезистларни асло қониқтирмайди. Шунинг учун биз шу жойда кузатиш вақтини узайтириш зарур бўлганда кузатиш жараёнини давом эттириш рефракция (коэффициенти) бурчакларини аниқлаш усулларини қўллаш кераклиги тўғрисидаги ҳулосага келамиз.

Бугунги кунгача вертикал рефракцияни ҳисобга олишнинг 20 дан ортиқ усуллари ишлаб чиқилган. Бироқ буларнинг баъзи бирларини алоҳида йўналишлар бўйича рефракцияни ҳисобга олиш имконини берувчиларини замонавий ва истикболли дейиш мумкин.

Бундай усулларга қисқача тўхталамиз.

**Вертикал рефракцияни ҳисобга олишнинг метеорологик усуллари.**

Метеорологик параметрлар бўйича вертикал рефракция коэффициентларини аниқлаш учун биринчи формула В.Я.Струве [7], томонидан ишлаб чиқилган. Афсуски, муаллиф унда рефракция коэффициентини бевосита босим ва ҳароратдан кўра босим ва ҳарорат градиентлари билан узвий боғлиқлигини билмаган.

Атмосферанинг баъзи нуқтасида вертикал рефракция коэффициентини аниқлаш учун назарий жиддий формулани [6] келтирган.

$$K = 502,4 \frac{P}{T^2} \left( 0.0342 + \frac{dT}{dh} \right) \quad (1.1)$$

Унда  $P$ - ҳаво босими мб да;  $T$ - ҳаво атмосферасининг абсолют ҳарорати Кельвинда ( $T=273,16+t$ );  $t$  - Цельсий градусида ҳаво ҳарорати;  $dT/dh$ - ҳаво ҳароратининг вертикал градиенти. (1.1) формула бир турдаги рефракцион майдонда амалий кучга эга. Яъни  $dT/dh = \gamma_a = \text{const}$ ;  $\gamma_0=0$ . Бунинг камчилиги



эса ана шу. У ўзининг ишида рефракциянинг нуқтали коэффицентидан ўртача, самарали эквивалент баландликка ўтишни таклиф қилган.

Эквивалент баландлик  $h_э$ ,

$$h_э = \frac{S^2}{2 \int_0^S \frac{1}{h} dl} , \quad (1.2)$$

(1.2) формула бўйича ҳисобланади.

бунда,  $dl$ -трасса профилининг букилмаган рельефикичиккесмаси;

$l$ - визир нуқтасидан  $dl$  кесма ўртасигача бўлган масофа;

$h$ - $dl$  кесмагада визир нурнинг баландлиги;  $S$ -визирлашчи зифи узунлиги.

Ҳаво ҳароратнинг эквивалент градиент формуласи қуйидагича ифодаланади [6]:

$$\left( \frac{dT}{dh} \right) = \frac{\gamma_1}{h_э} , \quad (1.3)$$

бунда,  $\gamma_1$ -бир метр баландликда ҳаво ҳароратнинг аномал градиенти.

рефракция коэффицентини  $K$  аниқлаш учун қуйидаги формулани кашф қилган:

$$K = K_H + \alpha \frac{\gamma_1}{h_э} ; \quad (1.4)$$

$$K_H = 12.259 \frac{P}{T^2} ; \quad (1.5)$$

$$\alpha = 502.4 \frac{P}{T^2} . \quad (1.6)$$

Аҳолининг миллий таркибини айланма ва устунли диаграммалар усулида тасвирлаш мумкин (4-расм).

### Аҳолининг миллий таркиби (фоизда)



4-расм. Аҳолининг миллий таркиби Республика миқёсида.

Аҳолининг ёш таркибини ҳам айланма ва устунли диаграмма усулида тасвирлаш мумкин (5- расм). Худди шу тарзда аҳолини этник таркибини тасвирлашда ҳам айланма ва цилиндрик диаграмма усулларидадан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлади




5-расм. Аҳолининг ёш таркиби бўйича тақсимланиши Республика миқёсида



6-расм. Аҳолини этник таркиби бўйича тасвирлаш.

Ҳаракатдаги белгилар усулида эса стрелканинг ранги ва қайси томонга қараб ҳаракатланишига қараб аҳолининг миграцияси ва иммиграциясини тасвирлаш мумкин. Масалан яшил рангдаги стрелкани аҳолини кўчиб келишини тасвирласак, қизил рангдаги стрелкада аҳолининг кўчиб кетишини тасвирлаш мумкин (7-расм).



7-расм. Аҳолининг миграцияси ва иммиграцияси.

Стрелканинг катта кичиклигига қарб аҳолининг кўчиб кетганини ва кўчиб келганилар сонини фарқлаболиш мумкин.

Миқдорли ранг усулида картада тасвирланаётган ҳудуд чегарасида, тасвирланаётган воқеа ва ҳодисани у ёки бу маълум бир миқдор кўрсаткичи бўйича қисмларга бўлиш ва уларни ҳар бирини майдонли график воситалар ёрдамида қоплаш ёки тўлдириш йўли билан ўша ҳодисани фарқлари тасвирланади. Ҳудудни қисмларга бўлиш тасвирланаётган ҳодисани миқдор кўрсаткичлари билан узвий боғланган бўлади. Масалан, статистик маълумотлардан фойдаланиб Ўзбекистон Республикасининг аҳолиси зичлигини шу усулда картада кўрсатиш мумкин.

*Фойдаланилган адабиётлар.*

1. Мирзалиев Т., Қорабоев Ж. Карталарни лоиҳалаш ва тузиш.-Тошкент., «Талқин», 2007.
2. Сафаров Э.Ю. Географик ахборот тизимлари.-Тошкент., Университет, 2010.
3. Асанов Г.Р.-Аҳоли географияси. Ўқув қўлланма.-Т.: Ўқитувчи, 1978.-220 б.

**УДК: 528.482**

### **Цифровая фотограмметрическая система PHOTOMOD**

*ТАСИ Ассистент кафедрасы «Геодезия и кадастр» Валиева А.Р.*

#### **Аннотация**

*Цифровая фотограмметрическая система PHOTOMOD сбора данных для построения сети фототриангуляции создания трехмерных моделей местности и уравнивания космических снимков для создания цифровых карт*

*местности. Создания 3D модели, трансформируются выбранную геодезическую систему.*

Цифровая фотограмметрическая система PHOTOMOD позволяет решать весь спектр задач от сбора данных для построения сетей фототриангуляции до создания трехмерных моделей местности. PHOTOMOD может использоваться как локальная полнофункциональная цифровая фотограмметрическая станция, распределенная сетевая среда для реализации больших проектов, дополнительные рабочие места к имеющимся у вас фотограмметрическим системам для выполнения наиболее трудоемких процессов.[1]

В состав системы входит управляющая оболочка PHOTOMOD Core и 10 основных модулей:

PHOTOMOD AT — выполнение этапа построения сети фототриангуляции

PHOTOMOD SolverA — уравнивание сетей фототриангуляции для снимков в центральной проекции

PHOTOMOD SolverS — уравнивание сетей фототриангуляции для сканерных снимков

PHOTOMOD DTM — построение ЦМР

PHOTOMOD dDSM — построение плотной модели поверхности

PHOTOMOD StereoDraw — стереовекторизация и трехмерное моделирование

PHOTOMOD 3D-Mod — построение и отображение трехмерных метрически точных моделей местности

PHOTOMOD Mosaic — построение ортофотопланов

PHOTOMOD StereoMeasure — решения лесотаксационных задач

ГИС «Панорама Мини» — создание цифровых карт местности (в монорежиме)

На рисунке 1 проведена технологическая схема обработки проекта в системе PHOTOMOD [3].


PHOTOMOD ScanCorrect — геометрическая калибровка планшетных сканеров

Кроме модулей система PHOTOMOD включает набор вспомогательных программ, предназначенных для создания системы ресурсов, управления размещением данных, подготовки растровых изображений и т.п.

PHOTOMOD Solver — уравнивание блочных сетей фототриангуляции

PHOTOMOD Solverпредназначен для уравнивания маршрутных и блочных сетей фототриангуляции. [1]

- ❶ *Метод независимых маршрутов* используется в основном для выявления грубых ошибок, таких как неверно заданные координаты опорных точек, ошибки позиционирования связующих точек и т.д.
- ❷ *Метод независимых стереопар* используется для повышения точности результатов уравнивания, полученных при расчете начального приближения.
- ❸ *Метод связок* используется для окончательного уравнивания блока.



**Рис.1. Технологическая схема системы PHOTOMOD**  
**Сводная характеристика модулей системы**

**Для уравнивания блока снимков центральной проекции в системе предусмотрены следующие методы уравнивания:**

Свободная модель используется при отсутствии данных геопривязки (координат опорных точек) на момент уравнивания блока. При этом необходимо выполнить только внутреннее и взаимное ориентирование снимков. После внутреннего и взаимного ориентирования снимков необходимо измерить координаты опорных точек и уравнять блок в выбранной системе координат. В результате все данные обработки проекта (векторные объекты, TIN, матрицы высот), созданные в свободной модели, трансформируются в выбранную геодезическую систему. [2]

Для уравнивания блока в свободной модели необходимо задать приблизительное значение базиса съёмки, который учитывается при расчете ошибок.

Следует помнить, что построение горизонталей и ортофотопланов в свободной модели невозможно.

**Для уравнивания блока космических сканерных снимков в системе предусмотрены следующие методы уравнивания:**

В *строгом методе* учитываются элементы внешнего ориентирования из метаданных, полученных от поставщика данных дистанционного зондирования Земли (ДЗЗ).

Большинство данных космической сканерной съёмки содержат, кроме собственно цифровых изображений, метаданные — дополнительную информацию. Эта информация может содержать данные об орбите спутника, приблизительную геодезическую привязку изображений, данные о геометрии съёмочной системы и т.п.



В *RPC-методе* используются RPC-коэффициенты из метаданных, полученных от поставщика данных ДЗЗ.

В *универсальном методе* используется параллельно-перспективная модель или алгоритм DirectLinearTransformation (DLT), что позволяет обрабатывать любые сканерные изображения (в том числе IRS, LandSat, и др.), однако при этом требуется большее число опорных точек на стереопару по сравнению со строгим методом и методом, использующим RPC-коэффициенты.

**Достоинством системы PHOTOMOD являются:**

- Замкнутый технологический цикл получения всех видов конечной продукции: ЦМР, 3D-векторов, ортофотопланов, цифровых карт без использования других программных продуктов
- Автоматизация фотограмметрических процессов
- Гибкая модульная конфигурация, позволяющая подобрать оптимальную комплектацию продуктов PHOTOMOD для решения тех или иных задач
- Распределенная сетевая среда для реализации больших проектов
- Высокая производительность и надежность системы
- Оптимальное соотношение цена/производительность

**К ключевым характеристикам системы можно отнести следующие:**

- Поддержка различных типов съемочных систем
- Широкий набор обменных форматов, обеспечивающий совместимость с другими фотограмметрическими и геоинформационными системами
- Поддержка большого числа систем координат, а также возможность задания собственной системы координат
- Контроль качества на всех стадиях технологического процесса
- Различные способы стереонаблюдения
- Поддержка различных средств ввода (3- и 5-кнопочные мыши, специализированные 3D-манипуляторы). [3]

Таким образом система PHOTOMOD позволяет решать следующие задачи:

1. Сбор данных для построения сетей фототриангуляции;
  2. Уравнения сетей фототриангуляции для сканерных снимков;
  3. Уравнения блока космических сканерных снимков;
  4. Построение цифровой модели местности;
  5. Создание цифровых карт местности;
  6. Построение и отображение трехмерных точных моделей местности
- Применение цифровой фотограмметрической системы PHOTOMOD позволяет автоматизировать фотограмметрических процессов и обеспечить высокую производительность.

*Список используемой литературы:*

1. Бородко А.В. О создании комплексной топографо-геодезической модели города//Геодезия и картография.-2004.-№1.
2. Черемисина Е.Н., Никитин А.А. «Геоинформационные системы и технологии: учебник для вузов» 2011.

3. Цифровая картография и геоинформатика. Краткий терминологический словарь. Под общей ред. Е.А. Жалковского. - М.: "Картгеоцентр - Геодезиздат, 1999. - 46 с.

УДК – 377.73.75.

### Қаламтасвирда перспектива

*Ҳ.Ҳ.Жўраев, санъатишунослик номзоди, Ч.Ҳ.Ҳамзаева  
СамДАКИ*

Уйғониш даври рассомлари ўтган асрлардаёқ инсоннинг кузатиш қобилияти қонуниятларини ўрганиб, шу асосдаги натижаларни ХУ асрга келиб қаламтасвир, рангтасвирларда тадбиқ этдилар. Тасвирий санъатдаги маълум ютук ва тажрибаларга эга бўлган рассомлар энди буюмларнинг шакли, ранги ва фазовий вазияти ҳақидаги илмий асосларни яратишга ўтдилар. Изланишлар натижасида пайдо бўлган инсондаги кўриш ва кузатиш қобилиятини белгилайдиган фанни Италия рассомлари "Перспектива" деб номлашди.

Борлиқ дунёни кузатиш натижаларини буюк итальян рассоми Леонардо да Винчи системалаштириб уч йўналишга ажратди. У ҳажми бир хил (катталиқдаги) буюмларни кузатувчидан узоқлашган сайин кичрайиб кўринишини (ўзгариши'ни) чизиқли перспектива деб атайди.

Хаво бўшлиқларига кириб узоқлашган буюмлардаги ранг-ларнинг ўзгариши натижасини ранг ва хаво перспективаси деб атайди. Еруғлик ва соянинг кучи ранг жарангдорлиги ва манзара элементлари кузатувчидан узоқлашгандаги ўзгариш хусусиятла-рини Леонарда да Винчи 3 йўналишида таҳлил қилади.


Аниқ фанга айланиб боргани чизиқли перспектива "тури рассомлар учун ҳар хил материаллар" (қоғоз, мато, деворий сурат) юзасида чуқурликни кенгликни ифодалаш имконини яратди.

Уйғониш даври рассомларидан Паало Учела, Альбрехт Дюрер Леонардо да Винчилар чизиқли перспектива қонунларини ишлаб чиққанлар. Кейинги йиллар мобайнида бир қанча олим-лар ўқитувчи рассомлар меъморлар, тасвирий санъат усталари шу соҳада илмий изланишлар ва ижодий ишлар олиб бордилар. Шулар жумласидан рус раштасвир усталари Н.Н. Ге, Крамской, В.Д.Поленов, К.Ф.Юонларни эслаб ўтиш мумкин.

Уйғониш даври рассомларининг тасвирий санъат бўйича ишлаб чиққан перспектива қонунлари кейинчалик ижодкор рас-сомларга ноёб амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Уз на-вбатида бу уларнинг жаҳон тасвирий санъатининг ривожлани-шига ўлкан хисса қўшганликларининг далолатидир.

Кўриш майдони. Бу чизувчининг тасвирланаётган буюмни (натурани) кўриш камрови даражасидир. Буюмдан йўнал-тирилган нурни кўриш нақтамизга интилувчи "кузатиш конуси" (пирамида)си деб фараз қилсак, унинг асоси кўриш майдони ва учини эса кўриш нактаси деб тушуниш мумкин. Кўриш майдо-нининг чегараси фазовий бўшлиқнинг катта қисмини эгалласада лекин кўз майдон марказидаги предметларни аниқ ва равшан

кўради. Кўриш нуқтаси натурадан узоклашган сари, кўриш май-дони кенгайиб, тасвирланаётган натуранинг тўлалигича чизиш имконини беради.



Чизикли перспектив қисқаришни намоиш этадиган мослама.

Лекин натураи узок масофада туриб, унинг ҳамма қисмлари ва хажмларини тўлақонлик тасвирлаш анча мураккаб бўлиб қолади. Хажми катта бўлган объект якин масофадан кўриш майдонига сиғмай унинг ҳамма қисмларини кўз билан илғаб олиш қийин. Шу боисдан буюм (натура, объект) нинг кат-та кичиклигига қараб чамалаб масофани тўғри танлаш керак. Кўриш майдонини тўғри белгилаш чизувчидан ноёб сезги ва махоратни талаб қилади. Тасвирланаётган предметлардан чи-зувчигача бўлган масофа у(лар) умумий хажмининг уч марта катталашганига тенг бўлгани мақсадга мувофиқ бўлади.

Талабалар чизмачилик ва чизма геометрия фанларини ўзлашгириш билан бирга қаламтасвир кўникма малакаларни эгаллашлари яхши ва самарали натижа беради. Чунки бу фанлар нуқта проекциясидан то геометрик сиртлар ўзаро кесишувчи чизиклар проекциялари ва яққол тасвирларигача ўрганиш жараенида талабаларнинг фазовий тасаввурларини ривожлантириб, фикрлаш доирасини кенгайтиради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, қаламтасвирни ҳам оддий сиртларга эга бўлган геометрик жисмлардан (аввало биттаси ва кейинчалик бир нечтасидан тузилган натюрмортни) чизишдан бошлаш керак. Шу оддий геометрик сиртларнинг ташкилий қисми-томонлар (текисликлар)ни чизиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар

1. А.Егамов, В.Боymesов, Х.Аминов. Chizmatasvir. Kasb-hunar kollejlari uchun o'quv qo'llanma. "Sharq" nashriyot – manbaaaksiyadorlikkompaniyasi Bosh tahririyati – Toshkent – 2007.

2. Халилов Р. Рисунок. Издательство “Наврўз”. Т. - 2013.

## Архитектурада замонавий йўллар, кўприкларнинг афзаллиги ва бунёдкорлик ишлари

*Илмий раҳбар Жўраева Э.Ж.; Ҳайдарова М.А. - 401-КХАЛТЭ гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)*

Истиқлолнинг ҳар бир йили улуғ бунёдкорлик ишлари, мамлакатимиз ҳар томонлама юксалиши билан мустақил Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан битилмоқдаки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан замон талабига риоя қилган ҳолда изчиллик билан, тизимли равишда давом эттирилмоқда. “Йўл қурмоқ – савоб, йўл юрмоқ – роҳат” деб ота-боболаримиз бекорга айтишмаган. Шу боисдан ҳам аҳоли учун янада кенг қулайликлар яратиш, транспорт ҳаракатини тартибга солиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз замонавий кўприклар қуриш, йўлларни замон талабларига мослаштириш, аҳолига қулайликлар яратиш ҳалқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар. Мисол тариқасида пойтахтимизда умумий узунлиги 900, баландлиги 6, кенглиги 24 метр бўлган 6 полосали пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий ва Себзор кўчалари кесишадиган майдонда бунёд этилган кўприк лойиҳаси (1-расм) ҳайдовчилар ва пиёдаларга бир қанча қулайликлар яратди. Давлатимиз раҳбари йўл ва кўприк атрофини ободонлаштириш, аҳоли ва транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун барча зарур имкони-



1-расм

ятларни яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Мамлакатимизнинг кўплаб шаҳарларида транспорт воситалари кўпайиб бораётгани сабабли, замонавий кўприкларнинг аҳамияти жуда каттадир. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганининг исботидир. Зеро, мамлакатимизда кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсад ҳам аҳоли турмуш даражасини ошириш, инсон манфаатларини тўла таъминлашдир.

Кўприклар асосан кесишган чорраҳа кўчаларида транспорт тиғизлиги автомобил ва пиёдаларга ноқулайлик туғдирмаслик учун қурилиши лозим. Бу турдаги кўприклар мазкур муаммоларга барҳам бериш билан бирга автомобиллар ҳаракатининг узлуксизлигини ва хавфсизлигини таъминлашда хизмат қилади. Бу кўприкларнинг афзаллиги шундаки, кўприкнинг икки

томонида пиёдалар учун йўл усти ўтиш йўлаги барпо этилган. Ёгингарчилик кунларида ҳимояланиш мосламалари ўрнатилган.



2-расм

2-расмдаги кўприк «Тошкентбошплан ЛИТИ» давлат унитар корхонаси, «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компаниясига қарашли «Кўприкқурилиш» трести томонидан бунёд этилди. Лойиҳа бўйича йўл ўтказгичнинг умумий узунлиги 942 метр, кўприк қисмининг узунлиги эса қарийб 500 метрни, баландлиги эса 7,5 метрни, умумий эстакада қисмининг узунлиги 201 метрни, йўл ўтказгичнинг кенглиги 26,3 метрни ташкил қилади. Бундан ташқари, узунлиги 98 метр, кенглиги 4 метр ва баландлиги 3,5 метрли ер ости йўлаги, узунлиги 104 ва 113 метр, кенглиги 4,3 метр, баландлиги эса 6 метрли 2 та ер усти пиёдалар йўлаги қуриб битказилган. Пиёдалар ер усти ўтиш йўлакларининг икки томонидан зинапоялардан ташқари эскалатор ҳам ўрнатилган. Бу эскалаторлар соатига 6700 нафар йўловчини ўтказиш қувватига эга. Ушбу кўприкни худди музейга ўхшатиш мумкин. Одамлар бу ерга уни томоша қилиш, ҳордиқ чиқариш учун келишмоқда. Мисол учун, пиёдалар кўприкларига эскалатор ўрнатиш дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам энди-энди бошланмоқда. Шунини тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу кўприкка ўхшаш иншоотларни МДХ давлатларида ҳам учратиш қийин.

Шаҳар қиёфасини ўзгаришида кўприкларнинг ўрни катта. Экология нуқтаи назаридан ҳам бу муҳим аҳамияга эга. Автомобил ёнилғисининг кўп ишлатилиши атроф-муҳит мусаффолигига салбий таъсир қилади. Шаҳарнинг марказий кўчаларининг бирида транспорт тиғизлиги юз берса, бошқа кўчаларга ҳам таъсир кўрсатади. Кўприклар ана шу муаммоларни бартараф этишда муҳим ўрин тутаяди. Масалан, Самарқанд шаҳри мисолида Охунбобоев ва Титова кесишган кчорраҳаларда автотранспортнинг тиғизлиги сабабли, одамларга ноқулайлик туғдирмаслик учун бу турдаги кўприклар қурилиши лозимдир.



3-расм

Мамлакатимизда Ўзбекистоннинг барча шаҳар ва қишлоқларида кенг ва раво йўллар, замонавий йўлўтказгич (3-расм) ва кўприклар қуриш орқали архитекторларимиз учун улкан тажрибалар тўпланди. Замонавий кўприклар қуриш, йўлларни замон талабларига мослаштириш аҳолига қулайлик яратиш, халқимиз фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилиши муҳим масалалардан биридир. Бундай кенг қўламли ва эзгу ишлар туфайли мамлакатимизнинг барча шаҳарлари кўчаларининг хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги тубдан яхшиланмоқда. Бугунги кунда мана шундай замонавий кўприкларнинг йўлсоз ва қурувчиларимиз томонидан барпо этилиши мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг нақадар юксалганини ёрқин тасдиғидир.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз даврида ҳам кўприклар қуриш ишларига алоҳида эътибор қаратилган: "...Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар, ҳаммомлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устида работ бино қилишни, дарёлар устида кўприклар қуришни буюрдим...". Ўша замонда Зарафшон дарёсида, кейинчалик Амударё ва Сирдарё устига кўприклар қурилган.

## УДК: 528.2

### **Анализ ведения государственного кадастра недвижимости зарубежом Л.Т.Ибрагимов, З.Умурзоқов (СамГАСИ).**

*The main ideas of foreign cadastral systems are considered in the article. The authors present the conclusions to the issues considered in terms of modern cadastre state real estate practices and property rights registration.*

Сведения кадастрового учета в большинстве стран мира оказывают большое влияние на общую землеустроительную политику страны, поэтому максимально точные сведения о размерах и состоянии земельных ресурсов чрезвычайно важны, а отсюда повышенное внимание к кадастровому учету.

Цель исследования заключается в анализе кадастровых систем в странах с высоким уровнем экономического развития, что позволит сделать вывод о существенных различиях в понятиях земельного кадастра, его организационной структуре, содержании и способах ведения.

Рассмотрим особенности земельного кадастра в следующих странах: Германия, Франция, Швеция. Выбор стран основывался на высоком уровне экономического развития стран.

Изучение мирового опыта является необходимым элементом формирования и совершенствования национальной системы кадастрового учета.

#### Ведение кадастра в Швеции

Вся земля в Швеции разделена на единицы недвижимости и все они зарегистрированы в Реестре недвижимости. Каждая недвижимость имеет уникальное название, которое служит для правовой идентификации.

Основной целью реестра недвижимости есть определение недвижимости и обеспечение обзора раздела земли на недвижимость. Более детальная и полная информация о недвижимости находится в кадастровых делах (документах о кадастровых изменениях). Они сохраняются в архиве офиса регистрации.

Регистрация недвижимости выполняется Агентствами по регистрации недвижимости. Национальная Землемерная Служба контролирует эти агентства и отвечает за их деятельность.

Основной целью земельной регистрации есть предоставление официального статуса и юридической защиты актам купли-продажи недвижимой собственности.

Система регистрации земли, которая хорошо функционирует, служит гарантией и поддержкой экономических транзакций.

«Шведская система «Банк Данных о Недвижимости» - интерактивная система, созданная вокруг мощного центрального компьютера. Первичные пользователи – Реестр Недвижимости и Агентства по регистрации прав на недвижимость используют терминалы и принтеры, связанные с главным компьютером через телефонные сети. Получение информации из банка данных доступно через сеть терминалов для банковских учреждений, муниципалитетов, агентств по недвижимой собственности, страховых компаний и других основных пользователей информации [6].

#### Ведение кадастра в Германии

В Германии система состоит из двух частей: поземельной книги и кадастра, которые тесно взаимосвязаны. Понятие «земельный участок» согласно немецкому праву объединяет два признака: «ограниченная часть земной поверхности» и «регистрационная запись в поземельной книге».

Организация и ведение земельного кадастра осуществляется в различных федеральных землях Германии по-разному. Например, в федеральной земле Гессен земельные дела ведет Министерство экономики, транспорта и развития территории в г. Висбаден.

В ряде других земель Германии вопросы управления земельными ресурсами и ведения земельного кадастра решают Министерство финансов, Министерство экономического развития и др.

Поземельная книга в Германии предназначена для определения и установления прав на отдельные земельные участки, предоставления

установленных законом гарантий прав собственности, регистрации обременения собственности (земельных участков).

Кадастр недвижимости содержит полную информацию о недвижимости на всей территории: геометрическую (геодезическую) и семантическую информацию о земельных участках и зданиях.

Кадастр недвижимости состоит из трех частей: книги кадастра недвижимости (описательной части), кадастровой карты (графического отображения земельных участков) и результатов геодезических вычислений.

Книга кадастра недвижимости обеспечивает ведение в электронной форме реестровых данных (семантических характеристик земельных участков).

Поземельная книга и кадастр недвижимости в Германии из-за исторически сложившегося различного их назначения (гарантия собственности на землю и основа для земельного налогообложения) возникли отдельно, и только после появления Устава поземельной книги между этими двумя реестрами определилась связь.

В последние годы происходит объединение земельного кадастра и поземельной книги в одну базу данных.

На завершающем этапе создается единая земельно-информационная служба Германии, что соответствует общим стремлениям большинства западно-европейских государств.

#### Ведение кадастра во Франции

Во Франции исторически сложилась своя довольно сложная система информационного обеспечения управления земельными ресурсами, в которой задействованы различные министерства и ведомства.

Кадастровый план является основным кадастровым документом, он используется для установления (локализации) местоположения земельного участка и идентификации строений. План составляется для каждой коммуны и полностью охватывает ее территорию.

«Парцелла является базовой кадастровой единицей. Она представляет собой участок земли, принадлежащий одному собственнику. Каждая парцелла идентифицируется по уникальному номеру внутри кадастровой секции [3].

Сводным документом для учета и оценки имущества, а также для определения земельного налога застроенных и незастроенных земельных участков служит кадастровая матрица.

В соответствии с программой соглашения между налоговыми управлениями и местными органами власти продолжается сканирование кадастровых планов. Файлы со сканированными планами заменяют бумажные копии и служат базой для векторизации. Эти файлы ежегодно обновляются. Их можно получить для пользования за определенную плату.

Анализ кадастровых систем зарубежных стран позволяет сделать следующие выводы:

1. Земельный кадастр в большинстве стран Западной Европы служит основой для построения и поддержания различных видов кадастра и реестров (недвижимости, лесного, водного, природоохранного, градостроительного и



т.) и базируется на земельных участках. Этим обеспечиваются информационная увязка всех видов кадастра, оперативное получение и передача информации о природных ресурсах, значительная эффективность кадастровых систем и их минимально необходимое число.

2. Значительный эффект дают информационные системы, прежде всего в тех государствах, где интегрированы земельно-кадастровые и регистрационные системы в рамках одной организации. Это свойственно таким странам, как Франция, Швеция и др.

3. В большинстве экономически развитых зарубежных странах объекты недвижимого имущества, прочно связанные с землей, следуют за земельными участками. Земельный кадастр превращается в этих государствах в «кадастр недвижимости». Этот положительный опыт характерен в первую очередь для Швеции, Франции. Он позволяет пользователям сэкономить время и средства.

4. Необходимо отметить, что многие положения не могут быть автоматически перенесены в нынешнюю систему кадастра недвижимости и регистрацию прав на недвижимость в нашей стране. Основными причинами этого являются различия в характере земельных отношений, размере территории и административно-территориальном устройстве, нормативно-правовом обеспечении, уровне материально-технической базы, современном состоянии и технологиях выполнения работ.

#### *Литература:*

1. Зарубежный опыт функционирования кадастровых информационных систем// Филиппова А.П. – Земельный вестник России, №1-2, 2005 – с.63-68.

2. Земельно-кадастровые работы. Технология и организация/ Л.И.Коротеева – Ростов н/Д: Феникс, 2006. – с.23.

3. Землеустройство. Том 7. Землеустройство за рубежом.// Волков С.Н. – М:КОЛОСС, 2005 - с.63

4. Недвижимость, кадастр и мировые системы регистрации прав на недвижимое имущество// Никонов П.Н., Журавский Н.Н.-Аналитический обзор, СПб, 2006

5. Опыт управления земельными ресурсами в зарубежных странах /Рассказова А.Н. - Электронный журнал Investzem.Ru

6. Правовое регулирование ведения государственного земельного кадастра: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук// Сидоренко В.Н. – М., 2003

**УДК: 528.6**

### **Тупрокларнинг агрокимёвий харитасини тузиш**

*204 -ГКК гуруҳ талабаси Умирзоков Зойир*

*Илмий раҳбар: ГКваК кафедраси ўқитувчиси Ибрагимов Лазизбек  
(СамДАҚИ)*

Мамлакатимиз аграр сиёсатининг бош мақсади қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни тўлиқ қондириш, мамлакат озиқ-овқат

хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд табиий ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали давлатимизнинг иқтисодий қудрати ва аҳоли яшаш фаровонлигини янада яхшилашдан иборатдир.

Аграр тармоққа йиллар давомида асосий эътиборни қаратилиши натижасида ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш, хусусан, деҳқон-фермер хўжаликларини устувор ривожлантириш, уларда ерга эгалик ҳуқуқини таъминлашга катта эътибор қаратилди.

Тупроқдан илмий асосда тўғри фойдаланиш учун тупроқнинг хоссасини, хусусиятларини, уларнинг тавсифини, агрономик кўрсаткичларини, табиий унумдорлигини ва шароитини ҳисобга олишда картографик материаллардан фойдаланишнинг илмий асосларини яратиш ва самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан замонавий технологияларни қўллашга боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2640-сонли ҳамда 2016 йил 31 декабрдаги “2017 йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш, уларни ишлаб чиқаришда мувофиқлаштириш ҳамда ишлатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2712-сонли қарорларига мувофиқ, агрокимёвий таҳлиллар асосида агрокимёвий хариталар тузиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу боис, тупроқларнинг агрокимёвий харитасини тузиш услубиятини такомиллаштириш Самарқанд вилоятида фаолият олиб бораётган фермер хўжаликлари суғориладиган ер майдонлари тупроқлари агрокимёвий хаританомасини тузиш ва қишлоқ хўжалик экинларини ўғитлаш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

“Агрокимё станцияси” томонидан тупроқ агрокимё дала текширув ишлари натижасининг маълумотларига асосланиб ишлаб чиқилган Агрокимёвий хаританомалар тупроқ таркибида мавжуд ҳаракатчан озик моддалар миқдорини акс эттирувчи асосий график ҳужжат ҳисобланади

Агрокимёвий хариталар фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг экин турлари ва режадаги ҳосилдорлик бўйича минерал ўғитларнинг йиллик меъёрлари ҳамда оптимал агротехник муддатларда қўлланиши юзасидан илмий асосланган кўрсатмадир.

Тупроқларнинг агрокимёвий харитасини тузиш учун тажриба намуналари Самарқанд вилояти Окдарё туманида олиб борилди. Тумандаги фермер хўжаликларига тегишли суғориладиган ерлардан хўжаликнинг 1:10000 масштабни ердан фойдаланиш харитасига асосан тупроқнинг устки 0-30 см қатламидан Агрокимё станцияси томонидан намуналар олинган.

Тупроқда озик моддалардан бирортасининг (айниқса, азот, фосфор ва калий нинг) етишмаслиги ёки унинг ортиқча бўлиши ўсимликка салбий таъсир этади.

Қишлоқ хўжалигида асосан уч турдаги, яъни азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлардан фойдаланилади. Маълумки, қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклаш ва сақлаш уларнинг минерал ва маҳаллий ўғитлар билан


таъминланганлигига боғлиқ. Шунингдек, маҳаллий (органик) ўғитлар кўлламасдан, фақат азотли ўғитлардан муттасил фойдаланиш, тупроқ таркиби, унинг биологик, агрокимёвий, сув-физик ва физик-кимёвий хоссалари ва режимларини бузилишига маҳсулот сифатини пасайишига олиб келади.

**Азот** оксил моддалар таркибига кириб асосан, ўсимлик ер устки органларининг ўсиши ҳамда ривожланишида катта роль ўйнайди. Тупроқда азот етишмаса, ғўза ёмон ўсади, барглари сарғайиб майда бўлиб қолади. Аксинча, кўп бўлса ғўза ғовлаб сербарг, ранги тўқ кўк бўлиб, ривожланиши кечикади. Шунинг учун, **азотли ўғитларни** кўллашда, тупроқ ва иқлим шароити ҳамда тупроқнинг агрокимёвий ҳолатидан келиб чиқиб улардан фойдаланиш лозим.

**Фосфор** ҳам, азот сингари, оксиллар таркибига киради ва ўсимликларнинг нафас олиши ҳамда илдизларининг ўсишига катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, ўсимликнинг ривожланишини ва меваларининг етилишини тезлаштиради.

**Калий** ўсимликларда эркин ёки кучсиз кимёвий бириккан ҳолда, асосан, у ўсимликни яхши мустаҳкамланишига, ҳосилнинг ошишига ва турли касалликлар, сув танқислигига чидамли бўлишига ёрдам беради.


Намуналар олишда ҳар бир дала 5 гектарлик элементар участкаларга ажратилди. Ҳар бир элементар участкадан конверт усулида 20 та индивидуал тупроқ намуналари олиниб улар аралаштирилиб ўртача намуна тайёрланди. Олинган намуналар лабораторияга олиб келиниб, майдаланиб диаметри 1 мм бўлган ғалвирдан ўтказилиб, тупроқ таркибидаги гумус ва ўсимликлар учун зарур бўлган озик элементлар, яъни ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчан калий миқдори аниқланди.



Олинган лаборатория таҳлиллари асосида “PANORAMA” дастурида тупроқларнинг ҳаракатчан фосфор ва алмашувчан калий билан таъминланганлик даражаси харитаси тузилди ва қишлоқ хўжалиги экинларини ўғитлаш бўйича тавсиялар берилди.

**1-расм. Тупроқлар таркибидаги ҳаракатчан фосфор  $P_2O_5$  миқдори бўйича Х А Р И Т А (мг/кг тупроқда ҳисобида)**

Тупроқни ҳаракатчан фосфор билан таъминланганлиги	1 кг тупроқда ҳаракатчан фосфор миқдори мг	Майдонлар бўйича нисбати		
		Таъминланганлик даражаси	Га	%
Ранглар	Гуруҳланиш			
Кизил	Жуда кам	0-15	22,0	31
Сарик	Кам	16-30	12,9	18
Хаво ранг	Ўртача	31-45	18,6	26
Кўк	Юқори	46-60	17,3	25
Яшил ранг	Жуда юқори	60 дан ортиқ		
<b>Жами :</b>			<b>70,8</b>	<b>100</b>



**2-расм. Тупроқ таркибидаги алмашувчан калий  $K_2O$  миқдори бўйича Х А Р И Т А (мг/кг тупроқда)**

Тупроқни алмашувчан калий билан таъминланганлиги	1 кг тупроқда алмашувчан калий микдори, мг	Майдонлар бўйича нисбати		
Ранглар	Гуруҳланиш	Таъминланганлик даражаси	Га	%
Сарик	0-100	Жуда кам		
Кизил	101-200	Кам	4,0	5,6
Хаво ранг	201-300	Уртача	66,8	94,4
Кўк	301-400	Етарли		
Яшил ранг	400 дан ортиқ	Юкори		
<b>Жами :</b>			<b>70,8</b>	<b>100</b>

Мазкур минерал ва органик ўғитларни табақалаштирилган ҳолда қўллаш бўйича тупроқларнинг агрокимёвий харитасини тузиш услубияти фермер хўжаликлари раҳбарлари, уларнинг мутахассислари ва иш юритувчилари, шу соҳада меҳнат қилаётган кенг ишбилармон ва тадбиркорлар оммасига мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалиги экинларини минерал ўғитлар билан озиқлантиришни илғор технологиялар асосида ўтказиш, уларни **агрокимёвий хариталар** асосида қўллаш мўл ва сифатли ҳосил етиштириш имкониятини беради.

Тупроқларнинг агрокимёвий харитаси қишлоқ хўжалиги экин турларини озиқлантиришда минерал ўғитлар таксимотида тупроқнинг озиқа элементлари билан таъминланганлигига илмий асосланган талаблар ва озиқлантириш меъёрлари бўйича бериш, шунингдек давлат эҳтиёжлари учун пахта, ғалла ва барча экинларини режалаштиришда ва жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

*Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:*

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги “Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2640-сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 декабрдаги “2017 йилда қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш, уларни ишлаб чиқаришда мувофиқлаштириш ҳамда ишлатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-2712-сонли Қарори.

Х.Намозов, У.Таджиев. Картографирование почв на основе использования материалов космических снимков. Т. «Фан», 2003

3. Ж.М.Максудов, А.А.Турсунов, И.А.Акрамов, Г.Г.Нагаев, Р.К.Кузиев, В.Е.Сектименко, С.А.Абдуллаев, А.К.Баиров, Н.Ю.Абдурахманов. Давлат ер кадастрини юритиш учун тупроқ тадқиқотларини бажариш ва тупроқ карталарини тузиш бўйича йуриқнома. Т., 2005 .

4. “Агрокимё станцияси Самарқанд филиали” МЧЖ маълумотлари.

**Қишлоқ аҳоли яшаш жойлари ер ва бино иншоотларида кадастр ишларини такомиллаштиришда ГАТ тизимидан фойдаланиш**  
*Умаров Н., Ибрагимов Л., Талаба Бошмонов М. (СамДАҚИ)*

Ҳозирги кунда, Республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида кадастр тизимини яратишда ГАТ (географик ахборот тизими)дан фойдаланиш кенг миқёсида амалга оширилмоқда. Ушбу тизимда турли ўлчовлар асосида олинган маълумотлардан кенг кўламда фойдаланилган ҳолда ГАТ дастурлари асосида аниқлик даражаси юқори бўлган 1:200 дан 1:25000 миқёсидаги рақамли карталар яратилмоқда.

Рақамли хариталарни яратиш учун янги замонавий асбоблар ва дастурлар зарур бўлади. Шу жумладан ҳозирда ишлаб чиқаришда қўлланилаётган ArcGIS дастури янги рақамли хариталарни яратишга жудаям қўл келади. Ушбу дастур ёрдамида яратилган хариталар билан ишлаш фойдаланувчининг имкониятларини янада кенгайтиради. Шунинг учун ушбу дастур ёрдамида аҳоли яшаш жойлари харитасини яратиш ишларини такомиллаштириш давр талаби ҳисобланади.

ArcGIS дастури ESRI компанияси томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бу объектларни географик маълумотлари ва атрибут маълумотлари билан биргаликда ишлаш имкониятини беради.

Ер тузиш ва давлат ер кадастри мақсадлари ҳамда бошқа мақсадлар учун ҳам тузиладиган рақамли карталарни ArcGIS дастурида яратиш асосий ўринни эгаллайди.

Ер ва бино-иншоотларни кадастри тизимида маълумотларни автоматлаштиришининг афзаллиги қуйидагилардан иборат (1)

- ер ва бино иншоотлар кадастри мақсадлари учун юқори аниқликдаги карта ва планларни ишлаб чиқиш;
- ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларни турли миқёсдаги рақамли карталар билан таъминлаш тезкор таъминлаш;
- карта яратиш жараёнининг бошқа дастурларга нисбатан тезкорлиги;
- маълумотларни солиштириш имкониятини мавжудлиги;
- марказлашган геоахборотлар базаларини яратиш;
- масофадан туриб рақамли карталарни тахрирлаш (интернет тармоги);
- GPS ва электрон тахеометрларга карталарни тўғритан тўғри етказиш имконияти;
- геоахборотлар бўйича интерактив хизматлар кўрсатиш;
- иктисодиёт жиҳатдан афзаллиги ва вақтнинг тежамкорлиги.

Республикамизда туманларнинг электрон рақамли карталари ArcGIS, OAZIS ва PANORAMA дастурларда мавжуд.

Ҳозирги кунда Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Каттаминг ҚФЙ М.Султонов номли массиви Қумоқ маҳалласи Қипчоқ қишлоғида яшаётган фуқароларга тегишли томорқа участка ҳамда бошқа ердан фойдаланувчилар майдони тўғрисида ArcGIS дастурида ишланган маълумотлар келтирилган.

## 1-жадвал

Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани Каттаминг ҚФЙ М.Султонов номли массиви Қумоқ маҳалласи Қипчоқ қишлоғидаги ердан фойдаланувчилар тури

№	Ердан фойдаланувчилар номи	Ердан фойдаланувчиларнинг сони	Ўлчов натижасида аниқланган ер майдони жами га
1	Оилалар	175	20,70
4	Мактаб	1	1,7
3	Чойхона	1	0,034
4	Маҳалла маркази	1	0,084
5	Дўкон	1	0.038
6	Мехмонхона	1	0.12
5	Кўча ва йўллар		4,6
6	Ариқ ва каналлар		0,52
7	<b>Жами</b>		<b>27.796</b>

1-жадвалда Қипчоқ қишлоғида ердан фойдаланувчилар тури келтирилган, Жадвал маълумотларига кўра ҳозирги кунда қишлоқда 1 та мактаб, 1 та чойхона, маҳалла маркази, дўкон, мехмонхона, уй жой сифатида фойдаланмаётган ер участкалари, кўча ва йўллар, ариқ ва зовурлар ва 175 оилага ҳаммаси бўлиб 20.7 гектар ер майдони тўғри келаяпти.

## 2-жадвал

Қоратери маҳалласи Озоддархон қишлоғида жойлашган фуқороларга тегишли томорқа участка майдони тўғрисида маълумот


Номланиши	Экин ери га	Уй жойлар га	Кўп йиллик дарахтлар га	Бошқа ерлар га	Ер майдони жами га	Фуқоролар фойдаланиб келинаётган ер майдони га	Фарқи га +-
Аҳоли ховли жойларининг жами ер майдони га	17,45	2,77	1,22	2,37	23,81	15,69	8,12

Жадвал маълумотларига кўра ҚФЙ нинг аҳоли ер участкалари бўйича китобида келтирилишича фуқоролар фойдаланиб келинаётган ер майдони 15.9 гектарни ташкил этиши лозим эди. Олиб борилган ўлчаш ишлари натижасида қишлоқ фуқоролари томонидан фойдаланиб келинаётган ер майдонлари 23.81 гектарни ташкил этди. Яъни қишлоқ фуқоролари томонидан фойдаланиб келинаётган ортиқча ер майдони 8.12 гектар эканлиги аниқланди.

Демак, аҳолига тегишли ер участкаларини тегишли тартибда назорат қилиб бориш зарур. Бу эса давлатимиз иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Юқоридаги маълумотлар асосида Самарқанд вилояти Каттакўрғон тумани Каттаминг ҚФЙ М. Султонов номли массиви Қумоқ маҳалласи “Қипчоқ” аҳолиси ерларининг 1:2000 миқёсдаги рақамли харитаси ArcGIS дастурларидан фойдаланиб яратилди (1-расм)

Бу харитада аҳоли яшаш жойларининг чегаралари, ҳар бир аҳолининг тартиб рақами, чегарадошлар изохномаси, ва бошқа маълумотлар келтирилган.



1-расм аҳоли яшаш жойлари харитаси

Демак хулоса қилиб айтганда қишлоқ аҳоли яшаш жойлари кадастр ишларини такомиллаштиришда ArcGIS дастуридан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

### **Топографик-геодезик ишларни бажарувчи корхоналарнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва хусусиятлари**

*М.Э.Исроилов, Л.Т.Ибрагимов, Н.Ш.Умаров (СамДАҚИ)*

Топографик-геодезик ва картографик ишлар халқ хўжалигининг турли тармоқларига қарашли бўлган давлат ҳамда хусусий корхоналар томонидан жуда кенг миқёсда бажарилади. Топографик-геодезик ишлаб чиқаришнинг маҳсулотлари маълум бир муайян техник топшириқнинг талабини қондиришга ишлатилади. Барча тармоқ корхоналари томонидан бажарилаётган топографик-геодезик ва картографик ишларнинг технологик жараёнлари ҳамда уларга қўйилган техник талаблар бир хил.



Топографик-геодезик ишлаб чиқариш саноатли ишлаб чиқаришдан ўзига хос жихатлари билан фарқ қилади. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Топографик-геодезик дала ишлари турли физико-географик ҳамда климатик шароитда, чекланган дала ишлари мавсумида бажарилади ва бу шароитлар ҳар йили ўзгариб туради.

2. Ҳар йили ташкилий ва тугатиш тадбирларини бажариш талаб қилинади.

3. Топографик-геодезик ишларнинг таннархи иш олиб борилаётган туман физик-географик шароитига боғлиқ бўлади.

4. Топографик-геодезик ишлар асосан давлат бюджети ҳамда хўжалик шартномалари асосида молиялаштирилади.

5. Объектларда ишлаб чиқариш хусусияти ва зичлигига қараб иш давомийлиги ҳар хил бўлади.

Топографик-геодезик ишларни қуйидаги иш турлари ташкил қилади: геодезик, гравиметрик, тасвирга олиш ва картографик ишлар.

Картографик ишларнинг якуний маҳсулоти тайёр ҳолдаги топографик карталардир.

Республикамизда бажарилаётган барча топографик-геодезик ва картографик ишларга қўйилган техник талаблар ва махвийлик шартлари Давлат ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитаси (“Давергеодезкадасир” қўмитаси)нинг Давлат геодезия назорати инспекцияси томонидан назорат қилинади

Умум давлат миқёсидаги бажарилаётган топографик-геодезик ва картографик ишлар “Давергеодезкадасир” қўмитаси томонидан бошқарилади. Ушбу қўмитага қарашли корхоналар давлат буюртмаси бўйича асосий топографик-геодезик ва картографик ишларни амалга оширадilar. Бундан асосий мақсад халқ хўжалиги ва давлат мудофаа тизимини топографик-геодезик маҳсулотлар билан узликсиз таъминлашдан иборат.

Бошқа тармоқларга қарашли давлат корхоналари, илмий қидрув институтлари, хусусий корхоналар томонидан бажарилаётган топографик-геодезик ишлар кичик майдонларда муайян бир техник топшириқ талабини кондириш учун бажарилади. Масалан, катта масштабли топографик тасвирлардан йўл, канал, плотина, электр линияларини, қувурларни ўтказишда ҳамда бино ва иншоотларни қуришда, геологик, геофизик, қидрув ишларини олиб боришда жуда кенг фойдаланилади.

“Давергеодезкадасир” қўмитаси корхоналари томонидан яратилаётган турли масштабли топографик карталар халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларида ва мудофаа тизимида кенг қўлланилмоқда. Хозирги кунда шуни ишонч билан айтиш мумкинки халқ хўжалигининг бирон бир тармоғи, илм-фан, санат соҳаларини ҳам карталарсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Махсус ўқув карталари география, тарих, иқтисод фанларини мактабларда, колледж ва институтларда ўқитишда жуда қулай ўқув қуроли ҳисобланади. Хаттоки медицинада карталарда касалликлар тарқалишини, географияда фойдали ўсимликлари ўсиш жойларини белгилайдилар.

Хозирги кунда замонавий шаҳарларга туристик саёҳатга ёки хизмат сафарига борган ҳар бир киши карталарга мурожат қилса, кўзлаган манзилига тез ва оз фурсатларда етиб олади.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси (“Ергеодезкадасир” давлат кўмитаси) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябридаги ПФ-3502 сонли “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри кўмитасини ташкил қилиш тўғрисидаги фармони ижро этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 19 октябридаги 483-сон қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат кўмитаси базасида ташкил этилди. 2017 йилдан Давлат ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри кўмитаси (“Давергеодезкадасир” давлат кўмитаси) деб номланди.

“Давергеодезкадасир” кўмитаси ҳозирги кунда ерлардан фойдаланиш, ер тузиш, геодезия ва картография фаолияти, давлат кадастри, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни тартибга солиш соҳасидаги бошқарув органидир.

“Давергеодезкадасир” давлат кўмитаси крахоналари томонидан; ҳозирги кунда янги давлат координаталар тизимини жорий қилиш амалга оширилмоқда, амалдаги астрономия-геодезия тармоғига боғланган РГП ва СГС-О йўлдош геодезияси тармоқлари унга асос бўлиб хизмат қилади. Юқори аниқликдаги I ва II класс нивелирлаш натижаларга ишлов берилиб, мамлакатнинг бош баландлик асоси янгиланди. Геоахборот тизимини қўллаган ҳолда режа асосида топографик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа харита ва планларни рақамли кўринишда барпо қилинмоқда. “Картография” илмий ишлаб чиқариш давлат корхонаси таълим эҳтиёжлари ва халқ истемоли учун очиқ фойдаланишдаги картографик маҳсулотларни катта ҳажмда ишлаб чиқармоқда. 2007 – 2011 йилларда Ўзбекистонни ҳудудий ривожлантиришни ягона комплекс стратегиясини шакллантириш Давлат дастури доирасида “Давергеодезкадастр” давлат кўмитаси республикамизнинг ҳар бир минтақасида ҳудудлар ривожланишини таҳлил қилиш ва прогнозлаш учун картографик инфармацион ресурсларни шакллантириш имконини берувчи географик ахборот тизимини босқичма-босқич жорий қилади. Давлат бошқарувида геоахборот тизимини технологияларини қўллаш муаммоларини ҳал қилишнинг турли вариантларини тезкор кўриб чиқиш ва баҳолаш, барча ёндош соҳаларнинг (тармоқларнинг) биргаликдаги ҳаракатини ҳисобга олиш ва ижро этиш учун энг яхши ҳамда энг манфаатли вариантини қабул қилиш имкониятини беради.

## **Топографик-геодезик ишлар таннархини калькуляция қилиш усуллари**

*М.Исроилов, Л.Т.Ибрагимов, Н.Ш.Умаров, 205 ГКК груҳи талабаси  
М.Эргашева (СамДАҚИ)*

Топографик-геодезик ишлар билан шуғулланувчи корхоналарда асосий фаолият тури бу топографик-геодезик ишлардир. Бу ишларга доир харажатлар асосий фаолиятга доир харажатларни ташкил қилади. Топографик-геодезик ишларни бажаришга сарфланган маблағлар ушбу ишларнинг таннархини ташкил қилади.

Бажарилган топографик-геодезик ишларни таннархини аниқлаш ушбу ишларни лойиҳалаштиришда муҳим ўрин тутди. Лойиҳалаштирилаётган ишларга, олинган техник топшириққа асосан аввало сметалар тузилади.

Смета-бу, объектда бажарилиши керак бўлган ишларнинг пулда аниқланган қийматини ифодаловчи ҳужжат.

Топографик-геодезик ишларга сметалар, давлат буюртмалари бўйича бажарилган ишларга СУР-87г. (Сметные укрупненные расценки на топографо-геодезические работы) асосида, шартномавий ишларга эса СЦ-82г. (Сборник цен на изыскательские работы для капитального строительства) асосида тузилар ва ҳосил бўлган смета қийматига индексация коэффицентлари қўлланилар эди.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг №109 сон 05.10.05 йилдаги буюруғига асосан 2005 йилнинг 4-чорагидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармалари, қўмита тассаруфидаги илмий муассасалар, корхона ташкилотларда, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан келишилиб “Ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр ишлари учун лойиҳа-қидирув ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан бажариладиган лойиҳа қидирув, геодезия, картография, топография, ер тузиш, кадастр ва баҳолаш ишларининг қийматини шартномавий жорий нархларда аниқлашнинг янги тартиби амалга киритилган эди.

Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.05.2003 й. “Капитал қурилишда иқтисодий ислохларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғриси”да ПФ-3240 сонли Фармоннинг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 11.06.2003 й. “Марказлаштирилган капитал қуйилмалар ҳисобига чиқарилаётган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда шартномавий жорий нархларга ўтиш тўғрисида”ги 261-сон, 12.09.2003 й. “Капитал қурилиш хўжалик муносабатлари механизмининг такомиллаштириш чоралари-тадбирлари тўғрисида”ги 395 сон, 19.10.2004 й. “Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 483-сон қарорларини ижро этилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу Низомга мувофиқ ҳар бир муайян объект учун ишлар таркиби буюрутмачининг ишларини бажариш бўйича техник топшириғи билан белгиланади, технология ва босқичлар эса тегишли меъёрий техник ҳужжатлар билан регламентга солинади.

Геодезия, топография, картография, ва кадастр ишларининг шартномавий жорий нархлардаги қиймати техник лойихалашда ишларнинг лойихаланадиган турли турлари ҳамда ҳажмлари ва смета ҳисоб-китоблари асосида аниқланади. Смета ҳисоб-китоблари ишлар бирлигининг ресурс услубида ҳисобланган жорий нархлар асосида бажарилади.

Ресурс услуби прогнозланган жорий нархлардаги харажатларни калькуляция қилишга асосланган.

Иш бирлигининг ёки 1 одам оининг нархи  $K_{\text{бир}}(\text{сўм})$  қуйдаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_{\text{бир}} = X_{\text{а(ИЧ)}} + X_{\text{а(Т-Т)}} + X_{\text{д}} \quad (1)$$

бунда:

$K_{\text{бир}}$  – иш бирлигининг ёки 1 одам-ойнинг нархи;

$X_{\text{а(ИЧ)}}$  – ўз ишлаб чиқаришига сарфланадиган асосий харажатлар;

$X_{\text{а(Т-Т)}}$  – ташкилий-тугатиш тадбирлари бўйича асосий харажатлар;

$X_{\text{д}}$  – давр харажатлари.

Иш бирлигининг ёки бир одам-ойнинг нархи  $K_{\text{бир}}$  (сўм) мутахассис ва ишчиларнинг геодезия, топография, картография ва кадастр ишларига “Геодезия, топография ишлари учун ягона ишлаб чиқариш (вақт) нормалари. I қисм. Дала ишлари.; II қисм. Камерал ишлар” (Т.Ўзгеодезикадастр, 2004 й.) ва ишлаб чиқаришнинг амалдаги бошқа нормалари бўйича белгиланадиган меҳнат сарфи нормалари асосида аниқланади.

Иш бирлигига ёки бир одам-ойга сарфланадиган асосий харажатлар қуйдаги формула бўйича аниқланади:

$$X_{\text{а(ИЧ)}} = \text{БХ} + \text{БХЛ} + \text{ЗР}, \quad (2)$$

бунда:

БХ – бевосита ишлаб чиқариш харажатлари;

БХЛ – билвосита ишлаб чиқариш харажатлари;

ЗР – зарурий фойда.

Бевосита ишлаб чиқариш харажатлари қуйдаги ресурс кўрсаткичларини ўз ичига олади:

ишлаб чиқариш моддий харажатлари, уларнинг материаллар сарфи нормалари (ёки нормалар бўлмаганда уларнинг ҳақиқий сарфи) ва етказиб берувчи корхоналар материалларининг нархлари, биржа нархлари ва бошқалар асосида аниқланади;

ишлаб чиқариш тавсифидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, шу жумладан: мутахассислар ишчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳақлари, бунда асосий иш ҳақи мутахассис ва ишчиларнинг меҳнат сарфи нормалари бўйича аниқланади ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ белгиланадиган тариф ставкаларининг (окладларининг)

миқдорларидан келиб чиққан ҳолда рағбатлантириш тавсифидаги ва бошқа қўшимча тўловларини инобатга олиб ҳисобланади.

Қўшимча иш ҳақи (ишлатилмаган вақт учун тўлов ) нормативлар бўйича асосий иш ҳаққидан корхонанинг ўтган йилги иши иқтисодий кўрсаткичларининг маълумотлари бўйича белгиланадиган фоизларда ҳисобига олинади.

Иш ҳаққидан ижтимоий суғуртага ажратмалар асосий ва қўшича иш ҳаққи суммасидан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда (фоизларда) ҳисобланади. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ транспорт харажатлари Ягона вақт нормаларида белгиланган транспорт ва унинг қиймати нормаларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ишлаб чиқариш транспорти қийматига тегишли харажат статьяларига қуйидагилар киради:

ёқилиғи-мойлаш материалларининг қиймати;

амортизация ажратмалари;

эскириш харажатлари;

жорий ва ўртача таъмирлаш харажатлари (шу жумладан: асосий ва қўшимча иш ҳаққи, ижтимоий суғурта ажратмалари);

гаражларни таъминлаш харажатлари (шу жумладан: асосий ва қўшимча иш ҳаққи, ижтимоий суғурта ажратмалари);

Фойдали қўлланиш муддатини аниқлаш имконияти бўлмаган номоддий активлар учун нормалар беш йилга мўлжаллаб белгиланади.

“Эскириш” статьяси бўйича пул харажатлари (Э) 1 ойлик ҳисобий бирлик учун белгиланади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Э} = \frac{A_k \times H_3}{B \times 100} \quad (3)$$

бунда:

$A_k$  – ускуналар, жиҳозлар ва анжомларнинг қиймати (сўмда);

$H_3$  – йиллик эскириш нормаси (%да);

$B$  – йиллик иш вақти фонди (ойларда).

Зарурий фойда геодезия, топография, картография ва кадастр ишларини бажарувчи корхона (ташкilot) рентабеллигининг зарурий энг юксак даражасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот бирлигининг фоизлардаги нархига қўшилади ҳамда корхонанинг (ташкilotнинг) ўтган ҳисобот давридаги ишнинг иқтисодий кўрсаткичлари маълумотлари бўйича аниқланади.

Ташкилий-тугатиш тадбирларини ўтказиш харажатлари «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси томонидан тасдиқланадиган нормативларга мувофиқ иш турлари бўйича асосий харажатлардан фоизларда аниқланади ва қуйидагилар бўйича харажатларни уз ичига олади:

ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан тайерлаш;

ишчи лойихани тузиш;

мутахассис ва ишчиларии геодезия, топография ва кадастр ишларини бажаришнинг хавфсиз услубларига ургатиш;

дала ишлаб чиқаришини моддий ва меҳнат ресурслари билан таъминлашга тайёргарлик;

Давр харажатлари (шу жумладан молиявий фаолият бўйича харажатлар ва бошқа муолажавий харажатлар) ҳар бир корхона учун дифференциацияланган ҳолда, асосий харажатлардаи маълум нисбатда (фоизларда) белгиланади, улар корхонанинг ўтган ҳисобот давридаги иши иқтисодий кўрсаткичларининг маълумотлари бўйича аниқланади ва «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Иш (хизмат) бирлиги нархларини ҳисоблаш учун нархларни қўллаш бўйича кўрсатмалар тузилади, уларда муайян объектда ишларнинг бажарилишига таъсир кўрсатадиган, лекин нархлар тузилмасига кирмаган: амалдаги район устамалари; тоғлик ва баланд тоғлик жойда, чўл ва сувсиз районларда ишлаш учун устамалар; йилнинг ноқулай даврида ишлаш; махсус режим шароитида ишлаш; чекланган фойдаланувдаги материаллар билан ишлаш ва бошқалар каби турли омилларни ҳисобга олувчи коэффициентлар жадвал шаклида жойлаштирилади.

Иш бирлиги нархларини ҳисоблаш асосида лойиҳаланадиган ишлар ҳажми қийматининг сметаий ҳисоб-китоби белгиланган шакл бўйича амалга оширилади.

Ишларнинг шартномавий жорий нархлардаги, ишларни бажариш даври учун ресурслар нархлари ўсишининг прогнозланадиган индекси ҳисобга олинган қиймати қўйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q = K_{cm} \times K_m \quad (4)$$

бунда:

$Q$  - ишларнинг шартномавий жорий нархлардаги қиймати;

$K_{cm}$  - ишларнинг смета ҳисоб-китоблари ёрдамида аниқланган қиймати;

$K_m$  - таваккалчилик коэффициенти, у кейинги давр учун ресурслар нархлари ўсишнинг прогнозланадиган индексдан келиб чиққан ҳолда аниқланади, бу индекс эса қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K_m = \frac{(I_i \times K_i)}{I_i}, \quad (5)$$

бунда:

$I_i$  - харажатларнинг ишлар (хизматлар) таннархидаги салмоғи;

$K_i$  - айрим харажат статьялари бўйича қийматнинг ўзгариш коэффициенти.

Ишларнинг жорий нархлардаги қийматини нарх шакллантирувчи омилларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда қайта ҳисоблаш коэффициентлари “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси томонидан тасдиқланади.

Тўпламда геодезик, топографик ва картографик ишлар нархлари сўмда, ҳар бир иш жараёнининг ўлчов бирлигида (пункт, км, кв.км., наменкулатура варағи, план ва хокозоларда берилган.). Нархлар 10% фойда режалаштирилган ҳолда ҳисобланган.

Ҳар бир иш жараёнлари бўйича мутахассис ва ишчиларнинг иш ҳаққи нормативлари, меҳнат сарфлари берилган. “Иш ҳаққи” нормативи мутахассис ва ишчиларнинг асосий ва қўшимча маошларини ўз ичига олган.

Нархлар, иш ҳақи нормативлари ва меҳнат сарфи ўз ичига геодезик, топографик ва картографик ишларга кетган тўғри харажатларни олган, уларга ташкилий-туғатиш тадбирлари харажатлари ва давр харажатлари кирмайди.

Ташкилий-туғатиш тадбирлари “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси томонидан дала ишлари асосий харажатлардан 5% миқдорда ҳисобланиши белгиланган.

Давр харажатлари ташкилий-туғатиш тадбирлари ва асосий харажатлар йиғиндисидан фоиз сифатида ҳисобланади ва у “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси томонидан тасдиқланади. Ҳозирги кунда 33% гача руҳсат этилган.

Асосий харажатларга ташкилий-туғатиш тадбирлари харажатлари ва давр харажатлари киритилгач, маҳсулотнинг якуний баҳоси ҳосил бўлади.

### **Чиқиндиларнинг тарқалишини ҳисоблаш орқали атроф – муҳит ифлосланиш даражасини аниқлаш методикаси**

*Илмий раҳбар М.Г.Муллоджанова, 2 курс талабаси Д.Бабаханова*

Экологик муаммо ва унинг салбий таъсир чегарасини аниқлаш, тасвирлаш ҳамда тезкор маълумотлар олиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Ҳозирги замон картографиясида табиий ресурсларни баҳолаш, табиий муҳитни муҳофаза қилиш хариталани тузиш ва уларнинг рақамли кўринишини, яъни электрон харитасини яратиш имконияти кенгайганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Ифлосланишнинг манбаси орқали атроф муҳитга чиқариб ташланаётган чиқиндиларнинг миқдорини аниқлаш мумкин. Шунга кўра бу чиқиндиларнинг тарқалиш даражаси манбанинг баландлигига боғлиқдир. Ифлосланишнинг таъсир доираси, агар чиқинди иссиқ бўлса, тутун трубасининг баландлигининг 10-40 бараварига тенг, агар чиқинди совуқ бўлса, 5-20 бараварига тенг бўлади. Бу чиқиндилар зараачаларининг ҳавода сақланиш давомийлиги уларнинг массаси ва физико – кимёвий хусусиятларига боғлиқдир. Зарра қанчалик оғир бўлса, шунчалик тез ботиб кетади.

Ҳаво массаси чиқиндиларни аралаштириб “шамол гули” га мос равишда қаттик зарраларга ёки аэрозолларга ўтказилади. Чиқинда қанчалик катта масофа ўтса, шунчалик унинг концентрацияси пасаяди.

Бир хил ландшафт ҳудудида зарарланиш манбасидан узоқлашган сари тупроқ қатламларининг ҳам зарарланиш даражаси камайиб боради.

Шамолнинг тезлиги ҳам зарарлантириш даражасига таъсир этади. Шамолнинг тезлиги қанчалик катта бўлса, зарралар ҳаво қатламлари билан шунчалик тез аралашиб кетади ва натижада тупроқ қатламлари камроқ зарарланади. Аксинча шамол тезлиги қанчалик кичик бўлса зарарланиш шунча кўп бўлади..

Чиқиндиларнинг атмосферага чиқарилиб ташланиши маълум чекли миқдордан ошмаслиги керак. Шунинг учун чиқиндиларнинг тарқалиш шаротидан келиб чиқиб тутун трубаларининг баландлиги ҳисобланади. Бу ҳисоб – китоб ишлари қуйидаги параметрларга боғлиқ :

- атмосферанинг метеорологик шароити
- ҳаво массаларининг ҳаракат тезлиги
- ҳавога чиқаётган газларнинг температураси ва ҳ.к

Зарарли моддаларнинг тутун трубасидан чиқаётганлиги пайтида ёмон об- ҳаво шароитида( хавфли катталиқда, шамол тезлиги, интенсив вертикал айланма ҳаво алмашинувида) трубадан (10-20)Н масофада максимал концентрацияга эришади, бу ерда Н – труба баландлиги.

Масалаларни ечишда қуйидагилар аниқланади:

- труба баландлиги
- маълум миқдордаги зарарли моддаларнинг максимал чекли кнцентрацияси.

Ерга яқин атмосфера қатламидаги саноат корхонасидан чиқаётган иссиқ зарарли моддаларнинг максимал концентрацияси қуйидаги формула орқали аниқланади, мг/м<sup>3</sup>,:

$$C_m = \frac{A \cdot M \cdot F \cdot m \cdot n}{H^2 \cdot \sqrt[3]{V_1 \cdot \Delta T}}, \text{ мг/м}^3 \quad (1)$$

Совуқ зарарли моддаларнинг максимал концентрацияси эса қуйидаги формула орқали аниқланади, мг/м<sup>3</sup>

$$C_M = A \cdot M \cdot n \cdot K \cdot \frac{F}{H^{4/3}}, \text{ мг/м}^3$$

Бу ерда , А – иқлим минтақалардаги метеорологик шароитидан келиб чиққан ҳолда заралимоддалрнинг тарқалиш коэффиценти:

\* А – иссиқ чиқиндилар  $\left( \frac{c^{2/3} \cdot \text{мг} \cdot \text{град}^{1/3}}{2} \right)$ ;

А –совуқ чиқиндилар  $\left( \frac{\text{мг} \cdot \text{м}^{1/3}}{2} \right)$ ;

М – чиқарилиб ташланаётган моддалрнинг массаси, г/с;

Н –тутнларнинг ер сатҳидан бўлагн баландлиги( труба баландлиги), м;

Д – трубанинг диаметри, м;

ΔТ- тутун ва об- ҳаво температураси орасидаги фарқ, С°.

F – зарарли моддаларнинг атмосферага тарқалишига боғлиқ бўлган коэффицент

К – коэффицентни, қуйидаги формула орқали аниқлаймиз:



$$K = \frac{D}{(8 \cdot V)} = \frac{1}{(7,1 \cdot \sqrt{W_0 \cdot V})}, \quad (3)$$

$W_0$  – трубадан чиқаётган газларнинг тезлиги, м/с;

$V$  – вақт бирлигидаги чиқадиган газларнинг ҳажми, м<sup>3</sup>/с;

$m$  – иссиқ тутунлар учун ўлчамсиз катталиқ:

$$m = \frac{1}{0,67 + 0,1 \cdot \sqrt{f} + 0,34 \cdot \sqrt[3]{f}}, \quad (4)$$

$f$  – иссиқ тутунлар учун параметр:

$$f = 10^3 \cdot \frac{W_0^2 \cdot D_{\text{э}}}{H^2 \cdot \Delta T}, \text{ м/с}^2 \cdot \text{град} \quad (5)$$

$f$  – совуқ тутунлар учун параметр

$$f = 800(V)^3, \text{ м/с}^2 \cdot \text{град} \quad (6)$$

$n$  – ўлчовсиз коэффициент  $VM$  параметрга боғлиқ ҳисобланади ва куйидагича топилади:

$Vm$  иссиқ тутунлар учун ўлчовсиз параметр:

$$V_m = 0,65 \cdot \sqrt[3]{\frac{V_1 \cdot \Delta T}{H}}, \quad (7)$$

$Vm$  – совуқ тутунлар учун ўлчовсиз параметр:

$$V_M = 1,3 \cdot W_0 \cdot \frac{D}{H}, \quad (8)$$

а) агар  $VM \leq 0,3$   $n = 3$ ; бўлса, (9)

багар  $0,3 \leq VM \leq 2$ ,  $n = 3 - \sqrt{(V_M - 0,3)(4,36 - V_M)}$ ; бўлса (10)

агар  $V_M > 2$   $n=1$  га тенг бўлади. (11)

#### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1.ОНД-86 «Методика расчёта концентраций в атмосферном воздухе загрязняющих веществ, присутствующих в выбросах предприятий».

2. Стурман, В. И. Экологическое картографирование : учеб. пособие / В. И. Стурман. – Ижевск : Издательский дом «Удмуртский университет», 2000.

3. Экологическое аудирование промышленных производств / под ред. А. Ф. Порядина. – М. : НУМЦ Госкомэкологии России, 1997.

### **Ўзбекистон Республикасида маъданий мерос объектлари кадастрини ўзига хос хусусиятлари.**

*З.Яркулов – стажёр ўқитувчи Ф.Яркулова – тадқиқотчи (СамДАҚИ)*

Ўзбекистон ҳудудида жойлашган давлатлар ва халқлар маъданий ва фаолиятлари, инсон жамияти тараққиёти ва ривожидида сезиларли из қолдирган десак адашмаймиз. Дунё тарихида бутун ер юзида юз минглаб халқлар ва давлатлар ўз даврида ҳукмрон бўлиб, гуллаб яшнаб, вақтлар оша бошқа давлатлар ва халқлар томонидан истило қилиниб, ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетган бўлса, Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар ва барпо этилган аксарият давлатлар моддий – маънавий мероси бугунги кунгача етиб келган. Шу боис ЮНЕСКО томонидан дунё сивилизацияси тарихида чуқур из

қолдирган маданиятлар деб Гретсия, Рим, Миср ва Хитой мамлакатлари каторида Самарқанд шаҳри ҳам алоҳида эътироф этилади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг маҳаллий моддий – маъданий меъросимизни тиклаш бўйича катта ишлар амалга оширилмоқда. Тарихчилар, археологлар, адабиётшунослар, дунёшунос олимлар, архитекторлар ва маҳаллий зиёлилар томонидан кўплаб унитилаётган моддий-маънавий меросимиз қайта тикланди ва бу ишлар ҳалигача давом этилмоқда. Бу борада Республика ҳукумати томонидан ҳам анчагина раҳнамолик кўрсатилди, моддий-маънавий меросимизни қайта тиклаш ва сақлаб қолиш бўйича купгина лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан биргина Самарқанд вилояти миқёсида фақат охириги беш йил ичида олиб борилган изланиш натижасида тарихий обидалар сони 2400 тадан 3000 тагача етказилди, шулардан 1000 га яқини меъморий обидалар бўлиб ҳисобланади. Меъморий обидаларни келгуси авлодларга асл ҳолида етказиш эса ўз вақтида таъмирлаш ишларини ўтказишни ва лозим бўлганда ташқи муҳит тасирида маълум даражада комерватсия қилишни талаб этиши мумкин. Акс ҳолда уларнинг умри тез қисқаради.

Меъморий обидаларни сақлаш, таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари катта маънавий аҳамиятга эга бўлиб, ўзининг мураккаблиги туфайли чуқур илмий салоҳиятга таянган технологик ёндошувни талаб этади.

Меъморий обидаларнинг чиқиш, оғиши, буралиши, силжиши ва бошқа турдаги деформацияларни кузатиш ишларини ўта масъулияти ва махсус малака талаб этадиган жараён ҳисобланади. Меъморий обидаларни техник ҳолатини кузатиш ва уларни геодезик усулда суратга олиш ишлари, обидаларнинг ўзаро зич жойлашганликлари мураккаб геометрик шаклларга ва ўзига хос конструкцияларга эгаллиги сабабли, ўзига хос аниқ геодезик ўлчаш ишлари ўтказилишини талаб этади.

Ушбу ишларни мунтазам амалга оширилишини кафолатлаш ва Ўзбекистон Республикасида моддий-маъданий мерос объектларининг давлат муҳофазасини ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш мақсадида, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тоғрисида”, “Давлат кадастри тўғрисида”ги қонунлари, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги вазирлар Маҳкамасининг қарори ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Натижада ўзида маданий мерос объектларининг жуғрофий жойлашиши, ҳуқуқий мақоми, миқдорий, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгича тўғирланадиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимини ифодаловчи маданий мерос объеклари давлат кадастри пайдо бўлди.

Маданий мерос объектлари бўйича давлат кадастри юритишнинг асосий қонунлари қуйидагилардан иборат деб белгиланган:

- 1) Республика бўйича барча маданий мерос объектларини Давлат кадастри билан қамраб олиш;
- 2) Ягона методологик асосида кадастр ахборотини шакллантириш;
- 3) Марказлашган тарзда давлат кадастри юритишни бошқариш;
- 4) Давлат кадастрлари ягона тизим талабларини таъминлаш;

5) Кадастр ахборотининг ишончлилиги ҳамда уни тўлдириш ва аниқлаб боришнинг узликсизлиги;

6) Кадастр ахборотидан фойдаланиш мумкинлиги.

Маданий мерос объектлари бўйича давлат кадастрини юритишдан асосий мақсад қилиб ушбу объектларга бўлган мулкчилик ҳуқуқларини ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатини тузиб, уларнинг миқдорий ва сифат тавсифларини ҳособга олиш, маданий мерос объектларини сифат ва қиймат жиҳатдан баҳолаш, уларга таълуқли кадастр ахборотини туркумлаштириш, сақлаш ва янгилаш ишларини тизимлаштириб, маданий мерос объектларининг ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларни тузиб, фойдаланувчиларни кадастр ахбороти билан таъминлаш белгиланган.

Моддий маданий мерос объектлари Давлат кадатри объекти бўлиб, тарихий, илмий, бадиий ёки ўзга маданий қийматга эга бўлган ёдгорликлар, ансамбллар ва диққатга сазовор жойлар бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида моддий маданий мерос объектлари Давлат кадатсрининг Маданият ва Спорт ишлари Вазирликнинг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг кадастр хизмати, шунингдек ҳудудий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш минтақавий давлат инспекциялари томонидан юритилади.

Улар маданий мерос объектларини давлат кадастрининг юритилишини мувофиқлаштиради ва бунинг учун норматив методик ҳужжатларни ишлаб чиқиб, кадастр юритилиши устидан назорат олиб боради, шунингдек маданий мерос объектларининг давлат кадастрини автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқади ва бунинг учун кадастр хизматларини моддий техник таъминлайди. Маданий мерос объектлари давлат кадастрини юритиш ишлари катта молиявий сарф харажат билан боғлиқ бўлганлиги ва тижорат аҳамиятига эга бўлмаганлиги боис ушбу ишлар асосан давлат бюджети ва грантлар маблағлари ҳисобига молиялаштирилади. Маданий мерос объектларининг ҳисобга олиш ахбороти: кадастр тартиб рақамини, объектнинг номини, жойлашган манзилни, типологик тегишлилигини, объектнинг эгаси ёки фойдаланувчи тўғрисидаги маълумотларни; объектнинг идоравий мансублиги, мақсади ва вазифасини, тарихий маълумотларини, бўлиб ўтган ўзгартириш, қайта куриш ва йўқотишларни, таъмирлаш ишларини қийматини умумий тавсифи, вақти, муаллифи, ҳужжатлар сақланадиган жойи каби семантик маълумотларни ўз ичига олади. Маданий мерос объекти тавсифида, умумий статис ва семантик маълумотлар бериш билан бирга уларнинг ижтимоий, илмий-тарихий ва бадиий аҳамиятига эксперт баҳо бериш талаб этилади. Маданий мероснинг кўчмас мулк объектларига ҳуқуқлар, агарда бу объектларга натурада белгиланган ва мустаҳкамланган чегаралари мавжуд бўлса давлат кадастрини олиб борувчи органларга кадастр рўйхатидан ўтказилади. Агар объект участкаси чегараларининг бурилиш нуқталари қозикли белгилари мавжуд бўлмаса, улар ўша ерда дала геодезик ўлчамлари ўтказилган ёки тегишли кўламдаги фотография маълумотидан фойдаланган ҳолда ер участкалари ажратиш материаллари бўйича тикланади.

Хулоса қилиб айтганда кўчмас мулк объектларидан маиший хизмат ва ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланиш билан бирга, улар миллатимизнинг маданий меъроси объекти сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин. Бу вазиятда, улардан фойдаланишга айрим чекловлар қўйилиши ва сақлаш бўйича мажбуриятлар юклатилиши мумкин. Шу билан бирга, бу ҳолат ушбу турдаги объектларни қийматини аниқлаш заруратини камайтирмайди, аксинча ушбу объектларни келгуси авлодларга асл ҳолатда етказиш учун уларнинг реставратсия ва қайта тиклаш қийматларини аниқлаш, шунингдек турли табиий офатлардан зарарланишини таъмирлаш учун суғурта қийматини аниқлаш ва солиқ ундириш учун кадастр қийматларини аниқлаш керак бўлади. Аксарият ҳолларда маданий мерос объектларимизнинг ҳақиқий қадр-қийматини фақатгина махсус ихтисослашган давлат ташкилотлари ва умумжаҳон маданий меросларини ўрганиш, уларни муҳофаза қилишига ихтисослашган ташкилотлар айта олишади. Сабаби, иқтисодий ёки маиший нафлилиги камроқ, ammo маънавий қиймати беқиёс объектларни баҳолаш жараёнлари ҳам чуқур ўрганилмаган. Кўчмас мулк объектларидан бир қанча мақсадларда фойдаланиш имконларининг мавжудлиги ва улардан олинадиган иқтисодий, маиший ёки маънавий фойдалилик даражалари кескин фарқ қилади. Бир объектдан ишлаб чиқариш мақсадида ёки нотижорат- ижтимоий мақсадда фойдаланиш, шаҳар ва қишлоқларимиз кўринишлари, уларнинг экологик ва иқтисодий-ижтимоий муҳитини турлича ўзгартиришимизга олиб келиши мумкинлигини инобатга олиш лозим. Натижада объектдан фойдаланиш мақсадига қараб, уни хусусийлаштириш ёки сотиш (бозор) баҳоси бир нечта хил бўлиши мумкин.

Ушбу кўп факторли, мураккаб баҳолаш жараёнларини самарали бошқариш мақсадида, бугунги кунда халқаро миқёсда кўплаб автоматлаштирилган дастурий таъминотлардан фойдаланиб келинмоқда.

#### *Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

1. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Ўзбекистон, 1995 йил.
2. Тошпулатов С.А Абдуллаев А «Отценка недвижимости» Учебные пособие Т. 2005 г
3. Туйчиев Р.Д ва бошқалар. «Кучмас мулк баҳолаш асослари» Т 2002

#### **GPS приёмниклари ёрдамида бино иншоотлар давлат кадастрини яратишда геодезик тармоғини яратишнинг асоси.**

*А.А.Мирзаев “ГКК” кафедра катта ўқитувчиси. М.А.Худойназаров., А.Н.Қобилов 201-ГКК магистранти., А.А.Эшимов 101-ГКК магистранти (Сам ДАҚИ).*

*Таянч сўзлар: РГП – Референц геодезик пункт (доимий ишловчи), СГС - 0 – Таянч сунъий йўлдошли геодезик пункт, СГС-1 – 1 -синф сунъий йўлдошли геодезик пункт, WGS-84- умумжаҳон координаталар тизими.*

Юқори аниқликдаги геодезик тармоқни яратиш учун сунъий йўлдошли тизим ёрдамида бажарилганда қўйидаги афзаликга эгалигини кўриб чиқамиз. Бунда сунъий йўлдошли геодезик тармоқнинг барча пунктлари узлуксиз ишловчи РГП референц пункт, СГС-0 ва СГС -1 пунктлари яратилади. Бу пунктлар геодезик координаталарни (WGS-84 координаталар системаси) аниқлашда асосий таянч пунктлари бўлиб хизмат қилади. Бу пунктларнинг координатаси ва ўлчов натижалари юқорида таъкидланган GPS Референц станцияси бўлимида кўрсатилган маълумотларга асосан бажарилади.

GPS ўлчов ишлари статика усулида икки частотали GPS приёмниклари, Choke Ring автоматик равишда 12 мустақил каналда радиотўлқин билан ишловчи антеналардан фойдаланилди.



АТ – 504 типли антеналарнинг умумий кўриниши.

Барча GPS приёмниклар метрологик аттестациядан ўтказилган ва сунъий йўлдошли геодезик тизимнинг барча синф турларини ўлчашга яроқли ҳисобланади.

1 – чи синфли сунъий йўлдошли геодезик тармоқнинг планли ҳолатини аниқлашда GPS приёмникларига қўйидаги параметрлар ўрнатилади:

- сигнал қабул қилинаётган сунъий йўлдошлар сони 4 дан кам бўлмаслиги керак.

- маълумот йиғиш ва қабул қилиш интервали - 20 сек. бўлиши керак.

- сунъий йўлдошнинг горизонтдаги баландлиги -  $15^\circ$ ;

- GPS ўлчов ишлари ҳар бир пунктларда  $n > 4$ , PDOP < 4 (сунъий йўлдошларнинг геометрик жойлашуви) оралиғида бажарилди ва унинг давомийлиги 6 соатдан икки сеансни, сеанслар оралиғидаги танаффуслар камида 2 соатни ташкил этди. [1]

РГП, СГС-0 ва СГС-1 пунктларидаги GPS ўлчов ишлари барча сессиялар бўйича “Leica Geo Office-8.3” программасида WGS - 84 координаталар системасида қайта ишланди ва тенглаштирилди. Олинган координаталар геодезия, картография ва кадастр хизматлари фойдаланиши учун топширилади.

Дала ишларидаги GPS ўлчов ишлари вақтида ҳар бир пунктда 2 соатда метеопараметрлар ўлчаниб журналга ёзиб олинади (ҳарорат , босим ва намлик).

Дала ишларидаги GPS ўлчов ишлари натижалар олдиндан “Leica Geo Office-8.3” программаси орқали текширилади ва назорат векторлари солиштирилиб, дала ишларининг сифатига баҳо берилади.

Бажарилган ўлчов ишларининг натижалари бошланғич маълумотлар кўринишида ва «Rinex» форматида икки нусхада тушунтириш хати ва ҳар бир пунктларнинг барча маълумотлари билан биргаликда сақланади. Маълумотларга қўйидагилар киритилади:

- 1) Приёмник типи ва серия рақами;
- 2) Антенна типи ва серия рақами;
- 3) Кузатув журнали;
- 4) Антенна калибровкаси ҳақида маълумот.

Сунъий йўлдошли тизимни яратишда GPS приёмнигининг объект бўйича «статика» усули бўйича, ёпик полигон схема кўринишида барпо этилади.

#### **Референц станция нима вазифани бажаради.**

GPS Референц станция региондаги GPS ўлчов ишларини бажаришда асосий омиллардан бирига айланади. GPS Референц станция дифференциал GPS приёмникнинг бири саналади ва узлуксиз ишлайди. GPS Референц станциянинг параметрлари, керакли маълумотлар базаси яратилади. GPS Референц станция қўйидаги вазифаларни бажаради:

а) Сунъий йулдошлардан маълумотларни қабул қилади ва уларни сақлайди.

б) GPS Референц станция ишлашини мониторинг қилиб боради.

в) Маълумотни бошқаради ва уни GPS истъеомолчисига етказилади.

Қайта ишланган маълумотларни Интернет Веб сайтыга юборади. Станция қўйидаги йуналишлар бўйича вазифаларни бажаради:

-GPS маълумотларни қайта ишлаш, тенглаштириш учун йиғади ва сақлайди:

- маълумотларни дала ишларини бажариш вақтида “реал вақтда” етказиб

беради.

Референц станциядаги маълумотлар жаҳондаги бутун GPS лар билан ишлаш имкониятига эга. Бу RINEX формати (мустақил алмашиш формати) ҳисобланади. GPS Референц станция “реал вақт” режими **RTCN, CMR** ва бошқа форматларда бажарилади. “Реал вақт” режимида маълумотлар радио- модем орқали ёки мобил телефон ёрдамида узлуксиз етказилиб берилади. GPS Референц станциялар нима мақсадда фойдаланилади?

- навигация;
- кадастр ва кучмас мулк;
- спутник геодезия;
- мудофа ва хавфсизлик;
- сейсмик кузатувлар;
- ГИС маълумотлари яратиш учун;

- сув ва оқова тармоқлари;
- инжинеринг ва қидирув ишлари;
- қишлоқ хўжалиги;
- тоғ - кон ишлари ва геологик кидирув ишлари;
- қурилиш ва қурилишни текшириш ва бошқари;
- фавқулотда вазиятлар хизматида;

Шу вазифани GPS Референц стацияси узлуксиз ва стабил ишлагани сабабли бажара олади.

### **Референц станциялар кулайликлари.**

Юқорида таъкидлаб ўтканимиздагидек GPS Референц стация муҳим кулайлик ва афзаликларга эга:

а) аниқ координаталардан фойдаланиш – 24/7 соат суткада ( 24 соат суткада, 7 кун хафтада).

б) GPS ўлчов ишларини бажаришда ишлатиладиган иккита GPS приёмник ўрнига битта GPS приёмник.

в) GPS Референц стациядан ҳар ким фойдаланиши мумкин.

г) инженеринг ва қидирув ишларида GPS Референц стация кўп босқичли тармоқ ва назорат ишларнинг камайишига олиб келади.

д) GPS Референц стациядан 1 метр аниқлик талаб қилинадиган ишлар учун ва юқори аниқликдаги ишлар учун ҳам битта GPS Референц стациядан фойдаланилади.

### **Референц станциялар сонини аниқлаш.**

GPS Референц стациялар сонини аниқлаш бу шу системадан унумли ва харажатлани тежаш имкониятини беради. GPS Референц стациялар сонини тўғри аниқлаш юқорида кўрсатилган ишларни аниқ бажариш имкониятини беради.[1]

$$N = \frac{L \times I}{(Radiys - Qoplama)^2}$$

N = станциялар сони, L= улчамлар (км) эни., I= улчам (км) буйи.

Радиус – станциялар орасидаги масофа макс. 80 – 100 км.

Қоплама – станция радиуси оралиғи.

Жадвалда мисол сифатида кўриб ўтамиз:

L	I	Майдон юзаси	Радиус	Қоплама	N
100	100	10000	50	5	1,1
200	200	40000	50	5	4,4
300	300	90000	50	5	10,0

### **Станциялар қандай жойларга ўрнатилади.**

GPS Референц стация ўрнатиш жойини танлашда қўйидаги талабларга эътибор бериш керак:

- а) горизонт тўсқинлик даражаси 10° ортик бўлиши зарур;
- б) радиотўлқин таратувчи асбоблар йўқлиги (радар , телевишка ва хакоза);
- в) кўзгалмас асос (таянч пункт, бино томлари);
- г) электр энергияси (махалий электр тармоқлари);
- д) Комуникациялар (телефон, уяли телефон, интернет ва радио- модем).
- е) ҳХимояланадиган жой

Юқорида кўрсатилган талабларга мос танланган жой GPS Референц стациясини узоқ вақт самарали ишлашига ва кўйилган вазифани аъло даражада бажаришга имкон туғдиради, акс ҳолда GPS Референц стациядан кўзланган натижага эришиш мумкин эмас.



Референц станция кўриниши Сунъий йўлдошли тизим GPS приёмниги ёрдамида геодезик тармоқнинг яратилиш схемаси

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Руководящий технический материал по построению государственной спутниковой геодезической сети 1 – го класса с применением спутниковых навигационных систем. ГККИНП -01-024-99. Ташкент 1999 г.
2. Генике А. А., Побединский Г. Г. Глобальная спутниковая система определения местоположения GPS и ее применение в геодезии. – М.: Картогеоцентр-Геодезиздат, 1999. С. 25.

**Кўчмас мулк қийматини баҳолашнинг таҳлили.**

*З.Яркулов – стажёр ўқитувчи, Ф.Яркулова – тадқиқотчи (СамДАҚИ)*

***Хусусий мулки бўлмаган фуқаро беватандир.***

***Пифагор.***

Ўзбекистон Республикаси Мустақилликка эришганидин сўнг, ҳар бир соҳада жадал ривожланиш бошланди. Мамалакатимиз ривожланган мамалакатлар қаторига кўшилиб бормоқда. Ўзбекистонда бозор ислохотларнинг ривожланиши кўчмас мулкнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқлар қийматини баҳолаш бўйича янги фаолият турининг шаклланишига олиб келди. Баҳолаш фаолияти иқтисодий ислоҳ қилиш ва ҳуқуқий давлат қуришнинг ажралмас қисмига айланди. Кўчмас мулк қийматини баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини, усулларини мулк турларини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиш баҳолаш фаолиятини нафақат бозор инфратузилмасининг амалий тармоғи сифатида, балки амалий иқтисод фанининг илмий услубий йўналиши сифатида тушуниш имконини беради. Республикада кўчмас мулкни баҳолаш хизматларига бўлган талаб бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки



кунлариданоқ пайдо бўлди. Давлат кўчмас мулкни хусусийлаштиришнинг кенгайиши, корхоналар устав сармоясига киритиладиган кўчмас мулкнинг кўпайиши, кўчмас мулкни гарови остида кредитлашнинг ривожланиши ва биринчи навбатда мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга йуналтирилган кўчмас мулк билан бажариладиган бошқа фуқоролик ҳуқуқий операциялар баҳолаш тузулмаларининг мажбурий тарзда иштироки билан амалга оширилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Республикамиз иктисодиётини эркинлаштириш шароитида, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини жамиятдаги иктисодий фаоллигини янада ошириш мақсадида, ҳукуматимиз томонидан турли дастурлар қабул қилиниб, йирик давлат банклари орқали имтиёзли кредитлар олиш имконлари яратилиб келмоқда. Аммо, аҳоли ва тадбиркорлик субъект ихтиёрларидаги (эгаллик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқларидаги) кўчмас мулкларга бўлган ҳуқуқларни расмийлаштириш ва улар қийматини белгилаш жараёнлари ҳали тўлиқ ўранилмагани сабабли катта капиталга эга аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари, ушбу имкониятлардан тўлиқ баҳраманд бўлиша олишмаяптилар. Жумладан, 50 йилга ердан фойдаланиш ҳуқуқини олган фермерлар, қонунда руҳсат берилган бўлсада фойдаланиш ҳуқуқини баҳолай олиша олмаганлари учун банкдан етарли миқдорда кредит олишга қийналади. Сабаби, Ўзбекистон шароитида кўчмас мулк ва ердан фойдаланиш ҳуқуқларига бўлган талаб ва уларнинг бозор нархларига таъсир этувчи омилларнинг таъсирчанлик даражаси аниқловчи методикалар ҳам кўчмас мулкларнинг бозор нархларини шакллантиришга хизмат қилувчи инфратузилмалар ҳам мукамал эмас ва кўшимча изланишлар олиб борилишини талб этади.

*1. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*

2. И.А.Каримов, “Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида”, Ўзбекистон, 1995 йил.
3. Тошполатов С.А Абдуллаев А «Отсенка недвижимости» Учебническое пособие Т. 2005 г
4. Туйчиев Р.Д ва бошқалар. «Кучмасмулк баҳолаш асослари» Т 2002

**Geomerik masalalarni yechishning koordinata usuli.**

*Adilov Bobir Samarqand Iqtisodiyot va Servis Instituti akademik litseyi  
Rasulov Kamol SamDAQI*

Koordinatalar usuli orqali masalalarni yechishning afzalliklari shundaki bunda bu usulni algebradan geometriyaga ko'chirib masalalarni yechishning umumiylikiga ega bo'lamiz.

Koordinatalar usuli geomeriyaning eng universal usuli hisoblanib ushbu usul orqali algebraik va analitik munosabatlarni va faktlarni geometrik jihatdan izohlab, geometriyani algebraik masalalarga qo'llash mumkin.

Masalalarni koordinatalar usuli orqali yechishda koordinatalar sistemasi: koordinata boshi, koordinata o'qlarining yo'nalishlarini to'g'ri tanlab olish muhimdir. Odatda koordinata o'qlari sifatida shakllarning masala shartini o'zida saqlovchi to'g'ri chiziqlari hamda simmetriya o'qlari (agar ular mavjud bo'lsa)

tanlab olinadi. Aytish mumkinki koordinatalar sistemasini masala shartiga qarab aniqlab olish mumkin.

Amaliyotda va maktab kurslarida koordinalar usulini qo'llab ishlash boshqa usullardan qulay bo'ladigan masalalar ko'p uchramaydi. Bunday tipdagi masalalar matematik olimpiadalarda ko'proq uchraydi.

Quyida keltiriladigan barcha masalalarni o'quvchiga dastlab an'anaviy usullar bilan yechishni tavsiya qilamiz va koordinatlar usuli orqali yechilgan usul bilan taqqoslab uni afzalliklariga bevosita ishonch hosil qiladilar.



**1-masala. Katetlari  $a$  va  $b$  ga teng bo'lgan to'g'ri burchakli uchburchakning medianalari va bissektrisalari kesishish nuqtalari orasidagi masofani toping.**

*Yechish.* Koordinatalar sistemasining markazini uchburchakning to'g'ri burchagiga mos qilib, o'qlarini esa uning katetlari bo'ylab yo'nalishdosh qilib tanlab olamiz. U holda uchburchak uchlarining koordinatalari  $A(a;0)$ ,  $B(0;b)$ ,  $O(0;0)$  ko'rinishda bo'ladi. Endi masalamizni yechish bir muncha soddalashdi. Uning medianalari kesishish nuqtasining koordinatlarini topish uchun mos koordinatlarini qo'shib 3 ga bo'lamiz:

$$M_x = \frac{a + 0 + 0}{3} = \frac{a}{3}, M_y = \frac{0 + b + 0}{3} = \frac{b}{3}$$

Ma'lumki uchburchak bissektrisalari kesishish nuqtasi uning ichki chizilgan aylana markazi bilan ustma-tushadi. Demak ichki chizilgan aylana markazining koordinatalari  $O_1(r;r)$  kabi bo'ladi. Ma'lumki to'g'ri burchakli uchburchakka ichki chizilgan aylana radiusi  $r = \frac{a+b-c}{2} = \frac{a+b-\sqrt{a^2+b^2}}{2}$  ga teng.

Endi ikki nuqta orasidagi masofa formulasiga qo'yib so'ralgan qiymatni



$\frac{b}{3} + 3(a - \frac{a}{3})$

**2-masala Tomoni  $a$  ga teng bo'lgan ABCD kvadrat berilgan. BC tomoning o'rtasidan M nuqta, CD tomonda CN:ND=3:1 shartni qanoatlantiruvchi N nuqta olindi. AM tomon o'rtasi va N nuqta orasidagi masofani toping.**

*Yechish.* Kvadrat uchlarini to'g'ri burchakli koordinatalar sistemasida quyidagicha qilib joylashtirib chiqamiz. U holda shartga ko'ra M va N nuqtalarning koordinatalari  $M(\frac{a}{2}; a)$ ,  $N(a, \frac{a}{4})$  kabi bo'ladi.

U holda OM kesmani o'rtasi bo'lgan P nuqtaning koordinatalari:

$x = \frac{\frac{a}{2}+0}{2} = \frac{a}{4}$ ,  $y = \frac{a+0}{2} = \frac{a}{2}$  kabi bo'ladi. Shunday qilib bizga P va N nuqtalar orasidagi masofani topish yetarli.

$$|PN| = \sqrt{\left(\frac{a}{4} - a\right)^2 + \left(\frac{a}{2} - \frac{a}{4}\right)^2} = \sqrt{\frac{9a^2}{16} + \frac{a^2}{16}} = a \frac{\sqrt{10}}{4}$$

Javob:  $a \frac{\sqrt{10}}{4}$



**3-masala.** Tekislikda ABCD va BKLN kvadratlar shunday joylashganki, K nuqta AB chiziqning davomida B nuqtadan keyin, N nuqta esa BC kesmada yotadi. DL va AN chiziqlar orasidagi burchakni toping.

*Yechish.* Aniqlik uchun  $BC > BN$  deb olamiz. U holda bizni chizmamiz quydagicha bo'ladi (3-chizma): Ushbu masalani koordinatalar metodi orqali yechamiz. Koordinata o'qlarini AD va AB chiziqlar bo'ylab o'tkazamiz. Katta kvadrat tomonini  $a$  orqali, kichik kvadratnikini esa  $b$  deb belgilaymiz. U holda kvadratlar uchlari koordinatalari quydagicha bo'ladi:  $A(0; 0)$ ,  $D(0; a)$ ,  $N(a; b)$  va  $L(a + b; b)$ . So'ralayotgan burchak A, N va D, L nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziqlar orasidagi burchak bo'ladi. Demak A va N nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasi  $y = \frac{b}{a}x$  kabi, D va L nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasi esa  $y = \frac{b-a}{b+a}x + a$  ko'rinishda bo'ladi.

Endi burchak koeffitsiyentlari orqali to'g'ri chiziqlar orasidagi burchakni topish formulasidan foydalanamiz. Yuqoridagi to'g'ri chiziq tenglamalaridan:  $k_1 = \frac{b}{a}$ ,  $k_2 = \frac{b-a}{b+a}$  ga ega bo'lamiz. Burchak koeffitsiyentlarning topilgan bu qiymatlarini  $tg\varphi = \frac{k_1 - k_2}{1 + k_1 k_2}$  formulaga qo'yib,  $tg\varphi = 1$  ga va  $\varphi = 45^\circ$  ni topamiz.

Javob:  $\varphi = 45^\circ$

**4-masala.** Aylananing O markazidan o'zaro perpendikular AB va CD vatarlar o'tkazildi. OB radiusidan  $OK = \frac{1}{3}OB$  shartni qanoatlantiruvchi K va OD radiusdan esa  $OM = \frac{1}{2}OD$  shartni qanoatlantiruvchi M nuqtalar olindi. CK va AM chiziqlarni kesishish nuqtasi aylanada yotishini isbotlang. (4-chizma)



*Yechish:* Ushbu masalani ham koordinatalar metodi orqali yechamiz. Koordinata o'qlarini AB va CD chiziqlar bo'ylab yo'naltiramiz va O nuqtani koordinata boshi sifatida tanlaymiz. Aylana radiusini 1 ga teng deb olamiz, u holda

$K$  va  $M$  nuqtalarning koordinatalari  $(\frac{1}{3}; 0)$  va  $(0; -\frac{1}{2})$  kabi bo'ladi.  $C(0; 1)$  va  $K(\frac{1}{3}; 0)$  nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasi  $y = 1 - 3x$  kabi,  $A(-1; 0)$  va  $M(0; -\frac{1}{2})$  nuqtalardan o'tuvchi to'g'ri chiziq tenglamasi esa  $y = -\frac{1}{2} - \frac{x}{2}$  kabi

bo'ladi. Bu ifodalarni Sistema qilib yechamiz: 
$$\begin{cases} y = 1 - 3x \\ y = -\frac{1}{2} - \frac{x}{2} \end{cases}$$

Uning yechimi  $(\frac{3}{5}; -\frac{4}{5})$  ni hosil qilamiz. Bu nuqta koordinatlari uchun  $(\frac{3}{5})^2 + (-\frac{4}{5})^2 = 1$  tenglik o'rinli va demak,  $AM$  va  $CK$  to'g'ri chiziqlar aylana ustida kesishadi.

### Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Л.С.Атанасян Геометрия: Учеб.для 10-11 кл. общеобразоват. учреждений. / Л.С.Атанасян, В.Ф. Бутузов, С.Б.Кадомцев и др. - 13-е изд. - М.:Просвещение, 2004. - 255с.
2. Погорелов А. В. Геометрия 10-11 кл. / Погорелов А. В. - М.:Просвещение 2005. - 324.
3. И.М.Смирнова Геометрия / И.М.Смирнова, В.Ф.Смирнов - М,2008. - 201с.

### Применение методов планирования экспериментов в задаче взаимодействия профиля с твердой стенкой.

*СамДАҚИ-Р.Сафаров*

С целью выяснения возможности сокращения трудоемкости экспериментальной работы, в исследованиях с использованием ГГА, была сделана попытка использования математического планирования экспериментов. Под планированием понимается процедура выбора количества и условий проведения опытов, позволяющих решить поставленную задачу с заданной точностью при минимальном объеме была поставлена задача отыскать интерполяционную модель сверх звукового обтекания профиля вблизи экрана: зависимость величины отхода скачка уплотнения ( $\bar{\Delta}$ ) от числа Маха ( $M_\infty$ ) и расстояния профиля от экрана( $\bar{H}$ ). Таким образом, объект исследования характеризовался двумя входными параметрами (действующими факторами) и одним выходным.

Учитывая известную из ранее проведенных исследований явную нелинейность влияния рассматриваемых факторов из выходной параметр, для реализация был выбран ротатабельный центральный композиционный план (РЦКП) 2-го порядка. Судя по литературе, этот тип планов является одним из наиболее отработанных [1]. План-матрица экспериментов представлена в табл.1.

табл.1.

№	$X_1$	$X_2$	$Y(x)$
1	-1	-1	2,35
2	+1	-1	1,60

3	-1	+1	1,60
4	+1	+1	1,05
5	-1,414	0	2,55
6	+1,414	0	1,10
7	0	-1,414	2,32
8	0	+1,414	1,25
9	0	0	1,45
10	0	0	1,40
11	0	0	1,38
12	0	0	1,30
13	0	0	1,48

Всего необходимо было выполнить 13 опытов, варьируя факторы на пяти фиксированных уровнях (табл.2.)

табл.2.

Уровня варьирования	Нормированные значения	Натуральные значения	
		$M_{\infty}$	$\bar{N}$
Верхний звездный	+1,414	1,90	1,00
Верхний	+1	1,83	0,87
Нулевой	0	1,65	0,55
Нижний	-1	1,47	0,23
Нижний звездный	-1,414	1,40	0,10

Переход от натуральных значений факторов к нормированным осуществляется по формулам!

$$X_1 = \frac{M_{\infty} - 1,65}{0,18} \quad X_2 = \frac{\bar{N} - 0,55}{0,32}$$

Первы четыре опыта предоставляют собой полный факторный эксперимент следующие четыре- „звездные точки”, а последние пять – повторяющиеся опыты и центре выбранного факторного пространстве. Данные, полученные из этих опытов, помещены в последней колонке матрицы. Их математическая обработка стандартизована и основывается на дисперсионном и регрессионном анализах [1] Получаемая в результате модель представляет собой уравнение регрессии (в виде полинома второго порядка):

$$y = b_0 + b_1x_1 + b_2x_2 + b_{12}x_1 * x_2 + b_{11}x_1^2 + b_{22} * x_2^2$$

Помимо определения коэффициентов уравнения регрессии, выполнялось. Также статистическая проверка их значимости, а также проверка адекватности полученной модели. Параметры модели и результаты статистического анализа представлены в таблица 3. Незначимым оказался лишь коэффициент парного взаимодействия факторов, что согласуется с данными предыдущих исследований.

№	Значения коэф-тов	Доверительные интервалы коэффициент	Дисперсия воспроизводимости	Критерий Фишера
$b_0$	1,369	0,097		
$b_1$	-0,298	0,083		

$b_2$	-0,351			
$b_{12}$	0,050	0,110	0,006	5,81
$b_{11}$	0,173	0,083		
$b_{22}$	0,153			

Проверка адекватности производилась по критерию Фишера. Вычисленное для данного эксперимента значение критерия оказалось существенно ниже критического (5,81 против 6,59), что подтверждает  $M_\infty = 1,6$  - сравнивается кривая, полученная в однофакторном эксперименте, с рассчитанной по модели.




Рис.1

Очевидно, что достигается сходимость в пределах точности эксперимента. Несколько большие расхождения обнаруживаются в периферийной области факторного пространства. Следует заметить, что в случае применения традиционного однофакторного эксперимента, для описания той же области варьирования факторов потребовалось более 40 опытов. Таким образом, применение математического планирования позволяет в данном случае снизить объем эксперимента в 3 раза.

#### Литература

1. Адлер Ю.П., Маркова Е.П., Грановский Ю.В. Планирование эксперимента при поиске оптимальных условий. – М.: Наука, 1976, 279с.

### Саёз пойдеворлар иссиқлик изоляция қатламининг қалинлигини ҳисоблаш

Тулаков Э.С., т.ф.д., Сирожиддинов Ш., ассистент, магистр Куронов О (СамДАҚИ).

Маълумки, ҳозирги даврда замонавий уй-жойларни эксплуатация қилишда энергия тежамкорликни таъминлаш умумбашарий муаммо бўлиб қолди. Бу борада ишлаб чиқилган комплекс дастурларнинг асосий йўналиши биноларда энергия тежамкорликни таъминлайдиган

конструктив ечимларни қўллаш билан бир қаторда уларнинг иссиқлик ҳимоялаш даражасини ошириш бўлиб турибди.

Кейинги йиллардавомида Республикамизда ҳам, бинолар ташқи тўсиқ конструкцияларини лойиҳалашда энергия тежамкор ечимларни қўлланилишини таъминлаш мақсадида, бу масалага тегишли норматив хужжатлар икки марта қайта қўриб чиқилди (1997 ва 2011 й). Шу мақсадда биноларни вазифалари ва уларда кечадиган функционал жараёнларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни иссиқлик ҳимояси бўйича учта даражага бўлиш қабул қилинди. Бунда ташқи тўсиқ конструкцияларнинг иссиқлик узатишга қаршилигини 2-3 барабар ошириш орқали уларнинг иссиқлик ҳимоялаш даражасини ошириш асосий йўналиш қилиб белгиланди.

Бинони иситишга сарфланадиган энергия миқдорини таркибий қисмларга ажратсак, бу энергиянинг қарийб 1/3 қисми ташқи тўсиқ конструкциялардан иссиқлик йўқолиши ҳисобига эканлигини кўрамиз.

Ер ости ташқи конструкцияларни иссиқлик изоляция билан ҳимоялашга асосий сабаб, ер ости ташқи конструкциялар орқали йўқолаётган иссиқлик миқдори, бинодан умумий йўқолаётган иссиқлик миқдорини 20 % гача бўлган қисмини ташкил этишидир

Совуқдан ҳимояланган пойдеворни лойиҳалаётганда иссиқлик изоляция қатламининг қалинлигини аниқлаш зарур, иссиқлик изоляция қатламин тагидаги грунт музламаслигини олдини олиш учун етарли, бу эса ер ости конструкцияларга, музлаган грунт қатламини кўтариш кучи таъсирини пайдо бўлишига йўл қўймаслик имкон беради.

Грунтни музлаб-эриши бўйича теплотехник ҳисобларни бажариш учун аниқ тавсияларайни вақтда йўқ. Ишончли ҳисобни бажариш учун эса грунтнитеплофизик характеристикасини аниқламоқ зарур, қайсиким бу теплофизик характеристикалар температурдан эгри чизикли боғлиқликка эгадирлар. Грунтни теплофизик хусусиятининг эгри чизиклигига сабаб, грунт ҳолатини музлаган ва эриган ҳолларда унинг характеристикаларининг қийматлари ҳар хиллигидир.

Температура чегараси, фазали ўтиш рўй берадиган температура  $0^{\circ}\text{C}$  дан  $-3^{\circ}\text{C}$  оралиғида бўлади.


Бундан ташқари, грунтда иссиқлик изоляция қатлами бўлганда, фазали ўтиш рўй берадиган температурани алоҳида таҳлил қилиш талаб қилинади, чунки иссиқлик изоляция қатламили пойдевор ости музлаганда, музлашнинг бошланиши ва музлаганча бўлган температурада катта чегарадаги грунтнинг пластик-музлаш ҳолати вужудга келади.

Грунтларни мавсумий музлашини вужудга келиши ва ўзгариш жараёнлари ер юзасига тушаётган куёш радиациясининг иссиқлик баланси таркиби билан аниқланади. Иссиқлик жараёнлар билан грунт ва тоғ жинсларидаги иссиқлик жараёнларни боғлиқлигини аниқлаш учун, ер юзасидаги жараёнларни билиш керак.

Бундай мураккаб ҳисобларни бажариш қийинлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги модель қилинди:

Саёз пойдеворнинг ўртача қўйилиш чуқурлиги 0,5 м бўлганда ер сиртидан грунтнинг музлаш чуқурлигини 0,5 м саҳтгача кўчиришни таъ-

минлашзарур. Бундай ҳолда, иссиқлик оқими  $Q$  грунтнинг музламаслиги учун кўрсатилган чуқурликда грунтнинг ҳажмига пропорционал ўзгаради ва унинг қийматини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:



**1-расм. (а) иссиқлик изоляция қатлами билан қопланмаган грунтнинг музлаш чуқурлиги ва (б) иссиқлик изоляция қатлами билан қопланган грунтнинг музлаш чуқурлиги схемалари**

$$Q_2 = Q_1 \cdot \frac{0,5}{d_{гр}} \quad (2)$$

Иссиқлик оқимининг қийматини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$Q = \Delta T / R \quad (3)$$

бу ерда  $\Delta T$  - қатламлар чегарасидаги температуралар фарқи,  $^{\circ}C$ ;

$R$  - қатламни иссиқлик узатишга қаршилиги,  $m^2 \cdot ^{\circ}C / W$ .

Иссиқлик узатишга умумий қаршилик  $R_0$  қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$R_0 = \frac{\delta_1}{\lambda_1} + \frac{\delta_2}{\lambda_2} + \frac{\delta_3}{\lambda_3} + \dots \quad (4)$$

бу ерда  $\delta$  - қатлам қалинлиги;

$\lambda$  - қатлам материални ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлик коэф-фициенти.

Ер сатҳи билан ернинг музлаш чуқурлиги сатҳи орасидаги температуралар фарқи ҳисобига вужудга келадиган иссиқлик оқими грунтнинг хусусиятларига боғлиқ ҳолда 1-расмдаги (а) схема бўйича, ва иссиқлик изоляция қатлами материалининг хусусиятларига боғлиқ ҳолда 1-расмдаги (б) схема бўйича аниқланади. Шундай қилиб грунтнинг иссиқлик изоляция хусусияти иссиқлик изоляция қатлами материалининг иссиқлик изоляция хусусиятидан 10 мартаб ёмон бўлганлиги сабабли 1-расмдаги (б) схема бўйича ҳисобланганда грунт қатламни иссиқлик узатишга қаршилигини ҳисобга олмаслик мумкин.



Аниқланган музлаш чуқурлиги қийматига мос ҳолда иссиқлик изоляция қатлами материали билан қопланмаган грунтнинг музлаши учун кириб келаётган иссиқлик оқимини қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$Q_1 = \Delta T \cdot \frac{\lambda_{\text{грунт}}}{d_{fn}} \quad (5)$$

Қалинлиги  $\delta_{m/u}$  бўлган, ҳисобий иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda_{m/u}$  тенг бўлган материал иссиқлик изоляция қатлами сифатида ишлатилганлиги ҳисобига грунтнинг музлаш чуқурлиги 0,5м га сурилиши шартидан талаб қилинган иссиқлик оқимини қуйидаги формула ёрдамида аниқ-лаймиз:

$$Q_2 = \Delta T \cdot \frac{\lambda_{m/u}}{\delta_{m/u}} \quad (6)$$

Иссиқлик изоляция қатлами қалинлиги  $\delta_{m/u}$  ни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаймиз:

$$\delta_{m/u} = \frac{\lambda_{m/u} \cdot d_{fn}^2}{\lambda_{\text{грунт}} \cdot 0,5}, \text{ м}; \quad (7)$$

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, саёз пойдеворлар иссиқлик изоляция қатламининг қалинлиги  $\delta_{m/u}$  ни, грунтнинг мавсумий музлаш чуқурлиги  $d_{fn}$  га, намланган иссиқлик изоляция қатламининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти  $\lambda_{\text{влаж}}$  га ва бино асосидаги грунтнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентини  $\lambda_{\text{грунт}}$  га боғлиқ ҳолда ҳисоблаш формуласи ишлаб чиқилди.

#### *Адабиётлар рўйхати*

1. ҚМҚ 2.01.04-97\* - «Қурилиш иссиқлик техникаси». Тошкент: 2011 й.
2. Щипачева Е.В. Проектирование энергоэффективных гражданских зданий в условиях сухого жаркого климата. Учебное пособие - ТТЙМИ, 2008 й.
3. В.С. Беляев, Л.П. Хохлова Проектирование энергоэкономичных и энергоактивных гражданских зданий: Учебное пособие. М.: Высшая школа, 1991, -255с.
4. Г. М. Бадьин Строительство и реконструкция малоэтажного энергоэффективного дома. — СПб.: БХВ-Петербург, 2011. — 432 с.:
5. Э.С.Тулаков, М.М.Махмудов “Энергия тежамкор биноларнинг конструкциялари” фанидан маъру-залар курси. СамДАҚИ: 2015й.-252б.
6. Ш.Н.Сирожиддинов Бинонинг ер ости қисмидан иссиқликни йўқоли-шини сақлаш усулини яратиш. Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертация. СамДАҚИ: 2017й.-72б.

### **Либерализация экономики и инвестиционная привлекательность Узбекистана**

*Джаббарова Ф. – студентка группы 102-Менеджмент СамГАСИ  
Хамракулова О.Д. - научный руководитель, доцент  
СамГАСИ*

Развитие и либерализация экономики Узбекистана направлены на дальнейшее укрепление макроэкономической стабильности и сохранение высоких темпов роста экономики, повышение ее конкурентоспособности, модернизацию и интенсивное развитие сельского хозяйства, продолжение институциональных и структурных реформ по сокращению присутствия государства в экономике, дальнейшее усиление защиты прав и приоритетной роли частной собственности, стимулирование развития малого бизнеса и частного предпринимательства, комплексное и сбалансированное социально-экономическое развитие регионов, районов и городов, активное привлечение иностранных инвестиций в отрасли экономики и регионы страны путем улучшения инвестиционного климата. «Это лишь начало качественно нового этапа реформ».[1]

В широком смысле слова либерализация экономики (от англ. «liberalization») – процесс освобождения экономики от чрезмерного управляющегося воздействия государственной власти на рыночные механизмы, воздействия, сковывающего внутренние силы рынка, как самоорганизующейся, саморазвивающейся и самонастраивающейся системы. Его основные направления: дерегулирование хозяйственных отношений между экономическими агентами (субъектами рынка), а также между ними и государством, либерализация цен, либерализация внешней торговли, приватизация государственного сектора экономики, расширение самостоятельности каждого человека в принятии им экономических решений. Теоретическую основу этого процесса даёт концепция экономического либерализма. Либерализация в экономико-хозяйственной сфере означает расширение свободы экономических действий хозяйствующих субъектов, снятие или сокращение ограничений на экономическую деятельность.

На современном этапе исторический процесс либерализации экономики приобрёл характер глобальной мировой тенденции, охватывающей всё большее число стран. Открывается простор для действия механизмов рыночного регулирования. Уменьшается вмешательство государства в экономику в его административных формах, а также в формах прямого государственного регулирования. Основной функцией государства становится создание и поддержание конкурентной среды путём принятия хозяйственного и гражданского законодательства, упрощения и удешевления учреждения новых частных предприятий, поддержки среднего и малого бизнеса, усиления доступности гражданского судопроизводства и др. Различают внутри- и внешнеэкономическую либерализацию. К внутриэкономической либерализации относится происходящая в рамках национальных экономик приватизация государственных предприятий, расширение сферы свободно устанавливаемых цен и доходов, процентных ставок, условий предоставления кредитов и т. д. Внешнеэкономическая либерализация – это расширение беспрепятственного международного движения товаров и услуг, капиталов, информации. Инвестиционная привлекательность страны тесно связана с либерализацией экономики.

Инвестиционная привлекательность страны или региона - это интегральный показатель, который определяется по совокупности ее экономических и финансовых показателей, показателей государственного, общественного, законодательного, политического и социального развития. Инвестиционная привлекательность определяет вектор движения физического, финансового, интеллектуального и человеческого капиталов: в страну или за ее рубежи. На международном уровне результаты реализации инвестиционных стратегий стран и экономического развития субъекта, инвестиционная привлекательность стран, регионов и предприятий оцениваются ведущими мировыми рейтинговыми агентствами Moody's, Fitch и Standart & Poor's.

Инвестиционная привлекательность страны или региона - это совокупность факторов, определяющих приток инвестиций или отток капитала. Инвестиционная привлекательность (климат) страны или региона определяется инвестиционным потенциалом и инвестиционным риском. Инвестиционный потенциал региона - это потенциальные возможности региона к развитию экономики. Инвестиционный потенциал учитывает готовность региона к приему инвестиций с соответствующими гарантиями сохранности капитала и получения прибыли инвесторами. Узбекистан входит в группу стран с быстро развивающейся экономикой. Этот фактор естественным образом получился благодаря обширным инвестициям (в частности иностранным) и является сигналом будущих денежных вливаний в экономику. Узбекистан является привлекательной для инвестиций страной благодаря наличию сырьевого потенциала страны, сравнительно небольшим ценам на энергоносители, более дешевой рабочей силе, сильной государственной поддержке, развитой правовой базе, возможности выхода на мировой рынок.[2]

Глобаллашув шароитида халқаро иқтисодий муносабатлар ривожланиши, интеграциялашув, техника ва коммуникация иншоотларини стандартлаш, бошқа давлатлар билан ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларни уйғунлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги меъёрларини мувофиқлаштириш каби масалалар ҳал этилиши талаб қилинади. Бу жараён-глобал хўжаликнинг органик бутунлиги, унинг элементлари сифатида миллий иқтисодий тизим, трансмиллий ва кўп миллатли корпорациялар ва банклар, ҳудудий ишлаб чиқариш комплекслари тарзида юз беради.

Глобаллашув жараёнининг тез суратлар билан ривожланиб бориши, давлатлар олдида янги корпорациялаш ва ихтисослашув шароитида ўзларининг рақобат афзаллигини ишга солишга қаратилган давлат миллий стратегиясини шакллантиришни талаб қилади. Бу жараённи масштаби ва тезлигини тасавур қилиш учун кўз олдимизга технологиядаги, ахборотдаги, савдо ва молиядаги катта тўлқин сифатида келаётган инновацияни келтиришимиз керак. Бу тўлқин янги геоиқтисодий муносабатлар шароитига мослаша олмаётган бир қатор хўжалик тизимини четга чиқариб қўйиши ёки бутунлай янчиб ташлаши мумкин. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир давлат ХХI асрга ўз геосиёсати йўлини ишлаб чиқишида, халқаро муносабатларни амалга оширишнинг янги шакллари ва механизмларини ишлаб чиқишлари керак бўлади. Бундай ўзаро алоқалар модели мамлакатнинг рақобат афзаллигини иқтисодий кучларни ва молиявий қувватини ишга солиш билан биргаликда олиб борилиши лозим.

Таъкидлаш лозимки, сўнги уч аср давомида индустриал ривожланган мамлакатларда рақобат ва рақобатбардошлик тушунчаси доимо ўзгариб борган. Тарихан рақобатбардошлик концепцияси, халқаро меҳнат тақсимоти, миллий иқтисодий афзалликларидан фойдаланиш (арзон ишчи кучи, бой табиий ресурслар, яхши географик жойлашиш, табиий иқлим шароити, инфраструктура омиллари ва ҳақозо) назариясига асосланиб, бундай афзалликларга эга бўлмаган импорт қилувчи мамлакатларга маҳсулотларни экспорт қилиш амалга оширилиб келинган. Индустриал ривожланиш жараёнида бозор муҳитида янгича рақобат шароити юзага чиқа бошлади, бунда таққослама миллий рақобат афзаллигидан фойдаланишдан, динамик равишда ўзгариб бораётган фан-техника янгиликларига асосланган маҳсулотни етиштиришдан то истеъмолчига етиб боргунча инновацион жараёнларга асосланган афзалликлардан фойдаланиш тизимига ўтиш жараёни амалга ошмоқда. Бу ўз навбатида таққослама афзаллик тушунчасини туб маънода ўзгартириб юборди.

Аммо таъкидлаш лозимки, бир қатор факторлардан (жумладан, иқтисодиёт эркинлашганлиги ёки инфраструктура ривожланиши даражаси) рақобатбардошлик даражасини аниқлашда фойдаланиш қанчалик тўғри

бўлади, чунки бу кўрсаткичларнинг ўзи иқтисодий ривожланишда эришилган даражага боғлиқ бўлиши мумкин деган фикрлар ҳам мавжуд.

Юқорида келтирилганларга асосланиб шуни таъкидлаш лозимки, мамлакат рақобатбардошлик концепциясининг аналитик мақоми ва уни ишлаб чиқиш тадқиқот олиб боришнинг истиқболли йўналишларидан бири бўлиши керак. Буни акси сифатида, юқорида таъкидлаганимиздек микро-даражадаги рақобатбардошлик тушунчаси (соҳаларнинг, алоҳида корхоналар ва худудлар рақобатбардошлиги) кенгрок миқёсда тан олинмоқда.

Халқаро муносабатлар тизимида рақобат – бу рақобатлашаётган томонларнинг реал иқтисодий имкониятларига эмас, балки уларнинг тез ўзгариб бораётган информация майдонидан самарали фойдалана олишига асосланган иқтисодий кураши бўлиб, бунда устуворлик ахборот-психологик услубларга қаратилади.

Рақобатбардошлик деганда, маълум иқтисодий субъектнинг аниқ истеъмолчининг реал шароитидаги маълум турдаги маҳсулотга бўлган талабини бошқа иқтисодий субъектга нисбатан солиштирганда яхшироқ қондириши бўйича имкониятлари тушунилади.

Индустриал ривожланиш жараёнида, рақобат шароити бозор муҳитида вужудга келади ва такомиллашиб боради. Рақобатбардошлик тушунчаси халқаро даражада бўлса, маҳсулотни жаҳон бозорида ёки ташқи савдода сотилиши билан бевосита боғлиқ. Агар бирор мамлакатнинг аниқ худудида етиштирилган маҳсулотни рақобатбардошлиги бўйича таққосланадиган бўлса, бунда худудлар аро савдо натижаларига мурожат қилиш керак бўлади.

Л.С. Шеховцеванинг фикрича рақобатбардошлик - бозор рақобати шароитида ўзининг вазифаларини талаб қилинган сифат ва баҳо даражасида бажариш.

П.Завьялев фикрича рақобатбардошлик - конкрет товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчини иқтисодий, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқариш, маркетинг ва бошқа имкониятларни мужассамлашган товар ва хизмат орқали рақобатлашаётган шу каби товар ва хизматларга ички ва ташқи бозорда қарши тура олиши.

Бизнинг фикримизча, рақобатбардошлик - бу хўжалик юритувчи субъектлар (корхоналар) тизимининг хусусияти бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулот, соҳалар ва худудларнинг ички ва ташқи бозорда маҳсулотни (хизматни) самарали сотиш ва ишлаб чиқариш барқорорлигини таъминловчи хусусиятлар тизими дейиш мумкин.

Хулоса қилганда, рақобатбардошлик хусусиятлари тизими ўз ичига қуйидагиларни олади: ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати, уни ресурсларга бўлган талаби (унга ресурслар сарфи), омиллар унумдорлиги, маркетинг ва бошқариш сифати ва бошқалар. “Маҳсулотни самарали сотиш” деганда, маҳсулот сотишда уни етиштиришга бўлган сарф харажатларни қоплаш ва ўртача меъёрдан кам бўлмаган ва маҳсулот ишлаб чиқаришни давом етказишга этадиган фойда олиш ва бозорда ўзи эгаллаган ўрнини сақлаб қолиши тушунилади.

## Тадбиркорлар маҳсулотлари рақобатбардошлигини баҳолашнинг жаҳон тажрибаси

доц. О.Буранов, ўқитувчилар Эгамов Р.М., Жуманов Ш.Н.(СамДАҚИ)

Бозор муносабатлари шароитида шахснинг тадбиркорлик эркинлиги доимо унинг иқтисодий соҳасидаги билими, ишбилармонлиги, янги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариши ва хизмат турларини кўрсатиши орқали намоён бўлади.

Ўз навбатида рақобатбардошлик – муҳим иқтисодий категория бўлиб, у бир неча даражаларда (йўналишларда) кўриб чиқилиши лозим:

- маҳсулотлар рақобатбардошлиги;
- мамлакат рақобатбардошлиги.

Бу йўналишларнинг барчалари орасида ташқи ва ички ўзаро боғлиқликмавжуд.

Лекин, ҳозирги вақтда бозор хўжалигида рақобатбардошликнинг барча жабҳаларини қамраб оладиган баҳолашнинг яхлит концепцияси ишлаб чиқилмаган. Шу билан биргаликда хорижлик олимлар Бакли П.(Buckley P.), Кристофор Л. (Christopher L.), Прескотт К. (Prescott K.) (1988) рақобатбардошликни ўлчашни куйидагича чегараларини ишлаб чиқишган<sup>1</sup>.

1) **Фаолият натижалари.** Бунда кўпроқ қўлланиладиган кўрсаткичлар иқтисодий самарадорлик (фойда олиш), рентабеллик, бозор улишининг ошиши, савдо баланси ҳисобланади. Бошқа турдаги кўрсаткичлар орасида энг кўп тарқалгани бу таққослама афзаллик ёки RCA (Revealed Comparative Advantage);

2) **Рақобат салоҳияти.** Бунда арзон хом ашё ресурсларига, яхши технологияларга, паст нархлар таклифига ва юқори унумдорликка эришиш имкониятлари борлиги асос сифатида қабул қилинади;

3) **Рақобат жараёни.** Бу усул бошқариш жараёнини баҳолашга ўхшаш бўлиб, асосан сифат характериға эға ёки рақобат салоҳиятини рақобат натижасига айлантириш вазифасини бажаради. Одатда бу халқаро бизнес ва истикболдаги маркетингда қўлланилади.

Ушбу услубнинг афзаллиги – баҳолашдаги аниқликдир. Бу услубнинг камчилиги интенсив жорий қилиш билан боғлиқ бўлган илмий ечимлар талаб қиладиган ишлаб чиқаришнинг истикболдини белгилашнинг мураккаблиги инновациянинг рақобатбардошликни баҳолашда асосий эътибор миллий маҳсулотнинг ташқи ва ички бозордаги талабига қаратилади.

Ушбу ёндашишда маҳсулотнинг истикболдаги рақобатбардошлиги ҳақидаги маълумотни олиш лозим. Истикболдаги рақобатбардошликни тадқиқ қилишни иқтисодий самарадорлик назарияси услубига (харажат, маҳсулотни етказиб бериш муддати, кафолатланиши ва сервис хизмати) ва квалиметрия услубига (маҳсулот хусусиятлари бўйича маҳсулот сифати, рекламанинг ҳолати) бўлиб тадқиқ қилиш қўлланилади.

<sup>1</sup>Buckley P. Christopher L. Prescott K. (1988) Measures of International Competitiveness: critical survey Journal of Marketing Management, 4 -с. 175-200.

Яна бир услуб (Квалиметрия)да - услубиёт ва миқдор жихатидан берилаётган баҳонинг тадқиқ қилинаётган объектнинг сифат кўрсаткичлари (нарсаларни, жараённи, меҳнат маҳсулотини ва табиатни) ўрганилади<sup>2</sup>.

Бу ҳолатда товарнинг рақобатбардошлигини баҳолаш, жумладан, жуда катта аҳамиятга эга бўлган критерияларни, маҳсулот намуналари учун қабул қилинган юқори рақобатбардошликка эга бўлган критериялар билан таққослаш орқали аниқланади.

Коэффициентни, маҳсулотни алоҳида бир турига ёки бир гуруҳ маҳсулотларга шунингдек, бутун соҳа учун ҳам ишлаб чиқиш мумкин. Шунинг билан бир вақтда  $RCA$  услубиётининг камчилигига ҳам эътибор берилмоқда. Бу камчилик шундан иборатки коэффициентни ҳисоблашда фақат экспорт кўрсаткичларигина эътиборга олинади, импорт даражаси эса умуман ҳисобга (эътиборга) олинмайди.

$RCA$  услубиятини токомиллаштириш мақсадида Скотт Л. (ScotL.) (1992) ва Воллрат Т. (Vollrat T.) (1991) лар томонидан муқобил уч кўрсаткичдан иборат услубият таклиф қилинган<sup>3</sup>.

Улардан биринчиси нисбий экспорт афзаллик индекси;  $RXA_{ij}$  (Relative Export Advantage Index)  $RCA_{ij}$  га эквивалент. Иккинчи – индекс нисбий импорт афзаллиги (турли манбаларда бу кўрсаткич  $RMA$  (Relative Import Advantage)) деб аталади<sup>6</sup> ёки  $RMP_{ij}$  (Relative Import Penetration Index).<sup>7</sup>  $RXA_{ij}$  каби ҳисобланади, фақат экспорт маълумотлари ўрнига, импортни жорий кўрсаткичлари олинади.

Учинчи кўрсаткич – нисбий савдо афзаллиги индекси  $RTA_{ij}$  (Relative Trade Advantage Index), бу  $RXA_{ij}$  билан  $RMP_{ij}$  нинг орасидаги фарқни ташкил қилади.

$RTA_{ij}$  кўрсаткичи фаолиятининг ҳам экспорт, ҳам импорт аспектларини ҳисобга олади. Шунинг билан бир қаторда, коэффициентлар жамланиши нотўғри натижаларга олиб келиши мумкин бўлган сабаблар ҳам мавжуд. Бу биринчи навбатда соҳанинг ичида ҳамда транзит савдонинг мавжудлиги.

Воллрат Т. томонидан рақобатбардошлик кўрсаткичини ( $RC$ ) таҳлил қилиш учун қўшимча дастакни қабул қилган, бу:  $RC = \ln RXA - \ln T.e$ .

$RC$  бу ҳолатда  $RXA$  дан натурал логарифм ҳисобланади. Услубиятни ривожланишига қарамасдан оригинал ҳисобланган  $RCA$  кўрсаткичидан хорижий, шу жумладан Россия иқтисодчилари рақобатбардошликни таққослама баҳолашда кенг миқёсда фойдаланиб келмоқдалар<sup>9</sup>.

Баъзи ишлаб чиқариш тармоқларига юқори даражада муқобиллаштирилиб туриладиган соҳа сифатида ёндашилишини эътиборга оладиган бўлсак, давлат субсидияларини, таърифларни ва таърифдан ташқари чегаралашларни рақобатбардошликни баҳолашда ҳисобга олиш керакми деган, савол туғилади. Чунки, рақобатбардошликни баҳолаш концепциясида асосий ролни экспортнинг абсолют хажми ўйнайди, маълум

<sup>2</sup> Экономика-математический энциклопедический словарь/ Гл. ред. В.И. Донилов. Донилян.-М.: Большая Российская энциклопедия: Издательский Дом «ИНФРА-М», 2003. – 688 с.

<sup>3</sup>Ferto L., Hubbard L. Regional Comparative Advantage and Competitiveness in HungarinAgri-Tood Sector // 77 th Seminar N 325, August 17-18 Helsinki, 2001.

шароитда миллий ишлаб чиқаришда экспортнинг улуши ҳисобга олинади. Албатта ишлаб чиқаришга ва сотишга субсидияларни чегаралаш рақобатбардошликни юқори даражасига эришиш манбалари сабаби ҳисобланади, шунга қарамай бизнинг фикримизча рақобатбардошликнинг асосий кўрсаткичи маҳсулотга жаҳон бозорида ҳақиқий талабнинг мавжудлиги ҳисобланади. Хулоса қилиб айтганда, рақобатбардошликни баҳолаш кўплаб ташқи ва ички омилларга боғлиқ бўлиб, бу муаммоннинг ҳал этилиши маҳсулот, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тармоқлар, мамлакатлар рақобатбардошлигига объектив баҳо бериш имконини беради.

### **Бошқарув жараёнида ахборотларнинг тутган ўрни**

*Доцентлар Каржавов З.К., Буранов О.Б.,  
ўқитувчилар Эгамов Р.М., Жуманов Ш.Н. (СамДАҚИ)*

Бошқарув жараёни мураккаб жараён бўлиб, улар асосан ахборотлар ёрдамида амалга оширилади. Ахборотларни зарурийлик нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак уларнинг икки хил бўлишини кўрамиз мумкин:

- корхона эҳтиёжидан келиб чиқадиган ахборотлар;
- юқори бошқарув органларидан келадиган кўрсатмавий

ахборотлар.

Биринчи тур ахборотлар ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда зарур бўладиган ахборотлардир.

Иккинчи турдаги ахборотлар эса бошқарув тизимига ташқаридан келадиган ахборот бўлиб, уларда қабул қилинадиган қарорлар ва турли кўрсатмавий маълумотлар мавжуд бўлади. Ахборотларнинг бошқарув тизимига келиши жиҳатидан улар ташқи ва ички ахборотларга бўлинади.

Бошқарув фаолиятида ахборотлар асосида бошқарувни ташкил қилиш қуйидаги схема орқали амалга оширилади



Бундан ташқари ахборотлар ташқи муаммолардан келиб чиқади.

Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- шлаб чиқарилаётган маҳсулотларга бўлган талаб;
- техника тараққиётига оид ахборотлар;
- илғор корхоналарнинг иш тажрибалари ва ҳоказо.

Ички ахборотларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқариш жараёнига оид режа топшириқларининг бажарилиши;

- цех, участкаларнинг ишларига оид ахборотлар;
- маҳсулот сотилишига оид ахборотлар;

- махсулот таннархини камайтиришга оид ахборотлар.

Ахборотлар бошқарув жараёнига ўхшаб ўзининг ҳажми, таркиби ва келиб тушган вақти бўйича бошқарув даражасига бевосита боғлиқ. Бу даража қанчалик юқори бўлса ва ишлов берилган ахборотлар учун зарурат шунчалик кўпайиб боради.

Ахборотлар шартли равишда ўзгармайдиган ва ўзгарувчан турларга бўлинади. Шартли ўзгармайдиган ахборотлар таркибига нисбатан кам ўзгарувчи ахборотлар киради. Меъерлар, қийматлар ва ҳ.к. Бундай ахборотлар бошқарув учун зарур бўлган ахборотларнинг 60-70% ни ташкил қилади. ўзгарувчан ахборотлар мураккаб ва муҳим ахборотлардир. Бундай ахборотлар ишлаб чиқаришда ва хўжалик фаолияти жараёнининг ўзгаришида акс этади. Бундай ахборотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш анча мураккаб жараён ҳисобланади. ўзгарувчан ахборотларнинг асосий хусусиятлари шундан иборатки, уларга ишлов беришда чаққонлик, тезкорлик зарур бўлади. Акс ҳолда уларнинг аҳамияти ўз кучини йўқотади.

Бошқарув фаолиятида иккиламчи ахборотлардан ҳам фойдаланилади. Бундай ахборотлар шартли ўзгармайдиган ва ўзгарувчанли ахборотларга берилган дастур асосида ишлов бермаслик натижасида юзага келади ва улар бошқарув жараёни ҳамда қарорлар қабул қилиш учун анча етук ва муҳим ахборот ҳисобланади. Корхонани бошқариш учун зарур бўлган барча турдаги ахборотлар мажмуи ахборот тизимини вужудга келтиради. Бошқарув ва ахборот тизимлари бошқарувнинг ҳар қандай босқичидан бир бутун бўлиб фаолият кўрсатади., аммо улар ўзининг вазифаси ва таркиби билан турличадир.

Бошқарув амалиётида ахборотлар асосий ўринни эгаллаши ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетмаслигига ҳам эътибор беришимиз зарур. Ҳажм жиҳатдан ҳаддан ташқари кўпайиб кетган ахборотлар билан бошқарув қарорларини қабул қилиш мураккаблашади.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув жараёнида ахборотларнинг ўз вақтида келиб тушиши ва уларга сифатли ишлов бериш ҳамда узатилиши корхона олдида қуйган мақсадга эришиш учун бошқарув қарорларини қабул қилишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Бошқаришда иқтисодий ахборот тизимининг ахборот таъминоти**

*Доцентлар Каржавов З., Буранов О.Б.,  
ўқитувчилар Жуманов Ш.Н., Эгамов Р.М. (СамДАҚИ)*

Бошқариш учун зарур бўладиган барча турдаги ахборотлар мажмуи ахборот тизимини вужудга келтиради. Бошқарув ва ахборот тизимлари бошқарувнинг ҳар қандай босқичида бир бутун бўлиб фаолият кўрсатади. Аммо улар ўзининг вазифаси ва таркиби билан ҳар хил бўлади. Мисол учун бошқарув тизимини ишлаб чиқаришнинг ҳажмига, унинг техник даражасига ва тармоқ турига қараб ҳар хил бўлиши мумкин.

Ахборот тизимини эса таркиби бўйича ҳамма вақт бир хил бўлишдан қатъий назар у ахборот тўплаш, уни жўнатиш ва ишлов бериш жараёнларидан иборат бўлади. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши корхонанинг ички ва ташқи ишлаб чиқариш ҳамда алоқаларнинг кенгайиши қарор қабул қилиш ва буйруқ тайёрлашдан олдин инсон ўзлаштириши зарур бўлган ахборот ҳажмини кўпайтириб юборади.

Бошқаришда ахборот тизимлари икки хил булади:

- оддий ахборот тизими;
- мураккаб ахборот тизими.

Оддий ахборот тизими –ахборот бунёд бўлган жойдан истеъмол жойига келтирилади.Бундай ахборотлар одатда алоқа воситалари орқали (телофон, факс) келиб тушади. Бундай ахборотлар тизими қуйи бошқарув босқичига тўғри келади ва бундай ахборотларга деярли ишлов берилмайди.

Мураккаб ахборот тизими . Бу тизим ишлаб чиқариш ва бошқарув ташкилий таркибининг мураккаблигига мос келади. Бундай тизимлар ҳар-хил кўринишда бўлиши мумкин. Уларнинг муҳим белгиларидан бири ахборотларга ишлов беришидаги механизациялаштирилганлик ва автоматлаштирилганликдир.Шу нуктаи назардан, уларни механизациялашганлик даражасига қараб қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

- ахборотларни тўла ўзлаштириш даври. Бунда инсон одий механизациялашган қурилмалардан фойдаланиб ахборотларни ўзлаштиради.

-аралаш ахборотлар тизими.Бунда инсон ахборотларни механизациялашган ва автоматлашган қурилмадан фойдаланиб уларга ишлов беради. Бу тизим автоматлашган назоратни таъминлайди ва баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш фаолияти устидан оддий бошқарув жараёнини амлга оширади.

-ахборот маълумотнома тизими. Бу кўз билан бажариладиган назорат учун баъзи бир маълумотномаларни бериш билан чекланади.

-кузатувчи ахборотлар тизими. Бу тизим автоматлашган назорат ва бошқарувни таъминлайди.

Ахборот тизимини ташкил қилишда мумкин қадар бирламчи ахборотларни камайтириш, берилган маълумотларни кўпроқ ишлатиш ,фақат бошқарув учун зарур бўлган диққатга сазовар ва қарор қабул қилиш учун керакли ахборотларни олиб бориш зарур.

Бошқарув тизимида ҳисоблар натижасини белгилаш шакллари муҳим аҳамият касб этади.Улар бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида инсон тушиниб етиши учун қулай бўлмоғи керак.

Хулоса қилиб айтганда бошқаришда бошқарув учун ишлатиладиган ахборотлар қанчалик аниқ ва хар тоионлама бўлса, қабул қилинадиган бошқарув қарори шунчалик ҳаққоний бўлади.

## **Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича маркетинг тадқиқотлари.**

*Суюнова Я.М.-катта ўқитувчи (СамДАҚИ)*

*Комилов Феруз-301-мен.гуруҳи талабаси*

*Эсонов Дониёр -301-мен.гуруҳи талабаси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 6 майдаги №3240 «Капитал қурилишда иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари» номли қарорида фақат қурилишда эмас, балки қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарини ҳам ривожлантириш, модернизация қилишни кузда тутади.

Президентнинг бу қарори иқтисодий ислохат ўтказиш учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Бу қарорга асосан қурилиш материаллари саноатида кўйидаги ишлар амалга оширилмоқда.

- Нархларни шаклланишини такомиллаштириш;
- шартномали жорий баҳолашга ўтиш;
- инвестиция жараёни катнашчилари ўртасидаги хужалик алоқаларини такомиллаштириш;
- корхоналарни иқтисодий ҳудудда рационал (тўғри) жойлаштириш;
- қурилиш материаллари саноати корхоналарини янги бошқариш структураларини, механизмларини яратиш ва бошқалар.

Ўзбекистонда қурилиш тармоғини ривожланишини ҳамда қурилиш материаллари саноати ривожланиши кўрсаткичларини биз кўйидаги жадвал ва таҳлилларда кўриб чиқамиз:

**Қурилиш материаллари саноатни асосий техник-иқтисодий курсаткичлари охириги йилларда кўйидагича амалга оширилди.**

Кўрсаткичлар:	2005	2015	2017
Қурилиш материаллари саноатини умумий маҳсулот (млн.сум)	207	401	962
Саноатдаги ишчи ходимлар сони (минг киши)	57	45	44
Соф фойда (млрд. сумм)	18,2	139	328
Маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллиги (фойдалилик даражаси % ҳисобида)	32%	72 %	126 %

Қурилиш материаллари саноатини ривожланишига иқтисодий,техник-технологик ва маркетинг нуқтаи назаридан кўйидагича маркетинг таҳлили ўтказамиз.

1. Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноатини асосий кўрсаткичларини ўсишига баҳо берамиз;

2. Корхоналар молиявий фаолиятини асосий кўрсаткичларига баҳо берамиз;



3. Асосий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўсишига характеристика берамиз;

4. Чет элларда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни таҳлил қиламиз;

5. Ўзбекистонда ҳар қил қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ўсишини баҳолаймиз

6. Ўзбекистондаги вилоят ва ҳудудларда янги қурилган, реконструкция қилинган заводларни аниқлаймиз, маҳсулот турини ўрганамиз.

Қурилиш материаллари биржа савдолари орқали сотилмоқда. Шунини айтишимиз лозимки охириги йилларда сотиш ҳажми ҳамда биржа савдосига қуйилган товарлар номенклатураси (тўрлари) ўсиб бормоқда.

Хулоса қилиб айтганда замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш уларни рақобатбардошлигини таъминлаш, қурилиш материаллари бозорини барча тўрдаги материаллар билан тўлдириш, қурилишни моддий-техник базасини такомиллаштириш соҳасида бизнинг Республикамизда ўлкан ишлар амалга оширилмоқда.

### **Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатиш соҳасини қайта қуриш ва ривожлантириш**

*Суюнова Я.М. – катта ўқитувчи, Мирзаев З.А. – ўқитувчи*

*Хамидов Масариддин - 301-менежмент гуруҳи талабаси.*

*Холмуродов Бекзод – 301-менежмент гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)*

Маълумки, ҳар қандай даражадаги ислоҳотлар мавжуд тартиб, шарт – шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатни ўзгаришига олиб келади. Ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтиш эса жуда мураккаб жараён ҳисобланади.

Шунга қара, биринчи Президентимиз Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос модели муҳим тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз “Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йули” номли китобида, мустақил, сифат жихатдан янги ижтимоий – иқтисодий модель сифатидаги ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини мазмунини кенг тушунтириб берди.

Жамият ижтимоий – иқтисодий мазмуни ва қиёфасининг янгиланиши мазкур жараёнлар ҳуқуқий асосларининг яратилиши билан узвий боғлиқ. Шунга қара, иқтисодий ислоҳотларни дастлабки палласиданоқ мамлакатимизда Фуқаролик, Ер, Солиқ, ва Божхона кодекслари, “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш туғрисида”, “Банклар ва банк фаолияти туғрисида”, “Чет эл инвестициялари туғрисида”, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш туғрисида» ги Қонунларнинг қабул қилиниши муҳим кадам бўлди. Умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Буларни барчаси

иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиблари анча соддалаштирилган.

Рўйхатдан ўтказувчи органлар давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб бир кун мобайнида давлат реестридан олинган маълумотларни тадбиркорлик субъекти жойлашган жойдаги юридик шахслар бўйича — статистика, солиқ органлари ҳамда муҳр ва штамп эскизларини уч нусхада илова қилган ҳолда ички ишлар органларига, акциядорлик жамиятлари ҳисобланадиган юридик шахслар бўйича эса — шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи давлат ваколатли органига маълум қилади.

Концепцияга асосан тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, рухсат бериш жараёнини энгиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш, рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини соддалаштирилмоқда.

Рухсат бериш жараёнини энгиллаштириш бўйича рўйхатга олувчи инспекция фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив ҳужжатларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда, булар:

- хизмат лавозимини суистеъмол қилиш имкониятларини камайтиришга;
- рўйхатга олишни асоссиз равишда норасмий рад этиш амалиётини тугатишга;
- мансабдор шахсларни маъсулиятини оширишга;
- рўйхатга олиш тартибини ҳудудлар бўйича бир шаклга келтиришга имкон яратади.

Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорликни куллагга ҳам концепцияда алоҳида тухталиб утилган.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади, кредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган. Ушбу Концепсия биз учун узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастури бўлади.

Шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар бутун жамиятимиз, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солишига, Эл – юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга даъват этади.

Концепцияга асосан тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, рухсат бериш жараёнини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, қонун ҳужжатларини унификация қилиш, маъмурий сарф-харажатларни тобора камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома турларини қисқартириш, рухсатномалар бериш тартиб-қоидаларини соддалаштирилмоқда.

Рухсат бериш жараёнини енгиллаштириш бўйича рўйхатга олувчи инспекция фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив ҳужжатларни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда, булар:

- хизмат лавозимини суистеъмол қилиш имкониятларини камайтиришга;
- рўйхатга олишни асоссиз равишда норасмий рад этиш амалиётини тугатишга;
- мансабдор шахсларни маъсулиятини оширишга;
- рўйхатга олиш тартибини ҳудудлар бўйича бир шаклга келтиришга имкон яратади.

Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорликни куллашга ҳам концепцияда алоҳида тухталиб утилган.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади, кредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган. Ушбу Концепсия биз учун узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастури бўлади.

Шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар бутун жамиятимиз, шу заминда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солишига, Эл – юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга даъват этади.

## **Қурилиш конструкциялари ишлаб чиқариш корхоналарда маҳсулот сифатини тезкор механизациялашган назорат тизими.**

*Суюнов Б.А.-КМЭ ваУБ кафедраси ассистенти, Суюнова Я.М.-катта ўқитувчи Хамидов М., Холмуродов Б. -301 мен. гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)*

Ушбу ишда биз тадқиқот ва таҳлиллар асосида темирбетон конструкциялари заводи маҳсулотини сифатини тизимини тезкор бошқариш ечимларига самарали ёндашиш учун завод маҳсулотига таълуқли компонентларни ўрганиб, таҳлил қилиб чиқдик. Бу компонентларни таҳлил қилишда, таъсир даражасини аниқлашда замонавий усуллардан бири бўлган “Тизимли таҳлил” усулидан фойдаландик. Чунки, бу усул ёрдамида долзарб техник- иқтисодий, ижтимоий ва ечими қийин бўлган муаммоларни аниқлаш осон кечади. Сифатни оператив назорат қилиш тизимини жорий қилиш учун аввало бир катор тайёргарлик ишларини олиб бориш зарур:

1) Завод ишлаб чиқараётган хамма темир-бетон конструкциялар учун "бирлик сифат курсаткичлари"(БСК)ни аниқлаш лозим;

2) Бирлик сифат курсаткичларини ахамиятлилигини эътиборга олиб тартиблаштириш (ранжировка) ва завод учун маълум маҳсулотда қайси БСК асосий эканлигини аниқлаш лозим (бу эксперт сурови натижасида аниқланди);

3) Хар бир бирлик сифат курсаткичи учун характерли булган нуксонларни бартараф этишга уртача меҳнат харажатлари меъёрини аниқлаш керак. Ўртача меҳнат харажатларини аниқлашда бир кишининг бир соатда нуксонни бартараф қилишда сарф қилган харажатлари асос қилиб олинади.

Тизимли таҳлилнинг ижобий томони шундаки, устивор йўналишларни хар бирини алоҳида таҳлил қилиб чиқиш ва ижобий, салбий таъсирлар доирасини белгилаб олиш имкониятининг борлигидир.

Маҳсулот сифатини ошишига тезкор(оператив)механизациялашган назорат тизимини таъсирини яъни сифатли маҳсулот чиқишига ўз таъсирини курсатувчи омилларни алоҳида-алоҳида куриб чиқдик, улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1.Ўз вақтида камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш.Аниқланмаса камчилик бошқа постларга утиб кетади ва қурилиш ва эксплуатация жараёнида ўзини курсатади.

2.Хамма маҳсулотларни тулиқ назорат қилиш.Ҳозирги пайтда сменада ОТК ходимлари айрим(выборочный) назорат олиб боради.Тулиқ назоратга вақти етишмайди.

3.Назоратчилар сонини икки мартага қисқартириш.Бу дегани механизацияни ёрдами ОТК ходимларини ишини енгиллаштиради,уларни сонини қисқартириш мумкин деганидир.

4.ОТК ходимлари вақти 50-70% тежалади. Улар энди маҳсулот сифатини тўлиқ назорат қилишга утади.

5.Назоратчилар ишини 2-3 марта осонлаштиради.

Чунки улар 5-6 тагача булган назорат журналларини тўлдирмайди.Машина(компьютер) ўзи қайд этиб боради.

6.Цех,завод маҳсулоти тезкор баҳоланади. Хар сменадан сунг раҳбарнинг столига маҳсулот сифати даражаси ва

базарувчиларни(ишчиларни) сифат коэффицентлари курсатгичлари тезкор келиб тушади. Баҳосини олади.

7. Камчиликларни асосийлари ўз вақтида аниқланади. Кўп харажат талаб қиладиган (тўғрилаш, ремонт учун) асосий нуқсонлар кампьютер дастурлари ёрдамида тез аниқланади.

8. Нуқсон ва бракдан ҳосил бўладиган шартли йўқотишлар аниқланади. Ҳар смена охирида қанча йўқотишлар бўлиши топилади (пул бирлиги курунишида). Махсус масала ечилади, дастури мавжуд.

Сифатли маҳсулот чиқишига ўз таъсирини курсатувчи асосий омилларни қуйидаги чизмада тасвирлаганмиз (1-расм).



9 . Рағбатлантириш такомиллашади.

Чунки ишчиларни меҳнати коэффицентини топилади ва шу орқали моддий рағбатлантирилади.

10. Нуқсонларни пайдо бўлиши 60-70 % камаюди.

3-4 та асосий критик нуқсонлар йўқотилишига эришилса сифат 80% гача ошиши мумкин. Бу нуқсонларни ранжировка қилиш ёрдамида аниқланган.

11. Сифатсиз маҳсулот чиқариш 30% камаюди. Бу албатта яхши курсатгич ҳисобланади.

Ушбу сифатни бошқариш тизимини темирбетон конструкциялари заводига ўрнатилса олинадиган йиллик иқтисодий самараси қуйидагича бўлади:  $E = E_c - C - E_n \times K = 108000 - 22350 - 0,15 \times 3300 = 85155$  минг сўм. (бу битта цехдаги иқтисодий самара ҳисобланади).

Бу хисоблардан куришиб турибдики, оператив назорат тизимини бошка турдаги заводларда ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ экан.

### **Бозор иқтисодиёти шароитда курилиш маҳсулоти сифатини бошқариш тизими.**

*Суюнов Б.А. - "Кучмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш" кафедраси ассистенти*

*Эсонов Дониёр-301-мен. гуруҳи талабаси*

*Эшмаматов Шухрат -301-мен. гуруҳи талабаси (СамДАҚИ)*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳада катта узгартиришларни амалга оширди, халқнинг фаровон турмуш тарзини яратиш учун, уларни яхши турар-жой бинолари, маданий-маиший ва коммунал соҳадаги бино ва иншоотлар билан таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Сифатли маҳсулот чиқариш учун нихоятда кўп омилларни таъсирини енгиб утиш зарур, масалан, ишчиларни малакаси яхши бўлиши, хом-ашё сифатли бўлиши, назорат ўз вақтида, тўғри бўлиши, технология бузилмаслиги ва бошка факторларни таъсирини яхши билиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фанларнинг ўсиши, ривожланиши маҳсулот сифатини ошириш бўйича муаммоларни ечиш учун чуқур илмий изланишлар олиб боришга сабаб бўлди. Хозирги пайтда бу соҳада кўплаб назарий ва амалий - услубий илмий ишлар пайдо бўлди.

Халқаро стандарт ИСО-9000 га асосан - сифат деб маҳсулотнинг ҳамма хоссаларни ва хусусиятларни истеъмолчининг талабига мос келишга айтилади. Сифат бу қийин, кўп йуналишли иқтисодий категория хисобланади, сифатининг фалсафий, кибернетик, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, техник, сиёсий ва математик тушунчалари ва йуналишлари мавжуд.

Хар бир маҳсулот бир катор хусусиятларга эга, хар бир истеъмолчининг талабига маҳсулотнинг битта хусусияти жавоб беради. Масалан, биз олиб борган изланишлар шуни курсатадики, том ёнма йигма темирбетон плиталарнинг сифат даражасини меъёрга мос келиши қўйидаги 9-та бирлик сифат курсатгичлари (БСК) орқали пайдо бўлади:

- геометрик улчамларини аниқлиги;
- юзасининг (ички) силлиқлиги;
- электр утказиш каналларини тўғрилиги;
- кутариш илгаклари ва деталларини ўрнида бўлиши;
- ишчи арматуранинг бетон қоришма билан тўғри ёпилганлиги;
- маҳсулотдаги бетон қоришмасини мустаҳкамлигини етарлиги;
- маҳсулотни сиртини сифати;
- очик қолган арматураларни бўлмаслиги;
- ёрик, говак, синик жойларни бўлмаслиги.

Бирлик сифат курсатгичлари хар хил конструкциялар учун 8-тадан 20-тагача бўлиши мумкин.

Агар битта ёки бир нечта бирлик сифат курсатгичларини меъёр (талаб) даражасида бўлмаслиги қурилиш конструкциясини сифати пастлигидан, унда нуқсонлар борлигидан далолат беради.

Хар хил нуқсонлар қурилиш махсулотига узининг хар хил таъсирини курсатади. Одатда қўйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

- нуқсонни борлиги махсулотни уз йуналиши бўйича ишлатишга рухсат бермайди, Сифат курсатгичларини меъёрий даражага етказишнинг техник илож йук, иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бундай махсулот сифатсиз (брак) деб тан олинади;

- нуқсонни борлиги махсулотни уз йуналиши бўйича ишлатишга йул бермайди, аммо таъмирлаб бошка йўналишда ишлатиш мумкин, бу иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ;

- нуқсонни характери бу махсулотни ўз йуналиши бўйича ишлатишга рухсат беради, аммо ишлатиш даврида харажатлар ошади, махсулотни сифати (сорти) паст бўлади.

Бир катор авторларнинг фикрича махсулотнинг сифатига хар хил босқичларнинг таъсири хар хил бўлар экан. Масалан:

-лойиха ҳужжатлари -10-15%

-хом-ашё, материаллар - 30-40%

-мехнат ва технологик жараёнларни тўғри бажарилиши - 30-40%

-мехнатни ташкил этиш ва қурилишишлаб чиқаришини бошқариш -15%

Бундан қуришиб турибдики 30-60% сифатни паст бўлишига сабаб сифат курсатгичларини ёмон томонга узгариши экан. Айниқса бу қурилиш - монтаж ишларини бажаришда яққол кузга ташланади. Агар сифатсиз, нуқсонли темир-бетон конструкциялари қўлланилса, бу на факат қурилишни бажариш даврида қўшимча харажатлар килишга олиб келади, балки эксплуатация жараёнига ҳам таъсири бор.

Тахлиллар шуни курсатадики, охириги 15-20 йилда махсулот сифатини ошириш бўйича кўплаб ишлар, тадқиқотлар бажарилган, аммо бу ишлар факат сифатини бошқариш тизимининг баъзи масалаларини ечишга қаратилган, алохида қурилиш ташкилотлари ёки заводлари махсулотига қаратилган, факат назорат, ёки факат баҳолашга қаратилган, муаммони тўлик ечишга қаратилмаган. Сифатни тўлик бошқариш тизими урнига факат ахборот тўплаш билан чегараланиб қолган.

Эндиликда, қурилиш махсулоти сифатини ошириш, сифатни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича СамДАКИ “Қурилишда менежмент” кафедраси профессор -ўқитувчилари изланишлар олиб боришмоқда.

Уларнинг ишларида технологик жараёнлар урганилиб, технологик жараёнларга таъсир утказиш оркали сифатли махсулот ишлаб чиқаришга эришиш, бу билан сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечиш вазибалари турибди.

Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати:

1. "Қорхоналар тугрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: Адолат, 2000

2. И. Каримов. «Жахон молиявий иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишни йуллари ва чоралари». Тошкент. Ўзбекистон. 2009 йил.

3. Суюнов А. Модернизация систем управления качеством продукции в строительном комплексе Узбекистана. Монография. –Т.: «Фан ва технология», 2011. -124с.

### **Қишлоқ жойларида замонавий (намунавий) лойиҳалар асосида турар-жой биноларини қуриш**

*Бўриева С., Суюнова Я.М.-катта ўқитувчилар (СамДАҚИ)*

*Эшмаматов Шухрат -301-мен.гуруҳи талабаси*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонида қишлоқ аҳолисини эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олиб, қишлоқ жойларида намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жой қурилиш дастури қабул қилинди. Унга биноан 2017 йилда тўлов ҳажми икки баробар камайтирилиб тўрт хилдаги бир ва икки қаватли 15 минг та уй қурилиши режалаштирилган. Бу кўрсаткич кейинги йилларда, жумладан 2018 йилда яна ҳам ошишини инобатга олсак, ушбу танланган мавзу долзарб аҳамиятга эга.

Қишлоқ жойларида аҳоли истиқомат қилаётган турар-жой бинолари, янги қурилаётган ва таъмирланаётган бино-иншоотларни ҳолатини ўрганиб қуйидаги муаммоларни аниқладик:

1. Қишлоқ жойларида аҳолини, кам таъминланган оилаларни уй – жойга бўлган эҳтиёжини ўрганилди;

2. Қишлоқ аҳолисини турмуш шароитини яхшилаш ва шаҳардаги шароит билан тенглаштириш бўйича давлатимиз томонидан қўйилган стратегик масалалар ўрганилди;

1.1. Ихтисослашган қурилиш ташкилотларини етишмаслиги ҳамда малакали мутахассис раҳбарларни ва ишчиларни танқислиги:

Қишлоқда турар-жой қурилишига таъсир этувчи компонентлар

- қурилиш ташкилотларида айланма маблағларни етишмаслиги, инфляция оқибатида қурилиш объектлари ва материаллар нархини ошиши, корхоналарни молиявий ҳолатини ёмонлашуви, қурилиш машиналари, техникаси ва технологиясини “ислохот”лар (приватизация) даврида арзон сотиб юборилиши, тендрларда кичик қишлоқ қурилиш ташкилотларини иқтисодий – техник заифлиги кўплаб қурилиш ташкилотларини банкротликка олиб келиши;

- 20% тендер савдоларини олдиндан ҳал қилинганлиги, мажбурлаб қурилиш материалларини ўтказиш.





**1.2. ҚМИ амалга ошириш учун машина-механизмларни етишмаслиги ва эскирганлиги:**

-асосий ишлаб чиқариш фондларини эскирганлиги (эски техника улуши 70% ва ундан юқори);

-амортизация ажратмаларини пастлиги (бизда 2%, ривожланган мамлакатларда 10-12%);

Ўзбекистон бўйча эскириш даражаси:

-20% гача                                    -8 % ташкил этади

-50% эскириш                                    -41% ташкил этади

**1.3. Капитал маблағларни ва инвестицияларни танқислиги**

- ҳокимиятларни лимити йўқ ишларни бажаришга қурилиш ташкилотларини мажбурлаши;

- қишлоқ қурилиши ташкилотларини айланма маблағлар билан таъминлашдаги узилишлар. (банк, буюртмачи, қурилиш ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни ривожланмаганлиги);

- пудрат шартномасини бузганлиги учун буюртмачини моддий жазолаб бўлмаслиги (пудрат шартномасини тузишни такомиллаштириш зарур)

**1.4. Қишлоқ жойларида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини ривожланмаганлиги:**

- асосий капиталга инвестиция киритилишини қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида пастлиги;

- қурилиш материаллари саноат корхоналарни модернизациялаш, реконструкция қилишда ва замонавий технологияларни олиб киришдаги моддий қийинчиликлар.

### **1.5. Ихтисослашган лойиҳа-қидирув ишларини олиб боровчи ташкилотлар (институтлар)ни камлиги, марказлашганлиги:**

-ўтиш давридаги қийинчиликлар оқибатида қишлоқ қурилиши билан боғлиқ лойиҳа- смета ишларини амалга оширувчи ташкилотларни инқирозга учрашиши;

- лойиҳа смета хужжатлари тайёрловчи кадрларни етишмаслиги (қурилиш институтларида бозор иқтисодиёти муносабати билан сметачи-мутахассисларни тайёрлашни тугатилиши);

- лицензияга эга бўлган 850 лойиҳа ташкилотининг атига 147 таси ёки 17% мамлакатимиз миқёсида инвестиция дастурини амалга оширишга жалб қилинган. (бу жуда кам кўрсаткич)

### **1.6. Мухандислик – коммуникация тармоқларини қишлоқларда ривожланиши даражасини пастлиги:**

- тоза ичимлик суви билан аҳолини ва қурилиш саноати корхоналарини тўлиқ таъминланмаганлиги;

- қишлоқларда канализация тармоқларини ўрнатилмаганлиги (7% қишлоқларда канализация тармоғи мавжуд);

### **Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг шаклланиши ва ривожланиши**

*Рахматов А.201-мен гуруҳи талабаси*

*Каржавов З. К. Кафедра доценти (СамДАҚИ)*

Инновация назариясининг ривожланишига асос солган олим австриялик иқтисодчи Шумпетер Й.А. ҳисобланади. Мутахассислар фикрига кўра айнан ушбу олим биринчи бор инновация тушунчасини илмий асослаб берган. Шумпетер Й.А. илгари сурган ғояга кура ,жорий этилган ҳар қандай янги техник қарор,технология,ишлаб чиқаришни ташкил этиш,янги бозорларнинг таркиб топиши , хом-ашёлар манбаи инновация ҳисобланади.

Шунингдек, хорижлик олимлардан Н. Мончев, И. Перлаки, В.Д. Хартман, Э. Мэнсфилд, Р. Фостер, Б. Твисс, Э. Роджерс ва бошқалар бу тушунчани ўзларининг тадқиқотлари объекти ва предметиға кўра ҳар хил талқин қиладилар, аммо инновацияларнинг бу ҳар хил таърифларининг таҳлили шундай хулосаға олиб келадик, ўзгаришлар инновацияларнинг ўзига хос мазмунини ташкил қиладилар, ўзгаришлар вазифаси эса инновацион фаолиятнинг асосий вазифаси бўлади.

Й. Шумпетер томонидан бешта типик ўзгаришлар ажратилган:

1) янги техника, янги технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни янги бозор таъминотидан фойдаланиш (олди - сотди);

2) янги хусусиятларға эға маълумотларни тадбиқ этиш;

3) янги хом- ашёдан фойдаланиш;

4) ишлаб чиқариш ва унинг моддий - техник таъминотини ташкил қилишдаги ўзгаришлар;

5) янги сотиш бозорларини пайдо бўлиши.

Республикамиз Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йилни “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб қувватлаш

йили” деб эълон қилганлиги, шунингдек, республика иқтисодиётини ривожлантиришда инновацион ривожлантириш вазирлигини ташкил этилиши бу борада қилинадиган ишларда муҳим аҳамият касб этади.

Тизим маълум муносабатлар билан бир-бири билан боғлиқ бўлган турли элементлар тўпламидир. Тизимлар орасидаги ўзаро алоқанинг мавжудлиги тизимнинг махсус хоссасини аниқлайди. Бу хосса шундай хоссаларнинг келиб чиқишига олиб келадики, улар тизимнинг алоҳида элементларига тегишли бўлмайди. Бу эмерджентлик деб юритилади. Бошқариш функциясини бажарадиган тизимлар бошқариш тизимлари дейилади. Бошқаришни таҳлил қилиш ва такомиллаштириш қулай бўлиши учун тизимни маълум белгилар бўйича кичик тизимларга бўлиш мумкин. Уларни яна унча катта бўлмаган мустақил тизимлар деб қараш мумкин.

Миллий инновацион тизимни шакллантириш концепцияси ўтган асрнинг 80 йиллар бошидан ривожлана бошлади. Бунда “миллий” сўзи тавсифи айнан “давлат” инновация тизими деган мазмунни англатади.

Миллий инновацион тизими инновацион фаолият субъектлари мажмуидан, улар ўртасидаги билимларнинг юзага келиши, тарқалиши ва улардан фойдаланиш жараёнларини таъминлаб берувчи муносабатлардан ташил топади.

Инновация тизимининг асосий элементлари қаторида инновация инфратузилмаси, молиявий инфратузилма, илмий салоҳият каби кичик тизимларни санаб ўтиш мумкин. Уларнинг ҳар бирида тадқиқотларни молиялаштиришнинг асосий қисми (100%гача) бюджет манбаларидан (ҳам федерал, ҳам минтақавий бюджетлардан) амалга оширилади.

Макродаражадаги иқтисодий ўсиш бир томондан турли-туманликка ва ноаниқликларга боғлиқ бўлса, иккинчи томондан эса микродаражада иқтисодий жараёнларни бир-бирига уйғунлаштириш, мутаносибликни таъминлаш, мувофиқлаштириш ва стандартлаштиришга боғлиқ булади.

Илмий фаолият (илмий-тадқиқотчилик фаолияти)- янги билимлар олиш ва қўллашга йўналтирилган фаолият, жумладан:

-фундаментал илмий тадқиқотлар – инсон, жамият ва атроф-муҳит тузилиши, фаолияти ва ривожланишининг асосий қонуниятлари ҳақида янги билимлар олишга йўналтирилган экспериментал ёки назарий фаолият;

-амалий илмий тадқиқотлар – асосан амалий мақсадларга эришиш ва муайян вазифаларни ҳал қилиш учун янги билимлар қўллашга йўналтирилган тадқиқотлар хисобланади.

«Янгилик киритиш» ва «новация» тушунчалари билан «тадқиқот», «ихтиро» ва «кашфиёт» тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Илгари маълум бўлмаган маълумотлар олиш ёки илгари маълум бўлмаган табиат ҳодисаларини ёки инсоният муҳитини кузатиш жараёни тадқиқот деб аталади.

Ихтиро бу – янги ускуна, механизм, восита, технология, усул ва инсон томонидан яратилган бошқаларда ўз аксини топадиган тадқиқот натижасидир.

Кашфиёт бу – тадқиқотларнинг, эҳтимол, кўшимча натижаси ҳисобланади. Кашфиётлар ва ихтиролар қоидага кўра, фундаментал даражада юзага келади ва камдан-кам ҳолларда яқка шахслар томонидан амалга оширилади. Улар тасодифан рўй бериши ва фойда олиш мақсадини кўзламаслиги ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий жараёнларни бошқаришни ташкил этишни ҳар томонлама ўзгаришини талаб қилади. Ўзгаришлар инновацияларнинг ўзига хос мазмунини ташкил қиладилар, ўзгаришлар вазифаси эса инновацион фаолиятнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

### **Экономическая эффективность инноваций в строительстве**

*Студент группы 202-Менеджмент Курбанов Хислат*

*Научный руководитель ст. преп. Пулатов З.М. (СамГАСИ)*

Инновационный процесс можно трактовать с точки зрения финансирования и инвестирования разработки и распространения нового вида продукции или услуг. В этом случае он выступает в качестве инновационного проекта.

При однозначных результатах сопоставления различных критериев эффективности Инновационного проекта на приоритетное место выходят экономические преимущества.

Экономическая эффективность Инновационного проекта характеризуется системой показателей и единых методических принципов. Только по всем ступеням расчета можно судить об абсолютном преимуществе одного Инновационного проекта над другим, что позволяет решить две взаимосвязанные задачи: оценить выгодность каждого из возможных вариантов осуществления Инновационного проекта и сравнить все варианты, выбрав наилучший из них.

Высокая доля продаж технологически новых или значительно измененных видов продукции не обязательно свидетельствует о высоком уровне инноваций.

Чтобы учесть влияние жизненного цикла товара на этот показатель, компании должны предоставлять данные о средней продолжительности жизненного цикла своей продукции.

Эти данные могут быть использованы для взвешивания процентных долей. Альтернативный способ формулировки этого вопроса - насколько часто фирма представляет инновации.

Стимулами инновационной активности является рост качества, снижение себестоимости - как факторы, количественно меняющие оценку нормы потребительских свойств готовой строительной продукции и создание новых потребительских свойств готовой строительной продукции при неизменной себестоимости и качестве - как фактор, качественно меняющий норму потребительских свойств готовой строительной продукции.

Результирующей побудительной силой для использования инноваций частными фирмами является стремление получить конкурентное преимущество.

Предприятия, первыми освоившие конкурентоспособные инновации, имеют возможность снижать издержки производства и соответственно стоимость реализуемой продукции.

Метод *Net Present Value*, **NPV** (чистый приведенный эффект)

Расчет **NPV** основан на определении общей накопленной величины дисконтированных доходов (*Present Value*, **PV**), формула (1) и производится по формуле (2):

$$PV = \sum_k \frac{P_k}{(1+r)^k} \quad (1)$$

$$NPV = \sum_k \frac{P_k}{(1+r)^k} - IC \quad (2)$$

Где:

$P_k$  - денежные поступления, генерируемые проектом в году  $k$ ;

$IC$  - величина первоначальной инвестиции;

$r$  - коэффициент дисконтирования.

Если:  $NPV > 0$ , то инновационный проект следует принять;

$NPV < 0$ , то проект следует отвергнуть;

$NPV = 0$ , то проект ни прибыльный, ни убыточный.

Положительная величина **NPV** показывает, насколько возрастает стоимость активов инвестора от реализации данного проекта.

Поэтому предпочтение отдается проекту с наибольшей величиной **NPV**. Метод **NPV** относится к категории абсолютных, что позволяет суммировать результаты по отобранным проектам для определения **NPV** по инвестиционному портфелю в целом.

Метод Profitability Index, **PI** (индекс рентабельности инвестиции), который по сути, является следствием метода **NPV**. Индекс рентабельности (**PI**) рассчитывается по формуле:

$$PI = \sum_k \frac{P_k}{(1+r)^k} : IC \quad (3)$$

Если:

$PI > 1$ , то проект следует принять;

$PI < 1$ , то проект следует отвергнуть;

$PI = 1$ , то проект не является ни прибыльным, ни убыточным.

При принятии инвестиционных решений аналитики отдают предпочтение индексу рентабельности в том случае, если величина **NPV** в рассматриваемых проектах одинакова.

Показатель **NPV** является абсолютным, поэтому возможна ситуация, когда проекты будут иметь равную чистую приведенную стоимость доходов предприятия.

Преимущество индекса доходности заключается в том, что он относителен и отражает эффективность единицы инвестиций. Кроме того, в

условиях ограниченности ресурсов этот показатель позволяет сформировать наиболее эффективный инвестиционный портфель.

## **Ўзбекистонда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш йўллари**

*202-Менежмент гуруҳи талабаси Узоқов Хуршид*

*Илмий раҳбар Доцент И.А.Усманов*

*ўқитувчи Эгамов Р.М. (СамДАҚИ)*

Жаҳон иқтисодиётидаги таркибий ўзгаришлар, халқаро рақобатнинг кескин тус олиши давлатлар олдида самарали солиқ сиёсатини эритиш вазифасини қўймоқда. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори, конъюктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суратлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндошув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суратларини сақлаб қолишнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинган:

- Макроиқтисодий мутаносибликни сақлаш, қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш;

- Харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганини сақлаб қолган ҳолда Давлат бюджетининг барча даражаларида мутаносибликни таъминлаш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга қаратилган бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

- Солиқ юкини камайтириш ва солиққа тортиш тизимини соддалаштириш сиёсатини давом еттириш солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва тегишлиларни кенгайтириш;

- Илғор халқаро тажрибада қўлланилдиغان инструментлардан фойдаланган ҳолда, пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, шунингдек валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий барқарорлигини таъминлаш ва ҳ.к.<sup>4</sup>

Харакатлар стратегиясида кўтарилган муҳим масалалардан бири - бу солиқ маъмуриятчилиги сифати ва самарадорлигини яхшилашдан иборатдир. Бугунги кунда солиқ сиёсатининг шаффофлиги, оддийлиги, адолатлилиги ҳамда мотивлаштирувчи ролини ошириш тамойилларини жорий қилиш зарур. Ушбу масалани ҳал этиш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

- Солиқ қончилиги танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳуқуқни қўллашда ортиқча ва мураккаб нормаларни бартараф этиш, солиққа тортиш

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ПФ-4947-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

базасини ҳисоблаш жараёнини соддалаштириш ягона базадан ундириладиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни унификация қилиш шунингдек, солиқ қонунчилиги барқарорлигини таъминлашга қаратилган таклифларни тайёрлаш;

- Солиқ юкини, хусусан: яқка тартибдаги тадбиркорлардан ундириладиган қатъий белгиланган солиқ миқдорини, шу жумладан фаолият кўрсатиш жойларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш йирик корхоналар учун солиқ юкини мақбуллаштириш ҳисобидан уни изчил пасайтириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан амалда қўлланилаётган солиққа тортиш тартиблари улар фаолиятига бевосита таъсир этиб, келгусида ишлаб чиқиладиган солиқ кодексига нисбатан тегишли қарорларни қабул қилишларида катта аҳамият касб этмоқда. Адабиётларда ва оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг солиқ тазамиданги муаммо ва камчиликларни ёритиш бўйича кўплаб маълумотлар келтирилган. Бизнинг фикримизча уларнинг энг муҳимларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- Солиқ юкининг юқорилиги корхоналарнинг ўсишига ва инвестициялар киритилишига тўсқинлик қилмоқда. Бир томондан улар муваффақиятли компаниялар ишига салбий таъсир кўрсатса, иккинчи томондан ёмон ишлаётган корхоналарга ёрдам сифатида хизмат қилмоқда. Натижада яхши ишлашга интилиш сўниб боради;

- Солиқлар турларининг кўплиги ва тушунарсизлиги. Бундай ҳолат корхоналар ва тадбиркорлар томонидан солиқ сиёсатида салбий муносабат шаклланишига сабаб бўлмоқда;

- Солиқ тортиш базаларини ҳисоблаш билан боғлиқ муаммолар. Ушбу масалага ягона илмий ёндашувнинг шаклланмаганлиги солиқларни ҳисоблашда тушунмовчиликка олиб келади.

Иқтисодийда оптимал солиқ юки даражасини амалда ушлаб туриш орқали солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаоллигини оширишга ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантиришга бу орқали эса мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлашга эришиш мумкин.

### **Кўчмас мулк объектларини иқтисодий баҳолашда жисмоний емирилишни аниқлашнинг аҳамияти**

*Қурилишда менежмент” кафедраси профессори Джабриев А.Н. 1 курс  
КМБваБ гуруҳи магистри Ҳамдамов Бобир (СамДАҚИ)*

Кўчмас мулк объектларини техник ҳолатини баҳолаш, уларда хавфсизлик нуқтаи назаридан мониторинг тизимини йўлга қўйиш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидаёқ кадастр хизматининг республикамизда жорий этилишидан мақсад ҳам, нафақат объектларнинг юридик мақомини расмийлаштириш, балки уларнинг техник ҳолати бўйича ҳам маълумотлар базасини шакллантириш, уларни доимий равишда янгиланган бориш кўзда тутилган эди. Кадастр ҳужжатларида эса бугунги кунда бино конструктив элементларидаги

жисмоний эмирилиш даражаси асосиз равишда нотўғри шакллантирилмоқда. Кадастр хужжатининг бу маълумотидан фойдаланувчи сифатида биринчи навбатда республикамызда фаолият юритаётган кўчмас мулкни баҳоловчилар ҳисобланади.

Кўчмас мулк объектларини иқтисодий баҳолашда эса баҳоланаётган объект қийматининг аниқлик даражаси баҳоловчи томонидан жисмоний эмирилиш даражасининг объектив тарзда аниқланишига боғлиқ. Ҳозирги кунда бино конструкциясининг жисмоний эмирилиш даражаси ҚМҚ 2.01.16-97 [III.3] бўйича аниқланиб, у турар - жой бинолари учун мўлжалланган. Қолган турдаги биноларда жисмоний эмирилиш даражасини аниқлаш бўйича махсус меъёрий хужжатлар мавжуд эмас. ҚМҚ 2.01.16-97 га асосан қурилиш конструкцияларидаги шикастланиш ҳолатлари, унинг ташқи белгилари асосида аниқланади.

Шундай қилиб, бино ва иншоотларни иқтисодий баҳолашда энг долзарб бўлган масалалардан бири бу конструкцияларнинг реал техник ҳолати ҳақидаги маълумотлардир. Маълумки, конструкцияларнинг техник ҳолати, бино ва иншоотларга қўйилган талаблар, мустаҳкамлик, устиворлик, бикирлик, зилзилабардошлик, чегараловчи конструкцияларнинг иссиқлик ва товуш ўтказмаслик, оловбардошлик ва ҳ.к. хусусиятларидан иборат эксплуатацион талаблар мажмуасидан иборат. Биноларнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлари эса вақт ўтиши билан, маълум эксплуатацияшароитлари остида, иқлим ва гедрогеологикмуҳитнинг салбий таъсирлари остида, конструкциялардаги дефектларнинг қурилиш-монтаж ва эксплуатация жараёнида йўл қўйиладиган хатоликлар натижасида ривожланиши билан ҳамда бошқа турли даражадаги табиий ва техноген таъсирлар таъсирида ўзгариб боради. Буларнинг барчаси бино конструкцияларидаги жисмоний эмирилиш даражасининг ортиши билан тавсифланади.

Жисмоний эмирилишни келиб чиқиши бўйича қуйидаги иккита турга бўлиш мумкин: биринчисига - вақт омилига боғлиқ бўлган ҳолдаги табиий эмирилиш (каррозия, эскириш, материалнинг структуравий ўзгариши масалан, қуруқ-иссиқ шароитнинг бетоннинг эластиклик модулига салбий таъсири билан боғлиқ ҳолатлар ва ҳ.к.)ларни киритиш мумкин; иккинчисига – механик тарзда юзага келадиган, конструкцияда турли хилдаги шикастланиш ва деформация ҳолатларини келтириб чиқарувчи (ички зўриқишларнинг ортишидан, бетоннинг киришиш деформацияланшидан, замин ва пойдевор қисмида нотекис чўкиш натижасида дарзларнинг пайдо бўлиши, турли табиий ва техноген офатлар натижасида фавқулодда конструктив элементларнинг ёки бутун бинонинг турли даражасидаги олган шикастланиш) ҳолатларини киритиш мумкин. Булардан ташқари, янги қурилиб ишга топширилган биноларнинг кўзга кўринмайдиган дефектлар, хусусан: бетон ва арматура синфининг пастлиги, ишчи арматуранинг бўлувчи ўқлар бўйича нотўғри жойлашуви конструктив элементнинг габарит ўлчамлардаги дефектлар, конструкцияларнинг вертикаллиги, горизанталлиги бўйича рухсат этилган четлашишлар бўйича ҳолатлари, горизантал юк кутарувчи элементларнинг таянчлардаги ўтириш майдончасининг



етишмаслиги, антисейсмик чора тadbирларнинг нотўғриқўлланилиши х.к. каби ҳолатлар учрайди. Булар бевосита кўзга ташланмайдиган нуқсонлар бўлиб, уларни аниқлаш учун махсус текширув ишлари ўтказилиши талаб этилади.

Бугунги кунда баҳолаш бўйича мутахассислар конструкциянинг реал техник ҳолатини аниқламасдан туриб, жисмоний емирилиш даражасини белгилайдилар. Амалдаги 10-сонли “Кўчмас мулкни баҳолаш” миллий стандарти (НСОИ №10) [Ш.1]нинг 18-пунктида баҳоловчи томонидан баҳоланаётган биноларда қўрилиш конструкциялари ва бинодаги муҳандислик тармоқларининг реал ҳолатини аниқлашда талаб қилинади. Бироқ ушбу пунктнинг охирида конструкциялар ва бинодаги муҳандислик тармоқларининг реал ҳолатини аниқлаш бевосита (визуаль) аниқланади дейилади. Стандартнинг мазкур пунктда бир-бирини мутлоқо инкор этувчи иккита ҳолат қайд этилади. Яъни баҳоланаётган биноларда қўрилиш конструкциялари ва бинодаги муҳандислик тармоқларининг реал ҳолатини аниқлашда талаб этилаётган бўлсада уни визуал тарзда амалга ошириш талаби эса мазкур пунктни амалда бажаришнинг имконияти мавжуд эмаслигидан далолат беради. Бино ва иншоотларни иқтисодий баҳолашда юқорида келтирилган қўрилиш конструкциялари ва муҳандислик тармоқларининг **реал ҳолати**, уларда йиғилган жисмоний емирилиш даражаси билан ўлчанади.

Маълумки кўпгина қўрилиш материалларининг нормал шароитдаги емирилиш интенсивлиги номаълум. Сўнгги йилларда хориждан жуда кўплаб қўрилиш ашёлари кириб келди ва бу жараён давом этмоқда. Бу материалларнинг емирилиш интенсивлиги республикамизнинг ўзига хос иқлим шароити учун номаълумдир. Қўрилиш материалининг емирилиш жадаллигини билиш, уларнинг хизмат даврини белгилаш – жисмоний емирилиш даражасини аниқлаш учун зарурий кўрсаткичдир. Худди шундай, бинонинг меъёрий хизмат даврини белгилаш ҳам уни ташкил этувчи асосий конструктив элементларнинг ўртача хизмат даври билан белгиланади. Меъёрий хизмат давр эса нормал эксплуатация қилинган бино учун характерлидир.

Хулоса қилиб айтганда, бир вақтда, битта типик лойиха асосида, бир вазифани бажарувчи турли жойдаги қўрилган бинолар вақт ўтиши билан турли даражада “қарийди”. Шунинг учун ҳам ҳозирги давргача қўрилиш конструкцияларнинг бинода қайси вазифани бажаришдан қатъий назар уларнинг аниқ хизмат муддати тахминан белгиланади.

### **Tadbirkorlik faoliyatini taraqqiy etishida innovatsiyaning o'рни.**

*SamDAQI, katta o'qituvchi Ismailov N.I.*

Tajriba jarayonlari shuni ko'rsatadiki, iqtisodiyotni rivojlantirishning bosh kuchi bo'lib tadbirkorlik xizmat qiladi. Tadbirkor har qanday imkoniyatni boy bermasdan, o'z manfaatida o'zi uchun iloji boricha maksimal yutuq maqsadida, hech qanday talofatlardan qo'rqmay tashabbusni qo'lga oluvchi, kuchli va harakatchan insondir. A. Smitni ko'zga ko'rinmas qo'l qoidasiga binoan, tadbirkor

har qanday imkoniyatni nafaqat o'zi uchun balki jamiyat kelajagi uchun ishlatuvchidir. Demak, bu yangi ishni amalga oshirish qarorini qabul qilishdir.

Bu faoliyat, iste'molchilarni turli tovar va xizmatlar bilan ta'minlash yo'li bilan, daromadni oshirishga qaratilgan turli faoliyatdir. Tadbirkorlik faoliyati doimiy ravishda o'z mulkiy mas'ulligidan, o'z qo'rquv va tavakkalligidan kelib chiqib yuritiladigan faoliyat hisoblanadi. Haqiqiy tadbirkor faqat o'z g'oyasiga ega bo'lgan insonlardir, olimlarni fikriga ko'ra, dunyodagi insonlarni faqat 15-20 foizigina tadbirkordek fikr yuritish va harakat qilish qobiliyatiga egadirlar. Amerikaliklar tadbirkorlarning millatini "oltin foyda" deb atashadi. Nobel mukofoti laureati, taniqli iqtisodchi Fridrix Fan Xayekni fikricha, tadbirkorlikning mohiyati yangi iqtisodiy imkoniyatlarni izlashdir, uni axtarib topishdadir.

Tadbirkorlik oddiygina faoliyat emas, u yaratuvchanlikka mos va xos faoliyatdir. Tadbirkorlikni yuritish va yuksaltirish uchun tadbirkor ijodiy xislatga ega bo'lishi kerak. Tadbirkor o'z ishini boshlar ekan, uni u aniq bir jarayon sifatida tasavvur qila olishi va bilishi zarur.

Tadbirkorlikka xos bo'lgan xislatlar bular: tashabbuskorlik; yaratuvchanlik; ijodkorlik; yangilikka intiluvchanlik; o'zining g'oyasiga ega bo'lmoqlik; tavakkalchilik va qaltislikni o'z bo'yniga olmoqlik; novatorlik, eskini buzib, ijodiy ravishda yangilikni kiritmoqlik, ya'ni doimiy rivojlanmoqlik; faoliyat oqibatlarini ko'ra bilmoqlik; o'z majburiyatlarini bajarmoqlik; o'z qaroridan qaytmaslik; uddaburonlik va doimiy intiluvchanlik, yaratuvchanlik.

Qayd etilgan xislatlarga ega bo'lganlarga tadbirkorlikni aniq jarayon sifatida tasavvur qila oladilar, buzish qobiliyatiga ega bo'la oladilar, yangilikni yaratish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Tadbirkorlik taraqqiyoti novatorlikdadir, ya'ni eskini ijodiy yondashuv asosida buzib, yangisini ijod etishdadir. Taniqli nemis iqtisodchisi D.A.Shumpeterni fikriga ko'ra, texnologiya taraqqiyoti iqtisodiy yuksalishni boshqaradi, novatorlik ya'ni doimiy ijodiy yondashuv va yaratuvchanlik rivojlanishni ta'minlaydi. D.A.Shumpeterni fikriga ko'ra, inovatorlikni amalga oshiruvchisi bo'lib tadbirkor xizmat qiladi, moliyaviy mablag'lar esa uni ta'minotini tashkil etadi. Demak, tadbirkorlik o'z mazmun-mohiyatiga ko'ra ijodkorlik, yaratuvchanlik, yangilikni tadbiiq etmoqlik, tashabbuskorlik negizida tadbirkorlik, uddaburonlik, intiluvchanlik va doimiy rivojlanmoqlikni anglatadi. Ushbu jihatdan tadbirkorlik faoliyati innovatsiya faoliyatidan boshqa narsa emasdir. Haqiqiy tadbirkorlik negizida novatorlik, yangilikni kiritish, hayotga tadbiiq etish yo'li bilan rivojlanishni ta'minlash yotadi. Tadbirkorlik taraqqiyoti intiluvchanlikda, novatorlikda, yangiliklarni tadbiiq etmoqlikda, tavakkal qilmoqlikda, qaltislika qo'l urmoqlikda va o'z qarorlaridan qaytmaslikda hamda ma'suliyatni seza bilmoqlikdadir. Bularni jami innovatsiya faoliyatiga ham xos bo'lgan belgilar bo'lib, tadbirkorlik taraqqiyotini yuksaltirish omili sifatida xizmat qiladi.

Tadbirkorlikni innovatsion faoliyatsiz his qilib bo'lmaydi, ushbu jihatdan tadbirkorlik faoliyati oddiy biznesdan farq qiladi. Tadbirkorlik taraqqiyoti novatorlikdan, erkin bozor talablarini bilmoqlikda, ularni istiqbolini his etmoqlikda, ularga mos tovar va xizmatlarni etkazmoqlikda va shu yo'l bilan o'z maqsadlariga erishmoqlikdadir. Faqat innovatsiyalarga tayangan holda

tadbirkorlikni yuritish tadbirkorlik faoliyati maqsadiga xos bo'lgan yutuqlarni va yuqori daromadni ta'minlaydi. Bunda tadbirkorlik faoliyati erkin raqobat muhitida sinmaydi, u faol rivojlanadi, taraqqiyotga erishadi, yuksaladi.

Innovatsion tadbirkorlik uch asosiy turga bo'linadi:

- mahsulot innovatsiyasi;
- texnologiya (ishlab chiqarish) innovatsiyasi;
- ijtimoiy innovatsiya.

Mahsulot innovatsiyasi - korxonada mahsulotini sotish darajasi imkoniyatini yangilash jarayonini namoyon etadi.

Texnologiya innovatsiyasi - ishlab chiqarish imkoniyati (potentsial) yangilash jarayonidir

Ijtimoiy innovatsiyalar korxonaning gumanitar doirasini reja asosida yaxshilash jarayonini namoyon etadi.

O'zbekiston iqtisodiyotida faqat innovatsion tadbirkorlik raqobatga bardosh bera oladi, rivojlana oladi, taraqqiyotga erisha oladi, chunki uni innovatsiyalar yuksaltira oladi. Novatorlik asosida innovatsiya faoliyatiga tayanib tadbirkorlikni tashkil etish, oddiy biznesni yuritishdan farqli ravishda rivojlanishni ta'minlaydi. Doimiy izlanishga, yangilikni kiritishga, raqobatbardoshlikni yo'lga qo'yishga, muntazam modernizatsiyalarni ta'minlashga, fan va texnika yutuqlari natijalarini joriy etib borishga qaratilgan tadbirkorlik albatta o'z taraqqiyotiga erishadi va yuksalib boradi, chunki u bunda bozor talablarini qondira oladi, natijalarga erisha oladi.

### **Биоларнинг жисмоний емирилишни аниқлашда уларнинг реал техник ҳолатини баҳолаш**

*Қурилишда менежмент кафедраси профессори, и.ф.д. А.Н.Джабриев*

*Қурилишда менежмент кафедраси мудири, и.ф.н.Х.Т.Бўриев*

*1 курс КМБваБ гуруҳи магистри Ҳамдамов Бобир(СамДАҚИ)*

Кўчмас мулк объектларини иқтисодий баҳолашда энг долзарб бўлган масалалардан бири бу конструкцияларнинг реал техник ҳолати ҳақидаги маълумотдир. Маълумки, конструкцияларнинг техник ҳолати, бино ёки иншоотларга қўйилган талаблар, мустаҳкамлик, устиворлик, биқрлик, зилзилабардошлик, чегараловчи қурилиш конструкцияларининг иссиқлик ва товуш ўтказмаслик, оловбардошлик ва ҳ.к. хусусиятларидан иборат эксплуатацион талаблар мажмуасидан иборат. Биоларнинг юқорида келтирилган кўрсаткичлари эса вақт ўтиши билан маълум шароитлар таъсирида, иқлим ва гидрогеологик муҳитнинг салбий таъсирлари остида, конструкциялардаги деффектларнинг қурилиш-монтаж ва эксплуатация жараёнида йўл қўйиладиган хатоликлар натижасида ривожланиши билан ҳамда бошқа турли даражадаги табиий ва техноген таъсирлар оқибатида пасайиб боради. Буларнинг барчаси бино конструкцияларидаги жисмоний емирилиш даражасининг ортиши билан тавсифланади.

Жисмоний емирилишни келиб чиқиши бўйича қуйидаги иккита асосий турга бўлиш мумкин: биринчисига – вақт омилига боғлиқ бўлган ҳолдаги табиий емирилишларни киритиш мумкин; иккинчисига – конструкцияда

ички зўриқишларнинг ортишидан, киришишдан, ҳарорат таъсирида ҳамда таянч ва пастда жойлашган конструкцияларнинг деформацияланишидан. Бундан ташқари, кўчмас мулк объектларини техник ҳолатини баҳолаш хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир. Республикамизда бу соҳада масъулияти юқори бўлган бино ва иншоотлар, тураржой бинолари, жамоат бинолари, айниқса тарихий ёдгорликлар бўйича зилзилавий хавф бўйича мониторинг тизимини жорий қилиш зарурияти пайдо бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда баҳолаш корхонаси мутахассислари конструкциянинг реал ҳолатини аниқлашдан туриб, жисмоний емирилишни даражасини белгилайдилар. Ваҳоланки, давлат мулки қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ва амалда жорий этилган 10 – сонли “Кўчмас мулкни баҳолаш” миллий стандарти (НСОИ №10) {Ш.1} нинг 18 – пунктида баҳоловчи томонидан баҳоланаётган биноларда қурилиш конструкциялари ва бинодаги муҳандислик тармоқларнинг реал ҳолатини аниқлаш талаб қилинади. Бино ва иншоотларни иқтисодий баҳолашда юқорида келтирилган конструкциянинг реал ҳолати, унда йиғилган жисмоний емирилиш даражаси билан ўлчанади. Бунда жисмоний емирилиш даражасини қуйидагича ифодалаш мумкин.

$$\Phi = \sum_{i=1}^n \Phi_{ki} L_i$$

Бу ерда  $\Phi$  – бинонинг жисмоний емирилиши, %;

$\Phi_{ki}$  – алоҳидаги конструкциянинг, элементнинг, тизимнинг жисмоний емирилиши, %;

$L_i$  – бинонинг тўлиқ тикланиш қиёматига нисбатан конструкция, элемент ва тизимларнинг мос равишдаги қийматлар улуши;

$n$  – алоҳидаги конструкция, элемент, тизимларнинг сони.

Баҳоловчи олдида турган асосий вазифа, бу  $\Phi_{ki}$  – ни аниқлашда имконияти борича аниқликка эришишдир. Бунинг иложи бўлмаса, албатта лицензияга эга махсус техник кўриқдан ўтказувчи ташкилотга мурожаат қилиниши зарур.

Жисмоний емирилиш – бу конструкциянинг техник ҳолатини унинг иқтисодий ҳолатга “таржима” қилувчи кўрсаткичдир.

Ҳозирда биноларда кузатув – текширув ишларини олиб бориш ва жисмоний емирилиш даражасини аниқлашда ҚМҚ 2.01.15-97 “Тураржой биноларини техник кўриқдан ўтказиш бўйича Йўриқнома” ҳамда ҚМҚ 2.01.15.16-97 “Тураржой биноларини жисмоний емирилишини баҳолаш қоидалари” меъёрий ҳужжатлари мавжуд. Кўзатув – текширув ишларини олиб бориш жамоат бинолари учун ҳам ушбу ҳужжатлар асосида олиб борилади. Саноат биноларида эса бу иш ҳар бир соҳа объектларида ўзига хос тарзда амалга оширилади. Республикамизнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, шу соҳада олинган янги маълумотлар, янгиликлардан фойдаланган ҳолда, қўлланилаётган янги қурилиш материалларини ва пардоз ишларини мазкур меъёрий ҳужжатга киритиш билан қайта ишлаш ва бойитиш зарурдир.

Маълумки кўпгина қурилиш материалларининг нормал шароитдаги емирилиш интенсиблиги номаълум. Қурилиш материалнинг емирилиш жадаллигини билиш, уларнинг хизмат даврини белгилаш – жисмоний

емирилиш даражасини аниқлаш учун зарурий кўрсаткичдир. Худди шундай, бинонинг меъёрий хизмат даврини белгилаш ҳам уни ташкил этувчи асосий конструктив элементларнинг ўртача хизмат даври билан белгиланади. Меъёрий хизмат давр эса нормал эксплуатация шароитида эксплуатация қилинган бино учун характерлидир. Бошқача қилиб айтганда, бир вақтда, битта типик лойиҳа асосида, бир вазифани бажарувчи турли жойдаги қурилган бинолар вақт ўтиши билан турли даражада “қарийди”. Шунинг учун ҳам ҳозирги давргача қурилиш конструкцияларининг бинода қайси вазифани бажаришдан қатъий назар уларнинг аниқ хизмат муддати тахминан белгиланади.

Конструкцияларининг шикастланиш даражаларини аниқлашнинг иқтисодий баҳолашдаги аҳамиятини қўйдаги оддий мисолда келтирамиз.

Деворлари пишиқ ғиштдан иборат оддий тураржой биносида қисқа давр ичида аҳамияти бўйича хавфли рухсат этилмаган дарзлар пайдо бўлган. Келтирилган зарарни баҳолаш учун баҳолаш ташкилотига суғурта компанияси ёки уйнинг эгаси мурожаат қилади. Баҳолаш ташкилоти эса одатда келтирилган зарарни “Смета” (метод количественного анализа) усулида, дарзларни бартараф этиб пардоз ишларига сарфланадиган ҳаражат орқали баҳолайди. Бу ерда иккита нарсага эътиборни қаратиш лозим. Биринчиси, пайдо бўлган дарзларнинг келиб чиқиш сабаби, уларнинг давомийлигини билиш. Иккинчиси, таъкидланганидек, пайдо бўлган шикастланиш бино учун хавфли, бино деворлари дастлабки мустаҳкамлик ва бикрлик кўрсаткичларини йўқотган. Демак, бинонинг ҳақиқий мустаҳкамлик захираси сейсмик хавф нуқтаи назаридан текширилиши керак.

Келтирилган зарарни баҳолаш учун қуйидаги ифодани ёзамиз

$$C = \sum C_y - \sum_{i=1}^n \Phi_{ki}$$

Бу ерда  $\sum_{i=1}^n \Phi_{ki}$  - бинодаги конструктив элементларнинг шикастланишга қадар бўлган емирилиш даражаси.

$\sum C_y$  - келтирилган зарарнинг умумий миқдори бўлиб, у қуйидагича аниқланади;

$$\sum C_y = (C_y + C_u)$$

Бу ерда  $C_y$ - бино деворининг (асос конструкцияларнинг) шикастланишга қадар бўлган техник ҳолати (мустаҳкамлиги, бикрлиги)ни таъминлашга қилинадиган ҳаражат;

$C_u$  - иккинчи даражали конструкциялар ва пардоз ишларини қайта тиклашга қилинадиган ҳаражат.

Шикастланишга қадар бино конструкцияларнинг техник ҳолати ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, келтирилган зарарнинг миқдорини емирилиш даражаларининг фарқлари орқали ҳам аниқлаш мумкин:

$$\Delta\Phi_1 = (\sum_{i=1}^n \Phi_{si} - \sum_{i=1}^n \Phi_{ki})$$

Бу ерда  $\Delta\Phi_1$ - бинодаги конструктив элементларнинг шикастланишга қадар ва шикастланишдан кейинги умумий емирилиш даражаларининг фарқи (%)

$$\sum_{i=1}^n \Phi_{si}$$

Бинодаги конструктив элементларнинг шикастланишдан кейинги умумий емирилиш даражаси.

Демак, юқорида келтирилган фикрлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бино конструкцияларнинг жисмоний емирилишини аниқлаш масаласи кўчмас мулк объектларини иқтисодий баҳолашда баҳоловчи мутахасис олдидаги асосий вазифалардан биридир.

**Бизнес(корхона) қийматини харажат ёндошув бўйича соф активлар усулидан фойдаланиб ҳисоблаш**

*А.Я.Абдухамидов- СамДАҚИ доценти, А.Р.Латинов-магистр СамДАҚИ, З.Х.Гиясова--магистр СамДАҚИ, М.А.Яхшибоева- талаба СамДАҚИ*

Активлар ва мажбуриятлардаги тузатишлар бозор қийматини ҳисоблашда намоён бўлиб, одатда балансдаги қийматга тенг эмас. Қийматни ҳисоблаш: 01.01.2014 йил ҳолатига МЧЖ «Қурилишресурс» қуйидаги нолга тенг бўлмаган активларга эга: номоддий активлар; Асосий воситалар; захиралар; ҚҚС ; қисқа муддатли дебиторлик қарзлар; пул маблағлари (тузатиш киритилмайди).

МЧЖ «Қурилишресурс» нолга тенг бўлмаган пасивлари қуйида келтирилган: кредит ва заёмлар бўйича қисқа муддатли мажбуриятлар; кредиторлик қарзлари.

**Асосий воситаларни баҳолаш.**

«Қурилишресурс» МЧЖ нинг 01.01.2013 й. ҳолатига асосий воситаларнинг гуруҳлар бўйича бозор қиймати

Асосий воситалар гуруҳлари	01.11.2013 йил ҳолатига бозор қиймати. минг сўм.
Бино	10 016 984
Транспорт воситалари	388 740
Ускуналар	4 611 481
Бошқа асосий воситалар	889 654
Жами:	15 906 859

Асосий воситаларнинг ҳисобот йили охиридаги қиймати 4 121 849 минг сўмни, бозор қиймати эса *15 906 859 минг сўмни* ташкил этади

**Айланма активларни баҳолаш**

Корхонанинг ҳисобот даврининг охиридаги баланс қиймати 6 659 054 минг сўмни ташкил этиб, ҳисобот йилида 799 086 минг сўмга кўпайган. Бу буюртмаларнинг ўсиши билан тавсифланади. Бозор қиймати Ўзбекистон

Республикасининг Марказий банки қайта молиялаштириш ставкаси 9 % орқали тузатилиб, жами қиймати 7 458 140 минг сўмга тенг.

Бухгалтерия балансининг аналитик счетларининг хмашё ва материаллар сотиб олиши тахлили натижасида хулоса қилиш мумкинки, мазкур актив гуруҳлари йил давомида сотиб олинганлиги аниқланди.

Активларнинг туриб қолишини инобатга олиб, баланснинг мазкур статьясини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки қайта молиялаштириш ставкаси 9 % орқали тузатилди. Натижада жами қиймат 6 088 551 минг сўмлиги аниқланди.

Баҳолаш кунида тайёр махсулотнинг баланс қиймати 0 минг сўмдан 1 200 000 минг сўмга ошган, баланснинг мазкур статьясини Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки қайта молиялаштириш ставкаси 9 % орқали тузатилди. Натижада жами қиймат 1 344 000 минг сўм эканлиги аниқланди.

*Келгуси харажатлар* 22 848 минг сўмни ташкил этади ва баланс миқдори бўйича ҳисоблашда қабул қилинади, чунки корхонада келгуси даромадалар мавжуд эмас. Жами қиймат 22 848 минг сўмни ташкил қилади.

Баланс статьясидаги ҚҚС га тузатиш киритилмайди ва баланс миқдорида қабул қилинади. Жами қиймат 2 015 907 минг сўм ни ташкил қилади.

Ҳисобот кунидан кейинги ҳисобот ойининг охиригача 12 ой ичида тўланадиган дебитор қарздорликнинг миқдори 7 853 385 минг сўмни ташкил қилади.

Дебитор қарздорликнинг келгуси қийматини қуйидаги формула билан аниқлаймиз:

$$P_{У_{дз}} = P_{У_{дзх}}(1+г)т$$

Бу ерда,  $P_{У_{дзх}}$  – баланс бўйича дебитор қарздорликнинг амалдаги қиймати ;

$P_{У_{дз}}$  - Дебитор қарздорликнинг келгуси қийматининг миқдори;

г – Ўзбекистон республикаси тижорат банкларининг ишончли ўртача тортилган депул оқимзит ставкаси миқдори(6,8%);

т – даврлар сони.

$$P_{У_{дз}} = 7\,853\,385 * (1+0,068)^1 = 8\,387\,415 \text{ минг сўм}$$

Пулнинг вақт бўйича қийматини ҳисобга олиб, дебитор қарздорликнинг бозор қийматини қуйидаги формула ёрдами дисконтлаш формуласи ёрдамида қуйидагича аниқлаймиз:

$$P_{У_{дз}} = P_{У_{дзх}} / (1+г)т,$$

У ерда,  $P_{У_{дзх}}$  – дебитор қарздорликнинг амалдаги қиймати, минг сўм.;  $P_{У_{дз}}$  – дебитор қарздорликнинг келгуси қиймати, минг сўм.; г-пулнинг қайти хавф-хатари (ЎзР Марказий банки қайта молиялаштириш ставкаси даражасида қабул қилинади -9%); т-даврлар сони.

$$P_{У_{дз}} = 8\,387\,415 / (1+0,12) = 7\,488\,763 \text{ минг сўм.}$$

Жами қиймат: 7 488 763 минг сўм.

Пул маблағлари статьясига тузатиш киритилмайди ва ҳисобда баланс қиймати бўйича қабул қилинади. Жами қиймат: 29 минг сўм.

Корхонанинг жами активлари баҳолаш кунидаги бозор қиймати 29 минг сўмни ташкил қилади.

### **Пассивларни баҳолаш**

Қисқа муддатли кредитор мажбуриятларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида мазкур бўлимни тузатиш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобланди, чунки бу мажбуриятларни тўлаш мажбурий ҳисобланилади. Кредитор қарздорлик миқдори балансидаги миқдорда қабул қилинди ва 16 541 533 минг сўм ташкил қилади.

Корхонанинг соф активлари баҳолаш санасидаги ҳолати бўйича корхонанинг баланс бўйича актив ва пассивларини таҳлил қилиш асосида ҳисобланилди.

Бунда соф актив деб, ҳисоблашда қабул қилинган корхонанинг жами активлари қийматидан унинг ҳисоблашда қабул қилинган мажбуриятларини айириб ташлаш натижасида ҳосил бўлган миқдор қабул қилинди. 01.01.2013 йил баҳолаш санасида бошланғич ҳужжат сифатида бухгалтерия балансида фойдаланилди.

МЧЖ «Қурилишресурс» хусусий капиталининг бозор қиймати **24 418 238 – 16541533 = 7 876705** минг сўмни ташкил қилади.

МЧЖ «Қурилишресурс» хусусий капиталининг бозор қиймати харажат ёндошуви асосида ҳисобланганда **7 876 705** минг сўмни ташкил қилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. «Оценка бизнеса»: Учебник под ред. А.Г. Грязновой, М.А. Федотовой -М.: «Финансы и статистика», 2010.-736с.

2. «Оценка бизнеса»: Учебник для вузов под ред. В. Есипова, Г. Маховиковой, В.Тереховой - С-П.: «Питер», 2013-415с.

4. «Международные стандарты оценки» под ред. Г.И.Микерина, М.И.Недужной, Н.В.Павлова, Н.Н.Яшина- М.: «Новости», 2009г.кн.1-248с,кн.2-357с.

УДК 332.62

### **Мулкдорларнинг тасаввурларига асосланган мулкни энг яхши ва самарали фойдаланиши билан боғлиқ тамойиллар**

*Алиева Н.Б. (СамДАҚИ)*

*Аннотация*

Бу мақолада баҳолаш тамойилларининг назарий асослари, гуруҳлари ҳамда кўчмас мулк қийматини баҳолашга ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, табиий ва бошқа омилларни таъсири ўрганилган.

В данной статье исследованы теоретические основы и группы стоимости недвижимости, а также влияние социальных экономических, политических, природных и других факторов на её оценку.

This article explores the theoretical foundations and groups of real estate value, as well as the impact of social, economic, political, natural and other factors on its valuation.

**Калитли сўзлар:** мулк, баҳолаш, тамойил, кўчмас мулк, фойда.

Республикаמידа бозор иқтисодиётига ўтиш тамойиллари ва унинг кейинги босқичларида устувор йўналишларнинг белгиланиши, айниқса



ижтимоий-сиёсий ҳаётни, жумладан иқтисодий эркинлаштириш, мулкдорлар синфини ташкил қилишдан келиб чиққан ҳолда бир қанча соҳаларни жумладан мулкларни баҳолаш тизимларини ислоҳ қилишни тақозо этади. Маълумки, Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларининг қарор топтирилиши, кўп қиррали иқтисодийнинг вужудга келтирилиши барча жабҳада бўлгани каби, мулкни баҳолаш соҳасида ҳам улкан ўзгаришларнинг содир бўлишига олиб келди. Маъмурий буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодий шароитида шаклланган корхона, ташкилот ҳамда муассаса мулкларини баҳолаш тизими жаҳон иқтисодий тизимига дадил кириб бораётган мамлакатимиз учун замонавий талабларига жавоб беролмай қолмоқда.

Мулкни баҳолашда бир қатор кўрсаткичларга аҳамият берилиши керак, уни баҳолаётган пайтда мулкни таснифига, даромадлилиги ва ҳаражатлилигига қараб ҳамда энг асосийси мулкни ҳақиқатдаги қийматини нархдаги ифодасини акс эттириб берилишида баҳоловчи муассасалар асосий ўрин тутди. Баҳолаш жараёнининг назарий асоси бўлиб, баҳолаш тамойилларини тизими ҳисобланади. Жаҳон амалиётида баҳолаш тамойилларининг тўртта гуруҳга ажратади: мулкдорнинг тасаввурларига асосланган; мулкни эксплуатация қилиш билан боғлиқ бўлган; бозор муҳитининг ҳаракатидан келиб чиқадиган; энг яхши ва энг самарали фойдаланиш билан боғлиқ тамойилларга асосланади. Тамойиллар сонининг кўплиги уларнинг барчасини бир вақтнинг ўзида қўллаш мумкинлигини англамайди (1-расм). Ҳар бир ҳолатда асосий ва ёрдамчи тамойиллар ажратилади. Бу тамойиллар фақатгина бозор иқтисодиёти субъектлари хатти-ҳаракатларининг асосий қонуниятларини тавсифлайди ва реал турмуш шароитларида бир қатор омиллар уларнинг ҳаракатларини бузиши мумкин. Мулкчиликнинг ҳар қандай объекти қийматини баҳолаш тамойиллари биринчи гуруҳининг асосий мезони бўлиб, унинг фойдалилиги ҳисобланади. Мол-мулк агар реал ёки потенциал мулкдорга фойдали бўлса, у қийматга эга бўлади. Фойдалилик ҳар бир истеъмолчи учун индивидуал бўлгани ҳолда вақт ва қийматда сифат ҳамда миқдор жihatдан аниқланган. Бироқ бозор иқтисодиётида мулкдор учун объектининг умумий фойдалилиги сифатида унинг даромад келтириш қобилиятини кўрсатиш мумкин. Фойдалилик қанчалик катта бўлса, баҳолаш қиймати шунчалик юқори бўлади. Фойдалилик тамойили шундан иборатки, мулк мулкдорнинг эҳтиёжини қондиришга қанчалик кўп қодир (ишлатиш давомийлиги) бўлса, унинг қиймати шунчалик юқори бўлади. Ҳаридор ҳар доим ҳам бир хилдаги мол-мулк билан чегараланмайди. Ўзбекистон шароитида мулкни баҳолаш жараёнида мулкни кўп жihatларига аҳамият берилиши керак, авваллам бор, қонунда кўрсатилаган меъёрлардан чиқиб кетмаётганлигини, баҳоловчи ташкилот томонидан тўғри фактлар ва баҳоланаётган объектга нисбатан реал қийматини келтириб чиқаришда одилона принцип асосида нарх берилаётганлигига аҳамият берилиши керак.



**1-расм. Мулкни баҳолашнинг асосий тамойиллари**

Кўчмас мулк қийматини баҳолашга ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, табиий ва бошқа омиллар доимо таъсир кўрсатади. Ижтимоий омиллар, асосан аҳолининг хусусиятлари билан намоён этилган. Уларга демографик таркиб, никоҳдан ўтиш ва ажрашишлар даражаси, оилалардаги болаларнинг ўртача сони, аҳолининг ёш гуруҳлари бўйича тақсимланиши ва ҳ.к.лар киради. Буларнинг барчаси мол-мулкка бўлган потенциал талаб ва унинг таркибидан далолат беради. Кўчмас мулкнинг қийматини баҳолашни белгилаб берувчи асосий иқтисодий омиллар қуйидагилардан иборат: талаб; баҳоланаётган кўчмас мулкнинг ҳозирги ва булажак фойдаси; ана шундай кўчмас мулкни барпо этиш ҳаражатлари; ана шундай кўчмас мулкка бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати; кўчмас мулкдан даромадлар олиш хатари; кўчмас мулкни назорат қилиш даражаси ва унинг ликвидлилик даражаси. Асосий сиёсий омиллар кўчмас мулкнинг қийматини баҳолашга катта таъсир кўрсатувчи ва баъзан айрим минтақаларда талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати каби мавжуд иқтисодий шароитларга эгалик қилишга қодир бўлган барча даражаларда кўчмас мулк қийматининг давлат томонидан тартибга солинишини ўз ичига олади. Давлат томонидан тартибга солиш соҳасига қуйидагилар киради: кўчмас мулк айланмаси ва ердан фойдаланиш усуллариининг чегараланиши, қурилишдаги меъёрлар; коммунал хизматлар, ёнғиндан сақлаш ва тартибни сақлаш, чикиндиларни йиғиш ва жамоат транспорти; солиқ сиёсати; кўчмас мулкнинг қийматига таъсир кўрсатувчи махсус ҳуқуқий меъёрлар (ижара ставкаларининг меъёрий белгиланиши, мулкчилик ҳуқуқларининг чегараланиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш туғрисидаги қонунлар, капитал қурилишга давлат инвестициялари ва ҳ.к.). Табиий омилларнинг таъсири ҳам табиий, ҳам сунъий шарт-шароитлар, яъни ҳудуднинг иқлим шароитлари (ёғингарчилик, ҳарорат, намлик), топография, тупроқнинг хусусияти, захарли элементлар, қурилишни давом эттириш

йўлидаги табиий тўсиқлар, баҳоланаётган мол-мулк жойлашган худуднинг тошқинлар, кўрғокчилик, довуллар, қуюнлар, зилзилалар ва ўпирилишларга тез-тез учраши нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Мулкни баҳолашдан мақсад: биринчидан, уни қонундан ташқари бўлган тартибсизликларга барҳам бериш, кўчар ва кўчмас мулкни баҳоси сунъий ўсишини кескин олдини олиш ҳамда бир маромга келтиришини таъминлаш; иккинчидан, қонунда кўрсатилган тартибда баҳоловчи компанияларни яратиш улар ўртасида рақобатчилик мухитини яратиш ва эркинлик, одиллик принципларга таянган ҳолда фаолият юритишини таъминлаш; учинчидан, давлат солиқ сиёсатида мулкни баҳоловчи ташкилотларга солиқ бўйича имтиёзлар бериш ҳамда уларни қўллаб қувватлаш; тўттинчидан, молиявий инқироз шароитида мулк (кўчмас мулк) ни баҳосини турғунлигини сақлаб туришини таъминлаш; бешинчидан, мулкни баҳолашда кенг фойдаланилаётган меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, уни мос равишда жамиятимизнинг мулк бозорига реаллаштиришини ҳамда баҳоловчи ташкилотларни иш фаолиятида фойдаланадиган меъёрий ҳужжатларини такомиллаштиришни таъминлаш.

Хулоса қилиб айтганда юқорида мақсадлардан келиб чиқиб, мулкни баҳолаш жараёнида белгиланган тартиблар асосида тўғри фаолият олиб борилиши, баҳолаш фаолиятининг мамлакатимиз ривожланишида муҳим рол ўйнашидир.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Хусанов Ҳ.О. “Глобал молиявий инқироз шароитида баҳолаш ишини такомиллаштириш масалалари”. Магистрлик диссертацияси. Тошкент, 2010йил 79 бет.
2. Турсунхўжаев М.Л., Набиев А.Н., Набиева С.А. “Молиявий инқироздан чиқишда корхоналарни модернизация қилиш муаммолари”- Тошкент: -2009,- 130 бет.

УДК 330.526:33

#### **Ўзбекистон шароитида мулк қийматини баҳолашнинг мақсад ва вазифалари**

*Алиева Н.Б (СамДАҚИ)*

#### *Аннотация*

Бу мақолада Ўзбекистон шароитида мулк қийматини баҳолашнинг мақсад, вазифалари ҳамда назарий ва ҳуқуқий асосларини мазмун-моҳияти ва уни иқтисодиётдаги аҳамияти тўғрисида илмий тушунчалар келтирилган.

В этой статье приведены понятия целей, задач, теоретические и правовые основы оценки недвижимости в условиях Узбекистана, а также ее значение в экономике.

This article presents the concepts of goals, objectives, the theoretical and legal basis for real estate valuation in Uzbekistan, as well as its importance in the economy.

**Калитли сўзлар:** мулк, баҳолаш, нарх, базор қиймати.

Ўзбекистонда мулк муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, турли тоифадаги мулкларни муайян мақсадлар учун қийматини

баҳолашнинг илмий-услубий асосларини тадқиқ этиш долзарб вазифалар доирасига киради. Жумладан, давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида турли ёндашув ва усуллар билан аниқланган баҳолаш натижаларини умумлаштириш асосида қийматга таъсир кўрсатувчи омиллар орасидаги боғлиқликларни ҳисобга олувчи мулкни бозор қийматини баҳолаш усулларини, математик модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда ахборот-таъминоти тизимини ривожлантириш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эгадир. Республика иқтисодиётида хўжалик юриштириш бозор механизмларини кенг жорий этиш, корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва уларни хусусийлаштириш, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш, товарлар ва ҳар хил турдаги мулк бозорларини шакллантириш, турли мулкӣ ва номулки ҳуқуқлар билан операцияларни ривожланиши мулкка нисбатан бўлган ашёвий ва бошқа ҳуқуқлар қийматини баҳолашни, мулк эгаларини ўзаро ҳамда улар билан давлат ўртасидаги муносабатларни амалга ошириши зарурий шарт килиб қўйди. Бу эса ўз навбатида турли тоифадаги мулк қийматини муайян мақсадлар учун баҳолаш ишларини йўлга қўйишни талаб этади. Турли тоифадаги мулкларни (кўчмас ва кўчар) маълум бир мақсад учун (сотиш, гаровга қўйиш, ижарага бериш ва шу кабилар) баҳолашнинг илмий-услубий ва амалий асослари чет эл тадқиқотчилари ишларида кенг ёритилган. Мулк қийматини баҳолаш асосида такрор ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва ундан фойдаланишдан олинган даромадларнинг баҳоси ётади. Мулк объекти нархларининг динамикаси талаб ва таклифнинг ўзаро нисбати ва шу каби бошқа бозор иқтисодиёти қонунлари таъсири остида шаклланади. Ҳар бир мулк ўз эгасига фойдаланишидан маълум даромад келтиради. Турли тоифадаги мулк қийматини аниқлаш баҳоланаётган объектнинг ўзига хос хусусиятларининг кўплиги, шу билан бирга мулкни баҳолашга таъсир кўрсатувчи омиллар билан белгиланадиган ғоят мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Баҳолаш фаолияти ҳақида гапирар эканмиз биз аввало баҳолаш фаолиятининг ўзини ва шу билан биргаликда унда қўлланиладиган атамаларни яхшилаб тушуниб олишимиз керак. Шу мақсадда уларнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Баҳолаш фаолиятида "қиймат", "нарх" ва шу каби тушунчалар асосий ҳисобланади. Қиймат - бу харидор қандайдир буюм ёки объектга алмашиш учун тайёр турган пул ёхуд пул эквиваленти ёки бу гипотетик харидор баҳоланадиган қийматга қанча тўлаш учун тайёр бўлишининг ўлчови. Нарх эса - бу аввалги битимларда шунга ўхшаш объектларни харид қилиш учун қанча сарфланганлигини акс эттирувчи тарихий факт. "Нарх" атамаси, шунингдек, сотувчи сўрайдиган нархни белгилашда ҳам ишлатилади. Аввалги битимлар нархлари ва сотувчининг нархлари баҳолаш санасидаги қийматнинг асосланган ўлчамини намоён этиши шарт эмас. Ҳаражатлар - баҳоланаётган мулкка ўхшаш мулк объектини яратиш учун зарур бўлган чиқимлар ўлчови ҳисобланади[1]. "Бозор қиймати" тушунчасига Ўзбекистон Республикасининг "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги қонунида қуйидагича таъриф берилган: "Баҳолаш объектининг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, унга кўра мазкур баҳолаш объекти очик бозорда шароитида битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга

бўлган ўз манфаатларидан йўлида оқилона ихтиёрий равишда ҳаракат қилади, битим нархининг баланд пастлигида эса бирон-бор фавкулотда ҳолатлар, шу жумладан, тарафлардан бирининг ушбу битимнинг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди”. Мулк қийматини баҳолашнинг мақсад ва вазифаларини, усулларини мулк турларини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил ўрганиш баҳолаш фаолиятини нафақат бозор инфратузилмасининг амалий тармоғи сифатида, балки амалий иқтисод фанининг илмий-услубий йўналиши сифатида тушуниш имконини беради. Мулк икки хил маънода тушунилади Фуқаролик кодексининг биринчи қисмида мулкчилик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга кенг эътибор берилган. Унда мулк ҳуқуқига тушунча берилиб, “Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз ҳоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томондан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир” (Фуқаролик кодексининг 164-моддаси), - деб белгиланди. Бу мулкнинг юридик маънодаги тушунчасидир. Мулк ҳуқуқи мутлак ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз амалга оширилади. Мулкнинг иқтисодий маънодаги тушунчаси у мол-мулкка нисбатан шахслар ўртасида бўладиган муносабатлардан иборат [2]. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонунида баҳолаш фаолияти тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: Баҳолаш фаолияти баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш объекти қийматини аниқлашга қаратилган фаолиятдир. Бир сўз билан айтганда баҳолаш фаолияти баҳолаш сертификатига ҳамда малакасига эга бўлган баҳоловчи томонидан баҳоланаётган мулкнинг энг эҳтимолга яқин қийматини аниқлашга қаратилган фаолиятдир.

Хулоса қилиб айтганда, мулкни баҳолаш- бу маълум бир қийматга эга бўлган ва вақтинчалик қийматига эга бўлмаган объектни (бино, иншоот, асбоб-ускуналар қисқа ва узоқ муддатли воситалар) ҳақиқий баҳосини белгилаш ва қайта белгилаб беришни таъминлаш.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги “Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўғрисида” ПҚ-843-сон қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 декабрдаги “Мол-мулкни баҳолаш стандартларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

**УДК 330.526:33**  
**Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун мулк қийматини**  
**баҳолаш**  
**Алиева Н.Б.**

*Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти*

**Аннотация**

Мақолада кўчмас мулк билан боғлиқ битимларни таснифлашнинг аҳамияти илмий тадқиқот усули сифатида асосланган. Ўзбекистонда амалдаги қонунчилик доирасида кўчмас мулк объектлари ва уларга нисбатан мулк ҳуқуқи билан боғлиқ битимлар таснифлаган.

В статье обосновывается значение классификации сделок с недвижимостью как метода научного исследования. Осуществлена классификация сделок с объектами недвижимости и правами на них в рамках действующего законодательства Узбекистана.

The article proposes the meaning of transactions classification as one of the main research methods. There were elaborated a classification of property transactions and rights in terms of current legislation of Uzbekistan.

**Калитли сўзлар:** мулк; қиймат; стандарт; баҳолаш; ислохат; дивиденд; харажат.

Президентимизнинг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-тамоилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун мулк қийматини баҳолашда янги замонавий ўзгариш бўлди. Шунини таъкидлаш керакки, кейинги йилларда Республикамизда изчиллик билан давом этаётган ислохотлар доирасида миллий иқтисодийликда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар рўй бермоқда. Президентимизнинг мулкни баҳолаш бўйича чиқарган фармонлари бу йўналишда янги қадам бўлди [1]. Демак, жоний йилнинг биринчи июлидан бошлаб давлат мулки объектларини баҳолаш активлар қийматида таъсир қилувчи бозорнинг жорий конъюнктурасини объектив омиллар йиғиндисини ҳисобга олувчи янгиланган миллий стандартлар асосида амалга ошириш белгиланган. Хулоса қилиб айтганда, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириши комиссияси йиғилиши баённомаси билан тасдиқланган чора-тадбирлар режасида давлат рақобат қўмитаси зиммасига давлат активларини баҳолаш миллий давлат ягона нусхаларини қайта кўриб чиқиш орқали мулкни баҳолаш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Мулкни баҳолаш ва миллий давлат ягона нусхаларини такомиллаштиришининг асосий мазмун-моҳияти қуйидагилардан иборат, яъни

- давлат статистика қўмитасининг иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичининг саноат фаолияти бўйича саноат маҳсулотларини чиқарувчи корхоналарининг янги статистик нархлари индекслари жорий этилди. “Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини

баҳолаш” миллий стандартининг учинчи банди айна шу ўзгаришдан келиб чикиб тўлдирилди. Амалиётда юридик шахс ташкил қилинган мулкый мажмуа кўринишидаги давлат мулки бўлган объектни (мисол учун, корхона ичидаги хнологик цех) баҳолаш жараёни учрайди. Шу боис мазкур стандартга бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган ва биргаликда юридик шахс тузилмаган ҳолда мулкый мажмуани ифодаловчи давлат активлари, барча активларнинг бозор қиймати йиғиндиси сифатида баҳоланиши ҳақидаги меъёр киритилмоқда. Бошқа бир ўзгартишни мазмунига кўра, бир пайтнинг ўзида бир корхонанинг давлат ва нодавлат акциялари (улушлари) ҳам баҳоланиши керак бўлган тақдирда, баҳолаш ушбу стандарт талабларига мувофиқ амалга оширилади. Бу қоида бир корхонанинг давлат улуши ва нодавлат улуши қийматини бир нархда баҳолашга олиб келиши, нархлардаги эҳтимолий ихтилофларни бартараф этиш билан аҳамиятлидир;

- қурилиши тугалланмаган объектлар ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар турли хилдаги хусусиятларга эга бўлиб, ўз навбатида уларнинг тикланиш қийматини аниқлаш услубияти ҳар хил бўлади. амалдаги стандартда эса бу ҳолат акс эттирилмаган. Шу боис ушбу ҳужжатнинг тегишли банди тўлдирилиб, қурилиши тугалланмаган объектларни баҳолаш кўчмас мулк объектлари сифатида харажат ёндашуви усуллари билан конструктив элементлари битказилганлиги даражасидан келиб чикиб, ўрнатилмаган асбоб-ускуналарни баҳолаш эса харажат ёндашуви усуллари билан, машиналар ускуналар, транспорт воситаларини баҳолаш тартибида амалга оширилиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, амалда қурилиши тугалланмаган давлат объектларининг баланс қиймати ҳар доим ҳам уларнинг жисмоний ҳолатини тўғри кўрсатмайди. Шу боис кўчмас мулк, шу жумладан қурилиши мавжуд бўлиши қайд этилмоқда. Бухгалтерия ҳисоби талабларига мувофиқ қурилиши тугалланмаган объектларнинг қиймати амортизация қилинмайди, яъни эскириш ҳисобланмайди. Ушбу объект қурилиши анча йил аввал бошланган бўлиб, бу давр ичида у маънан ва жисмонан эскиради. Шу муносабат билан эскиришни қўллаш объектнинг янада ҳақиқий қийматини аниқлашга ва унинг яқуний қиймати миқдорини янада объектив белгилашга кўмак беради. Бизнес қийматни баҳолаш бўйича миллий давлат ягона нусхасидан ўрин олган ўзгартиришларнинг хусусияти қўйидагилардан иборат, яъни

- биринчидан, тўққизинчи-сонли миллий стандарт деб аталадиган ушбу меъёрий ҳужжатнинг тегишли банди саккизинчи-сонли стандартнинг бешинчи бандига мувофиқ тарзда тўлдирилди. Унга кўра, бир пайтнинг ўзида бир корхонанинг давлат ва нодавлат акциялари (улушлари) ҳам баҳоланиши керак бўлган тақдирда баҳолаш “Хусусийлаштириш мақсадида мулк қийматини баҳолаш” мулкни баҳолаш миллий стандарти (8-сон МБМС) талабларига мувофиқ амалга оширилади;

- стандарт турли даражада назоратдаги улушларга чегирмалар миқдорини белгилаш учун алоҳида нормалар билан тўлдирилмоқда. Чегирмаларга чекловларнинг ўрнатилиши мавжуд меъёрлар турлича қўлланилишининг олдини олиш имконини беради. Корхонанинг хусусийлаштирилишида ёки давлат тасарруфидан чиқарилишида вужудга

келган активлар нархи икки баробар ошишини бартараф қилиш мақсадида киритилган ўзгаришнинг мазмуни шундаки, активларнинг тармоқ бўйича ўртача даромаддорлиги ҳақида ахборот мавжуд бўлса, гудвилл қиймати тегишли формула бўйича ҳисобланганда корхонанинг балансида акс эттирилган, хусусийлаштириш (сотиб олиш) пайтида гудвилл сифатида корхона хусусий капиталининг баланс қиймати ва баҳолаш қиймати ўртасидаги фарқ тарзида юзага келган номоддий баҳолашга киритилмайди [2].

Хулоса қилиб айтганда, мулкни баҳолаш бўйича иккита миллий стандартда ифодаланган барча ўзгартиш ва қўшимчалар баҳолаш фаолиятини давр тақозоси, ислохотларнинг ҳозирги босқичи талаблари асосида такомиллаштиришда, қолаверса, бу соҳани ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммоларга ечим топишда, мавжуд қонунчилик меъёрларининг иккиёқлама талқин қилиниши ҳолатларига чек қўйишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар

1. Президентимизнинг 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадалаштириш. Т.2017й

2. Алимов Р.Х., Беркинов Б.Б., Кравченко А.Н., ходиев Б.Ю. “Кўчмас мулкни баҳолаш” Т. “Фан”. 2005й

### Особенности конкуренции на рынке гостиничных услуг

*Б.А.Джумаев соискатель СамИЭС*

**Аннотация.** В статье представлены результаты исследования факторов, влияющих на формирование конкурентных преимуществ организаций гостиничного бизнеса, определены основные параметры, указывающие на целесообразность оценки их конкурентоспособности в условиях современной экономической ситуации.

**Ключевые слова:** конкуренция, гостиничный бизнес, конкурентоспособность, индустрия гостеприимства.

**Аннотация.** Мақолада замонавий иқтисодий шарт-шароитлар жараёнида вужудга келадиган омиллар таҳлил қилинган, меҳмонхона бизнесини ташкиллаштиришда рақобатчилик муҳитининг устунлигини кўрсатадиган асосий параметрлар аниқланган.

**Калит сўзлар:** Рақобат, меҳмонхона бизнеси, рақобатбардошлик, меҳмондўстлик индустрияси.

**Abstract.** The article presents a study of factors influencing the building of competitive advantages of organizations in hospitality business. The author defines the basic parameters indicating expediency of assessing competitiveness of organization in the present economic situation.

**Keywords:** competition, hospitality business, competitiveness, hospitality industry.



Бурное развитие сферы гостиничного бизнеса в Узбекистане на современном этапе влечет за собой создание как мелких гостиниц, так и больших гостиничных цепей, что подтверждает существование огромной конкуренции в данном рыночном сегменте. Этот факт свидетельствует о том, что если ранее гостиничный бизнес не влиял на экономику страны, то в будущем он займет одну из лидирующих позиций.

На конкурентоспособность гостиницы оказывает влияние множество факторов, которые определяют способность данного хозяйствующего субъекта действовать в текущих финансово-экономических и политических условиях, с учетом специфики деятельности по оказанию гостиничных услуг, в том числе тактические и стратегические. Тактическим фактором формирования конкурентных преимуществ гостиницы является конкретный компонент внешней или внутренней среды хозяйствующего субъекта, по которому она превосходит или будет превосходить в краткосрочный период (6-12 месяцев) другие конкурирующие хозяйствующие субъекты. Стратегическим фактором формирования конкурентных преимуществ гостиницы является конкретный компонент внешней или внутренней среды данного хозяйствующего субъекта, по которому она может превзойти конкурирующие гостиницы после выполнения в перспективе конкретных условий, определяющих превосходство анализируемого компонента гостиницы по сравнению с другими конкурирующими хозяйствующими субъектами.

Отсутствие единого взгляда на проблемы обеспечения конкурентоспособности организаций гостиничной сферы, а также важность и насущность их решения требуют необходимости проведения анализа основных подходов к определению понятия «конкурентоспособность организации гостиничной сферы». Среди основных параметров, по которым считается целесообразным оценивать конкурентоспособность, можно выделить следующие:

а) способность отеля предложить потребителям гостиничный продукт с более привлекательными характеристиками, чем у конкурентов;

б) эффективность деятельности гостиницы на рынке, определяемая как отношение полученного рыночного результата к произведенным затратам;

в) рыночный результат, позволяющий достаточно успешно развиваться отелю в перспективе и удовлетворять потребности как собственников, так и наемного персонала.

Учитывая фактическое состояние дел в сфере гостиничного бизнеса в Узбекистане, предлагается оценивать конкурентоспособность организации гостиничной сферы следующими качественными характеристиками:

- инвестиционная компонента инноваций;
- уникальность территориального расположения, предложений и обслуживания;
- оценка эффективности продаж гостиничных услуг, процесса бронирования и сервиса;

- открытость обстановки в целях организации деловых и личных встреч, посещение местной публикой ресторана и культурно-досуговых центров гостиницы;

- клиентоориентированность компании гостиничного бизнеса и лояльность клиентов;

- IT-оптимизация организации гостиничного бизнеса.

При детальном изучении и анализе качественных характеристик конкурентоспособности организации гостиничной сферы можно сделать следующие выводы.

1. *Инвестиционная компонента инноваций.* Инновационное развитие организации гостиничной сферы, представляющее собой изменение основных условий, факторов и элементов инновационной деятельности, которая превращается в устойчиво работающий механизм, позволяющий обеспечивать эффективность и конкурентоспособность гостиничных услуг в основном за счет внедрения новшеств. Как правило, инновационная деятельность гостиниц сосредоточена в сфере обеспечения материально-технических условий предоставления гостиничных услуг клиентам и расширения ассортимента привлеченных услуг, оказываемых на территории гостиничного комплекса.

Инновационная деятельность организаций сферы гостиничного бизнеса неразрывно связана с инвестиционным развитием, то есть происходит непрерывное формирование и использование инвестиционных ресурсов для достижения организацией оперативных и стратегических целей их экономической деятельности.

Специфика инвестиционного развития гостиничных организаций проявляется в том, что реальные инвестиции носят капиталоемкий характер в форме нового строительства или в виде обращения на фондовом рынке акций исключительно гостиничных цепей, также проявляется зависимость процессов модернизации и реконструкции гостиничных зданий от моды и авторских эксклюзивных решений в дизайнерском искусстве.

На региональном уровне инновационно-инвестиционное развитие хозяйствующих субъектов гостиничного бизнеса зависит от эффективности функционирования регионального туристского рынка, а также федеральной и региональной поддержки. Для активизации этих процессов необходимо усиление ассоциативных взаимосвязей туристских и гостиничных организаций на региональном и федеральном уровнях и введение интегрированной ассоциации рекреационно-туристского межотраслевого комплекса, целью которой будет развитие приоритетных направлений туризма в регионе. Вместо нее в настоящее время действуют две традиционные и преимущественно автономные структуры туристского рынка (туристические агентства и средства размещения), эффективность которых крайне низка.

2. *Уникальность территориального расположения, предложений и обслуживания.*

3. *Оценка эффективности продаж гостиничных услуг, процесса бронирования и сервиса.* Необходимы постоянная оценка эффективности

продаж и сервиса, стремление к улучшениям, поощрение результатов сотрудников, ведение статистики входящих звонков. Оценка эффективности процесса продаж гостиничных услуг - первый шаг к долгосрочному успеху. От процесса продаж должно зависеть вознаграждение сотрудников, тогда они будут заинтересованы в росте продаж гостиничных услуг.

4. *Открытость обстановки* (посещаемость гостиницы местной публикой) в целях организации деловых и личных встреч, посещение местной публикой ресторана и культурно-досуговых центров гостиницы.

5. *Клиентоориентированность компании гостиничного бизнеса и лояльность клиентов.* Необходимо определить непосредственно для гостиницы и ее сотрудников смысл понятия «клиентоориентированная компания» и «лояльность клиентов» и понять, почему для гостиницы это важно и для чего она с этим хочет работать; необходимо построить собственную CRM-стратегию и завести CRM-систему, проанализировать информацию по клиентам, выделить целевую аудиторию и разбить клиентов на группы. Позднее для каждой группы можно будет предложить свои формы поощрения, продумать инструменты воздействия на целевую аудиторию - эти инструменты будут зависеть от конкурентной среды. От категории организации гостиничного бизнеса, от ее пропускной способности и др. Для каждой организации решение может быть индивидуальным с учетом анализа существующего международного опыта компаний, близких по типу. Далее выбираются наиболее эффективные из проанализированных методов и применяются на практике, затем проводится оценка эффективности предпринятых мероприятий и корректируется программа, исходя из того, какие средства оправдали себя, а какие оказались нерабочими.

В принципе этот алгоритм можно считать цикличным, поскольку можно ошибиться в самом начале, сделав неправильный вывод о целевой аудитории; кроме того, условия рынка постоянно меняются, в частности количество конкурентов и запросы клиентов. Поэтому программа лояльности требует постоянного внимания, как и любая работа с гостями в компании, которая считает себя клиентоориентированной.

6. *IT-оптимизация организации гостиничного бизнеса.* CRM - Система управления взаимодействием с клиентом - это корпоративная информационная система, предназначенная для автоматизации CRM-стратегии компании, в частности для повышения уровня продаж, оптимизации маркетинга и улучшения обслуживания клиентов путем сохранения информации о клиентах (контрагентах) и истории взаимоотношений с ними, установления и улучшения бизнес-процедур и последующего анализа результатов. CRM-система позволяет анализировать стратегию действий и демонстрирует эффективность работы хозяйствующих субъектов сферы гостиничного бизнеса.

Отметим, что в современных условиях гостиничный бизнес в Узбекистане представляет собой быстрорастущий рынок, являющийся следствием высокого спроса на гостиничные услуги на фоне укрепляющейся экономики, повышении интереса к стране в связи с уже имеющимися и

возникающими туристических услуг, исторических достопримечательностей и оздоровительно-рекреационных зон.

Гостиничный рынок Узбекистана – явление уникальное, поскольку он отличается своими традициями и культурной средой от гостиничных рынков Европы, США и Азии. Уникальное сочетание этих факторов в целом формирует благоприятные тенденции в отечественной индустрии гостеприимства.

*Список использованных литератур.*

1. Козлова А.Ю. Проблема выбора направления инновационной деятельности предприятия. // Инновации. - 2006. - №7.

2. Лесник А.Л., Смирнова М.Н. Ценовая политика в гостиничном бизнесе. - М.: Ось-89, 2007.

3. Лини ван дер Ваген. Гостиничный бизнес. - Ростов-на-Дону: Наука, 2004.

4. Николаева М.А. Маркетинг товаров и услуг. М.: Деловая литература, 2008.

5. Слепцова Н. Эффективность продаж и контроль за эффективностью // Отель. - 2010. - №2.

**Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес**

*Гиясов Б.Ж. – “Кучмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси мудири*

*Суюнов Б.А. – “Кучмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси ассистенти*

*Райимов Маъруф. - “Қурилишда менежмент” кафедраси кабинет мудири(СамДАҚИ)*

Кейинги йиллардаги ўзгаришлар-иқтисодий тараққиётимиз бозор иқтисодиётисиз мумкин эмаслигини ҳар томонлама исботлаб берди. Бу эса ўз навбатида қисқа даврда унинг асосларини ўрганишимизни талаб қилмоқда.

Шунга кура, биринчи Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг узига хос модели муҳим тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ва изчил равишда утиш, яъни ислохотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз « Ўзбекистон – бозор муносабатларига утишнинг ўзига хос йули » номли китобида, мустақил, сифат жихатдан Янги ижтимоий – иқтисодий модель сифатидаги ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётини мазмунини кенг тушунтириб берди.

Тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳасида концепция бўйича олиб борилаётган ислохотларга алоҳида тухталиб утамиз.

Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун руҳсатнома турларини қисқартириш ва уларни беришни соддалаштириш мақсадида рўйхатга олишнинг янги тартиблари тўғрисида бир неча қарорлар қабул қилинди. Унга мувофиқ рўйхатга олишнинг янги тартиблари белгиланди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг хусусий секторини ривожлантиришга ёрдам бериш мақсадида концепциянинг олтинчи йуналиши буйича куйидаги сохаларни ривожланишига алохида эътибор берилмоқда:

- Дехқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ва кенгайтириш, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш, фермерлик иншоотларини қуриш;
- Хом ашё ва материалларни бирламчи қайта ишлаш;
- Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлаш;
- Кўп меҳнатни талаб қилувчи кичик ҳажмли ишлаб чиқаришни ташкил этиш;
- Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- Сервис хизматлари ва аҳолига хизмат кўрсатиш;
- Сайёҳлик саноатини ривожлантириш;
- Хусусий медицина ва фармацевтикани ривожлантириш;
- Маҳаллий саноатни ривожлантириш;
- Экспортга йуналтирилган ва импортни ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни қишлоқ жойларда кўпроқ ташкил этиш.

Оилавий тадбиркорлик жисмоний шахсларнинг юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга ошириладиган биргаликдаги фаолияти бўлиб, эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган умумий мол-мулк негизида амалга оширилади. Оилавий тадбиркорликни куллашга ҳам концепцияда алохида тухталиб утилган.

Оилавий тадбиркорлик субъектларига бериладиган микрокредитлар миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 150 бараваригача бўлган миқдорини ташкил этади, кредитларни қайтариш, 6 ойлик имтиёзли даврни кўзда тутган ҳолда, оилавий тадбиркорлик субъекти бошлиғи ва тижорат банки ўртасида тузиладиган кредит шартномасида белгиланган муддатларда амалга оширилади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган. Концепция биз учун узок муддатли аниқ ҳаракат дастури бўлади.

### ***Адабиётлар руйхати:***

1. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир // Халқ сўзи. 2010 йил, 28 январь.

2. Нурибетов Р.И., Ахмедов В.И. “Ишлаб чиқариш менежменти”. Т.: Талқин, 2008.-21 б.-100 б.

## **O'zbekistonda tashqi savdoning samaradorligi**

*Qurilish fakulteti. 301-KT: (B va IQ)*

*guruh talabasi Berdiqulova Farida*

*Rahbar: katta o'qituvchi Djalilova Sh. S.*

O'zbekiston va jahon hamjamiyati mamlakatlari o'rtasida har tomonlama aloqalar o'rnatilmoqda, bunday iqtisodiy, siyosiy aloqalar respublikamiz davlat mustaqilligini qo'lga kiritishi bilan vujudga kela boshladi.

Dastlabki davrda respublikamizda tashqi savdo ikki yo'nalish bo'yicha MDX mamlakatlari bilan xukumatlararo bitimlar va horijiy mamlakatlar bilan erkin muomiladagi valyuta hisob-kitob qilish asosida amalga oshirildi .

Tashqi iqtisodiy faoliyati Markaziy Osiyo davlatlarining ko'p tomonlama aloqalari va hamkorligini rivojlantirishga birinchi darajali ahamiyat bermoqda .

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining tashqi savdo sohasida boshqaruv tizimini takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risidagi farmoniga binoan “tashqi savdo asosiy ko'rsatkichlari parametrlarini shakllantirishda va O'zbekiston Respublikasining bojxona tarif siyosatini takomillashtirishda ishtirok etish, tashqi savdoni liberallashtirish bo'yicha takliflar ishlab chiqish”

“tovarlar (ishlar va xizmatlar), shu jumladan, o'ziga xos tovarlar va sanoat mahsulotlari tashqi savdosi, shuningdek, tashqi savdoda tarif va notarif boshqaruvi choralarini qo'llash sohasida davlat siyosatini amalga oshirish bilan bog'liq tadbirlarni muofiqlashtirish” va shunga o'xshash bir necha farmoni 2017 yil 13 apreldagi farmoni “Zarafshon” gazetasida chop qilindi.

O'zbekiston, Qozog'iston va Qirg'iziston o'rtasida yagona iqtisodiy makon to'g'risida tuzilgan shartnoma samara bera boshladi . Uning integratsiyalashuviga qaratilgan dastur ishlab chiqildi.

Respublikamiz mustaqillikka erishganidan keyin qisqa davr ichida 80 dan ko'p davlat bilan diplomatik munosabatlarni o'rnatdi.

Dunyoning 20 dan ortiq davlatlarida diplomatik elchixonalarini ochdi, ko'pgina xalqaro tashkilotlarda BMT iqtisodiy muassasalari, jahon banki, xalqaro bank, xalqaro valuta fondi, xalqaro moliya korparatsiyalari iqtisodiy taraqqiyotga ko'maklashuvchi tashkilot kabi boshqa xalqaro moliyaviy-iqtisodiy tashkilotlarga a'zo bo'lib kirdi.

O'zbekistonda tashqi iqtisodiy faoliyat subyektlarining erkin faoliyat yuritishlari uchun barcha iqtisodiy va huquqiy asoslar yaratilgan va bu qonun bilan muhofaza qilinadi.

Bugungi kunda har bir fuqaroni o'z biznesini erkin tarzda yo'lga qo'yish uchun juda katta imkoniyatlar ochib berilmoqda.

O'zining mahsulotlari bilan jahon bozoriga kirib borish, mahsulotlarini sifat darajasini yaxshilash va shu orqali xalqaro qo'shma korxonalar va chet el investorlarining O'zbekistonda qo'shma korxonalar tashkil etishi va eng katta investitsion loyihalarni amalga oshirish imkoniyati yaratilib berilmoqda.

Bu esa respublikaga valyuta tushumlarini olib kelish bilan birgalikda mahalliy ishchi kadrlarni malakasini oshirish bilan ish o'rinlarini kengaytirib beradi. Oxirgi yillarda O'zbekistonda eksport tarkibiga mahalliy xom-ashyodan

tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarish va qo'shimcha daromadni qo'lga kiritishga olib keladi. Natijada qo'shimcha ishchi joylari va boshqa ijobiy ko'rsatkichlarni amalga oshiriladi.

Bugungi kunda respublikamizda an'anaviy eksport mahsulotlaridan paxta, gaz, rangli metal, yumshoq o'yinchoqlar, oziq-ovqat mahsulotlari va shunga o'xshash ko'plab mahsulotlarimiz jahon bozorida o'z mavqeyiga ega bo'lib bormoqda. Bu mahsulotlarni chet davlatlarga reklama qilish maqsadida Toshkent Xalqaro Marketing markazi ochildi, unga binoan O'zbekistonda ishlab chiqarilgan mahsulotlar namoyish qilinadi va mahsulotlarga xaridor topishga ko'maklashadi. Bunday samarali hamkorlikdan ko'zlangan maqsad mahsulotlarimizni son va sifat darajasini oshirish, qolaversa, investorlarni jalb qilib samaradorlikni oshirmoqda.

Mamlakat tashqi savdo operatsiyalarini samaradorligini aniqlashda tashqi savdo balansi ma'lumotlaridan foydalaniladi, mamlakatning tashqi savdo balansi mamlakat to'lov balansining tarkibiy qismi bo'lib, tovarlar import qilinganida undan chiqib ketadigan mablag'lar bilan tovarlarni chet elga eksport qilinganda mablag'lar o'rtasidagi nisbatini ko'rsatadi. To'lov balansining shu tarkibiy qismi mamlakatning tashqi iqtisodiy ahvoriga baho berishda eng muhim ko'rsatkich hisoblanadi.

Agarda mamlakatning eksporti ma'lum davrda chet eldan import qilishdan ortiq bo'lsa, savdo balansi musbat bo'ladi, ya'ni eksportdan tushgan tushim importga ketgan xarajatlarga nisbatan ko'p bo'lsa, unda mamlakat tashqi balansi musbat savdoga ega bo'ladi. Agar import eksportdan ortiq bo'lsa, savdo balansi shunga muvofiq salbiy bo'ladi yoki boshqacha qilib aytganda, mamlakat chetdan sotib olayotgan tovarlar summasidan ortiq bo'lsa, mamlakat savdo balansi salbiy savdoga ega hisoblanadi.

O'zbekistonning tashqi iqtisodiy va savdo faoliyatida Osiyo rivojlanishi bank (OIV) hamda jaxon savdo tashkiloti (JST) bilan hamkorligi istiqboli yo'nalishlaridan xisoblanadi. Shunday qilib O'zbekistonning jaxon hamjamiyati qo'shilishida dunyo mamlakatlarida xalqaro va mintaqaviy tashkilotlar bilan hamkorlik xal qiluvchi o'ziga ega bo'lib bu milliy iqtisodiyotning baynalmillashuvini kuchaytiradi hamda iqtisodiy taraqqiyotini yuqori bosqichda ko'tarishining asosiy tashqi omillari hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, oxirgi yillarda O'zbekistonda eksport tarkibida mahalliy xomashyodan tayyor mahsulotlarni ishlab chiqarish va qo'shimcha daromadlarni qo'lga kiritishga olib keladi.

Bu mahsulotlar ko'pgina chet davlatlarni qiziqishlariga va mamlakatimizga juda ko'p katta-katta investitsion loyihalarni amalga oshirish imkoniyatini yaratib bermoqda.

### **Ўзбекистонда тадбиркорликни инновацион ривожлантириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг халқаро тажрибаси**

*Қурбонов Д-401-мен. гуруҳ талабаси*

*и.ф.н., доцент Буранов О.Б,*

*катта ўқитувчи Рахмонова Ф.М. (СамДАҚИ)*

Республикада модернизациялашнинг илмий таъминоти аввало барча соҳаларни барқарор ривожланиши (техника ва янги технология билан

таъминлаш даражасини кўтариш, ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш ва ҳақозо) таъминлаш билан бир қаторда, иқтисодийнинг глобаллашув шароитида стратегик муаммоларини ҳал қилишга қаратилган.

Бугунги кунда мамлакат соҳаларни модернизациялашда шунга эътибор бериш керакки дунёнинг аксарият мамлакатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши асосан инвестициялар ҳисобига илмий янгиликлардан фойдаланиш, тармоқнинг инновацион рақобатбардошлигини ошириб бориши ҳисобига бўлмоқда. Жумладан, Германияда ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) ўсиши 100фоиз инновация ҳисобига юз берса, Тайвандда корхоналар инновацион тадбиркорлиги ҳисобига 78 фоиз бандлик ва мамлакат бўйича ЯИМнинг ўсиши 45 фоиз таъминланмоқда.

Эндиликда дунёдаги давлатларни бой ёки камбағал, индустриаллаштирилган ёки аграр мамлакатлар деб баҳо берилишидан, хом ашё етиштирувчи ёки товар маҳсулотлари етиштирувчи, технологиялар ишлаб чиқарувчи, билимлар яратувчи (шу жумладан юқори технологиялар) деб баҳо беришга ўтилмоқда. Жумладан, АҚШда федерал давлат миқёсида олиб борилган илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижалари нодавлат корхоналари орқали амалга оширилади. Улар илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари тизимида асосий бўғин ҳисобланади. Федерал ҳукумат шулар орқали энг яхши илмий тадқиқот ташкилотларини, талантли олимларни иш билан таъминлайди ва уларнинг олдига илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари бўйича вазифалар қўяди.

Германияда аввал АҚШ тажрибасидан фойдаланганлар, кейинчалик эса Англия, Франция, Японияда қўлланилаётган илмий тадқиқот тажрибасини қабул қилмоқда.

Республикада инвестицияларни рағбатлантириш ва тармоқларни инновацион бошқариш самарадорлигини оширишда, шу жумладан ишлаб чиқариш хўжалигида, соҳаларнинг технологик ва техник жиҳатдан модернизациясига қаратилган давлатнинг мақсадли дастурлари истиқболга қаратилган фундаментал ва илмий тадқиқотларга асосланган инновацион дастурларни ролини ошириб бориши лозим. Ишлаб чиқариш хўжалигида инновацион ғояларни жорий қилишни тезлатиш учун:

- инновацион ишланмалар хўжаликнинг барча бўғинларини яхлит бир тизим сифатида қамраб олиш лозим;

- стратегияни белгилаш, ривожланишни устувор йўналишлари, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, бизнес-режа асосида олиб борилиши ва танланган технология режалаштирилган услуб ва давомий ривожланишни маблағ билан таъминлаши лозим.


Бугунги кунда масала шундай кўндаланг қўйилган бўлиб мамлакатни иқтисодий, илмий ишлаб чиқариш салоҳияти қисқаришини илғор илмий техник, технологик даражада қоплаш керак, бунинг учун барча бўғинларда, қишлоқ хўжалик корхоналарини ҳам ҳисобга олган ҳолда, инвестицион фаолликни кўтариш лозим бўлади ёки мамлакатнинг ривожланиши, биргина ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмида сифати ва рақобатбардошлигида бир неча йиллар орқада қолинади, шунингдек ишлаб чиқаришни техник



имкониятларида ҳам ривожланган мамлакатлардан бир неча ўн йиллар орқада қолиб кетиши мумкин.

Натижада, инновацион маҳсулотни ишлаб чиқаришга жорий қилиш даврида инвестицияларни жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Бу даврда молиялаштиришнинг асосий манбаи хўжалик корхоналарининг маблағи ҳисобланади. Шунинг ҳам эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда илм-фанга ажратилаётган маблағлар бир мунча кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон халқ хўжалигининг барқарор ривожланиши ва маҳсулотлар рақобатбардошлигининг асосини соҳаларни самарали инвестициялар ва инновацион йўналишга ўтказиш ҳисобланади. Буни чизмада қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм).



### **1-расм. Республикада инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион фаолликни ривожланишига ҳалақит бераётган омиллар**

Бугунги кунда республикада инвестицияларни жалб қилиш ва инновацион фаолликни ривожланишига ҳалақит бераётган омиллар қуйидагилардан иборат:

- вазирлик ва идоралар, корхона ва хўжаликларнинг илмий-техник лойиҳалар танловида қатнашишидаги иштироки камлиги, маблағ етишмаслиги, кредитлардан фойдаланишдаги қийинчиликлар;

- жамоатчиликнинг нодавлат тизимини, кичик ва шахсий тадбиркорларни инновацион дастурлар ва лойиҳаларни молиялаштириш бўйича танловлар ҳақида етарлича ахборотга эга эмасликлари;

- чет эллик ҳамкорлар ва хусусий сектор билан ҳамкорлик жараёнларининг камлиги;

- инновацион маркетингни ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган менежерларни тайёрлаш ва қайтатайёрлаш тизимини яхши ривожланмаганлиги;

- инновацион лойиҳаларни хавф-хатарлик даражасига баҳо берувчи ва суғурталовчи инновацион венчур ва суғурта компаниялар тизимини етишмаслиги кабилар.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга амалдаги солиқлар ва божлар

юзасидан қатор енгилликлар, имтиёзлар белгиланган. Ушбу имтиёзларнинг амал қилиши бевосита мамлакатимизда юритилаётган инвестиция сиёсатининг асосий негизларидан бирини ташкил этиб, ўз ижобий самарасини бермоқда.

Масалан, Республикаимизда хорижий инвесторлар ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулкдан бож тўлови олинмайди, Республика инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларга сарф этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари даромад (фойда) солиғидан 7 йил муддатга озод этилган, корхона жамғармасида хорижий инвестиция маблағлари ҳиссаси 50% ва ундан юқори бўлса, улар 2 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинган ва бошқа солиқ имтиёзлари белгиланган.

Юқоридан хулоса қилганда, мамлакатимиз тадбиркорлик хўжаликлари иқтисодиёти самарадорлиги бевосита инвестиция сиёсатининг тавсифи ва инновация миқийёсларига боғлиқ. Инвестициялар ва инновациялар республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларда ресурслардан самарали фойдаланишга ва шу орқали иқтисодиётнинг самарли таркибини такомиллаштиришга имкон беради.

### **Қимматли қоғозларнинг уюшган ва уюшмаган бозорлари**

*СамДАҚИ, катта ўқитувчи. Исмаилов Н.И.*

Қимматли қоғозлар бозорининг асосий муҳим бозорларидан бири унинг қимматли қоғозларнинг уюшган ва қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозорлари ҳисобланади.

*Қимматли қоғозларнинг уюшган бозори*-бу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши соҳаси бўлиб, унда қимматли қоғозлар операциялари ушбу битимлар иштирокчилари учун қимматли қоғозлар савдосининг ташкилотчиси томонидан белгиланган тадбирлар ва шартлар билан тартибга солинган.

*Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори*-бу қимматли қоғозларнинг муомалада бўлиши соҳаси бўлиб, унда қимматли қоғозлар билан операциялар савдолар ташкилотчиларининг ушбу битим предмети ва унинг иштирокчиларига нисбатан қўйган талабларига риоя этилмаган ҳолда амалга оширилади.

Қимматли қоғозларнинг уюшмаган бозори-бу шундай бозорки, унда битимлар тузиш, қимматли қоғозлар ва иштирокчиларга қўйиладиган талабларнинг қоидалари белгиланмаган, савдолар сотувчи ва харидорнинг шахсий алоқаси орқали ихтиёрий равишда амалга оширилади. Мазкур бозорларда тузилган битимлар ҳақидаги ахборотни тарқатиш тизими мавжуд эмас. Бундан ташқари, битимлар иштирокчиларнинг қандайдир муҳофаза ва суғурта механизмларидан фойдаланмагани ҳолда амалга оширилади (масалан, сотувчи томонидан қимматли қоғозларнинг махсус ҳисобрақамларда олдиндан муҳосара қилиниши, қимматли қоғозлар харидорлари томонидан пул маблағлари бир қисмининг олдиндан тўланиши ва х. к.), одатда бундай ҳоллар биржа савдоларида ўринлидир. Шу билан бир

вақтда, битимлар махсус рўйхатга олувчилар томонидан Қонун билан белгиланган умумий тартибда расмийлаштирилади. Ушбу бозор "кўча" ёки "тартибсиз" бозор, деб номланишига қарамай, у мутлақо чалқаш ва тартибсиз бозор эмас, чунки битимда иштирок этаётган томонлардан қайсидир бирининг товламачилик қилгани аниқланган ҳолларда, тартибга солувчи давлат идораси тергов ишини олиб боради. Бундай бозорда сифатли қимматли қоғозлар ҳам, улар бўйича катта дивидендлар олиш, ёки барча қўйилган маблағларни йўқотиш мумкин бўлган даромадли қимматли қоғозлар ҳам, шунингдек, эмитентлари мураккаб молиявий аҳволда ёхуд банкротлик ёқасида бўлган яроқсиз, деб номланувчи акциялар ҳам сотилиши мумкин. Бизнинг мамлакатимизда уюшмаган бозорда янги барпо этилган, шунингдек, хусусийлаштирилган корхоналарнинг бирламчи ва иккиламчи эмиссиялари акциялари, банк ҳамда тижорат векселлари сотилади ва харид қилинади. Ўзбекистонда ХИФлар акцияларининг бевосита ХИФларнинг ўзлари томонидан амалга оширилган ёки Халқ банки бўлимлари орқали бирламчи сотилиши бундай бозорларга мисол бўлади.

Биржадан ташқари уюшган бозорларга мисол тариқасида NASDAQ (National Association of Securities Dealers-Инвестицион дилерлар миллий ассоциациясининг автоматик котировкаси тизими) Инвестицион дилерлар миллий ассоциацияси тизимини (АҚШ), SESDAQ (Singapore Stock Exchange) Сингапур фонд биржаси қошидаги автоматик котировка ва дилинг тизимини, "ХЕТКА" Англия-Германия тизимини келтириш мумкин. Ўзбекистонда қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюшган бозори "Элсис-Савдо"-биржадан ташқари электрон тизими орқали амалга оширилади. "Элсис — Савдо"-биржадан ташқари савдолар электрон тизими қимматли қоғозларни харид қилиш ва сотиш учун тушган буюртмаларни жамлаш ҳамда бажариш тамойилига асосланиб фаолият юритади. Савдоларда у ёки бу эмитентнинг акцияларига қимматли қоғозлар билан тузиладиган энг катта ҳажмдаги битимларни таъминловчи ягона нарх белгиланади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, акцияларнинг харид ва сотиш нархлари битта савдо битими давомида барча харидорлар учун тенг бўлади. Биржадан ташқари савдоларнинг электрон тизими Ўзбекистоннинг ҳар қандай фуқаросига фонд бозорида брокерни четлаб ўтган ҳолда, мустақил ишлаш имконини беради.

**Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллари пайдо бўлиши ва ижтимоий табақаланишнинг ўзига хос хусусиятлари**

*Латипов Ашурали – СамДАҚИ “Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш” мутахассислиги бўйича 1-босқич магистранти,*

*Гиясов Бобо Джуракулович – СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси доценти, и.ф.н.,*


*Турдибеков Юсуф Ибрагимович – СамДАҚИ “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси.*

Ўзбекистон мустақил бўлгандан кейин ривожланишнинг бозор иқтисодиёти йўналишини танлади. Бунда мамлакатимизнинг биринчи

Президенти И.А.Каримов асосий эътиборни мулкчилик муносабатларига қаратди. Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб давлат мулкидан фарқли равишда турли мулк шакллари пайдо бўлди ва шаклланди.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида мулкчилик муносабатлари ўз ичига давлат мулкни, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва матлубот соҳаларидаги жамоа мулкнинг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкни, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкни, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шаклларини ва хусусий мулкларни олади. Шу сабабли «Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида»ги қонунида турли-туман мулклар куйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, шахсий мулк, аралаш мулк.

Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шарти кўп укладли иқтисодиётни ва рақобатлашувчи муҳитни шакллантириш учун шарт-шароитини вужудга келтиришдан иборат. Бунда асосийси мулкчилик масаласини ҳал қилишдир. Шу сабабли республикамизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов мулкчилик масаласини ҳал қилишни «...бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади»<sup>5</sup> деб алоҳида таъкидлаб кўрсатади.



Диаграммадан кўринадикки, мамлакатимизда рўйхатга олинган жами корхоналарнинг 7,0 фоизини давлат мулкидаги корхоналар, 93,0 фоизини мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги корхоналар, шундан, 56,1 фоизини – фермер ва деҳқон хўжаликлари, 20,8 фоиз – хусусий корхоналар, 0,9 фоиз – хорижий капитал иштирокидаги корхоналар, 0,4 фоиз – акциядорлик жамиятлари ташкил этган.

Шунингдек, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида нодавлат секторининг улуши ҳам сезиларли даражада ошиб бормоқда .

Бозор иқтисодиётини вужудга келтириш вазифаси ўтиш даврида

<sup>5</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3., - Т.: Ўзбекистон, 1996, 202-б.

мулкчиликда давлат секторининг салмоғи анча юқори бўлган мамлакатларда бу мулкнинг маълум қисмини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни тақозо қилади. Хусусийлаштиришнинг усуллари ҳам турли-туман бўлиб, уларни 3 гуруҳга ажратиш мумкин: 1) давлат мулкни бепул бўлиб бериш орқали хусусийлаштириш; 2) давлат мулкни сотиш орқали хусусийлаштириш; 3) давлат мулкни бепул бўлиб бериш ҳамда сотишни уйғунлаштириш орқали хусусийлаштириш.

Давлат мулкни бошқа турдаги мулк шаклларига ўтказиш ва уларни ривожлантириш орқали мамлакатимизда мулкдорлар синфи шаклланди. Хусусий мулк давлат томонидан ҳимоя қилинади ва мулкдор ўз мулкдан оқилона фойдаланиш орқали ўзи учун даромад ёки наф олади.

Мулкдорлар синфи юзага келиши натижасида мамлакатимизда ижтимоий табақалашув юз берди. Албатта бу бозор иқтисодиётининг оддий натижаси – мулкдан самарали фойдаланган инсоннинг даромади ошади ва аксинча. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мулкчилик бўйича сиёсати ҳам мулкдан тўғри ва оқилона фойдаланишга ҳамда аҳоли даромадини оширишга қаратилган. Хусусийлаштирилган, лекин бугунги кунда норентабелли корхоналарни тугатиш ва уларнинг ўрнига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ҳозирги вақтда энг долзарб вазифа ҳисобланади.

#### *Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. - Т.: Ўзбекистон, 1996, 202-б.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, 40-41-б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида/Ўзбекистон Республикаси: қонунлар ва фармонлар. – Т.: Ўзбекистон, 1992, 65-б.

#### **Диверсификациялашган компания фаолиятини матрицали**

#### **таҳлиллар асосида такомиллаштириш**

*401-МТ гуруҳи талабаси Садуллаев А., тдоцент., Ў.А.*

*Мухаммадиев*

*Ўқитувчи Р.М. Эгамов (СамДАҚИ)*

Фирма фаолиятини асосий йўналишларини (бўюртма портфелини) таҳлил этиш унинг чекланган маблағларини ҳар хил товар бозорлари ўртасида тўғри тақсимлаш имконини яратади.

Умуман олганда, вазифа шундан иборатки, ҳар бир товар бозорини бир-бирига боғлиқ бўлмаган ўлчашлар яъни - таянч бозорнинг жозибадорлигини ва фирманинг рақобат кучини таснифлашдан иборат.


Иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш;

принципиал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни рағбатлантириш сиёсатини давом эттириш ҳамда, энг аввало, истеъмол товарлар ва бутловчи буюмлар импортнинг ўрнини босиш, тармоқлараро саноат кооперациясини кенгайтириш;<sup>6</sup>

Бунинг учун жозибadorликни ва рақобатдошликни аниқлайдиган турлича матрицалар, индикаторлар ва коэффициентлар ишлаб чиқилган. Биз уларни айримларини қараб чиқамиз. Бостон консалтинг гуруҳи “ўсиш - бозор улуши” матрицаси жозибadorликни ва рақобатбардошликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

БКГ матрицасида иккита мезондан фойдаланилади. Жозибadorлик кўрсаткичи сифатида мақсадли бозорнинг сегментининг ўсиш тезлиги ва рақобатдошликни кўрсаткичи сифатида энг хавфли рақобатчининг бозор улуши. Натижада тўртта квадратдан иборат жадвалга эга бўламиз.



**Расм 1. “Ўсиш – бозор улуши” матрицаси.**

“Бозор ўсиши” ўқиға нисбатан таянч чизик бозорни юқори ва паст ўсишига мос келадиган иккита бозорга ажратади. Бозорни ўсиш тезлигини иккига ажратадиган ушбу чизик натурал кўрсаткичларда ифодаланган мамлакат бўйича ялпи ички маҳсулотларни ишлаб чиқариш даражасига мос келади ёки фирма фаолият кўрсатадиган бозор сегментларининг ўртача ўсиш даражасини ифодалайди.

“Бозор улуши” ўқи учун бозор улушини катта ва кичикларга ажратадиган чизик одатда 1 ё 1,5 га тенг нуқталардан ўтказилади. Агар фирманинг бозор улуши ушбу кўрсаткичлардан юқори бўлса, у катта акс ҳолда кичик бозор улуши ҳисобланади. Шундай қилиб, матрица бозорнинг нисбий улуши тушунчасига асосланади. Агар А товар маркасига 10% бозор

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ПФ-4947-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

улуши Б товар маркасига 20% бозор улуши тўғри келса, унда А товар маркасининг нисбий улуши 0,5 (10%, 20%) га тенг бўлиб, у паст бозор улуши ҳисобланади. Чунки унинг бозор улуши 1 дан кичик бўлмоқда. Б товар маркаси учун бозор улуши 2 (20%, 10%)га тенг бўлади.

Бозор нисбий улушини асосий кўрсаткичларидан бири сифатида қабул қилишининг сабаби шундаки, тажриба эгри чизиғи демак, рентабеллик билан бозорнинг нисбий улуши ўртасида ижобий корреляция боғланиши мавжудлиги тўғрисидаги илмий фаразлардир. Ушбу нуқтаи назардан маълум бўладики, энг яқин рақобатчи 40% ёки 5% бозор улушига эга бўлганда бизнинг бозор улушимиз 20% га тенг бўлиши ҳар хил рақобат вазиятларига мос келади. Шундай қилиб юқорида келтирилган расмдаги 4 квадрант бири-биридан кескин фарқ қиладиган рақобат вазиятларини акс эттиради. Уларнинг ҳар бири стратегик менежмент ва молиялаш нуқтаи назаридан турли ёндашувларни талаб этилади.

БКГ усулида таҳлиллар икки турдаги фундаментал вазиятлардан пайдо бўлади. Булар нисбий тажриба самарасига ва товарнинг ҳаётий циклига асосланади.

Уларни қуйидагича тасвирлаш мумкин

-Тажриба самараси таъсирида катта ҳажмдаги бозор улушига эга бўлган фирма сарф-харажатларда рақобат устунлигига эга бўлади. Демак кичик бозор улушига эга бўлган фирманинг сарф харажатлари ҳам юқори бўлади. Ушбу фараз маълум бўладики, энг йирик рақобатчи бозор нархларида сотиладиган товарлар учун энг юқори рентабелликка эга бўлади ва унинг молиявий оқимлари ҳам максимал даражада шаклланади.

- Ўсиб бораётган бозорда иштирок этиш молиявий маблағларга юқори даражада эҳтиёж мавжудлигидан далолат беради. (яъни, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реклама интенсивлигини ошириш ва ҳ.к.) Тескари ҳолатда эса секин ўсиш анъанасига эга товарлар катта ҳажмдаги молиявий инвестицияларни талаб қилмайди.

Шундай қилиб, мувозанатлашган товарлар номенклатурасига ва ассортиментига (товарнинг турли ҳаётий циклларига эга мажмуасига) эга бўлиш учун товарнинг ҳаётий цикли(ТХЦ) моделига мурожаат қиламиз.

Иккинчи фаразнинг тўғрилигини ўсиб бораётган бозорда товарнинг молиявий эҳтиёжлари тўғрун ёки сўниб бораётган товарлар бозорига нисбатан юқорироқ эканлигидан кўришимиз мумкин.

Иккала фараз ҳам бажариладиган вазиятда тўрт гуруҳ товарлар бозорини ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар ҳар хил стратегик мақсадларга ва молиявий эҳтиёжларга мос келади.

-“Соғин сигирлар” (“секин ўсиш/катта улуш”): ўз бозор улушини қўллаб-қувватлаш харажатларига нисбатан кўпроқ маблағ яратадиган товарлар бозоридир. Диверсификацияни ёки тадқиқотларни ривожлантириш учун молиявий манбалар бўлиши мумкин. Бунда афзал стратегик мақсад “ҳосилни йиғиш”.

-“Итлар” (“секин ўсиш/кичик улуш”): бозордаги энг ноқулай вазият сабабчилари ҳисобланади. Одатда харажатлар юқорилиги ва бозор улуши кичиклиги ҳамда рақобат кураши асосан яқунланганлиги туфайли улар

ноқулай бозор вазиятига эга бўладилар. Ушбу товарлар ишлаб чиқарилишини сақлаб қолиш катта молиявий харажатларга олиб келади. Бунда инвестиция йўналишларини қайта кўриб чиқиш афзал стратегия ҳисобланади.

-“Сувоқ белгиси ёки муаммоли болалар” (“тез ўсиш/кичик улуш”) ушбу товар гуруҳлари бозорни сақлаб қолиш учун катта ҳажмдаги молиявий харажатларни талаб қилади. Улар сардор товарларга нисбатан имкониятлари пастроқ, лекин бозор кенгайиб бораётганлиги туфайли муваффақият қозонишлари мумкин. Агар ушбу товарлар молиявий қўллаб-қувватланмаса улар “итлар” гуруҳига яққол даъвогар бўладилар.

-“Юлдузлар” (“тез ўсиш/юқори улуш”): улар тез ўсаётган бозорда сардор товарлар ҳисобланади. Уларни жиддий тарзда молиявий таъминлаш зарур. Лекин ушбу товарларнинг рақобатбардошлиги юқори бўлганлиги учун юқори фойда берадилар. Бозор ўзининг етуқлик даражасига яқинлашган сари улар “соғин сигирлар” ўрнини эгаллайдилар.

БКГ матрицасидан фойдаланиш учун товар рақобатлашадиган таянч бозорни аниқ билиш лозим. Агар бозорнинг тор сегменти тўғри аниқланган бўлса, фирма албатта сегмент сардорига айланади, акс ҳолда у заиф бозор мавқеига эга бўлади.

Таҳлиллар қуйидаги хулосаларни назарда тутди:

- Матрица ичидаги вазият қайси стратегиядан самарали фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади: “юлдузлар” - сардорликни сақлаб қолиш; “Итлар” учун - бозордан кетиш ёки паст даражадаги фаоллик; “сувоқ белгиси” - инвестиция киритиш ёки селектив ривожланиш; “Соғин сигирлар” учун - максимал фойда олишини таъминлашдир.

### **Қурилиш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўллари**

*401-Менежмент гуруҳи талабаси Қодиров С.*

*доцент., Ў.А. Мухаммадиев*

*Ўқитувчи Р.М. Эгамов (СамДАҚИ)*

Ўзбекистон ва жаҳон иқтисодиётининг келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда деярли ҳар бир мутахассис ва хўжалик юритувчи субъект англаб этганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларини кенгроқ жалб этиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг муҳим асосига айланганлиги билан боғлиқлигини тушуниб олиш қийин эмас.

Биз бир нарсани унутмаслигимиз керак: ҳар бир бино, у боғча бўладими, шифохона бўладими, ўз асосий вазифасини бажаришдан ташқари, кўриниши билан одамларнинг кайфиятига ҳам бевосита таъсир этади. Шу сабабли ҳудудларда қурилиши режалаштирилаётган ижтимоий объектларни



лойихалаштиришда эски қолиплардан воз кечиб, инновацион ёндашувларни жорий этиш зарур<sup>7</sup>.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас.

**Хорижий инвестициялар** - бу чет эл инвесторлари томонидан юкори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлоқ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкый, молиявий, интеллектуал бойликлардир.

**Чет эл инвестициялари дейилганда** чет мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишидаги мuddатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин: қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

**Чет эл инвестициялари дейилганда** чет мамлакатларнинг миллий иқтисодиётга моддий, молиявий ва номоддий кўринишидаги мuddатли қўйилмаларнинг барча шакллари тушунилади. Бу қўйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

Қўшма корхоналарни ташкил қилишда ўз улуши билан қатнашиш, хорижий сармоядорларга тўла тегишли бўлган корхоналарни барпо этиш, хорижий шахслар томонидан қимматли қоғозларни, шунингдек, заём ва кредитлар олиш.

- янги, замонавий техника ва технологияларни республика иқтисодиётига жалб қилиш, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш эса неча йиллар давомида сифатсиз, харидор талабига жавоб бера олмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи эски техникалардан тезроқ қутилиш имконини беради;

- янги иш жойлари ташкил қилиш ва аҳолининг ишсиз қисмини иш билан таъминлаш, шу билан бирга, хорижнинг илғор бошқарув тажрибасини жорий қилиш имконини беради ва шу орқали меҳнат унумдорлиги оширилади;

- жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш эвазига мамлакатга эркин конвертация қилинадиган валюталарнинг кўпроқ кириб келишини таъминлайди.

Жами қурилиш ишларидан 78,6 % янги қурилиш, реконструкция, кенгайтириш ва корхоналарни техник қайта қуроллантириш ишларига тўғри келади, шунингдек, 21,4 % ини капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат

---

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида ПФ-4947-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)

ишлари ташкил этди. Инвестиция дастури доирасида юқори технологик ва техник ишлаб чиқаришни яратиш, модернизация қилишга йўналтирилган фаол инвестиция сиёсатининг олиб борилиши натижасида 2017 йилнинг январь-декабрида ишга туширилган ишлаб чиқариш қувватлари ва амалга оширилиши тугалланган лойиҳаларга қуйидагиларни келтириш мумкин: ишдан чиқаётган қувватларни ўрнини қоплаш мақсадида учта олингурут газини тозалаш қурилмалари (янги қурилиш), газ учун эксплуатацион бурғулаш, қудуқларни ишлаб чиқаришга тайёрлаш, Янгиариқ туманида пластик идишлар ишлаб чиқариш (янги қурилиш), Култак ва Памук конларидан газ ташиш учун газ қувурлари (янги қурилиш), Аристантау конлар майдонида қазиб чиқариш ни ташкил этиш (янги қурилиш), Кондиционер ва музлатгич ишлаб чиқаришни кенгайтириш, полимер маҳсулотлари ишлаб чиқариш (янги қурилиш), Нукракон конида ва Ғарбий Амантайтау конида оксидланган конлар захирасига ишлов бериш (янги қурилиши), автомобил ойналарига бирламчи ишлов берувчи янги линиялар жорий этиш (кенгайтириш) ва бошқа лойиҳалар.

УДК 336.7

### **Банк маркетинги муҳитининг асосий ташкил этувчилари**

*Мирзаев З.А., Алиева Н.Б. (СамДАҚИ)*

#### **Аннотация**

Ушбу мақолада маркетинг муҳитининг турлари, банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиш имкониятига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган субъектлар ва омиллар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

В данной статье приведены сведения о видах маркетинговой среды, субъектах и факторах непосредственного воздействия на потенциал банка по обслуживанию клиентов.

This article provides information on the types of marketing environment, subjects and factors of direct impact on the bank's capacity to provide services to clients.

**Калитли сўзлар:** банк маркетинги, иқтисодий омиллар, молия, ахборот, иқтисодиёт.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётимизда модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар ва инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш миллий банк тизимини ривожлантишини таъминлашнинг замонавий усулларида фойдаланишини тақозо этмоқда. Миллий иқтисодиётида бозор инфратузилмасининг ривожланган бўғинларидан бири банк тизимидир. Банк тизимининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни катта бўлиб, унинг самарали фаолият юритиши бошқа тармоқларга ижобий таъсир кўрсатади. Бошқача айтганда банклар бутун иқтисодиётимизни озиқлантириб турадиган кон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий, иқтисодий барқарорлиги кўп жихатдан унинг самарали фаолиятига боғлиқдир. Бу ҳақда Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам ўзининг чиқишларида бир неча бор такрорлаб ўтганлар. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида банклар хизматларига бўлган талаблар ортиб боради. Шу сабабли банклар ўзларининг

ривожланиш стратегияларида мижозларнинг талабларини тўла даражада қондириш учун янги банк хизматлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни доимий равишда реклама қилиб боришлари талаб этилади. Истеъмолчилар, яъни мижозлар банк ташқи муҳитининг асосини ташкил этади. Бошқа хизматлар тизимида бўлгани сингари банк хизматлари маркетинг муҳити ҳам микромуҳит ва макромуҳитларга бўлинади.

Куйидаги 1-расмда банк маркетинги муҳитининг асосий ташкил этувчилари келтирилади. Бу чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, микромуҳитдаги ички муносабатлар банк хизматининг сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Умуман, хизматлар индустрияси юқори контактга эга бўлган соҳа ҳисобланади, бу ерда хизмат кўрсатиш сифати хизмат кўрсатаётганларнинг ишлаш сифатига кўп даражада боғлиқ бўлади. Юқори контактлик деганда шуни тушуниш мумкинки, хизматни сотиш хизмат кўрсатувчи билан мижознинг учрашуви жараёнида рўй беради. Мижоз шу жараёндаги ҳамма ҳодисаларни, инструмент ва жиҳозларни кузатиб туриб хизмат сифатига баҳо беради. Маркетингнинг ташқи микромуҳити – бу банкнинг мижозларга хизмат кўрсатиш имкониятига тўғридан - тўғри таъсир кўрсатадиган субъектлар ва омиллардир. Маркетингнинг ташқи макромуҳити – бу маркетингнинг ҳамма ташқи микромуҳитига таъсир кўрсатувчи катта табиий омиллар (сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, илмий – техникавий, маданий, табиий) нинг мажмуидан иборатдир. Сиёсий омиллар давлатнинг тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳар хил мулкчилик шаклларига муносабати, сиёсий ҳолатнинг барқарорлиги кабилар билан характерланади. Ижтимоий – иқтисодий омиллар аҳоли турмуш даражаси, аҳолининг тўлов қобилияти, демографик жараёнлар, молия тизимининг барқарорлиги, инфляция жараёнлари ва ҳоказолар билан характерланади. Ҳуқуқий омилларга табиатни муҳофаза қилиш бўйича меъерий ҳужжатлар, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш тизимида стандартлаштириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа соҳаларда қабул қилинган қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари киради. Илмий – техникавий омиллар илм – фан ютуқларидан фойдаланаётган корхоналарга устунлик беради.

УДК 330.526:33

**Банк маркетингини ўзига хос хусусиятлари, мақсади ва вазифалари**

*Мирзаев З.А., Алиева Н.Б. (СамДАҚИ)*

**Аннотация**

Мақолада, банк маркетингининг мақсади, вазифалари, хусусиятлари ва тамойиллари илмий асосда ёритилиб берилган.

В статье на научной основе освещены цели, задачи, особенности и принципы банковского маркетинга.

The article focuses on the goals, tasks, features and principles of banking marketing.

**Калитли сўзлар:** банк маркетинги, бозор иқтисодиёти, тижорат банклари, стратегия.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти модернизациялаш, таркибий ўзгаришлар ва инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш миллий банк тизимини ривожлантишини таъминлашнинг замонавий усулларида фойдаланишини тақоза этмоқда. Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида банклар хизматларига бўлган талаблар ортиб боради. Шу сабабли банклар ўзларининг ривожланиш стратегияларида мижозларнинг талабларини тўла даражада қондириш учун янги банк хизматлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни доимий равишда реклама қилиб боришлари талаб этилади. Банк маркетингини ўзига хос хусусиятига кўра маркетингнинг алоҳида соҳаси деб ҳисоблаш мумкин. Бу аниқ ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият билан белгиланадиган банк фаолиятининг ташқи ва ички ғояси стратегияси, тактикаси ва сиёсатидир. Кредит ташкилотларининг универсаллашуви шароитида банк маркетинги шуни аниқ технологик усуллар билан банк хизматчилари янгича фикрлашнинг бирикуви сифатида намоён бўлади. Тижорат банклари бошқарувида маркетинг киритилиши банк фаолияти стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишнинг асосий мезонларини тизимлаштиришни ҳамда бозорни ўрганиш ва ривожлантиришнинг аниқ чораларини белгилашни бошлаб берди. Маркетинг жорий қилиниши банк фаолияти даромадлиги ортиши ва таваккалчилиги камайишига кўмаклашади. Банк маркетинги зарурияти шундан иборатки, у кредит ташкилотининг бутун фаолияти бозорда ривожланаётган жараёнларга мослигини сақлаб турадиган механизмдир. Банк маркетингининг мақсадларидан яна бири янги мижозларни доимий тарзда жалб қилишдир. Аниқ амалиётларни бажариш учун банкка мурожат қилаётган жисмоний ва юридик шахслар ҳар доим тўлдирувчи ёки кўшимча хизматларнинг эҳтимолли харидорлари сифатида иштирок этадилар. Масалан, мижоз банкдан чет эл валютасини олаётган бўлса, унга хорижга саёҳат чоғида бахтсиз ҳодисалардан суғурталашни таклиф этиш мумкин. Маркетинг фаолияти доирасида муаммонинг иккинчи томони янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва силжитиш натижасида банк кўтарадиган харажатларнинг ҳажми ҳам жуда муҳимдир. Чунки, банк ниҳоятда қимматли ресурсларни тасарруф қилади, уларни бозорнинг энг фойдали талаб юқори ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар нисбатан камроқ бўлган сегментларида ишлатиш лозимдир. Банк маркетинги нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш ва тезлаштириш ҳисобида пул муомаласини жадаллаштиришга қаратилган бўлиши лозим. Нафақат омонатчилар сафини кенгайтириш, балки уларга хизмат кўрсатиш сифатини доимий яхшилашга ҳам қаратилган интеграцияланган маркетинг тобора афзаллик касб этиб бормоқда. Банк соҳасидаги маркетингнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шундаки, тижорат банклари нафақат омонатларни жалб қилишда, балки юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш ёрдамида жалб этилган маблағлардан фойдаланишдан ҳам манфаатдордир. Бу эса омонатчилар билан муносабатлар соҳасида ҳам, корхоналар, ташкилотлар ҳамда аҳолига

қарз бериш шаклида амалга ошириладиган кредит қуйилмалари соҳасида ҳам маркетингни комплекс ривожлантириш заруриятини келтириб чиқаради [1].

Банк маркетингининг асосий вазифалари эса қуйдагилардан иборатдир:

- пул бозорининг доимий ўзгариб бориши шароитида фаолиятнинг рентабеллигини таъминлаш;

- кредиторлар ва омонатчиларнинг манфаатларига хизмат қилиш, банкнинг ижтимоий имиджини ушлаб туриш мақсадида ликвидлигини кафолатлаш;

- кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми, тузилмаси ва сифати бўйича мижозларнинг талабларини максимал даражада қондириш;

- кредит ташкилотлири, жамоасининг иқтисодий, ташкилий ва ижтимоий муаммоларини комплекс ҳал этиш ва бошқалар.

Шу вазифаларга боғлиқ равишда банк маркетинги юксак миқдорий, сифат ва ижтимоий кўрсаткичларга, банк томонидан амалга оширилаётган амалиёт ва хизматлар ҳажмига, даромадлар ва харажатлар кўрсаткичларига, маблағлар айланмаси тезлигига, амалиётларни бажаришда харажатларнинг паст бўлишига, ҳужжатларни қайта ишлаш муддатларига, кўрсатилаётган хизматларнинг ҳажми, тузилмаси ва сифати бўйича мижозларнинг талабларини юқори даражада қондиришга, махфий ахборотларни сир сақлашни таъминлашга қаратилган бўлади. Ижтимоий кўрсаткичлар қаторида банк ходимларининг профессионал тайёргарлиги, уларнинг меҳнатга муносабати ҳам муҳим ҳисобланади. Бозорда маркетинг тадқиқотлари банк янгиликларини тақдим этиш жараёнида муҳим босқич ҳисобланади. Бундай тадқиқотлардан мақсад банк томонидан ўз маҳсулотларини мижозларнинг эҳтиёж ва талабларига мослаштириш йўли билан аниқ бозорда ёки унинг сегментида рақобатли позицияларни эгаллаш имкониятларини аниқлашдан иборатдир. Тадқиқотлар хизматга бўлган истеъмолчининг талабини аниқлашдан бошланиб, ушбу бозорни комплекс таҳлил қилиш билан якунланади [2].

Тижорат банклари маркетинг доирасида қуйдаги тамойиллар асосида фаолият олиб боришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

- барча банк ходимлари ҳажми ҳаракатларининг аниқ бозор мақсадларига эришишга йўналганлиги тамойили;

- маркетинг фаолият юритиш жараёнининг комплекслилик (режалаштириш, таҳлил, тартибга солиш ва назорат) тамойили;

- маркетингни жорий ва истикболли режалаштиришнинг бирлиги тамойили;

Хулоса қилиб айтганда, банк маркетингини асосий мақсади, банк хизматлари фаолиятини таҳлил қилиш ва асосда унинг фаолиятига маркетинг тамойилларини жорий этиш масалаларини ўрганишдан ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Асосий вазифалари эса банк хизматларининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек банк маркетингининг моҳияти, аҳамияти, функциялари, тамойилларини ёритиш.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоя қилиш кафолатлари тўғрисида” ги қонуни, 2002 йил.

2.Афанасьев, М.П. Маркетинг: стратегия и тактика развития фирмы: учебник/ М.П. Афанасьев – М.: Издательский центр «Книга», 2010. – 304 с.



**1-расм. Банк соҳасида маркетинг муҳити**

Маданий омиллар маркетингга катта таъсир кўрсатади. Истеъмолчиларнинг маълум бир маҳсулотни сотиб олишлари ва истеъмол қилишлари тарихий, маданий анъаналарга асосланади ва бунда географик омилларнинг ҳам таъсири катта бўлади. Табиий омиллар – бу табиий ресурсларнинг мавжудлиги ва атроф – муҳитнинг ҳолати киради. Ташкилотлар ва микромуҳитнинг ташқи субъектлари ўзларининг хўжалик ва маркетинг фаолиятларида бу омилларни албатта ҳисобга олишлари керак бўлади. Банкнинг маркетинг хизмати ташқи муҳитни ва банкнинг ички фаолиятини доимий равишда тадқиқ этиб бориши керак. Банкнинг асосий гуруҳ миждозлари жисмоний шахслар, корхоналар, давлат органлари ҳисобланади. Миждозларнинг талаблари ўзгариб турганлиги учун миждозлар билан доимий алоқа ўрнатиб туриш, учрашувлар, суҳбатлар, сўровлар ташкил этиб туриш жуда муҳим ҳисобланади. Индивидуал миждозларнинг мотивациясига иқтисодиётнинг ҳолати катта таъсир кўрсатади. Масалан, инфляция (пулнинг қадрсизланиши) одамларни ўз маблағларини ҳимоя қилиш йўллариини ўйлай бошлашга мажбур этади, табиийки бу ҳолда банкларга қизиқиш ортади. Айни вақтда йирик корхоналар хорижий банкларнинг мовқеига катта аҳамият беради ва халқаро операциялар ўтказишга аҳамият бера бошлайдилар. Кўпчилик ҳолларда банк хизматлари бозорида банкларнинг рақобатчилари учта стратегик гуруҳлар

ҳисобланади. Булар ўша ҳудудда жойлашган банклар, бошқа регионларда жойлашган катта ихтисослашган банкларнинг филиаллари ва бошқа банк бўлмаган молия ташкилотлари ҳисобланади. Банкнинг маркетинг хизматлари бажарадиган муҳим ишлардан бири ахборотларни тўплаш ҳисобланади. Маркетинг ахборотларининг манбалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: молия бозори (банк, инвестицион компаниялар, суғурта фонди, нафақа фонди, биржа, аукционлар, рақобатчилар); давлат ташкилотлари (ҳокимият, марказий банк, божхона хизмати, статистика қўмитаси, солиқ хизмати ва бошқалар); оммавий ахборот воситалари (СМИ); мижозлар билан алоқада бўладиган банк структуралари фаолиятлари натижалари ва бошқалар. Маркетинг тадқиқотларининг энг аъъанавий схемаси қуйидагича: банк хизмат кўрсатадиган бозорнинг ҳиссаси аниқланади; рақобатчиларга нисбатан бозорда аниқ хизмат турларининг ҳиссаси аниқланади; демографик ахборотлар қайта ишланади, керак бўлса мижозларнинг демографик ривожланиш модели ишлаб чиқилади.

Хулоса қилиб айтганда, албатта банк маркетинглоглари маркетинг тадқиқотларини ҳам ўтказиб боришлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Рақобат банкни ҳар бир мижознинг потенциал талаби ва имкониятларини билган ҳолда уларнинг ҳар бири учун курашишга мажбур қилади.

#### Адабиётлар рўйхати

1. Ведяхин А.А. Пять “Е” современного банковского маркетинга. Ж. Банковское дело, 2008, № 3.
2. Ибрагимов Р.Г. Маркетинг. Тошкент, Шарқ-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002.

УДК 330.526:33

### **Замонавий хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришнинг асосий вазифалари**

*Д.А.Мирзаева, З.А.Мирзаев, Н.Б.Алиева*

*Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда хизмат кўрсатишдаги тармоқ масалалари кўриб чиқилган.

В данной статье рассмотрена отраслевые вопросы развития сферы услуг в Узбекистане

In the article of dana of taking about cardinal structural and quality transformation and progress trends to servisebusiness.

**Калитли сўзлар:** хизмат кўрсатиш соҳаси, маркетинг, тадбиркор.

Замонавий хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим манбаи ва омили ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси бугун айнан ушбу соҳа ялпи ички маҳсулотни шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг фаровонлигини оширишда етакчи ўрин тутишини кўрсатмоқда.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш шароитида қутилаётган муҳим мақсадлардан бири – аҳоли моддий фаровонлигини оширишдир. “Аҳолининг моддий фаровонлиги

мураккаб ва серқирра кўрсаткич бўлиб, у бир неча шарт-шароит ва омилларга, жумладан, аҳоли пул даромадларининг ошишига ва хизмат кўрсатиш тармоқларининг хизмат турлари ва сифатига ҳам боғлиқ.

Дарҳақиқат, иқтисодий фаолиятнинг бугунги қиёфасини хизматлар кўрсатиш тизимисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу борада хизматлар таркиби ҳам тубдан ўзгариб бораётганини таъкидлаш жоиз. Мобиль алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, кабелли телевизион алоқа, масофавий банк хизматлари, қишлоқ хўжалиги техникаси, автомобиллар ва технологик ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш каби замонавий юқори технологиялар асосидаги хизмат турлари аҳоли ўртасида тобора оммалашиб бормоқда.

Вилоятларда туризм, экскурсия, меҳмонхона, реклама, маркетинг, консалтинг хизматлари, халқ хунармандчилиги ва бадий санъатига асосланган ижтимоий-маданий хизматлар сервис сектори бозорида ҳозирча ўз муносиб ўрнини топа олган дейиш қийин.

Ўтган йили 500 дан ортиқ янги базавий мобиль алоқа станциялари ўрнатилиши ҳисобидан алоқанинг ушбу замонавий, юқори технологияларга асосланган тизими абонентлари сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этди, уларга кўрсатилаётган хизматлар ҳажми қарийб 26 фоизга кўпайди [2].

Айни пайтда қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси ҳали-бери етарлича ривожланмаганини ҳам айтиш жоиз. Қишлоқда аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар кўрсатиш ҳажми шаҳардагидан ҳали-ҳамон сезиларли даражада ортда қолмоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда алоқа хизмати, банк-молия ва коммунал хизматлар соҳасини ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд

Шу билан бирга, айни пайтда мазкур тармоқни ривожлантиришда мавжуд имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлигини таъкидлаш лозим.

Бундан ташқари янги хизмат турлари, жумладан, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратишда зарур бўлган молиявий, лизинг, консалтинг, юридик ва бошқа хизматлар етарли даражада ривожланмаяпти. Туристик хизмат кўрсатиш соҳасида беқиёс имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай ушбу соҳа ўта секин ривожланмоқда. Бунга ҳудудлар бўйича туристик хизматларни кўрсатувчи тизимнинг яратилмаганлиги, ички туризм рекламалари ривожланмаганлиги, республика ичидаги туристик йўналишлар (маршрутлар) аҳолига маълум эмаслиги тўсқинлик қилмоқда.

Президент қарорида берилган катта имтиёзлар, жумладан Болалар спорт иншоотларида кўрсатиладиган пуллик спорт хизматлари даромадидан олинадиган солиқ ва якка тартибдаги солиқ тўловларидан 3 йилгача озод қилинганлигига қарамай, қишлоқларда ушбу хизмат тури ҳали яхши ривожланмаяпти.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва қишлоқ жойларда уларни аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигининг, қишлоқда ҳаёт даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўриш зарур.



Бу борадаги энг асосий вазифа вазиятга тadbirkor нуқтаи назаридан қараш, яъни унга ўз ишини ривожлантириш учун нима тўсқинлик қилаётгани ва давлат томонидан қандай ёрдам кераклигини аниқлаш лозим. Хусусий секторга қишлоқ жойларда кўрсатилаётган хизматлар турларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга ҳам алоҳида аҳамият бериш даркор.

Хулоса сифатида айтиш мумкин, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш катта суръатлар билан амалга оширилмоқда.

### **O‘zbekiston respublikasining iqtisodiy rivojlanish strategiyasining mazmun-mohiyati.**

*101-Menejment guruhi talabasi Murodov R.*

*Ijtimoiy fanlar kafedrasi dotsenti Aliqulov S.*

*Qurilishda menejment kafedrasi o‘qituvchisi Jumanov SH.*

O‘tgan 26 yillik mustaqillik davrida Respublikamiz barcha sohalarda anchagina rivojlanishni qo‘lga kiritdi. Ma‘muriy buyruqbozlikdan kechib bozor tizimiga bosqichma-bosqich o‘tish yo‘liga o‘tdik. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov davrida 5ta model rol o‘ynagan bo‘lsa, shuning uzviy davomi sifatida 2017-2021-yillardagi O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirish “Harakatlar strategiyasi” ishlab chiqildi. Bu Prezidentimiz Shavkat Mirziyayevning saylangandan keyingi katta ishi bo‘ldi deb hisoblaymiz.

Bizning fikrimizcha undagi “Iqtisodiy rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo‘nalishi” bo‘yicha davlat siyosatining olib borilishi juda katta iqtisodiy ahamiyatga ega. Bunga ko‘ra, makroiqtisodiy barqarorlikni mustahkamlash va yuqori iqtisodiy o‘shish suratlarini saqlab qolish, milliy iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirish, qishloq xo‘jaligini modernizatsiya qilish va jadal rivojlantirish, iqtisodiyotda davlat ishtirokini kamaytirish bo‘yicha institutsional va tarkibiy islohotlarni davom ettirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik rivojini rag‘batlantirish, hududlar, tuman, va shaharlarni kompleks va mutanosib holda ijtimoiy-iqtisodiy taraqqiy ettirish va qator shu kabi yo‘nalishlar joy olgan.

O‘zbekistonni iqtisodiy rivojlantirish maqsadida ko‘plab ishlar amalga oshirilmoqda. Misol uchun, mamlakat eksportni ko‘paytirish, mahsulot sifatini oshirish va turini ko‘paytirish, chetdan investitsiyalarni jalb qilish, bank tizimini takomillashtirish, kichik biznes va xususiy tadbirkorlikni yanada rivojlantirish va boshqa ko‘plab sohalarni aytib o‘tishimiz mumkin.

Ulardan tashqari “Harakatlar strategiyasi” da belgilangan tez samara beruvchi chora-tadbirlar qisqacha qilib aytganda quyidagilar:

❖ O‘zbekiston Respublikasining viloyat, tuman va shaharlarni kompleks va mutanosib ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish, ularning mavjud salohiyatidan samarali va optimal foydalanish;

❖ Hududlarda aholining o‘zgarib borayotgan ehtiyojlarini to‘liq qondirishga erishish, hududiy korxonalar faoliyatiga zamonaviy innovatsion texnologiyalarni keng tatbiq etish;

❖ Hududiy raqobatdosh va xalqaro standartlarga javob beradigan sifatli mahsulotlar ishlab chiqarish, joylarda ishlab chiqarish ixtisoslashuvini to'g'ri tashkil etish va ekologik toza mahsulot ishlab chiqarishga o'tish;

❖ Hududlarning tabiiy resurs salohiyatidan oqilona foydalanish mexanizmlarini takomillashtirishga, hududlardagi mavjud mineral-xom ashyo resurslari imkoniyatlarini to'g'ri baholash va qazib olish hamda qayta ishlash borasida tejamkor texnologiyalarni joriy qilish va hokazolar o'rin egallagan.

❖ Xizmatlar sohasi va turizmni aytish kerak.

Hozirgi kunda iqtisodiyotni rivojlantirishda juda ko'plab yo'llar qo'llanilmoqda. Ulardan birgina misol qilib turizmni olib ko'rsak, O'zbekistonda xalqaro turizmni rivojlantirishda turistik resurslarning xalqaro darajalarini, ta'rif va tavsiflarini yaratish tur-operatorning birinchi navbatdagi asosiy vazifasi aynan ana shu turistik obyektning eng jozibador, betakrorligini, ko'rinishini aniqlashdir. Ikkinchidan, mamlakatimizdagi turistik resurslarni obyektlarning qaysi birlari yoki qaysidir bir guruhlari nodir va noyob, ularga xalqaro turistlarning qay darajalarda qiziqishlarini aniqlashdir.

Xalqaro miqyosdagi turistik obyektlardagi jozibadorlik va betakrorlik deganda mazkur turistik obyektning xalqaro miqyosda ma'lum va mashhurligi, mo'jizaviyligini, dunyo aholisi, bu obyektning bilishi tan olinadi. Bunday miqyosdagi jozibadorlik va betakrorlik asosiy hollarda mo'jiza deb nomlanadi. Dunyo miqyosdagi turistik obyektning mo'jiza deyilishi o'tmishdagi insoniyat bunyod etgan ulkan inshootlarning qay tartibda qurilganligi, ularda hozirgacha ko'plab ochilmagan sir-sanoatlarning mavjudligidir<sup>8</sup>.

Bugungi iqtisodiy globallashtirish jarayonlari jadallashtirayotgan sharoitda mamlakat iqtisodiyotining yuqori su'ratlarda o'zgarishiga ta'sir ko'rsatadigan sohalardan yana biri – bu xalqaro iqtisodiy hamkorlikni yanada rivojlantirish, yetakchi xalqaro va chet el moliyaviy institutlari bilan aloqalarni kengaytirish, xalqaro moliyaviy institutlar pul mablag'larini jalb qilish orqali moliyalashtiriladigan investitsiyaviy loyihalarning o'z vaqtida amalga oshirilishini ta'minlash va boshqa qator yo'nalishlardan iborat.

Mazkur loyihalarni amalga oshirishda Prezidentimiz Shavkat Mirziyayev o'z harakatlar strategiyasida quyidagilarni mo'ljallab qo'ygan:

➤ 2016-2020-yillar davomida 27 ta loyihani amalga oshirish uchun Jahon banki kreditlarini jalb etish;

➤ 2017-2019-yillar davomida 20 ta loyihani amalga oshirish uchun Osiyo taraqqiyot banki kreditlarini jalb qilish.<sup>9</sup>

Mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishida makon asosiy rol o'ynaydi. Yurtboshimiz shuni ham hisobga olgan holda “Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirish” ga muhim e'tibor qaratdi. Buning yaqqol misoli, bir necha yil oldin Navoiy viloyatiga, bora-bora Jizzax, Angren, G'ijduvon, Qo'qon, Urgut, Xazorasp va boshqalar iqtisodiy zonalarni tashkil etadi.

---

<sup>8</sup>Sirliboyev B. SamISI katta o'qituvchisi. Xalqaro turizmni rivojlantirishda turistik resurslarning ahamiyatini belgilash. Ta'lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasida intellektual salohiyatli yoshlar mamlakat taraqqiyoti muhim omili. 3-qism. Samarqand – 2016

<sup>9</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyayev. 2017-2021-yilgi “Harakatlar strategiyasi” 3-bob. Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirish Toshkent “Ma'naviyat” 2017

“Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni bevosita hududlarda xorijiy investorlarga mamlakatimiz iqtisodiyotining real sektorlariga investitsiya kiritish uchun yanada qulay sharoitlar yaratish maqsadida erkin iqtisodiy zonalar uchun yagona huquqiy rejimni belgilash, soliq va bojxona imtiyozlari turtki bo‘ldi.<sup>10</sup>

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning saylov oldi dasturida “Chuqur tahlillar asosida har bir hududning o‘ziga xos xususiyati va imkoniyatlari, talab va ehtiyojlarini inobatga oladi” deb aytgan edi.

O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiy fanlarning o‘shishi rivojlanishi mahsulot sifatini oshirish bo‘yicha muammolarni yechish uchun chuqur ilmiy izlanishlar olib borishga sabab bo‘ldi. Hozirgi paytda bu sohada ko‘plab nazariy va amaliy-uslubiy ilmiy ishlar paydo bo‘ldi.

Yuqoridagi gaplarni inobatga olgan holda, bizning fikrimiz hududlarda kichik sanoat zonalariga ularning ixtisoslashuvi natijasida resurs salohiyatidan oqilona foydalanish, hududning resurs salohiyatini inobatga olgan holda, ishlab chiqarishning to‘liq siklini amalga oshiruvchi tadbirkorlik subyektlarini tashkil etish va ixtisoslashuvidan kelib chiqib joylashtirish mexanizmini takomillashtirishga erishiladi.

#### *Foydalanilgan adabiyotlar*

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7 fevraldagi 2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustivor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risidagi PF-4947-sonli Farmoni.

2. “Ta‘lim, fan va ishlab chiqarish integratsiyasida intellektual salohiyatli yoshlar mamlakat taraqqiyoti muhim omili” mavzusidagi XIII Respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari. Samarqand 2016

### **O‘zbekistonda islohotlarni chuqurlashtirish, jadallashtirish va iqtisodiyotni erkinlashtirishning asosiy yo‘nalishlari**

*101-Menejment guruhi talabasi Nasimova M.*

*Ijtimoiy fanlar kafedrasida dotsenti Aliqulov S.*

*Qurilishda menejment kafedrasida o‘qituvchisi Jumanov SH.*

Jahon mamlakatlari iqtisodiy rivojlanib borayotgan bir payta O‘zbekistonning ham dunyo hamjamiyatiga iqtisodiy yuksaklikka intilgan holda kirib borayotgani quvonarli hol.

Respublikamiz mustaqillikka erishganidan so‘ng, o‘z taraqqiyoti yo‘lini belgilab olish maqsadida birinchi prezidentimiz Islom Abdug‘aniyevich Karimov tomonidan “O‘zbek modeli” ishlab chiqildi va 26 yillik tariximiz bu modellining to‘g‘riligini isbotladi. 2017-yil 7-fevralda prezidentimiz Shavkat Mirmonovich Mirziyoyev tomonidan e‘lon qilingan “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni yillar davomida o‘zini oqlab kelgan “O‘zbek modeli”ning mantiqiy davomi bo‘ldi.

Mazkur strategiya o‘zida beshta ustivor yo‘nalishni birlashtirgan bo‘lib, taraqqiyot modeli va jamiyatimizning yanada rivojlantirishga qaratilgan. Ushbu

<sup>10</sup> O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini faollashtirish va kengaytirishga doir qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida” gi 2016-yil 26-oktabrdagi PF – 4853-son Farmoni. “Xalq so‘zi”

modelni yanada takomillashtirish, jamiyatimizdagi har bir bo'g'inda mavjud muammolarni hamda kamchiliklarni aniqlash va ularni bartafar qilish bugungi kunning asosiy vazifasi hisoblangan. Shularni hisobga olgan holda Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan 2017-yil "Xalq bilan muloqot va inson manfaatlarini yili" deb nomlangan edi. O'tgan 2017-yil jamiyatimiz hayotida mavjud muammolarni ochib berishga xizmat qildi. Xalq qabulxonalarining faoliyati iqtisodiy va ijtimoiy rivojlantirish jarayonlarda yechimini topmagan muammolarni aniqlashga katta hissa qo'shdi. Buning natijasiga mamlakat iqtisodiyotining xalqaro raqobatbardoshligini oshirishga qaratilgan strategiya shakllantirildi. 2018 yili "Faol tadbirkorlik, innovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab quvvatlash" yili sifatida e'tirof etilishi rivojlanishning asosiy yo'nalishlariga e'tibor qaratishga bir qadam bo'ldi.

Bu loyihani tuzishda yurtimizning barcha hududlarida "Harakatlar strategiyasi" ning uchinchi ustuvor yo'nalishi "Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo'nalishlari "bandidagi vazifalarning ko'rilayotgani barchaga ma'lum. Ushbu yo'nalish bo'yicha mahsus ishchi guruhlar tashkil etilgan bo'lib, ular 14 ta viloyatga tashrif buyurib iqtisodiyotning barcha soha rahbar xodimlar bilan uchrashib tashkil etgan. Prezidentimiz ham mamlakatimizning barcha viloyatlariga mahsus ishchi guruhlar singari tashrif buyurib, u yerlarda olib borilayotgan ishlarning samarasini kuzatdi. Shu jumladan prezidentimiz ushbu 2018-yilni "Faol tadbirkorlik, inovatsion g'oyalar va texnologiyalarni qo'llab quvvatlash" yili deb bekorga e'lon qilmadi. Bu dastur asosida ko'plab ijtimoiy-iqtisodiy harakatlar, iqtisodiyotni rivojlantirib yanada chuqurlashtirish, isloh qilish amalga oshirilmoqda.

Taraqqiyotning "O'zbek modeli"ni amalga oshirish va zamonaviy davlat barpo etish borasidagi strategik tamoyillarga biz o'z ishimizda doimo suyanamiz. Bu tamoyillar O'zbekistonda bundan buyon ham siyosiy, iqtisodiy va ijtimoiy o'zgarishlarni ta'minlashning mustahkam poydevori hisoblanadi.

Shavkat Mirziyoyevning ushbu so'zlari mamlakatimizning birinchi prezidenti Islom Karimov ishlab chiqqan "O'zbek modeli"ning O'zbekiston uchun qanchalik ahamiyatga egaligini ko'rishimiz mumkin.

Ayni damda 2017-2021 yillar davomida narxlarni erkinlashtirish, bozor mexanizmlarini joriy qilish tartibini ishlab chiqish belgilandi. Mamlakatimiz yetakchi mamlakatlar bilan moliyaviy aloqalarini kengaytirish orqali 2016-2020 – yillar davomida 27ta loyihani jahon banklari bilan amalga oshirishni, hamda 2017-2019-yillarda Osiyo taraqqiyot banklar bilan 20 ta loyihani amalga oshirish rejalashtirilgan. Mamlakatimiz iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlarining eksport salohiyatini yanada rivojlantirish bo'yicha kompleks chora tadbirlar 2017-yildan boshlab yanada e'tibor qilgan holda ko'p ishlar olib borilmoqda. Bundan tashqari 2018-2021-yillarga mo'ljallangan eksport faoliyatini rivojlantirish konsepsiyasi bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori qabul qilindi. Prezidentimiz rahbarlaridagi har bir viloyatimizda chuqur islohotlar amalga oshirilmoqda. Shavkat Mirziyoyevning shaxsan o'zlari har bir soha vakillari bilan suhbatda bo'lib, iqtisodiyotimizni yanada mustahkamlash ishlari haqida muzokara olib bormoqdalar. Azim poytaxtimiz Toshkentda ham ko'plab ishlar olib borilmqda. Jumladan birgina poytaxtimizda hozirgi kunga kelib kichik biznes sub'yektlari

soni 51211 tani tashkil etadi. Avvalambor iqtisodiyotimiz rivojlanishini bosh omili bo'lgan tadbirkorlikning har tomonlama qo'llab quvvatlashni ta'kidlash lozim. Ushbu yo'nalish barcha sohalarda tadbirkorlarga keng yo'l ochib berish bilan birgalikda aynan faol tadbirkorlarga tayanishni taqozo qiladi. Tadbirkorlar uchun sun'iy muhit yaratib berish emas, balki shiddat bilan ishlash imkoniyatlarini ochib berishga urg'u berilmoqda. Ayniqsa milliy valyutaning erkinlashtirilishi tadbirkorlarimizga xorijiy bozorlarga yo'l ochib bergani va ichki bozorda sog'lom muhitning shakllanishi muhim ahamiyat kasb etadi.

2018-yilga mo'ljallangan yana bir ustuvor yo'nalish inovatsion faoliyatni rag'batlantirish bilan bog'liq. Ushbu yo'nalishning bir necha o'ziga xos jihatlari mamlakatimiz uchun alohida ahamiyatga ega:

➤ Barcha sohalarda ixtiro va yangiliklarga tayanish bugungi kunda texnologiyalarda tub o'zgarishlar kuzatilgan. Ayniqsa resurslar tejamkorligi, atrof muhitga e'tibor, fanning eng oxirgi yutuqlarining hayotimizga kirib borishi O'zbekiston uchun "iqtisodiy sakrash" uchun juda unumli usul hisoblanadi. Bizlar eng zamonaviy texnologiyalarni kiritish orqali rivojlangan mamlakatlar qatoriga kirishimiz mumkin;

➤ Jamiyatimizda innovatsion g'oyalarni vujudga keltiradigan muhitni yaratish. Bu asosan yoshlarga oid davlat siyosatida yaqqol ko'rinadi. Intiluvchan iqtidorli yoshlarga keng yo'l ochib berish, ularni davlat boshqaruviga jalb qilish hamda qo'llab quvvatlash, taraqqiyot shart-sharoitlarini shakllantiradi;

➤ Xorijiy investitsiya orqali zamonaviy bilimlar va ko'nikmalarning kirib kelishi, mehnatning mohiyati va unumdorligini keskin oshirishga hizmat qiladi. Mamlakatimizdagi yaratilgan sharoitlar aynan texnologiyalarni takomillashtirishga qaratilgan.

Mamlakatimizda qo'lga kiritilayotgan muvaffaqiyatlar, bozor iqtisodiyoti rivojlangan va kuchli fuqarolik jamiyatiga ega demokratik huquqiy davlat qurish bo'yicha har tomonlama va chuqur o'ylangan tadrijiy taraqqiyot dasturini izchil amalga oshirishning bevosita samarasidir.

Mustaqil mamlakatimiz tashqi iqtisodiy aloqalarini rivojlantirishda **xalqaro turizm** katta o'rin tutadi. Bu faoliyat to'g'ri va samarali tashkil etilsa, juda katta iqtisodiy samara berishi hamda mamlakatga katta miqdorda chet el valyutasini olib kelishi mumkin. Kelajakda mamlakatning tashqi iqtisodiy faoliyatini rivojlantirishda uning har bir ma'muriy viloyati (tuman, shahar) hamda turli mulk shaklidagi korxonalar ishtirokini ta'minlash vatanimiz iqtisodiyotini yuksaltirishga, xalqning turmush sharoitini yaxshilashga ma'lum hissa bo'lib qo'shiladi. O'zbekiston xalqaro turizmni rivojlantirish uchun zarur bo'ladigan ulkan imkoniyatlarga ega va hozirgi kunda turizm sohasiga katta imkoniyatlar yaratilmoqda. Turizm haqida gap borganda tarix durdonalari bo'lmish va jahon ahlini o'ziga qaratgan ajoyib obidalar saqlanayotgan Samarqand, Buxoro, Xiva, Termiz, Marg'ilon kabi shaharlar muhim ahamiyat kasb etadi. Bu kabi shaharlarimizda buyuk allomalar-u avliyolar yashab o'tgan va tarixiy obidalarga asos solishgan, ammo bundan tashqari biz bilgan va bilmagan avliyo o'tgan shaxslar ham mavjud. Ular yodiga atab esa ko'plab ziyorat joylari bunyod etilgan. Bu ziyoratgohlarga esa asosan respublikamiz aholisi tashrif buyuradi ya'ni ichki turizm rivojlangan. Shular jumlasidan Navoiy viloyatida joylashgan "Bedor Ota",

“Nur Ota”, “Qanorboy Ota”, “Qo’chqorboy Ota”, “Xo’ja Bo’ston”, “Oqsuv ziyoratgohlari”, Surxondaryo viloyatida esa “At-termiziy” “Omonxona”, “Xo’jayipok Ota”, “Sufi Ollayor” “Oq ostona” “Kokildor Ota” “Qirq qiz” kabi ziyoratgohlar, Jizzax viloyatida esa “Temir darboza” “Parpi Ota” “Xo’jabog’bon Ota” ziyoratgohlar mavjud. Agarda biz shu kabi ziyoratgohlarga yanada ko’proq e’tibor qaratsak va u yerlarda ham tashqi turizmni rivojlantirsak, butun jahonga nomini ulug’lasak mamlakatimiz iqtisodiyoti yanada rivojlanadi.

**Аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари**  
*Талаба: СамДАҚИ 301-КТ (Б ва ИҚ) О.Дониёрова*  
*Илмий раҳбар: Ш.Джалилова*

Бугунги кунда жаҳонда давом этаётган “Иқтисодий инкироз” жараёнида аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатига муносиб рағбатлантириш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Бундай шароитда Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Аҳолини иш билан таъминлашнинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасида қайд этилганидек “Иш билан таъминлаш-фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳаққи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолиятдир”

Аҳолининг иш билан бандлиги сиёсати учта асосий мақсадга эришишни назарда тутади:

- таркибий қайта қуришни рағбатлантириш асосида бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;
- ишсизларни меҳнат ҳаётига жуда тезлик билан жалб қилиш;
- иш қидираётганлардан ҳар бирини иш билан таъмин этиш.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлигини олдини олиш ва уларга муносиб иш ҳаққи тўлаш борасида олиб борилаётган ишларда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг бир қатор фармон ва қарорлари амалий дастур вазифасини бажариб келмоқда. Хусусан 07.02.2017 йилдаги 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги” ва 06.05.2017 йилдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, уларнинг самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ:

Қабул қилинган қарор янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари корхоналари ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича аниқ йўналтирилган ва тизимли ишлар олиб боришда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини кучайтириш, шу асосда банд бўлмаган аҳолини, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган.

Қарорнинг муҳим жиҳати шундан иборатки, унда аҳоли бандлиги ўсишининг мезони сифатида аҳолини давлат ижтимоий суғурта ҳамда меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимлари билан қамраб олинган доимий, барқарор ишга жойлаштирилиши белгиланган. Айнан шундай бандлик шакли меҳнат кафолатларини ҳимоялаш, пенсия тўловларини амалга ошириш учун меҳнат стажини ҳисобга олиш, уй-жой сотиб олиш ва олий таълим муассасаларида ўқиш учун олинган кредитларни тўлашда солиқ имтиёзларига эга бўлиш ҳамда аҳолининг кундалик ҳаётида зарур бўладиган бошқа амалдаги қонунчилик меъёрларидан фуқароларимиз тўлақонли фойдаланишига барча имкониятларни яратади.

Мазкур қарорнинг амалга оширилиши натижасида куйидагиларга:

-биринчидан, аҳолининг барқарор бандлигини таъминлашда тизимли ва аниқ йўналтирилган ишларни амалга ошириш учун маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекс ҳудудий органлари раҳбарларига керакли рағбатлантириш чораларини яратиш ва уларнинг шахсий масъулиятини кучайтиришга;

-иккинчидан, давлат ижтимоий суғуртаси, меҳнат ва пенсия қонунчилиги тизимининг барча афзалликлари билан тўлиқ қамраб олинган доимий иш ўринлари ҳисобига аҳоли бандлиги ўсишига;

-учинчидан, барқарор бандликни рағбатлантиришнинг янги механизмларини жорий этиш орқали аҳоли даромадлари ошишига ва турмуш даражаси сифати яхшиланишига, солиқ тушумлари ва пенсия ажратмалари базасини кенгайтиришга имкон яратилади.

Қайд этилган мулоҳазалар мамлакатимизда иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш лозимлигини кўрсатади. Бунинг учун эса, «Ишга жойлаштиришга муҳтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳудудлар бўйича ҳисоблаб чиқиш методикаси»ни янада такомиллаштирган ҳолда «Меҳнат ресурслари, бандлик ва аҳолини ишга жойлаштиришнинг ҳисобот ва истиқбол балансини ишлаб чиқиш методикаси»ни ишлаб чиқиш ҳамда республика ҳудудларида уни амалиётда қўлланилишини жорий этиш лозим.

### **Бозор иқтисодиёти шароитда қурилиш маҳсулоти сифатини бошқариш тизими.**

*Рахманова Ф.М. - СамДАҚИ, “Қурилишда менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси*

*Суюнов Б.А. - “Кучмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси ассистенти*

*Усманов С.А. – “ЖБИ монолит корхонаси директори”*

Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳада катта узгартиришларни амалга оширди, халқнинг фаровон турмуш тарзини яратиш учун, уларни яхши турар-жой бинолари, маданий-маиший ва коммунал соҳадаги бино ва иншоотлар билан таъминлаш давлатимизнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Сифатли маҳсулот чиқариш учун ниҳоятда кўп омилларни таъсирини енгиб утиш зарур, масалан, ишчиларни малакаси яхши

бўлиши, хом-ашё сифатли бўлиши, назорат ўз вақтида, тўғри бўлиши, технология бузилмаслиги ва бошқа факторларни таъсирини яхши билиш зарур.

Ўзбекистон Республикасида иктисодий фанларнинг ўсиши, ривожланиши махсулот сифатини ошириш бўйича муаммоларни ечиш учун чуқур илмий изланишлар олиб боришга сабаб бўлди. Хозирги пайтда бу соҳада кўплаб назарий ва амалий - услубий илмий ишлар пайдо бўлди.

Халқаро стандарт ИСО-9000 га асосан - сифат деб махсулотнинг ҳамма хоссаларни ва хусусиятларни истеъмолчининг талабига мос келишга айтилади. Сифат бу қийин, кўп йуналишли иктисодий категория ҳисобланади, сифатининг фалсафий, кибернетик, иктисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, техник, сиёсий ва математик тушунчалари ва йуналишлари мавжуд.

Хар бир махсулот бир катор хусусиятларга эга, хар бир истеъмолчининг талабига махсулотнинг битта хусусияти жавоб беради. Масалан, биз олиб борган изланишлар шуни курсатадики, том ёнма йигма темирбетон плиталарнинг сифат даражасини меъёрга мос келиши қўйидаги 9-та бирлик сифат курсатгичлари (БСК) орқали пайдо бўлади:

- геометрик улчамларини аниқлиги;
- юзасининг (ички) силлиқлиги;
- электр утказиш каналларини тўғрилиги;
- кутариш илгаклари ва деталларини ўрнида бўлиши;
- ишчи арматуранинг бетон қоришма билан тўғри ёпилганлиги;
- махсулотдаги бетон қоришмасини мустаҳкамлигини етарлиги;
- махсулотни сиртини сифати;
- очик қолган арматураларни бўлмаслиги;
- ёрик, говак, синик жойларни бўлмаслиги.

Бирлик сифат курсатгичлари хар хил конструкциялар учун 8-тадан 20-тагача бўлиши мумкин.

Агар битта ёки бир нечта бирлик сифат курсатгичларини меъёр (талаб) даражасида бўлмаслиги қурилиш конструкциясини сифати пастлигидан, унда нуқсонлар борлигидан далолат беради.

Хар хил нуқсонлар қурилиш махсулотига узининг хар хил таъсирини курсатади. Одатда қўйидаги ҳолатлар бўлиши мумкин:

- нуқсонни борлиги махсулотни уз йуналиши бўйича ишлатишга рухсат бермайди, Сифат курсатгичларини меъёрий даражага етказишнинг техник илож йук, иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бундай махсулот сифатсиз (брак) деб тан олинади;

- нуқсонни борлиги махсулотни уз йуналиши бўйича ишлатишга йул бермайди, аммо таъмирлаб бошқа йўналишда ишлатиш мумкин, бу иктисодий жихатдан мақсадга мувофиқ;

- нуқсонни характери бу махсулотни ўз йуналиши бўйича ишлатишга рухсат беради, аммо ишлатиш даврида харажатлар ошади, махсулотни сифати (сорти) паст бўлади.

Бир катор авторларнинг фикрича махсулотнинг сифатига хар хил босқичларнинг таъсири хар хил бўлар экан. Масалан:

-лойиха ҳужжатлари -10-15%



-хом-ашё, материаллар - 30-40%

-мехнат ва технологик жараёнларни тўғри бажарилиши - 30-40%

-мехнатни ташкил этиш ва қурилишишлаб чиқаришини бошқариш -15%

Бундан қурилиш турибдики 30-60% сифатни паст бўлишига сабаб сифат курсатгичларини ёмон томонга узгариши экан. Айниқса бу қурилиш - монтаж ишларини бажаришда яққол кузга ташланади. Агар сифатсиз, нуқсонли темир-бетон конструкциялари қўлланилса, бу на фақат қурилишни бажариш даврида қўшимча харажатлар килишга олиб келади, балки эксплуатация жараёнига ҳам таъсири бор.

Тахлиллар шуни курсатадики, охириги 15-20 йилда махсулот сифатини ошириш бўйича кўплаб ишлар, тадқиқотлар бажарилган, аммо бу ишлар фақат сифатини бошқариш тизимининг баъзи масалаларини ечишга қаратилган, алоҳида қурилиш ташкилотлари ёки заводлари махсулотига қаратилган, фақат назорат, ёки фақат баҳолашга қаратилган, муаммони тўлиқ ечишга қаратилмаган. Сифатни тўлиқ бошқариш тизими урнига фақат ахборот тўплаш билан чегараланиб қолган.

Эндиликда, қурилиш махсулоти сифатини ошириш, сифатни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича СамДАҚИ “Қурилишда менежмент” кафедраси профессор-ўқитувчилари изланишлар олиб боришмоқда.

Уларнинг ишларида технологик жараёнлар урганилиб, технологик жараёнларга таъсир утказиш орқали сифатли махсулот ишлаб чиқаришга эришиш, бу билан сифатни бошқариш тизимини такомиллаштириш муаммоларини ечиш вазифалари турибди.

*Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати:*

1. "Корхоналар тугрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: Адолат, 2000

2. И. Каримов. «Жахон молиявий иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йуллари ва чоралари». Тошкент. Ўзбекистон. 2009 йил.

3. Суюнов А. Модернизация систем управления качеством продукции в строительном комплексе Узбекистана. Монография. –Т.: «Фан ва технология», 2011. -124с.

### **Қурилиш материаллари сифатини бошқариш тизими ва уни тахлили**

*Суюнова Я. М. – СамДАҚИ, “Қурилишда менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси*

*Рахманова Ф.М. - СамДАҚИ, “Қурилишда менежмент” кафедраси катта ўқитувчиси*

*Гиясов У.Б. – СамДАҚИ, КМЭваУБ кафедраси ассистенти*

Республикада фаолият курсатаётган қурилиш корхоналарида ва саноат корхоналарида махсулот сифатини оширишга охириги пайтда катта эътибор берилмоқда, айниқса қурилиш ташкилотлари тендерларда катнашиб, ракобатда ютиб чиқиши учун албатта асосий курсатгичларидан бири, биринчи уринда сифатли махсулот етказиб беришидир.

Хозирги кунда хам махсулот сифати талаб даражасида эмас, айникса бу уй-жой курилишига тўғридан-тўғри боғлиқ. Хозирги пайтда хам 20-30% бинолар нуксонлар билан ишга туширилмоқда. Курилиш хом-ашё, ярим фабрикатлар, конструкциялар ва материалларни талаб килади. Аммо бу материалларнинг сифати хам талаб даражасида эмас.

Заводлар ишлаб чиқараётган махсулот анча камчиликларга эга, нуксонлари куп, баъзан заводларда нуксонларни йўқотиш учун ишчилар асосий ишидан воз кечиб ремонт (таъмирлаш) билан шугулланишига тўғри келади, Шунинг учун харажатлар 1-3% ошиши, иш хақи фонди 2% гача зарар куришига олиб келмоқда.

Охирги йилларда махсулот сифатини ошиш муаммолари сифатини баҳолаш, аттестация қилиш, назорат этиш ва курилишда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш соҳасида менежмент кафедраси ўқитувчи ходимлари ва талабалари илмий тадқиқот ишларни олиб боришмоқда. Бу соҳада кафедра катта тажриба тўпланган.

Талабалар билан ҳамкорликда утқазилган таҳлиллар шунинг курсатадики, хозирги пайтда хар бир ташкилот сифатни бошқариш тизими деб бу тизимни алоҳида элементларини ўзида жорий қилишмоқда, тўлиқ тизимини жорий этишга хали анча иш қилиш лозим.

Курилиш индустрияси заводларида сифатни бошқариш тизимини ишлатишда хар бир операцияни (технологик жараёни) назорат қилиш хар туркум махсулотдан айримларини (сайлаб олиб) назорат қилиш билан алмаштирилган. Бу эса назоратни тезкорлигини, самарасини пасайтиради, ишдаги хато ва камчиликлар кейинги босқичга утиб кетиши учун шароит яратилади, нуксон ва камчиликлар вақтида бартараф этилмайди, бу эса нуксонни баъзан тўғрилаш қийинлигига, хатто иқтисодий жихатдан мақсадга мос келмаслиги олиб келади, яъни брак бўлишига олиб келади.

Бу камчиликларни тугатиш ва сифатни бошқариш тизимини оддий ва кўп меҳнат талаб қилмайдиган комплекс тизимни яратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Яратилган тизим иқтисодий, ташкилий, техник, ижтимоий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш орқали технологик жараёнга яхши таъсир утқизиши, нуксонларни пайдо қилмайдиган сабаб ва омилларга узининг таъсирини утқазма олиш қобилиятига эга бўлиши керак.

Кузатишлар ва махсус статистик манбааларни урганиш орқали маълум бўлдики, кўпгина темир-бетон конструкциялари заводларида жорий қилинган сифатни бошқариш тизими ва хизмати асосан қуйидаги вазифаларни бажариш билан банд, яъни -техник назорат ва махсулот сифатини баҳолаш, таҳлил қилиш ва сифатни режалаштириш, лаборатория назоратини утқизиш.

Биз кўриб чиққан ва фаолиятини урганган заводларда, жумладан "Темир-бетон" акционерлик корхонасида хам сифатни бошқариш тизимини тўлиқсиз, айрим элементлари жорий қилинган, бу система асосан ахборот тўплаш характерида эга, ишлаб чиқариш жараёнларига ўз таъсирини утқизиш қобилияти жуда паст.

Бу заводларда техник назорат булими ходимлари сифатни назорат қилиб боришади, аммо уларнинг сони етарли эмас, иш хажми катта, иш вақтини катта қисми хар хил журналлар ва хужжатларни тўлдиришга сарф бўлади, асосий

иши, яъни хар бир махсулотни сифати пайдо бўлиш жараёнини кузатишга вақти бўлмади, кўпчилик таҳлил қилинган, кузатилган ишлаб чиқариш корхоналарида хатто йукорида айтиб утилган ишлар ҳам йулга қўйилмаган.

Шу, юқоридаги айтилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки ушбу ишда завод махсулотини сифатини таъминлайдиган, тезкор, оператив, амалий ечимлар берадиган бошқариш тизимини яратиш буйича услубий курсатмалар ишлаб чиқиш ва тафсияномалар бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

#### **Фойдаланиладиган адабиётлар руйхати:**

1. "Корхоналар тугрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: Адолат, 2000

2. И. Каримов. «Жахон молиявий иктисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишни йуллари ва чоралари». Тошкент. Ўзбекистон. 2009 йил.

3. Суюнов А. Модернизация систем управления качеством продукции в строительном комплексе Узбекистана. Монография. –Т.: «Фан ва технология», 2011. -124с.

#### **Основные показатели эффективности проектов при оценке инноваций**

*Турдыбеков Юсуф Ибрагимович – старший преподаватель кафедры «Экспертиза и управление недвижимостью», СамГАСИ,  
Ибрагимов Сардорбек – студент 1-курса по направлению образования «Экономика», СамИСИ.*

Эффективность инвестиционного проекта – категория, отражающая соответствие проекта, порождающего этот инвестиционный проект, целям и интересам участников проекта. Для оценки эффективности инвестиционного проекта необходимо рассмотреть порождающий его проект за весь период жизненного цикла – от предпроектной проработки до прекращения.

Методика оценки эффективности включает в себя два основных блока оценки эффективности проектов: оценка общественной эффективности и оценка коммерческой эффективности. При этом оба эти блока основаны на анализе динамики потоков денежных средств, связанных с реализацией проекта. Такой подход широко используется в зарубежной теории и практике оценки инвестиционных проектов.

Особенностью расчета показателей общественной эффективности является то, что в денежных потоках должна отражаться стоимостная оценка последствий осуществления проекта в других отраслях народного хозяйства, в социальной и экологической сферах. Однако такая оценка не всегда возможна. Следует отметить, что инновационные проекты, как правило, сопровождаются большими общественными выгодами по сравнению с обычными инвестиционными проектами.

Оценка коммерческой эффективности инвестиционного проекта осуществляется с позиции различных участников и основывается на анализе денежных потоков, которые включают выручку и основные затраты по проекту. Одним из видов коммерческой эффективности, например, является бюджетная эффективность проекта, которая основана на анализе денежных

потоков, связанных с дополнительными поступлениями налогов в бюджеты различных уровней. Также можно выделить коммерческую эффективность для предприятий и акционеров, кредиторов и вышестоящих структур.

Эффективность проектов может оцениваться как количественными (показателями эффективности), так и качественными характеристиками. Последние, в частности, актуальны для оценки общественной эффективности.

В качестве основных количественных показателей, используемых для расчетов эффективности инвестиционных проектов, используются:

- бухгалтерская рентабельность инвестиций;
- индексы доходности (рентабельности) затрат и инвестиций;
- чистый дисконтированный доход;
- внутренняя норма доходности;
- срок окупаемости;
- потребность в дополнительном финансировании;
- группа показателей, характеризующих финансовое состояние предприятия – участника проекта.

Между тем, можно выделить специфику применения основных показателей при оценке инновационных проектов.

Что касается качественных показателей, то ими могут быть:

- изменение рыночной стоимости имущества граждан (жилья, земельных участков и др.), обусловленное реализацией проекта;
- снижение уровня розничных цен на отдельные товары и услуги, обусловленное увеличением предложения этих товаров при реализации проекта;
- влияние реализации проекта на объемы производства продукции (работ, услуг) сторонними предприятиями;
- воздействие осуществления проекта на экологию и здоровье населения;
- экономия времени населения на коммуникации, обусловленная реализацией проекта в области транспорта и связи.

Как видим, многие из этих показателей на самом деле являются количественными, однако они не являются сопоставимыми с экономическими результатами реализации проекта и в большей степени характеризуют качественные последствия его реализации.

Несмотря на применимость всех методов оценки экономической эффективности инвестиций для инновационных проектов, следует отметить, что инновационные проекты имеют свои специфические особенности по сравнению с инвестиционными проектами.

Таким образом, можно говорить о значительных отличиях в оценке инновационных и инвестиционных проектов. Поэтому необходимо совершенствовать существующие, в том числе официальные, методики в направлении адаптации их к оценке инноваций. Также необходимо шире использовать зарубежный опыт. В совокупности это позволит решить важную проблему минимизации инвестиционных рисков, принимаемых на

себя экономическими субъектами, и будет в перспективе способствовать стабилизации экономической системы.

*Использованная литература:*

1. Постановление Президента Республики Узбекистан от 20 июля 2007г. № ПП – 672 «О мерах по дальнейшему углублению процессов приватизации и активному привлечению иностранных инвестиций в 2007-2010 годах». – Ташкент, 2007.

2. Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов. – М.: Финансы и статистика, 2000. – 144 с.

**Спорт иншоотлари қийматини баҳолашнинг ўзига хос томонлари**

*Гиясов Б.Д. – СамДАҚИ, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси доценти, и.ф.н.,*

*Турдибеков Ю.И. – СамДАҚИ, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси.*

Мамлакатимизда спортга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда, спорт индустрияси бизнеси ривожланмоқда, бу эса спорт клубларини сотиб олиш бўйича битимлар сонининг ошишида намоён бўлади. Бу спорт клублари балансида бошқа мулклардан ташқари стадионлар мавжуд. Бунинг барчаси спорт иншоотларини баҳолаш услубиятини ишлаб чиқишнинг долзарблигини асослайди.

Ҳозирги вақтда футбол сахналари фақатгина спорт тадбирларини ўтказиш учун майдон эмас, балки улар жамият ҳаётида ижтимоий, маданий, баъзан эса сиёсий роль ўйнайди. Баъзан замонавий стадионлар кўчмас мулк объектидан кўра кўпроқ бизнесга ўхшайди. Уларни даромад келтирувчи кўчмас мулк категориясига киритиш мумкин, лекин бундай кўчмас мулк камдан кам ҳолларда рентабелли ҳисобланади, биринчи навбатда бу шу билан асосланадики, стадионларнинг қурилишига капитал харажатлар жуда катта суммани ташкил қилади.

Назарий жиҳатдан замонавий футбол стадионларида турли даромад манбалари бўлиши мумкин ва уларнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлигисиз вужудга келадиган харажатларни қоплаб бўлмайди (1-жадвал).

1-жадвал

**Стадионларнинг даромадлари ва харажатлари**

<i>Даромадлар</i>	<i>Харажатлар</i>
Абонементлар сотиш	Меҳнат ҳақи
Билетлар сотиш	Режали таъмир ишлари
VIP-ложалар	Материал харажатлар
Номга бўлган ҳуқуқ	Йиғиштириш
Реклама стендлари	Коммунал хизматлар
Автомобиль тўхташ жойлари	Суғурталаш
Ёрдамчи хоналар учун ижара тўловлари	Қарзни молиялаштиришга харажатлар
Қўшимча тадбирлардан даромадлар	Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар

Замонавий футбол стадионларини такрорланмас ва юқори технологик иншоотлар каби тавсифлаш мумкин. Улар атрофида турар-жойлар қурилади, инфратузилма яратилади, булар ишқибозларнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга хизмат қилади.

Стадионларни баҳолаш 10-сон “Кўчмас мулк қийматини баҳолаш” номли Мулкни баҳолаш миллий стандарти асосида амалга оширилади. Бу стандартга асосан стадионлар баҳолашнинг уч ёндашуви – даромад, қиёсий ва харажат ёндашувлари асосида баҳоланади.

**Даромад ёндашуви**га асосан баҳолаш объекти қиймати даромадлиликнинг эҳтимолий меъёри ва баҳолаш объекти фаолияти билан боғлиқ бўлган барча бўлиши мумкин бўлган таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолдаги кутилаётган даромад (харажат)ларнинг жорий қийматини ҳисоблаш йўли билан аниқланиши мумкин. Даромад ёндашуви доирасида энг кўп тарқалган усуллар бўлиб даромадни капиталлаштириш усули ва пул оқимини дисконтлаш усули (DCF) ҳисобланади.

**Қиёсий ёндашув**ни қўллаш баҳоланаётган объектга қиёсланадиган, баҳолаш санасигача бозорда ўз ўрнига эга бўлган объектлар савдоси бўйича битим ёки таклифларнинг бозор баҳоларини таҳлил қилишга асосланади. Қиёсий ёндашувда кўпроқ сифати ва ҳолати бўйича аналог бўлган объектларга бозор баҳоси ҳақида харидорнинг хабардорги, шунинг учун у ўзини қизиқтирган объектни сотиб олишда келтирилган баҳодан юқори тўламаслиги тўғрисидаги тахминларга асосланган сотувларни таққослаш усули фойдаланилади.

Футбол стадионларини баҳолаш учун қиёсий ёндашувни қўллаш ҳақида гап борганда, бу нарса ушбу объектларнинг олди-сотти битимлари бозорининг йўқлиги сабабли қийинлигини кўриш мумкин.

**Харажат ёндашуви** кўпроқ алмаштириш тамойилига асосланади. Унинг мазмуни шундан иборатки, ахборотга эга бўлган харидор ўзлаштирилган ер участкасига унга тенг фойдали бўлган иншоотни қурилишга кетадиган харажатларни ҳисобга олган ҳолдаги ўзлаштирилмаган ер участкаси қийматидан кўп тўламайди. Бошқача айтганда, харажат ёндашуви баҳолаш объекти жойлашган ер участкаси қийматини баҳолаш ва уни қайта қуриш ёки алмаштириш учун зарур харажатларнинг емирилиш ва эскиришни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблашни назарда тутди.

Қайта қуришга харажатлар оригинал материаллар ва технологияларни қўллаган ҳолда объектнинг аниқ нусхасини яратиш учун зарур бўладиган харажатлар ҳисобланади. Алмаштириш харажатлари – бу баҳолаш санасида қўлланилган материаллар ва технологияларни қўллаган ҳолда аналог объектни яратишга зарур бўладиган харажатлар.

Хулоса қилиб айтганда, бу борада баҳолаш фаолияти олдида бугунги кунда жуда кўп муаммолар мавжуд, биринчидан, мамлакатда спорт иншоотлари кўп, лекин улар тўғрисида ахборот базаси мавжуд эмас, шунинг учун уларни баҳолашда даромад ва қиёсий ёндашувлардан фойдаланиш имконияти чекланиб қолмоқда. Иккинчидан, стадионлар қурилишида замонавий материаллар ва технологиялардан фойдаланилмоқда, лекин

уларнинг қурилиш бўйича ҳам, смета тузиш бўйича ҳам меъёрий ҳужжатлари бугунгача ишлаб чиқилмаган. Бу муаммоларнинг тезда ечимини топиш орқали миллий қурилишни яна бир поғона юксалтирамиз.

*Фойдаланилган адабиётлар:*

1. Футбольные стадионы. Технические рекомендации и требования. 5-е изд. FIFA, 2011.
2. Деева А.И. Ценообразование: учебное пособие.- М.: КНОРУС, 2011.- 360с.
3. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. Хаитов Э.Б. Ценообразование в строительстве. Учебное пособие. Т.: ТАСИ, 2012.

### **Бозор иқтисодиёти шароитида автотранспорт воситалари қийматини баҳолашни такомиллаштириш йўллари**

*Ганиев Карим Барович – СамДАҚИ, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси профессори,*

*Турдибеков Юсуф Ибрагимович – СамДАҚИ, “Кўчмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси.*

Ўзбекистонда кўчар мулк бозори тез суръатларда ривожланмоқда ва ушбу бозор иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, аҳолининг барча қатламлари турмуши даражаси билан бевосита боғлиқдир, шунингдек, кўчар мулк турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар ривожланишининг ҳамда хўжалик фаолияти юритишнинг асосидир. Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти мулк бозорининг ривожланганлик даражаси билан узвий боғлиқ. Мулк бозорининг таркибий қисми сифатида мамлакатимизда кўчар мулкка оид муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш, ривожланган кўчар мулк бозори ҳамда кўчар мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорини шакллантиришга чуқур эътибор қаратилмоқда. Натижада, кўчар мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш, мулклар қийматини аниқлашда баҳолаш фаолиятлари билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти ҳам кенг ривожланмоқда.

Inventarizatsiya, shu jumladan kataloglash(keng ma'noda), ob'ektlar va ularning turli assotsiatsiyalari, bu axborot makonini tashkil qiladi.

Raqamli kutubxonalarning afzalliklari:

- samaradorlik - agar siz biror faylni topsangiz, “Tezkor klaviatura” ni bosing va ekranda to’liq matn ko’rinadi;
- bitta kirish nuqtasi - alifbo katalogidan maqolalarning shkafiga, ba’zi nashrlarning zalidan boshqasiga o’tishga hojat yo’q;
- samarali himoya qilish - kutubxonalar va kitobxonlar yirtilgan sahifalar yoki sahifalar qirralari haqida shikoyat qilishdan yoki kitobni trolleybusda kitobxon qoldirib ketishidan himoyalangan, ya’ni bu fond abadiy yo’qoladi;
- mavjud bo’lmagan ma’lumotlarning mavjudligi - kutubxonada cheklangan miqdordagi yoki bitta nushada mavjud bo’lgan hujjatlarning soni sezilarli darajada ko’proq foydalanuvchilar uchun mavjud bo’ladi;
- faqat o’qibgina qolmay, balki tahrir qilish, ulash, qo’shish, pastki kalitlarni kiritish, qayta tiklash va h.k. va ayni paytda elektron hujjat ekrandan oddiy o’qish tashqari, tashqi ta’sirdan butunlay himoyalangan bo’lishi mumkin;
- online kengaytirilgan qidiruv - katta hujjat nomlarini, muayyan so’zlarni yoki iboralarni tez va sifatli tekshirish mumkin;
- saqlashning qulayligi - adabiy fondlarni mashina o’qiydigan shaklda saqlab qolish an’anaviy omborxonalariga qaraganda ancha arzonroq va qulaydir (shu sababli joy va kutubxona makonidan tejash);
- har doim yaqin - foydalanuvchiga vaqt va joyga, uning kutubxonasiga qaramasdan ma’lumot oladi.

Shunday qilib, o’quvchi kutubxonaning uzoq foydalanuvchisi bo’lishi mumkin. Bundan tashqari, u masofaviy ta’limning rivojlanishiga o’z hissasini qo’shadi, shuningdek, zamonaviy o’quv jarayonining boshqa vazifalariga ham javob beradi.

Elektron kutubxona, korporativ elektron kutubxonaning bir qismi bo’lishi mumkin. Bitta kutubxona tomonidan yaratilgan bibliografik yozuvlar Z39.50 protokoli orqali jamlangan katalog orqali taqdim qilinadi. Elektron kutubxona mavjudligi nuqtai nazaridan kompyuterda o’qiladigan turli xil resurslarni boshqaradi.

Elektron kutubxona nafaqat mavjud elektron resurs (mahalliy yoki uzoq) bilan, balki mavjud bo’lgan bosma materiallarni “Elektron buyurtma berish” texnologiyasidan, elektron shaklda va foydalanuvchini elektron resurslar bilan yanada ko’proq qo’llab-quvvatlash texnologiyalaridan keng foydalanishi mumkin.

Elektron kutubxonalarning funksiyalarini tushunishning ustuvorligi mahalliy yoki uzoq foydalanuvchilarning elektron resursiga xizmat qilishi, uning ehtiyojlarini qondirishi mumkin.

Kutubxona elektronlari uchun to’liq matnli hujjatlarning mavjudligi - elektron bibliografik ma’lumotlar bazalaridan ajralib turadigan elektron kitoblar, jurnallar mavjudligi xarakterlidir.

Ommaviy foydalanish uchun elektron resurslar turlari: ilmiy, o’quv, kutubxona va ko’ngilochar materiallar, badiiy va ilmiy-texnika axborotlari, ommaviy axborot vositalari(yangiliklar, televidenie), e’lonlar, reklama, elektron tijorat, ishlab chiqarish, texnologik va moliyaviy axborotlarni eksperimentlar avtomatlashtirish tizimi, ishlab chiqarish robotlarini loyihalash, boshqalar. Eriktual resurslarning erkin, bepul, shareware, pulli, ommaviy kirishga yopiq, jumladan,

shaxsiy va yoki maxfiy axborot, moliyaviy va soliq haqidagi ma'lumotlar, shaxsiy hayot uchun turlari.

Elektron kutubxonalar yaratilishi munosabati bilan kutubxonachilar va foydalanuvchilarni elektron kutubxonalarda ishlash, elektron kutubxonalar, shu jumladan masofadan turib o'qitish uchun tayyorlash vazifalari mavjud.

Axborot jamiyati shakllanish davrida kutubxonalarning roli juda katta. Ular:

- Fuqarolarga axborot va bilimlardan foydalanish huquqlarini ro'yobga chiqarishga yordam berish;

- Mualliflik huquqi va boshqa huquqlarga rioya etilishi to'g'risidagi axborotni ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilarning manfaatlarini ta'minlash;

texnologik jihatdan orqaga qolgan foydalanuvchilar uchun axborot tarmoqlariga kirishni tashkil qilish.

Elektron kutubxonalar axborot jamiyatida kutubxona mavjudligining tubdan yangi, istiqbolli va istiqbolli shakli ekanligi aniq ko'rsatilishi mumkin, uning asosiy maqsadi kutubxona xizmatlarini yaxshilashdir. XXI asrda. ular jahon kutubxonalari biznesining, barcha axborot faoliyati va axborot jamiyatining rivojlanishining asosiy yo'nalishiga ay lanadi.

### **“Aqlli uy”:** uyingiz uchun zamonaviy boshqaruv tizimi

*Islamov K.S. - SamDAQI “Axborot texnologiyalari” kafedrasi katta o'qituvchisi*

“Aqlli uy” - bu muhandislik elementlarini va bino tizimlarini boshqarish uchun yaratilgan avtomatlashtirilgan intellektual tizim. “Aqlli uy” tushunchasi XX asrning 70-yillarida Amerika Qo'shma Shtatlarida paydo bo'ldi, unda asosiy tushunchaning yagona boshqaruv paneli bo'lgan murakkab tizim bo'lganligi aniqlandi. Zamonaviy “Aqlli uy” kontsepsiyasi inson va atrof-muhitning mavjudligiga va rehabilitatsion sharoitlarni yaratishga yo'naltirilgan keyingi echim bilan reaksiyaga kirishadigan boshqaruv tizimlarining majmuasi sifatida tavsiflanadi.

“Aqlli uy” issiqlik, suv ta'minoti, elektr energiyasi, kondisioner va shamollatish, shuningdek, uydagi xavfsizlik tizimlarining uzluksiz ishlashini nazorat qiladi. Barcha muhandislik tizimlari bitta dispetcherlik konsolidan boshqarilishi mumkin. Ba'zi “Aqlli uylar” telefon orqali yoki internet orqali osongina nazorat qilinadigan audio va video tizimlar bilan jihozlanadi.

“Aqlli uy” tizimi quyidagilarni boshqarish mumkin: - yoritish tizimlari, elektr tizimlari, shamollatish tizimlari, iqlim nazorati, video kuzatuv tizimlari, yong'in signalizatsiyasi, xavfsizlik signalizatsiyasi tizimi, kirishni boshqarish tizimi (xostlarni taniydi), yuklarni va favqulodda vaziyatlarni nazorat qiladi.

“Aqlli uy” har doim asboblarni kuzatib boradi, gullarni suv bilan unutmaydi va albatta egalari yo'qligida energiya uskunasi o'chirib qo'yadi.

“Aqlli uy” optimallashtirilgan mikroiklimni saqlab turishi mumkin - xona ichidagi to'g'ri haroratni va namlikni hosil qiladi.

Intellektual tizimlarni o'rnatish ixtisoslashtirilgan tashkilotlar tomonidan amalga oshiriladi. Tajribali maslahatchi va muhandislar sizning aqlli uy tizimingizni loyihalashda yordam berishadi va o'rnatish uchun qanday materiallar kerakligini so'rashadi. O'z navbatida, tajribali montajchilar qisqa vaqt ichida katta

ta'mirlarsiz tizim o'rnatib, sozlashadi, shuningdek, uydagi barcha kerakli aloqalarni bog'laydi.

Barcha qurilish ishlari yakunlanganidan so'ng, egalar butun uyning turli nuqtalaridan, shuningdek markaziy konsoldan(monitordan) foydalanish huquqini qo'lga kiritadilar.

Avval siz tizimning arxitekturasini tanlashingiz kerak. Aqlli uy tizimi uchun ikki turdagi arxitektura mavjud: markazsizlashtirilgan va markazlashtirilmagan.

Markazlashtirilmagan arxitektura tarmoqdagi barcha tugunlarning teng ekanligiga asoslanadi.

Markazlashtirilgan arxitektura unga ulangan modullarni boshqaradigan markaziy nazorat qurilmasi mavjudligini nazarda tutadi.

Bizning holatimizda markazlashtirilgan tizim yanada qulayroq. U eng iqtisodiy hisoblanadi.

"Aqlli uy" tizimining asosiy qismlaridan biri foydalanuvchi bilan uchrashadigan interfeysdir. Keling, ish vaqtida yaratilgan interfeys elementlariga qaraylik.

Bizning qadriyatlarimiz o'zgarishi mumkin bo'lgan hisoblagichlar ostida, indikatorni boshqaruvchi slayder mavjud.

O'z manzilingizni o'zgartirsangiz, so'rov MySQL ma'lumotlar bazasiga yuboriladi.

Nazoratchi muayyan qurilmaning holatini o'zgartiradi.

"Aqlli uy" tizimi - bu sizning barcha kommunikatsiyalaringizni birga birlashtirib, egasining barcha ehtiyojlari va istaklari uchun dasturlashtirilgan va sozlanadigan sun'iy razvedka nazorati ostiga qo'yadigan yuqori texnologiyali tizim.

Isitish, yoritish, suv ta'minoti, uydagi signal - bularning barchasi "Aqlli uy" tizimini o'rnatish orqali markazlashtirilgan nazoratga bo'ysundirilishi mumkin.

Bundan tashqari, allaqachon o'rnatilgan tizimni yanada takomillashtirish, yangi aloqalarni qo'shish yoki aloqada bo'lgan aloqalarni kengaytirish mumkin. Arzon va arzon aqlli uy echimidan boshlang, keyin siz uchun eng foydali bo'lgan tarkibiy qismlar bilan to'ldiring.

"Aqlli uy" - uyda, ofisda, kvartirada yoki binoda boshqarish tizimi. Sensor, nazorat elementlari va aktuatorlarni o'z ichiga oladi tizimning asosiy vazifasi energiya resurslarini tejash, qulaylik va xavfsizlikni ta'minlashdan iborat.

Favqulodda vaziyatlarni nazorat qilish: suv, gaz, elektr quvvati, video nazorati (mahalliy va uzoq), Ichki va tashqarida yoritishni boshqarish, video va audio oqimlarni va xonalarni (multiroom) taqsimlash, yomg'ir kanalizatsiyasi, zinapoyalar va yo'llarning qadamjolari, energiya sarfini nazorat qilish, maksimal yuklarni kamaytirish va yuklarni etkazib berish tarmoqlari bo'yicha yuklarni taqsimlash, zahira quvvat manbalarini boshqarish: batareya bilan ishlaydigan UPS va dizel generatorlari, kanalizatsiya nasos stantsiyalarini va yashil hududlarni avtomatik sug'orish tizimlarini boshqarish, kanalizatsiya nasos stantsiyalarini va yashil hududlarni avtomatik sug'orish tizimlarini boshqarish, darvozalar va to'siqlarni boshqarish, pardalar va panjaralarni boshqarish, udagi barcha tizimlarni masofadan nazorat qilish va internet orqali boshqarish imkoniyati mavjud bo'ladi.

## **Geografik axborot tizimlarini qayta ishlashda geoinformatsion tizimlarning qo'llanishi**

*Islamov K.S. - SamDAQI "Axborot texnologiyalari" kafedrası katta o'qituvchisi*

1950 yillar oxiridan 1970-yillarning boshlarida ilm-fan va texnologiya sohasida yirik loyihalar va nazariy ishlar amalga oshirildi. Bu davr mobaynida Yerning birinchi sun'iy yo'ldoshlari ishga tushirildi, kompyuterlar paydo bo'ldi. Birozdan keyin - digitizers, plotters, grafik displeylar yaratildi. Mekansal tahlilning rasmiy metodlarining ko'rinishi xuddi shu davrga tegishli.

1970-yillarning boshidan 1980-yillarning boshlariga qadar geoinformatsion tizimlar sohasida ham yangi davr boshlandi va bu bosqichda geoinformatsion loyihalar qo'llab-quvvatlandi. 1980-yillarning birinchi yarmidan boshlab geoinformatsion tizimlarning tijoratda qo'llaniladigan tizimli dasturlari yaratildi. Keng bozor, geoinformatsion dasturiy vositalarni, ish stoli geografik axborot tizimi rivojlanishining turli, fazoviy ma'lumotlar bazalari bilan integratsiya qilish orqali ilovalarini kengaytirish boshlandi.

1980 yillar oxirida foydalanuvchilar geoinformatsion tizimlarda ishlay boshladi.

Geoinformatsion loyiha - geoinformatsion tizimni mekansal ma'lumotlar bilan to'ldirish va mekansal ma'lumotlar bilan bog'liq bo'lgan ob'ektlar to'g'risidagi ma'lumotlar. Ushbu loyiha takrorlanadigan geoinformatsion tizimlarning barchasida amalga oshirilishi mumkin, yoki bunday tizim geoinformatsion loyiha uchun maxsus ishlab chiqariladi.

Geografik axborot tizimi fazoviy obyektlar va ular shaklining raqamli aksiga oid (vektorli, rastri, kvadratolik va o'zgacha) ma'lumotlarga ishlov berish uchun o'z vazifalariga mos funksional imkoniyatlarga ega.

Geografik axborot tizimlari uchun dasturiy vositalar CBS dasturi GISning asosiy funksiyalarini amalga oshirishni ta'minlovchi kamroq yoki kichik dasturiy modullarning to'plamidir. Umuman geoinformatsion tizim, oltita asosiy modulga ajratiladi:

- ma'lumotlarni kiritish va tekshirish;
- ma'lumotlarni saqlash va manipulyatsiya qilish;
- koordinatalar tizimini konvertatsiya qilish va kartografiya prognozlarini o'zgartirish;
- tahlil va modellashtirish;
- ma'lumotlarni taqdim etish;
- foydalanuvchi bilan o'zaro munosabat.

Joriy qilingan funksiyalarning keng doirasi va o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda geoinformatsion tizimlarning dasturiy ta'minoti hozirgi kunda global dasturiy ta'minot bozorining bir qismidir. Ma'lum hududlar uchun ma'lum funksional imkoniyatlarga ega geoinformatsion tizimlarning rivojlanishiga imkon beradigan savdo-sotiqning GIS dasturlar paketlarining juda ko'pligi ma'lum. Bunday CBS paketlarining soni ko'plab kishilar tomonidan o'rganiladi. Biroq, agar biz eng mashhur va keng tarqalgan CBAT-paketlar haqida gapiradigan bo'lsak, ularning soni o'ndan o'n beshgacha bo'lishi mumkin.

CBSning turi va maqsadiga qarab boshqaruv muhiti (foydalanuvchi interfeysi) odatda bir nechta darajaga ega. CBS “Axborot mahsulotlari” – ro’yxatlar, xaritalar ishlab chiqaradi. Keyinchalik foydalanuvchilarning turli toifalari bo’yicha qaror qabul qilish uchun foydalaniladi. Ko’pgina hollarda, oxirgi foydalanuvchilar tizim bilan bevosita muloqot qila olmaydi. Masalan, kommunal hisobot tizimi har xil tadbirkorlik faoliyati uchun echimlarni ishlab chiqish uchun qo’mitalar tomonidan foydalaniladigan inventar ro’yxatini ishlab chiqaradi.

Foydalanuvchilarning aloqa va GIS murakkabligi darajasi asosan ma’lumotlar bazasi strukturasi ishlab chiqish darajasi, ma’lumotlar bazasida joylashgan ob’ektlarni to’g’ri identifikatsiya qilish va ob’ektlarning turli guruhlarini o’rtasida o’zaro mos yozuvlar mavjudligi bilan belgilanadi. Ma’lumotlar bazasidan biron-bir ma’lumotni olish, aksariyat hollarda aniq va bevosita shakllangan maxsus so’rovlar yordamida amalga oshiriladi. Ko’rinmaydigan so’rovlar odatda dasturiy jihatdan amalga oshiriladi va tizim ishlab chiqaruvchisi tomonidan turli funksional bloklarga kiritiladi.

So’rovlar ularning maqsadi va algoritmlarni amalga oshirishda sezilarli darajada farqlanishi mumkin. Oddiy ma’lumotlar so’rovi muayyan ob’ekt identifikatorlari yoki to’liq joylashuvi bilan amalga oshiriladi va odatda ko’rsatkich bilan birga keladi.

Ko’pgina GIS dasturlar uchun tizim real vaqtda ishlashi kerak: javob uchun ruxsat etilgan maksimal vaqt bir necha soniya. Tizimda yetarlicha tez-tez qo’ng’iroqlar bilan foydalanuvchi interfeysi uchun inson tomonida boshqariladigan samarali tizim talablari birinchi navbatda chiqariladi - menyular va piktogramma terish paytida zerikarli matnli buyruqlar uchun afzal bo’lishi kerak. Geoinformatsion tizimning bir nechta foydalanuvchi interfeyslari mavjud:

1. Buyruqning satrida foydalanuvchi turi, masalan, C> buyrug’i. Tizimning aniq sintaksisini foydalanuvchi aniq qayd va punktuatsiya qoidalaridan foydalanib kuzatishi kerak. Biroq, ayrim CBSlarda bunday buyruqlar 1000 dan ortiq bo’lishi mumkin. Interaktiv yordam barcha qoidalar va sintaksisini, ayniqsa kamdan-kam ishlatilgan buyruqlarni bilish ehtiyojini kamaytiradi.

2. Menyu. Foydalanuvchi muayyan funktsiyani bajarish uchun javobgar bo’lgan menyuni tanlaydi. Menyudagi element hozirgi vaqtda mavjud bo’lgan yagona variantni bildiradi. Tanlov natijalari har bir element yaqinidagi maxsus ro’yxatda ko’rsatilishi mumkin. Biroq, murakkab menyu tizimlari doimiy ravishda ishlatilganda zerikarli bo’lib, buyruqlar moslashuvchanligini ta’minlamaydi.

3. Piktografik menyular. Ushbu menyu menyu buyruqlar ma’nosini tushunish va nazoratni soddalashtirish uchun ramziy tasvirlardan foydalanadi. Foydalanuvchining va tizimning eng keng tarqalgan funksiyalarini bajarish uchun va ikkinchisi uchun odatiy menyu uchun simlarni ishlatib, tizimni boshqaradi. Ko’pgina foydalanuvchilar ramziy tizimlarni yaxshi idrok etadilar va geoinformatsionni tezda boshqaradilar.

4. Windows. Geoinformatsion interfeysi mekansal ma’lumotlarning xarakteridan foydalanishi kerak. Mekansal ma’lumotlarga kirishning ikkita tabiiy usuli bor: ular bo’shliqlar va ularning atributlari orqali. Zamonaviy murakkab tizimlar matn va grafik ma’lumotlarning alohida chiqishi uchun bir nechta ekranli



derazalardan foydalanadilar. Windows bir vaqtning o'zida bir nechta kartani, masalan, to'liq qamrov va kengaytmali tasvirni ko'rsatishga imkon beradi.

5. Milliy interfeys tili. Menyularda milliy tildan foydalanganda va onlayn yordamni aniq afzalliklari aniq ko'rinadi. Tizimni egallash tezligini ham, uning funksional imkoniyatlaridan ham to'liq foydalaniladi. Geoinformatsion dasturlarining ko'pchiligi hozirgi kunda mahsulotlarning versiyalarini xorijiy tillardagi milliy bozorlarga targ'ib qilmoqda.

Ko'pgina geoinformatsion shells tizimi boshqarish muhiti uchun bir necha yondashuvlarni birlashtiradi va har ikkala odatiy "Ochiladigan" menyuda va piktografik menyular bloklarini birlashtiruvchi interfeys yaratadi. Ba'zida buyruqlar satri qo'shimcha ravishda ishlatiladi va ko'plab buyruqlar tan olinishi qisqartirilgan shaklga muvofiq amalga oshiriladi.

Qo'llaniladigan geoinformatsion tizimning ba'zi turlari uchun keng miqyosli yer modellari bilan ishlaydigan "Yer usti" texnologiyasini yer mekansal ob'ektlarini: binolar, daraxtlar va boshqalarni modellashtirishga kiritadi.

### **Ко‘char mulk obyektlarining to‘liq qiymatini энг кичик квадратлар usuli (korrelyatsion-regression usul) bilan baholash algoritmi**

*Karimova Gulnoza-101 KME va UB guruhi talabasi, ilmiy raxbar*

*A.Karimov*

Mazkur usul o'xshash jihozlar tanlashiga kiruvchi jihozlar birligining qiymatini hisoblashning matematik modelini tuzishni taqozo etadi. Ushbu matematik model chiziqli ko'rinishdagi tenglama hisoblanadi:

$$u = a_0 + a_1 * x,$$

bu yerda  $u$  – muayyan sana uchun indeksatsiyalangan balans qiymati (uzoq muddatli indeksatsiya usulida);

$a_0, a_1$  – tenglamaning noma'lum parametrlari;

$x$  – baholanayotgan jihozlarning texnik narxini shakllantiruvchi parametr.

Hisoblashlarning birinchi vazifasi matematik modelning noma'lum parametrlarini aniqlash hisoblanadi.  $x$  – tanavor hajmi bo'lsin,  $u$  holda tenglama parametrlarini hisoblash qulay bo'lishi uchun jadval tuzish va tenglamalar tizimini echish mumkin.

1-jadval

To'plam (yoki model) dagi tartib raqami	X, tavor hajmi, sm <sup>3</sup>	Y, Indeksatsiyalangan balans qiymati, ming so'm	X*Y	X <sup>2</sup>
1;2				
16K20....				
Jami	$\sum X$	$\sum Y$	$\sum X*Y$	$\sum X^2$

Eng kichik kvadratlar usuli bilan quyidagi tenglamalar sistemssiga kelamiz:

$$\begin{cases} na_0 + a_1 \sum X = \sum Y \\ a_0 + a_1 \sum X^2 = \sum XY \end{cases} (1)$$

Bu yerda  $n$  – tanlashdagi obyektlar soni.

$a_0$  va  $a_1$  noma'lum parametrlarni aniqlab, mazkur jihozlarning (masalan, qayta ishlanadigan tanavor hajmi) texnik narxini shakllantiruvchi parametrdan jihozlar birligining qiymati bog'liqligi bo'yicha matematik modelni hosil qilamiz. Biroq bizning bunday bog'liqlik mavjudligi haqida taklifimiz tasdiqlangan bo'lishi lozim. Buning uchun tadqiq etilayotgan parametrlar o'rtasidagi chambarchas aloqani ko'rsatuvchi korrelyatsiya koeffitsiyenti hisoblanadi.

$$r = \frac{n \sum XY - \sum X \sum Y}{\sqrt{[n \sum X^2 - (\sum X)^2][n \sum Y^2 - (\sum Y)^2]}} \quad (2)$$

Ushbu jarayonning algoritmini C++ tilida quyidagicha ko'rinishda dasturlaymiz.

```

#include<iostream.h>
#include<math.h>
int main()
{
    float a0,a1,r,sx,sy,sxk,sxy,syk;
    float x[20],y[20];
    int i,n;
    sx=0; sy=0; sxk=0; sxy=0; syk=0;
    cout<<"n=";
    cin>>n;
    for (i=1;i<=n;i++)
    {cout<<"x["<<i<<"="; cin>>x[i];
      for (i=1;i<=n;i++)
    {cout<<"y["<<i<<"="; cin>>y[i];
      for (i=1;i<=n;i++)
    {sx=sx+x[i]; sy=sy+y[i]; sxk=sxk+x[i]*x[i];
      sxy=sxy+x[i]*y[i]; syk=syk+y[i]*y[i];
    }
    a1=(n*sxy-sx*sy)/(n*(sxk-sx*sx));
    a0=(sxy-a1*sxk)/sx;
    r=(n*sxy-sx*sy)/sqrt((n*sxk-sx*sx)*(n*syk-syk*syk));
    cout<<"a0="<<a0<<endl;
    cout<<"a1="<<a1<<endl;
    cout<<"r="<<r<<endl;
    if (r<0,5) cout<<"korelatiya yo'q"<<endl;
    if ((r>=0,5)and(r<=0,7)) cout<<"korelatiya kam"<<endl;
    if ((r>0,7)and(r<=0,85)) cout<<"korelatiya o'rtacha"<<endl;
    if ((r>0,85)and(r<=1)) cout<<"korelatiya katta"<<endl;
    if (r=1) cout<<"ikkita kattalik o'rtasida funksional aloqa mavjud"<<endl;
    system("PAUSE");
    return(0);
}
    
```

Dasturning bajarilishi uchun F9 tugmachasini bosamiz va hosil bo'lgan oynada  $n$  ning qiymatini kiritamiz va obektlar sonini tayinlaymiz. So'ngra shunga mos  $X$  va  $Y$  larning qiymatini kiritamiz. Olingan natijalar quyidagi ekranda tasvirlangan.

```

h:\Korelatsiya\Korelatsiya koyfitsenti.exe
n=10
x[1]=1
x[2]=2
x[3]=1
x[4]=4
x[5]=3
x[6]=2
x[7]=1
x[8]=1
x[9]=5
x[10]=2
y[1]=1,2
y[2]=y[3]=y[4]=y[5]=y[6]=y[7]=y[8]=y[9]=y[10]=a0=0.0368421
a1=0.00287081
r=-0.326637
korelatsiya yo'q
korelatsiya kam
korelatsiya o'rtacha
korelatsiya katta
ikkita kattalik o'rtasida funksional aloqa mavjud
Для продолжения нажмите любую клавишу . . .

```

Hisoblashlar natijasiga ko'ra korrelyatsiya koeffitsiyenti turli qiymatlarga ega bo'lishi mumkin.  $r < 0,5$  da – korrelyatsiya yo'q;  $0,5 \leq r \leq 0,7$  –korrelyatsiya kam;  $0,7 \leq r \leq 0,85$  –korrelyatsiya o'rtacha;  $0,85 \leq r \leq 1$  –korrelyatsiya katta;  $r=1$ – ikki kattalik o'rtasida funksional aloqa mavjud.

Yuqorida keltirilgan qiymatlardan kelib chiqib, xulosa qilish mumkinki, agar korrelyatsiya koeffitsiyentining qiymati 0,5 dan kam bo'lsa, u holda qiymat va tanlangan parametr o'rtasida biz tomonimizdan taxmin qilingan bog'liqlik mavjud emas. Bu esa tanlash noto'g'ri qilingani va uning tarkibiga tanlangan parametr bilan birga narxni shakllantiruvchi boshqa qandaydir asosiy parametr mavjud jihozlar birligi kirib qolganligi yoki tanlangan parametr narx shakllantiruvchi hisoblanmasligi va uning o'zgarishi muqarrar ravishda qiymat o'zgarishiga olib kelmasligini anglatadi.

Bu dasturning yana bir ustunlik tomoni shundaki algoritm universal istagancha ob'ektlarni kiritib natijani bir zumda olish mumkin. Bu algoritmni kelgusida ko'chmas mulk ob'ektlarini baholashning avtomatlashtirilgan tizimi sifatida o'quv jarayoniga va ishlab chiqarishga qo'llash mumkin.

### ***Elektron to'lov tizimlarining imkoniyatlari va istiqboli***

*Shaimov K.M. - SamDAQI "Axborot texnologiyalari" kafedrasi katta o'qituvchisi*

Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bugungi kunda dunyo xo'jaligining barcha sohalariga keng qamrovli kirib bormoqda. Har qanday davlatning iqtisodiy qudratini yuqori samaraga ega bo'lgan pul tizimi va zamonaviy to'lov mexanizmlarisiz tasavvur etib bo'lmaydi. O'zbekistonda elektron to'lovlar va elektron tijorat tizimlarini rivojlantirish maqsadida mazkur muhim yo'nalishning tadrijiy rivojlanishini ta'minlovchi zarur huquqiy baza yaratilgan. O'zbekiston Respublikasida "Elektron tijorat to'g'risida", "Axborotlashtirish to'g'risida", "Elektron to'lovlar to'g'risida", "Elektron raqamli imzo to'g'risida"gi Qonunlar va boshqa qator normativ hujjatlar qabul qilingan.

Ayniqsa, mobil aloqaning rivojlanishi ushbu tizimning tez taraqqiy etishiga katta turtki berdi. Elektron to'lov tizimlarining o'nlab turlari, yo'nalishlari mavjud. Shu o'rinda elektron to'lov tizimlarining paydo bo'lish tarixi haqida aytib o'tsak. 1949 yilda Nyu-Yorklik tadbirkor Frenk MakNamara advokati Ralf Shnayder va eski tanishi Alfred Blumingdeyllarni kechki ovqatlanish uchun restoranga taklif

qiladi. Hisob-kitob qilish vaqti kelganda, MakNamara hamyoni boshqa paltosida qolib ketganidan xabar topdi. U rafiqasiga qo'ng'iroq qilib, restoranga pul keltirishini so'raydi. MakNamara uzoq vaqt kutganidan ranjimadi, balki o'tayotgan sharmandali daqiqalardan qattiq xijolat chekdi. Lekin aynan shu taajjubli holatning yuz berishi – to'lov tizimining paydo bo'lishiga sabab bo'ldi. Aynan o'shanda MakNamarada hamkasblarining, umuman, obro'li kishilarning shunday noqulay holatga tushib qolmasligini bartaraf etish fikri tug'ildi. MakNamara yangi shakldagi to'lov kartochkalarini chiqara boshladi. Keyinchalik bu tizim turli yo'nalishlarga xizmat ko'rsatuvchi yirik tarmoqqa aylanib ketdi.

Kundalik hayotimizda elektr quvvati, tabiiy gaz, ichimlik suvi kabi kommunal xizmatlardan doimiy ravishda foydalanib kelamiz. Bundan tashqari, telefon, mobil aloqa va Internet kabi vositalar ham turmushimizning ajralmas qismiga aylanib bormoqda. Ushbu xizmatlar uchun to'lovlarni amalga oshirish jarayonida turli muammolar kelib chiqishi hech kimga sir emas. Elektron to'lov tizimi orqali to'langan mablag' shu zahotiy oq xizmat ko'rsatuvchi korxonalar hisobiga borib tushadi va u qayd etiladi.

Mamlakatimizda on-layn tartibida ishlaydigan tizimlardan yana biri bu – DAKA OMAD kompaniyasining FAST PAY xizmatidir. Kompaniya 2007 yilning oktyabr oyidan boshlab "yagona to'lov tizimi"ni ishga tushirdi. FAST PAY tizimi hozirda Beeline, COSCOM, Perfectum Mobile va UZMOBILE kabi mobil aloqa operatorlari hamda internet provayderlarning xizmatlariga to'lovlarni qabul qilmoqda. Bundan tashqari naqd pulsiz hisob-kitoblarni amalga oshirish maqsadida Pay

Internet va mobil texnologiyalariga asoslangan yangi telekommunikatsiyalar muhitining yuzaga kelishi savdo tizimida qator o'zgarishlarni keltirib chiqardi. Agar avvallari mahsulotlar asosan qo'lda yetkazilgan bo'lsa, endilikda internet yordamida eltib berilmoqda. "Nomoddiy" tarmoq orqali dastlab faqat fayllar (video, audio va dasturiy) sotilar edi. Endilikda bu ro'yxat elektron chiptalar, obuna, telekommunikatsiya va boshqa shu kabi xizmat va mahsulotlar bilan boyitib borilyapti. Savdodan tashqari, xizmat va tovarlarning auktsion tartibida taqdim etilishi yuqori sur'atlarda rivojlanmoqda. Ayniqsa, mobil telefonlari orqali savdoni amalga oshirish yo'lga qo'yilayotgani savdo-sotiqning yangi shakllari rivojlanishiga kutilmagan va juda kuchli ta'sir o'tkaziyapti. Qisqa vaqt ichida paydo bo'lgan ushbu sohada bugun katta miqdordagi mablag' aylanmoqda. Ko'pgina mamlakatlarda chipta sotib olish yoki avtomobil to'xtash joyi haqini to'lash uchun mobil telefondan foydalanish odatiy holga aylangan.

Ushbu yo'nalishda Osiyo mamlakatlari yetakchilikni o'z qo'llarida ushlab turibdi. Mobil to'lovlar sohasida eng ilg'or mamlakatlar ichida Singapur, Koreya Respublikasi, Yaponiya, Finlyandiya, Norvegiya, Avstriya, Ispaniya va Belgiyani sanab o'tish mumkin. Lekin keltirib o'tilgan mamlakatlarda mobil to'lovlar sohasi osonlikcha yuzaga kelmaganini ham unutmash kerak. Bir necha yillik tadqiqotlar va sinovlar ushbu xizmatlarni yo'lga qo'yish imkonini berdi. Kerakli miqdordagi sarmoyaning kiritilmagani, marketingdagi xatolar va sohaning barcha ishtirokchilari ham bir-birlariga teng munosabatda bo'lmagani oqibatida mobil to'lov tizimini yo'lga qo'yishga bo'lgan yuzlab urinishlar muvaffaqiyatsiz chiqdi.

Shunday bo'lsa-da, qator mamlakatlarda mobil to'lovlar yo'nalishida sezilarli yutuqlar qo'lga kiritilmoqda.

Elektron to'lovlar bozori kundan-kun rivojlanib bormoqda. Elektron to'lovlardan foydalanuvchilar soni oshishi bilan mamlakat iqtisodiyoti rivojiga hissa qo'shadagan samarali tizim shakllanmoqda. Bunda foydalanuvchilarga bir qator qulayliklar yaratilishi bilan birga xizmatlari uchun to'lovni olayotgan kompaniyalar (mobil aloqa, telefon, internet va kommunal xizmatlari) aholidan imkon qadar oson usulda va yanayam ko'proq mablag' to'plamoqda. O'rtada vositachi vazifasini bajarayotgan tizimlar ham xizmatlari evaziga o'z hisoblarini boyitishmoqda. Ushbu jarayonda ishtirok etayotgan banklar ham manfaat ko'ryapti. Mijoz esa shundoq ham to'lashi kerak bo'lgan xizmatlar haqini hamda sotib olishi lozim bo'lgan mahsulotlarni ortiqcha vaqt sarflamasdan, o'ziga qulay paytda va sharoitda amalga oshiryapti. Demak, jarayon ishtirokchilarining biror biri foydadan chetda qolgani yo'q.

### ***Zamonaviy ta'limda masofaviy o'qitish usulining qulayliklari***

*SamDAQI katta o'qituvchisi Shaimov K.M.*

*Samarqand temir yo'l transporti KHK o'qituvchisi Temirov E.I.*

Masofaviy o'qitish usuli an'anaviy ta'lim shakllaridan farq qilib, u o'quvchi-talabalarni o'ziga qulay vaqtda, joyda va sharoitda o'qitish imkonini beradi. Masofaviy ta'lim yangi pedagogik axborot va telekommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishga asoslangan ta'lim olish usuli hisoblanadi. O'quv maydonlari, texnik va transport vositalaridan samarali foydalanish, ma'lumotlarni yig'ib bir tizimga solingan holda ifodalab berilishi va mutaxassislarni qayta tayyorlashda ham xarajatlarni kamaytirishga erishishi kutilmoqda. Xususan, bugungi kunda Oliy va o'rta maxsus ta'lim muassasalari pedagog xodimlarini malakasini oshirish va qayta tayyorlash tizimida ushbu usuldan keng foydalanilmoqda. Masofaviy ta'lim usulidan foydalanish faqatgina moddiy xarajatlarni kamaytirish bilan birga pedagog-xodimlarning axborot-kommunikatsiya vositalari bilan ishlash ko'nikmasini oshirishga ham yordam bermoqda. Chunki ushbu ta'lim berish usulida albatta eng zamonaviy axborot, telekommunikatsiya va texnologiyalardan foydalaniladi.

Masofaviy ta'lim o'qituvchi (pedagog) mutaxassislarning ham vaqtini tejab, imkoniyati darajasidan kelib chiqqan holda moddiy manfaatdorligini oshirish bilan mustaqil ta'lim olish uchun keng sharoit yaratib beradi. Ta'lim sohasida erishilayotgan yutuqlarning jahon ta'lim tizimi doirasida almashinuvini tashkil etish, bu sohadagi yutuqlarni qo'lga kiritishni ta'minlashi shubhasizdir.

Masofaviy o'qitish usuli mutaxassis o'qituvchi (pedagog)larning oldiga yangidan-yangi dolzarb vazifalarni qo'yimoqda. Chunki, o'quv materiallarini to'ldirib borish, ijodiy yondashuv hamda yangiliklar bilan malakasini oshirishlari va bu ko'rsatkichlarni jahon ilmi yutuqlari bilan muvofiqlashtirib borishlari talab etilmoqda. Bu o'qitish usuli ta'lim talabiga asosan o'quvchi-talabaning o'z ustida ishlashini tashkil etish, ko'proq bilim olishga intilishi, kompyuter bilan mustaqil ishlash va olgan bilimlaridan ijodiy foydalanishini ta'minlaydi hamda olingan

bilimlar maxsus o'quv-uslubiy nashrlar, testlar bilan tekshirilib, to'ldirilishi mumkin.

Axborot texnologiyalarning keng miqyosda joriy etilishi bilan masofaviy o'qitishni bir qator ijtimoiy ahamiyatga molik masalalarni yechishda ham joriy etish mumkin. Ta'lim sohasiga bo'lgan fuqarolarning ehtiyojlarini qondirishda qulayliklar yaratish bilan respublikamizning malakali mutaxassislarga bo'lgan talabi ham qondiriladi. Shuningdek, fuqarolarning ijtimoiy va kasbiy faolliklarini oshirishga erishish mumkin. Xususiy tadbirkorlik bilan mashg'ul shaxslarning jamiyat hayotidagi faolligini mustahkamlab, ularning dunyoqarashini boyitishga xizmat qiladi. Bu esa, oliy ta'lim tizimida yig'ilgan ilmiy yutuqlar, mutaxassis xodimlar va ularning ishtirokida yurtimizning iqtisodiy salohiyatini mustahkamlashdek ustuvor rejalarni amalga oshirish vazifasini qo'ymoqda.

Masofaviy o'qitish geografik jihatdan uzoqda joylashgan maktablar va akademik ta'lim uchun mo'ljallangan edi. Lekin, zamonaviy axborotlar va telekommunikatsiya texnologiyalarining rivojlanishi ta'lim-tarbiya jarayonini uzoq masofadan turib amalga oshirishga yo'l ochib berdi. Natijada masofaviy o'qitish uslubi asosida o'qitish tez vaqt ichida Oliy va o'rta maxsus o'quv yurtlarida o'qitishda yangi uslublarni qo'llashga yana bir turtki bo'ldi.

Masofaviy o'qitish uslubini sifatli qo'llanishiga quyidagi yo'llanmalar kiradi:

*O'qitilayotgan borliqni markazlashtirish.* Respublikamiz va xorij olimlari hamda mutaxassislarning bilim va tajribalarini qo'llash, zamonaviy o'quv qurollaridan foydalanish e'tiborda tutiladi. Bunda turli o'quv manbalaridan foydalanish, talabalarni axborot bilan ta'minlash, bu axborot esa o'z navbatida, butun dunyo mutaxassislari bilimlaridan, elektron kutubxonalardan olingan axborotlarni ishlatish talaba va o'qituvchilar uchun katta imkoniyatlar yaratadi.

*O'qituvchiga talabni kuchaytirish.* Ta'lim jarayonining standart holda jamlanishi, tushunarli holda o'qituvchi (pedagog)larning bilim darajasini oshirish majburiyatini yuklaydi. Bu uslublar ularning ish natijasi va bilim darajasini ko'tarilishiga yordam beradi. Oydinlashtirilgan ta'lim berish jarayonining ta'minlanishi, uzluksiz monitoring imkoniyati, o'quv jarayonlarining to'g'ri nazorat qilinishi va boshqarilishini, Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi va o'quv yurtlari tomonidan o'qituvchi va talabalarning bilim saviyasini tekshirilishini (ta'lim jarayonida talaba va o'qituvchilarning harakatlarini nazorat qilish, bunga talabaning faolligi va o'qituvchi ishining unumliligi, talabalarning attestatsiyadan o'tkazish amallari ham kiradi) ta'minlanishiga olib keladi. O'qituvchilarni qayta tayyorlash va qayta o'qish tizimlarining samaradorligini oshirishga erishiladi.

*O'qituvchining o'rni va xilma-xil imkoniyatlarni ko'tarish.* O'qituvchining o'quvchi-talabaga nisbatan shaxsiy yondashuvining turli shakllarini qo'llash. Har bir o'quvchi-talabaning bilim darajasi va tayyorgarligiga hamda uning qobiliyatiga mos ravishda shaxsiy yondashishni qo'llash mumkin.

*O'quvchi-talabaning bilim va tadqiqot motivlari hamda stimullarini rivojlantirish.* O'quvchi-talabaning o'qituvchi (pedagog)ga va o'zaro muloqotdagi ishonchsizlik hissiyotidagi psixologik to'siqlarni yo'qotish,

talabaning intellektual va ilmiy imkoniyatlarini, o'zini o'zi tashkillashtirishni rivojlantiradi.

*O'quvchi-talabaning shaxsiy faoliyati va o'qitishni birga olib borish.* Tejamlilik o'qitish jarayonidagi uzluksizlikni ta'minlaydi. O'quv xonalaridan foydalanishi, yo'l xarajatlari va taklif qilingan malakali o'qituvchi (pedagog)lar mehnatiga haq to'lash. Ular o'z bilimlarini masofadan o'qitish shaklida uzatishlari mumkin. Sog'lig'i, ijtimoiy va moddiy ta'minlanganligidan qat'iy nazar bilim olishning keng imkoniyatlari yaratilib, ijtimoiy tenglik yuzaga keladi.

*O'qitish doirasida musobaqa muhitini yaratish..* Masofadan o'qitish texnologiyasi – jamiyatni axborotlashtirishning umumiy oqimi va yo'llari bilan jipslashgan bo'lib, masofaviy o'qitishning texnik vositalarini axborotlashtirish tizimlari va oliy o'quv yurtlarida o'qitish jarayonini avtomatlashtirish tizimlarini zamonaviy axborotlashtirish texnologiyasi asosida birgalikni ta'minlaydi.

Masofaviy o'qitish usulidan foydalanishning kamchiligi o'qituvchi va talaba o'rtasidagi bevosita muloqot va psixologik birlikning chegaralanganligidir.

### **Zamonaviy axborot texnologiyalari taraqqiyotining dolzarb muammolari**

*Karimov A.A., Nazarov B.M.*

Axborot texnologiyalarisiz zamonaviy hayotni tasavvur qilish qiyin. Ular bizni har jabhada mustahkam o'rab turishadi: ishda, uyda, ko'chada va hatto transport vositalarida ham. Dunyo miqyosida axborot texnologiyalari oldinga qarab intilishdan to'xtamaydi va jahondagi barcha texnologiyalar kabi oldinga qarab siljiydi, rivojlanadi va takomillasib boradi. Bugungi kunda ushbu sohaning etakchi etakchi davlatlari AQSH, Janubiy Koreya, Finlyandiya, Yaponiya, Buyuk Britaniya, Niderlandiya, Shvetsiya va Shveytsariya hisoblanadi. Axborot texnologiyalarini rivojlantirish jarayoni turli muammolar bilan bog'liq. Biroq, zamonaviy axborot texnologiyalarining dolzarb muammolari haqida gapirishdan oldin, axborot texnologiyalari qanday texnologiyalar va ularning vazifalari nimalardan iboratligini bir eslab olamiz.

Axborot texnologiyalari quyidagi ilmiy-texnikaviy fanlardan iborat bo'lib, quyidagilarni o'rganadi:

- axborotni qayta ishlash va saqlash ishlarini amalga oshiruvchi shaxslarning ishlarini samarali tashkil etish yo'llari;
- kompyuter ishini optimallashtirish usullari;
- odamlar va ishlab chiqarish uskunalari bilan bog'liq iqtisodiy va ijtimoiy muammolar o'rtasida ratsional shov-shuvlarni tartibga solish usullari [2].

Zamonaviy axborot texnologiyalarining asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- zarur axborotni izlash, tahlil qilish va saqlash;
- yangi dolzarb axborotni yaratish;
- optimallashtirish masalalarini hal qilish.

Shu bilan birga, axborot texnologiyalaridan foydalanishning asosiy vazifasi katta hajmdagi ma'lumotlarni qayta ishlash uchun mehnat talab qiladigan

jarayonlarni avtomatlashtirish emas, balki bu ma'lumotlarni qayta ishlash natijasida sifatli yangi axborot olishdir.

Axborot texnologiyalari bugungi kunda turli xil ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlarning rivojlanishida juda muhim rol o'ynashini hisobga olgan holda, ularni yanada ko'proq ishlab chiqish va takomillashtirish zarur deb tushunish muhim ahamiyatga ega.

Bugungi kunda zamonaviy axborot texnologiyalari sohasini rivojlantirishda etarli darajada muammolar mavjud ekanligini inobotga oladigan bo'lsak, bu mamlakatimiz iqtisodiy rivojlanish darajasiga muttasil ta'sir qiladi.

Birinchi muhim masala - yaxshi mutaxassislar olish uchun axborot texnologiyalari bilan shug'ullanadigan xodimlarni o'qitish, ta'lim jarayoni to'g'ri tashkil etilgan va markazlashtirilgan hamda zamonaviy texnologiyalardan foydalangan holda amalga oshirilishi kerak. Bu erda yana bir muhim muammolar paydo bo'ladi - axborot texnologiyalarini o'qitish sifati [3].

Mamlakatimizni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish bo'yicha ustuvor vazifalarga muvofiq kadrlar tayyorlashning mazmunini tubdan qayta ko'rib chiqish, xalqaro standartlar darajasida oliy ma'lumotli mutaxassislar tayyorlashga zarur shart-sharoitlar yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 20-apreldagi "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi PQ-2909-son qarori qabul qilingan. Mazkur qaror bilan oliy ta'lim darajasini sifat jihatidan oshirish va tubdan takomillashtirish, oliy ta'lim muassasalarining moddiy-texnika bazasini mustahkamlash va modernizatsiya qilish, zamonaviy o'quv-ilmiy laboratoriyalari, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan jihozlash bo'yicha Oliy ta'lim tizimini 2017-2021-yillarda kompleks rivojlantirish dasturi tasdiqlangan. Qarorda yana bir muammo - magistraturada kadrlar tayyorlash tizimini takomillashtirish, ularni zamonaviy yondashuvlar asosida tashkil etish masalasiga jiddiy e'tibor qaratilgan.

Mamlakatimizning turli ijtimoiy-iqtisodiy sohalarida shaxsiy kompyuterlar etishmasligi va jahon Internet tarmog'iga noqonuniy kira olmasligi axborot texnologiyalarini rivojlantirishga to'sqinlik qiluvchi muhim omillardan biridir

Axborot texnologiyalarining rivojlanishi va yaxshi iqtisodiy samaradorligini oshirish uchun ular quyidagi investitsiyalarni talab qiladi:

- birinchi navbatda davlat tomonidan beriladigan va xorijiy investitsiyalarni moliyalashtirish;
- AT-texnologiyalarni samarali rivojlantirish uchun davlat va tijorat dasturlarini ishlab chiqish;
- yuqori malakali AT-mutaxassislarini jalb qilish;
- dasturiy ta'minot ishlab chiqaruvchilarni soliqqa tortishdan rag'batlantirish tizimi;
- ushbu sohadagi so'nggi ilmiy yutuqlardan faol foydalangan holda o'z elektron sanoatini rivojlantirish;
- intellektual mulkni muhofaza qilish sohasida qonunchilikning qat'iyligi.

**УДК 86.7**



## **Олий ўқув юртларида махсус фанларни электрон дарсликлар воситасида ўқитишнинг самарали усулларида фойдаланиш.**

*Ахборот технологиялари кафедраси катта ўқитувчиси Элмуродов Б.Э.*

Мустақил Ўзбекистонимиздаги замонавий таълим шароитида олий ўқув юртлари ўқувчиларининг мустақил ишлаш фаоллигини ошириш, уларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш илғор педагогик технологияларидан ҳамда янги авлод ўқув адабиётларидан фойдаланишни талаб этади.

Шунингдек бугунги кунда ахборот ва коммуникация технологияларининг кириб келиши ва янги билимларни яратилиши ҳамда узатилишининг янги шакллари ва воситаларини ишлаб чиқишини тақозо этади. Бундай шакллардан бири электрон таълим захиралари воситасидан ўз вақтида фойдаланиш ва унинг технологияларини қўллаш ҳамда самарали ўқитишдан иборатдир.

Электрон таълим захиралари воситасини мукамал яратиш ва таълим бериш жараёнига қўллаш, педагогик адабиётлардан ўз ўрнида фойдаланиш жараёни, компьютерли ўқитиш технологияси деб юритилади. Билим беришнинг компьютерли ўқитиш технологиясининг асосий хусусиятлари ва афзаллик жиҳатларига қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин:

- ушбу технология таълим олувчининг мустақил фикрлаши ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилади;
- ўқитувчи таълим жараёнида маслаҳатчи сифатида иштирок этади ва назоратни таъминлайди;
- ўқитиш жараёнида соҳа бўйича ахборот воситалари ва захираларидан фаол интеграцияси таъминланади;
- талабаларнинг ўқишга қизиқиши ортади;
- таълим олишнинг қулайлиги ва натижавийлиги ошади;
- таълим олувчининг мустақил ишлаш ва изланиш малакалари шаклланади.

Бизга маълумки компьютерли ўқитиш технологияси ҳамма вақт ҳам самарали натижа беради деб айта олмаймиз. Электрон ўқитиш тизимида салбий жиҳатларини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, талабалар фанлар бўйича билимни мустаҳкам эгаллашларини таъминлай олмайди, иккинчи томондан компьютерли машғулотлар таълим олувчиларнинг асаби бузилишини келтириб чиқаради ҳамда кўриш қобилиятининг пасайишига олиб келади. Шундай экан ўқитувчиларни сифатли тайёрлаш йўли орқали талабаларни замонавий ўқитиш воситаларидан самарали қўллашда тизимли ёндашувни таъминлаш ҳамда таълим олувчи ёшларни «виртуал» кўринишдаги ахборотларни ўзлаштиришларига шароит яратиб бериш, кўникма ва малакаларини ошириб боришни таъминлаш лозим.

Компьютерли ўқитиш технологиясини жорий этишда асосан электрон дарсликлар ва электрон шаклдаги ўқув -услугий мажмуалар ҳамда вертуал лабораториялардан фойдаланилади. Электрон дарсликлар махсус фаннинг мазмуни ва моҳиятига диққатни жалб этган ҳолда кўп сондаги маълумотларни қараб чиқиш ва кўпроқ амалий машғулотларни бажаришга

имкон яратади. Мураккаб ҳисоблашлар ва алмаштиришлардан халос этади. Ўрганишнинг барча босқичларида ўз-ўзини текшириб кўриш учун кенг имкониятлар яратади. Электрон дарслик талабаларни билим олишларида чекланмаган тушунтиришларни таъминлайди, фан бўйича такрорлашларга имкон яратади, эслатишларни тақдим этган ҳолда бажаради.

Олий ўқув юртларида махсус фанларни электрон дарсликлар воситасида ўқитишнинг баъзи бир ташкилий жиҳатларини келтириб ўтиш мумкин:

- бугунги кунда Олий ўқув юртларида бутун ўқув семестри давомида компьютер синфларида машғулотлар ўтказиб бўлмаганлиги сабабли, таълим олувчиларни компьютер синфларида дарс ўтишларини камида ҳафта давомида 3-4 машғулот иштирокларини таъминлаш;
- ҳар бир машғулот тармоқ стандарти талабларига тўлиқ жавоб бериши;
- махсус фан дастурларига мос ҳолда услубий ишланмалар билан компьютер синфида ёки оддий аудиторияда ўтказилишини таъминлаш;
- фан бўйича етарли электрон ўқув адабиётлари билан таъминланган бўлиши талаб этилади.

Юқоридаги ташкилий жиҳатларни таъминланиши электрон дарслик воситасида ўқитишда қуйидаги қулай имкониятлар яратилади:

- компьютерли қўллаб-қувватлашлардан фойдаланган ҳолда, таълим олувчилар катта миқдордаги топшириқларни бажаришга улгурадилар, ечимлар ва уларнинг график талқинини таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақтни тежайдилар;
- компьютер олдида мустақил иш шаклида машғулот ўтказиш имконини беради;
- таълим олувчилар билими тез ва самарали назоратдан ўтказилади.
- ўқитувчига назарий ва амалий машғулотларда ўзининг хоҳиши бўйича ҳажм жиҳатидан кичик, аммо таркиби бўйича ўта муҳим бўлган материалларни етказишга, таълим олувчиларнинг аудитория машғулотлари доирасидан ташқари ўрганиш мумкин бўлган масалаларни ечишда мустақил шуғулланишларига шароит яратилади;
- ўқитувчини уй топшириқлари, турли ҳисоблашлар ва назорат ишларини текширишдек машаққатли меҳнатдан озод этади;
- таълим олувчи билан, айниқса, уй топшириқлари ва назорат ишлари қисмига оид ишлашни индивидуаллаштириш мумкин.

Шундай экан электрон дарсликлар воситасида ўқитишда ахборот ва ўргатувчи технологияларни қўллаш, электрон захиралар воситасида ўқитиш жараёнининг самарали ташкил этилиши ўқув мақсадларига эришишни таъминлайди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, агар ўқитиш жараёни яхши ташкил этилмаса, илғор педагогик ва ахборот технологиялари ҳам етарлича самара бермайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки мутахассисларни тайёрлаш тизимини замон талаблари даражасида қайта ташкил этиш мақсадида таълимнинг ҳалқаро андозаларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият

касб этмоқда. Чунки, дунёнинг ривожланган ва бозор иқтисодиёти амал қилаётган мамлакатларнинг деярли барчаси янги механизмнинг кескин ўзгаришларига мослаша оладиган ва ҳар қандай шароитда рақобатлаша оладиган қурувчи мутахассисларни тайёрлаш борасида мамлакатимиз замонавий таълим тизимига эгадирлар.

Жамият тараққиёти даражаси, ахборотларни ҳаддан ташқари кўплиги, жамиятдаги таркибий ўзгаришлар, умуман олганда ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатадики, ёшларни етук, вазиятни тезда англай оладиган, айти шу вазият учун тўғри қарор қабул қила оладиган малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш учун фақат анъанавий услубларга таяниб дарс ўтиш етарли эмас ва электрон таълим тизимини кенг қўламда жалб қилиш ҳар томонлама таълимнинг сифатининг ошишига ва ривожланишига кўмаклашади.

Ҳозирги пайтда тайёр билимларни ўзлаштириш асосий мақсад бўлмай, энг асосийси талаба-ёшларларнинг интеллектуал қобилиятини ривожлантириш, мустақил танлаш ва қарор қабул қилиш кўникмасини ҳосил қилиш объектив заруриятга айланди.

### **Минтақавий автомобиль йўлларнинг ҳолатини яхшилаш ободонлаштириш ва замонавийлаштириш.**

*Катта ўқитувчи Элмуродов Б.Э., ШТХ ва АЙ йўналиши магистри  
Ахмедов Н.Т.*

Ўзбекистон Президентининг ПҚ-2775-сонли **қарори** билан қабул қилинган, 2017—2018 йилларда минтақавий автомобиль йўлларини ривожлантириш дастури тасдиқланди. Қарор шарҳида баён этилишича, қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллардаги автомобиль йўлларининг аксарият қисми белгиланган сифат ва хавфсиз ҳаракатланиш талабларига жавоб бермайди[1].

Қабул қилинган дастурга мувофиқ, 2017—2018 йилларда 5 454 километр, жумладан, 2017 йилда 2 700 километр, 2018 йилда эса 2 754 километр хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини капитал ва жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Хусусан, Самарқанд вилояти бўйича-479 километр йўллар ва кўчаларни таъмирлаш назарда тутилган. Бундан ташқари, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқ ва овулларнинг кўчаларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун минтақавий йўлларни таъмирлашга ихтисослаштирилган ташкилотларни 330 та йўл техникаси билан таъминланиши кўзда тутилган[2].

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 14 февраль куни «Йўл хўжалигини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолаган эди. Ушбу юқорида қайд этилган маълумотлар асосида йўлларнинг ҳолатини яхшилаш ва замонавийлаштириш мақсадида ўз тавсияларимизни бериб ўтишни лозим топдик.

Бизга маълумки инсонлар учун энг асосий хизмат қиладиган сохалардан бири, автомобил йўлларининг ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш, йўл атрофини кўкаламзорлаштириш ва техник хизмат кўрсатиш шахобчаларини барпо этиш ҳамда йўловчиларга майиший хизмат кўрсатиш биноларини қуриш, автомабиллар учун тўхташ жойларини барпо этиш жараёнида йўлларининг сифатини яхшилашдан иборатлиги, йўловчиларни эркин ҳаракатланишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш барчамизнинг олдимизда турган асосий муаммолардан биридир. Шундай экан яратилаётган барча шароитлар ватанимизни равнақи ва инсонларни эҳтиёжларини қондиршга йўналтирилган бўлиб, ушбу мақоламизнинг асосий мақсади ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга қаратилгандир.

Ахоли яшаш пунктларида яқин йўлларни, масалан: 10 километр масофа-даги жойни МЧЖ (масъулияти чекланган жамият) йўл қурилиш ташкилот-ларига бириктириш ҳамда уларнинг ҳолатини назорат қилиш ва яхшилаш, ободонлаштириш, йўл атрофини кўкаламзорлаштириш, ёритиш чироқларини ўрнатиш, пиёдалар йўлакларини қуриш, пиёдаларни равон ҳаракатланишларини тامينлаш, автомабилларнинг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслигини тامينлаш муҳим аҳамият касб этади. Демак йўл атрофига қурилган маиший техник хизмат кўрсатиш шахобчалар, овқатланиш бинолари ва дам олиш масканларини ҳамда машиналар турар жойи билан тامينлаш ва ҳолатини яхшилаш ушбу мақолада ўз аксини топган.

Белгиланган масофадаги автомабил йўлида қурилган хизмат кўрсатиш шахобчаларидан тушган маблағларни МЧЖга бириктирилган масофадаги йўлларни тамирлаш ҳамда ободонлаштириш ишларига йўналтириш ишлари тўғри йўлга қўйилса, йўлларнинг ҳолати замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва йўловчиларни хожатини чиқариш учун қўйилган ижобий қадам десак асло муболаға бўлмайди. Ушбу жараёни амалга ошириш учун замонавий технологияларни қўллаш орқали амалга оширилса сифатли хизматни йўлга қўйиш мумкин. Бунинг учун биз бириктирилган масофани марказий автоматлаштириш, кузатув камераларини ўрнатиш, замонавий ахборот технологияларини қўллаш, МЧЖга бриктирилган масофадаги йўл транспорт ходисаларини олдини олишда ижобий натижаларни келтириш учун қулай имконият яратади .



Таъмир талаб йўллар. (1-расм)



Таъмир талаб йўллари кейинги босқичдаги ҳолатини кўриниши.



Таъмирлаш босқичи.(2-расм)

Йўл назоратини ўрнатиш ва автоматлаштириш.  
(3-расм)

Таъмирлангандан кейинги йўлнинг ҳолати(4-расм)



Йўлнинг ҳолати талаб даражасига келтирилгандан кейин, замонавий технологиялардан ва телекоммуникация воситаларидан фойдаланган ҳолда назорат босқичларини марказлаштириш ҳамда автоматлаштиришдан иборат.

Йўлнинг ҳолатини назорат қилиш, телекоммуникация воситаларини жорий қилиш, йўлларда ёритиш чироқларини ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш шахобчаларини фаолиятини назоратини автоматлаштириш жараёни амалга ошириш лозим.

Шундай экан, хулосада шуни айтишимиз мумкинки, мустақил Ўзбекистонимиздаги минтақавий автомобил йўлларини ва пиёдалар ҳаракатланишлари учун йўлакларни замонавийлаштириш ва автоматлаштириш жараёнларини МЧЖ ташкилотларга бириктириш, ундан тушган маблағларни ободонлаштириш ишларига йўналтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Оила – жамиятнинг энг кичик бўғини сифатида**

*Муҳаммадиев А., СамДАҚИ ўқитувчиси.*

*Орифов О., 201 кт (БИК) талабаси*

Оила - ижтимоий, табиий омиллар асосида шаклланган кичик жамоа сифатида икки жинсга мансуб бўлган шахслар ўртасидаги муносабатларнинг бирга ҳаёт қуриб насл колдириш, фақат фарзандни дунёга келтириш эмас, балки уларни маънавий ва жисмоний камол топдириб, ҳаётга мустақил қадам қўйишига шароит яратишдир.

Оилани бошқариш жамият ҳаётини бошқаришнинг оила аъзолари ўртасидаги яқинлик, ишонч, ҳурмат, самимийлик, бурч, талабчанликдан ёшларнинг ички шаклланишига таъсир этадиган муҳим омиллардандир. Жамият ривожланган сари маънавий омилларнинг ижтимоий тараққиётдаги аҳамияти ортгани сари оиладаги тарбияга эътибор ҳам кучайиб боради.

Қарзи бўлмаган киши холису софдир; бир кишининг гўзал ишлари бор деб таъкидланса, бу сўз унга нисбатан камчиликдир ( яъни шуҳрат бани одам учун офатдир).

Тилингдан чиққан садақа (яъни панду насиҳатинг ва мавъизаю хасананг) баъзан кўлингдан (мол-дунёнгдан) чиққан садақангдан кўра хайрлироқдир.

Кўпинча вақтида ишлатилган ҳийлаю тадбиркорлик кучи курқувдан голиб келур.

Кўп вақтда зиёдалиқ, ортиқлик зиён келтиради. Масалан, бир кўлда олтига бармоқ бўлса бу ортиқлик бўлмай, камчилик (нуқсон) ҳисобланади.

Ловиллаб ёнаётган оловни сув ўчиргани каби нодон одамлардан чиқаётган алангани ҳақиму оқил одамлар сўндирадидлар.

Қуёш нурларини биркитиб бўлмаганидек, ҳақиқатнинг чироқларини ҳам сўндириб бўлмас.

Ҳунарманду косиблар кўпдир, бироқ моҳиру қобилиятлилари оздир(яъни уста кўпу, устаси оздир).

Ёмон норасо эътиқод билан қилинган эзгу иш – сароб куч каби ҳеч қанақа фойда бермайди.

Дехқончилик қилиб зироат экиш фойдаю хайр барака бирла муштаракдир, ўз халқини беҳад кўп хайр – баракага буркайдир.

Бир лаҳза назар билан ишқал ишлар тўғри бўлур, бош бармоқ калта бўлишига қарамай бутун кўлни боғлаб туради.

Кўп ортиқча сўзлашув эшитувчини ранжитади.

Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган одамни (кимсани) таълим-тарбия ва қийнаш ҳам тўғрилаши амримаҳол.

Тилию дили тўғри ва ҳақгуй бўлган одамнинг хатою нуқсони кам бўлур.

Ўз ваъдасида турмаганда турли-туман важ-қарсонлар кўрсатувчи кимса, ҳеч қачон мард ва ҳимматли инсон бўлолмайди.

Ҳақиқат ва адолат билан тўғри сиёсат юргизмаган ҳар бир раҳбар ва бошлиқ қаттиқ азоб-уқибат ва балога гирифтор бўлур.

Аз Замахшарийнинг бу каби фикрлари жуда кўп бўлиб, бу каби ҳикматлар унинг бошқа асарларида ҳам ўз ифодасини топган.



Бевосида тарбиявий ўғитларига бағишланган, туркий тилда ёзилган панднома сўнги асрларда янада кенг тараккий эта бошлаган. Ўз даврининг туркий тилига хос хусусиятларни сақлаган дастлабки ёзма манбалардан Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат - ул ҳақойиқ” асарлари бизгача етиб келган. Ушбу асарлар ёш авлод тарбиясида асосий дастур сифатида асрлар оша қўлланилиб келинган.

#### А д а б и ё т л а р р ў й х а т и

1. Қобуснома. Нашрга тайёрловчи С.Долимов, «Ўқитувчи», Тошкент. 1968.
2. Қадимий ҳикматлар, тузувчи Н. Рахмонов, Тошкент 1987.
3. Абулқосим Махмуд аз – Замахшарий, Нозик иборалар, Шарҳлар муаллиф ва таржимон У.Уватов, нашрга тайёрловчи А.Дилмуродов, «Камалак» Тошкент 1991.
4. Махмуд Кошгарий Девони луғатит турк. Ўзбек тилида нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи С.М.Муталлибов, Тошкент, 1963.

### **Буюк ипак йўлининг халқаро аҳамияти.**

*1-босқич магистранти Ҳайдаров Ш.З,  
илмий раҳбар ката ўқитувчи А.Э.Зиётова*

Инсоният олами таракқиётида ғоят юксак ўрин тутган буюк ипак йўли – дунёнинг ҳар икки томонини ўзаро ва ҳар томонлама узвий боғлаган. Жаҳон тарихида у буюк саёҳат ва буюк савдо йўли сифатида ҳам машҳур. Буюк ипак йўли қадимий цивилизация эришган ажойиб ютуқлардан биридир.

Буюк ипак йўли номини олғунига қадар бу йўл тарихда «Ғарбий меридианал йўл», «дунёнинг икки бурчини туташтирувчи йўл» ва ҳақозо номлар билан юритиб келинган. Фақатгина, XIX асрнинг охирлари, яъни 1877- йилда немис олими Фердинанд Паул Вилгелм Рихтгофен ўзининг «Хитой» деб номланган китобида илк бор «ипак йўли» - «Сеиденстрассен» атамасини қўллаган. Чунки, бу йўл орқали ривожланган савдода ҳар хил матолар, буюмлар ва маҳсулотлар орасида ипак энг муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Бутун Шарқни кесиб ўтган бу йўл Япон оролларида бошланиб, Ўрта ер денгизига қараб чўзилиб кетган. Унинг узунлиги 12 минг километрдан зиёддир. Бу жуда узун масофадаги йўл бугунгидай поездларда, машиналарда, самалётларда босиб ўтилмаган. У вақтларда асосий улов – туя, от, хачир ва ҳақозолар эди. Одамлар асосан пиёда йўл юрганлар. Бу масофа ўша даврнинг ҳисобида ва назарида ниҳоятда олис бўлган. Буюк ипак йўли эрамиздан аввалги II асрнинг охириги ўн йиллигида ҳаракатга кирган. Бу ҳақда тарихчи олим Аҳмад Ўразалиев ўзининг Марказий Осиё маданияти номли китобида қуйидаги маълумотларни келтирган: Хитой шоҳаншоҳи У-ди топшириғига биноан, Ўрта Осиёга юборилган элчи ва сайёҳ Чжан Сян Буюк ипак йўлини ўргангани ва бу тўғрида ўз таснифини беради. Буюк Ипак йўли Хитойдаги Хуанхе дарёсининг ўрта оқимида жойлашган Сиан шаҳридан бошланиб, Ланчжоу орқали Дунхуанга келган. Бу ерда йўл иккига айрилган: биринчиси – Шимолий Ғарбий Буюк Ипак йўли – Турфон-Тарим воҳаси, Қашқар,

Фарғона орқали ўтиб, Самарқандгача келган. Бу ерда Буюк ипак йўли яна иккига бўлиниб, бири-Марв, Ниса (Туркменистоннинг жанубида жойлашган шаҳар, ҳозир фақат харобалари ўрганилмоқда), Ҳамадон, Бағдод ва Миср орқали Ўрта ер денгизигача етиб борган. Иккинчиси – Бухоро ва Хоразмга йўналган ва Хоразмда иккига бўлинган: бири Оролнинг шарқидан жанубий Ўрол орқали Сақлаб юртига (Россияга) ва Сабар (Сибир) турклари юртига борган. Хоразмда давом этган иккинчи йўл Манғишлоқ, Ҳазар (Каспий) денгизи шимолий-шарқи орқали Кавказ, Итил (русчасига Волга), Булғория (Татаристоннинг ески номи), Қрим, Қора денгиз йўли билан Европага борган.

Жанубий-ғарбий Буюк Ипак йўли – Хўтан, Ёркент, Помир, Тяншан (Тангритоғ) тизмалари орқали ўтиб Бақтриянинг пойтахти Зариаспа (Балх)га борган. Балхда жанубий йўл иккига ажралиб, бири Ҳиндистонга, иккинчиси ғарбга йўналган ва Марвда шимолий йўл билан туташган. Марвдан Буюк Ипак йўли Парфиянинг пойтахти Ниса, Эроннинг Гекатомпил, Апалия ва Экбатания (Ҳамадон) шаҳарлари орқали Месопотамияга чиқиб, у ердан Дамашқгача борган, Қуддус ва Мисрга йўналган.

Буюк Ипак йўли орқали турли туман жиҳоз ва буюмлар савдо қилинган. Аммо, йўлнинг номида «ипак» сўзининг борлиги Буюк ипак йўлининг асосий аҳамияти нимадан иборат эканлигига ишора қилади. Ғарбни мафтун қилган нарсаси ипак еди, Ғарб ипакни билмасди, ипак қуртини, уни парваришласи, ипакни пилладан олиши, қуртни нима билан боқиши каби нарсалар ғарб кишиларига номаълум эди. Хитой ва аждодларимиз Моварауннаҳр усталари ипакдан турли гулли матолар тайёрлашда ҳам, жаҳоннинг бошқа мамлакатларидан олдинда бўлиб, Европаликларни лол қолдирганлар. Мутахассисларнинг ёзишларига қараганда, ипак мато ўрами ўтган замонларда, ҳали метал пул бирлиги қарор топмаган даврда, пул вазифасини ҳам бажарган.

Шарқ мамлакатларидан Ҳиндистон, Хитой, Ўзбекистон, Шри-Ланка, Японияда буюк ипак йўли тарихи билан шуғулланувчи махсус илмий марказлар барпо этилди. Жумладан: Япониянинг Камакура шаҳрида очилган Хирояма институти – «Буюк ипак йўли археологияси ва санъати» номли нуфузли йиллик алманахнинг қарийб бешта сонини нашр этди. БМТ ва ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, Самарқандда ҳам шу сингари Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти иш бошлади. Унинг иши лойиҳаларидан бири шаҳарлар ва Буюк ипак йўли йўналишлари тарихини ўрганишни асос эттиради. Илмий ва маданий дастурлар – Буюк ипак йўли тарихини изчил ўрганишга, унинг уйғониши ва қайтадан тикланишига хизмат қилади. Минтақаларо буюк темир йўл Европа мамлакатларини Узоқ Шарқ билан боғлашга қаратилган бўлиб, 1997- йил майида унинг – Машҳад, Сарахс, ёки Сарахс-Машҳад қисми ишга туширилди. Натижада, Марказий Осиё мамлакатлари Форс кўрфазига, Европа мамлакатлари ўз навбатида Осиёга чиқиши имкониятига эга бўлишди. Ўзбекистон ва Хитой орасида қурилган темир йўл – Буюк ипак йўлининг тўлиқ тикланишига асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шахсий ташаббуси ва қўллаб қувватлаши туфайли халқ амалий санъати, туризм, маънавият, маданият, миллий меросимиз, анъаналиримизни тиклаш борасида

фаол ишлар амалга оширилмоқда. Буюк ипак йўлини халқаро ҳамкорлик ва дўстлик йўлига айлантириш, мамлакатимизни эса туризм ривож топган мамлакатларнинг гавҳари даражасига кўтариш президентимизнинг асосий даъватидир. Тошкентнинг шарққа томон йўналган йўлларида бири бежиз – «Буюк ипак йўли» деб номланмаган.

Буюк ипак йўли тарихига қизиқиш кучайиб, бу соҳада илмий конференциялар, семинарлар ўтказилди, ҳамкорликда халқаро экспедициялар иш олиб борди. Кинофильмлар яратилди, янги китоблар, рисолалар ва мақолалар нашр этилди, айрим археологик ва меъморчилик ёдгорликлари тикланди.

### **Диний ва дунёвий илм маънавий баркамоллик белгиси.**

*СамДҚИ. Катта ўқитувчи А.Э.Зиётова*

*СамДАҚИ 104 АЙ ва А талабаси Р. Ҳамдамов*

Бугун тараққиёт йўлидан изчил боришимизда, эзгу мақсадларни амалга оширишда замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган имон-эътиқодли ёшларни шакллантириш давлат сиёсатида асосий вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги даврда ёшларнинг динга бўлган муносабатлари турлича эканлиги ва мустақил қарашлари борлиги яхши, аммо уларни айрим ҳолларда баъзи бир диний ақидаларга мойил бўлган гуруҳларга қўшилиб қолиб чалғиётганлиги ҳам сир эмас. Бундай гуруҳларнинг олдига қўйган асосий вазифаси эса ислом дини нуқоби остида сиёсий кураш, ёшларимизнинг шу билан бирга бутун омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш, бузғунчи ақидалардан қурол сифатида фойдаланишдир. Бу гуруҳлар ортида ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар мавжуд.

Дунёда бирон дин йўқки, унда инсоният саодати мақсад қилиб олинмаган бўлса. Аксинча, радикал диний оқимлар ва уларнинг кичик гуруҳлари ҳам, бугун инсоният хотиржамлиги, тинчлиги йўлига ғов бўлибгина қолмасдан ҳатто талофат ва ташвишлар келтираётгани, бугун ҳам уларни тегирмонига сув қуювчилар мавжудлигидан, уларга эргашаётганлар топилаётганлигидан далолатдир.

Чоризм мустамлакачилиги даврида динни камситиш, имомлар (ислом мураббийлари) ни йўқотиш ва омон қолганларини бўйсундириш учун энг кескин чораларни кўрган эди. Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизгин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб имомлари таъқиб қилинди. Дастлаб минглаб масжидлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди. Бу обидаларнинг кўпчилиги халқимиз учун, инсоният цивилизацияси учун бебаҳо меъморий ва тарихий қадрият ҳисобланар эди. Исломий маърифат таъқиқлаб қўйилган бу даврда, чин маънодаги билимдон ислом мураббийлари йўқ қилинди. Натижада, жаҳолатпараст удумлар ривож топди, “чала муллалар” ҳозирги кунда, аксарият ҳолларда олий ҳақиқатни фақат уларгина билишларини, одамларни тақдирини ҳал этиш ҳуқуқини даъво қилиб чиқдилар ва бунга одамларни ҳам жалб этишга ҳамон уринмоқдалар. Уларнинг бу сўзларига аксарият ҳолларда

айрим ёшларимиз алданиб қолишларига асосий сабаб ҳам, уларнинг аввало оилада сўнг таълим муассасаларда етарлича билим олмаганлиги, ислом динининг туб моҳиятини билмаганликларидадир.

Бизнинг муқаддас динимиз ҳаққонийлиги ва бағрикенглиги, одамзоднинг доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадрият ва анъаналарни ажодлардан - авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан ва халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, рухий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди.

Шу билан бирга ислом дини, унга эътиқод қилувчиларни илм олишга, маърифатли бўлишга даъват этади. Илк ваҳий ҳам “Ўқи!” деган амр бўлганлиги бунинг яққол исботидир. “Илм” сўзи Қуръони каримнинг саккиз юз ўн бир жойида турли маънолари билан келганлиги айни ҳақиқат.

IX—XII асрларда ғарбда аҳолининг тўқсон беш фоизи саводсиз бўлганлиги, ҳатто диний уламолар ҳам ўқишни, қўлларига қалам тутиб ёзишни билмаган бир вақтда мусулмон ўлкалардан диний ва дунёвий барча фанларнинг илғорлари етишиб чиқди ва анча муддат “Араб цивилизацияси” номи билан аталиб келинди. Шу даврда мусулмон оламида илмнинг турли соҳаларида саксон олти мингга яқин йирик олимлар иш олиб борганлиги, биз бебаҳо ҳисоблаган, маънавий мерос ва мулк эгаси эканлигимизнинг исботидир.<sup>15</sup>

### **Миллий қадриятларнинг ёшлар онгига сингдиришнинг ўзига хос воситалари ва аҳамияти**

*Муҳаммадиев А., СамДАҚИ ўқитувчиси  
Қаршиев М 203 ҚМБ ва КИЧ талабаси*

Жамият тараққиётида ёшларимизнинг манфаатларини тўлиқ таъминлашга йўналтирилган, уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлашга хизмат қиладиган ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ҳамда ғоявий-мафкуравий тадбирлар тизимли тарзда амалга оширилмоқда.

Қадриятнинг кундалик ҳаётдаги маъноси кишилар ўртасидаги мулоқотларда, оммавий ахборот воситаларининг хабарларида ўзига хостарзда намоён бўлмоқда. Кундалик ҳаётда, кўпчилик назарида нарсалар (масалан, қимматбаҳо буюмлар, тақинчокдар), табиат ҳодисалари, ижтимоий воқеалар, жамиятдаги талаблар, орзу-умидлар, анъана ва маросимлар, маданий бойликлар ва бошқалар қадрият сифатида тушунилади. Бундан ташқари, одамлар ўзлари ишониб, гоҳида интилиб, қизиқиб ёки орзу қилиб яшайдиган мақсад, орзу ёки идеалларга ҳам “қадрият” тушунчасини қўллайдилар. Хуллас, кундалик ҳаётда кўпчилик томонидан қўлланиладиган “қадрият” ибораси одамлар учун бирор зарур аҳамият касб этадиган объект, нарса, ҳодиса ва бошқаларга нисбатан ишлатилади. Табиат ва маданият буюмларининг инсон эҳтиёжини қондириши ва унинг мақсадларига хизмат

<sup>15</sup>“Ҳидоят”. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг диний-маърифий, илмий-адабий нашри 2008.5-нашри

қилиши таъкидланганида, асосан, уларнинг фойдаси, қиммати назарда тутилади. Ҳақиқатан ҳам, буюмларнинг иқтисодий қиммати кишилар учун катта аҳамият касб этади. Аммо буюмнинг кадри ҳисобга олинмаса, масаланинг аксиологик жиҳати очилмайди. «Қадрият» категорияси буюм ёки нарсаларнинг иқтисодий қимматини ифодалайдиган тушунчадан фарқ қилади.

Амалий ишлар доирасида ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсир ва оқимларга қарши тура оладиган, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳам ўзининг самарасини бераяпти. Инсон онги ва қалби учун қаттиқ кураш кетаётган бир даврда бундай масалаларга эътибор берилиши бежиз эмас, албатта. Ёшларни, хусусан, вояга етмаганларни ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидлардан асраш – юксак маънавиятли авлодни тарбиялашнинг муҳим омилдир.

Бир қарашда қадриятларнинг шакллари сон-саноксиз ва ниҳоятда тартибсизга ўхшаб кўринади. Аслида эса башарият, олам, табиат ва жамиятда ажабтовур уйғунлик мавжуд. Қадрият шакллари ҳам уларга мос равишда ана шундай уйғунликда, қонуний боғланишда, умумий алоқадорликдадир. Бундай ҳолатда уларнинг классификациясида табиат ва жамиятдаги нарса, воқеа, ҳодиса, жараёнлар муайян кўламда, қадрият шакллари эса улар билан боғлиқ Ҳар бир миллат ўзининг тили, урф-одати, анъанаси, маданияти, тарихи билан миллат ҳисобланади. Биз қандай етук, баркамол инсон бўламизки, ўзимизнинг миллий урф-одатимизни билмасак, унга риоя қилмасак, ундан ҳаётимизда, болаларимиз тарбиясида фойдаланмасак! Ўзининг миллий урф-одатини билмаган кишини баркамол одам деб бўлмайди.

Қадрлашни такомиллаштириш, ўз қадрини қамолик тамойиллари етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва унда содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Ушбу маънода, Сукротнинг “Ўз-ўзингни англа!” шиори ғоят катта аҳамият касб этади.

Шахснинг кадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий, тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс қадрини шакллантириб, сайқаллаб боради, унинг ўзи эса ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлигини чуқурроқ англаб олиш томон боради. Қадриятлар ёшларга ҳаёт мазмунини чуқурроқ тушуниш, жамият қонун-қоидаларидан тўғри фойдаланиш, ўзларининг хатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради. Ҳозирги даврда талаба ва ўқувчиларга қадрлаш ва қадрсизланиш жараёнларининг моҳиятини англаштириш, мустақиллик эълон қилган қадриятларнинг аҳамиятини тўғри тушуштиришга эришиш ниҳоятда долзарб масаладир.

## **Ҳожа Ҳофиз Меросий ҳазратларининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида мулоҳазалар.**

*“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси Адолат Зиётова.*

“Агарки қайсидир мамлакатда бир янги кашфиёт қилинибди, ноёб мутафаккир пайдо бўлибди, деб айтса, билиб қўйинглар, ўша ерда қадимий анъана, илмий мактаб бор. Илмнинг, ижоднинг замини бор жой албатта вақти келиб улуғ олимларни етиштириб беради. Бу, ўз навбатида, одамда миллий ғурур ҳиссини уйғотади”, деган эди биринчи президентимиз И.А.Каримов.

Ушбу ҳақиқатни ўз фаолиятида тўлиқ акс эттираётган Президентимиз Ш.М.Мирзиёев, -“Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларида намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидир. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан-авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устивор йўналишларидан биридир”,-деб таъкидлайди.

Ушбу мақоламиз қаҳрамони, Ҳожа Ҳофиз Меросий Ҳазратларининг яшаб ўтган XV аср иккинчи ярми, XVI аср бошларида Марказий Осиёда мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятлар юз бериб темурийлар салтанати парокандага учраб, янги сулола – Шайбонийлар салтанати қарор топган давр ҳисобланади.

Ҳожа Ҳофиз Меросий Ҳазратлари учун янги салтанат сиёсати муҳитига мослашиш оғир кечади. Чунки, ислом динига мансуб, тасаввуф таълимотини мукамал билган, ислом динининг инсопарварлик ғоясига яхши тушунган, диний арбоб, алломалик даражасига етган шахснинг ҳукмдорликка интилиб, темурийлар салтанатини қирғин барот қилиб, темурийзодаларни деярли қириб ташлаб, узлуксиз даҳшатли урушлар олиб бориб, қон тўкиб ҳокимиятга эгалик қилган Шайбонийхондек “алломанинг” сиёсий ва диний фаолиятига мослашиш ниҳоятда оғир эди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бундай мураккаб вазиятига мослашиш Ҳожа Ҳофиз Меросий ҳазратлари учун ниҳоятда мураккаб, чигал ва зиддиятли вазиятни вужудга келтиради. Чунки, Шайбонийхон қайси вилоят, шаҳар ва ҳудудларни босиб олмасин, нафақат қаршилиқ кўрсатган кучларни, ҳатто диний арбоблар, имом ва шайхларни ҳам аямаганлиги, ҳатто, буюк ва улуғ авлиё даражасига етган Ҳожа Ахрори Валининг фарзанди Ҳожа Яхъё Ҳазратларини ҳам ўлдиртириб юбориши, Ҳожа Ҳофиз Меросий ҳазратлари қалбига ёмон таъсир этади.

Ҳожа Ҳофиз Меросий ҳазратларини руҳан қийнаганр сиёсий воқеалардан яна бири, ислом дини бирлиги, яхлитлигига, ислом мазҳаблари ўртасида, асосан, шиа мазҳабида бўлган Эрон подшоси Исмоил Сафавийнинг ислом дини сунний масҳабига мансуб Шайбонийхон билан бўлган икки ўртадаги даҳшатли уруш ҳаракатлари эди.<sup>16</sup>

<sup>16</sup>Қаранг. Ўзбекистон ҳақлари тарихи (рус тилида) “Фан”, Тошкент, 1993, 13-17 бетлар; Шакар Аҳадов “Аждодлар шажараси”, Самарқанд, 2006, 102-105 бетлар.

Бу даҳшатли уруш давлатлараро эмас, балки ислом таркибидаги масхаблараро – шиа ва сунний масхабидаги мамлакатлараро уруш эди,-десак хато бўлмайди. Бу салбий ҳолат Хожа Ҳофиз Меросий Ҳазратлари қалбига кучли таъсир этмай қолиши мумкин эмас эди.

Шу билан бир қаторда сунний мазхабига мансуб бўлган темурийзодларга қарши шу мазхабнинг вакили Шайбонийхоннинг олиб борган даҳшатли, қирғинбарот урушлари ислом ақидасига мутлақ зид бўлган. Ҳуқумдорликни эгаллаш учун, агар бу мақсад амалга ошмаса, ҳукмдорларни ўзинга қарат, агар бу режа ҳам амалга ошмаса, оддий, авом халқни қўлга олиб, ишонтириб, мулк, бойликка эга бўл,-деган реакцион ғояга, шайбонийларнинг амал қилиши ачинарли вазиятга юзага келтирган эди. Ҳатто Шайбонийхоннинг Самарқанд ҳукмдорининг онасига бўлган муносабати, Ҳирот ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг катта хотини Хадича Бегимга ва Музаффар Мирзонинг (Ҳусайн Бойқаронинг ўғли) хотини Қорасоч Бегимга бўлган шармандаларча муносабатлари, Бобур Мирзонинг туғишган опаси Хонзода Бегимга бўлган муносабатлари, ислом дини асосчиси Муҳаммад Пайғамбар (с.а.в)нинг – жаннат аёллар оёғи остидадур-деган мазмунли диний ислом ғоясига зид бўлган реакцион ҳаракатлар эмасми?

Ислом динига нисбатан бўлган бу ҳаракатлар нафақат Хожа Ҳофиз Меросий Ҳазратларини, балки ўша даврда ҳаёт бўлган тасаввуф таълимотининг йирик намоёндаларини, ҳатто “Улуғ Авлиё” Хожа Ахрори Валийни (руҳан), Махдуми Аъзам Ҳазратларини ва Худойдоди Вали Ҳазратларини ва бошқа диний ислом олиму-уламолари, фозилу-фуололари, ҳатто дунёвий таълимот арбобларини ҳам ҳайратда қолдирган, ислом диний эътиқодига нисбатан қўпол хатолар эди, десак тарихий ҳақиқатни эслатган бўламиз.

Шайбонийхон қисқа, тез вақт давомида сиёсий тарқоқликка, хўжалик парокандаликка, ижтимоий ва иқтисодий вайрончилиқка муфтало бўлган Мовароуннаҳр ва Хуросонни, Фарғона ва Ҳисорни, 1507 йилда Ҳиротни босиб олиб ўлкани – бутун Марказий Осиёни ўз салтанатига – диний-сиёсий теократик давлат тизими ҳукмронлигига бўйсундиради<sup>17</sup>.

Амир Темур томонидан қабул қилинган, темурийлар қатъий амал қилган, "куч адолатдадур" белигисини англатувчи уч халқа – “сиёсий куч қудрат, ижтимоий адолат, диний ҳақиқат”ни билдирувчи учта қудратли куч асосида жамиятни адолатли бошқариш симболи бўлган-давлат рамзи бекор қилиниб, диний-сиёсий теократик давлат тизими ўрнатилиб, ижтимоий адолат тамоман унитилади. Диний исломнинг инсонпарварлик мақсади, ислом илмий-назарий таълимоти бўлган тасаввуфни эса –мулк, амал, мансаб, бойлик, зўравонлик воситасига, тасаввуфнинг шарият таркибини – ҳукмрон бўлиб, қонунни тан олмай бойлик орттириш воситасига; тариқатни илму-фан ривожига эмас, куч ишлатиш, зўрлик-зўравонлик воситасига; маърифатни-зулмга, маданиятсизлик, ҳаёсизлик, бузғунчилик воситасига; ҳақиқатни ҳақ йўлига эмас –сохта башоратлик, васвасалик воситасига айлантиришга;

<sup>17</sup>Қаранг. “Ўзбекистон халқлари тарихи”(рус тилида), (История Узбекской ССР), Тошкент, “Фан”, 1974, 111-112 бетлар.

каландарликни –хўжалик шахсий ишига- гадолик, тиланчилик ва девоначиликка айлантиришга ҳаракат қилинади.

Шайбонийхон томонидан амалиётда қўлламоқчи бўлган маънавий-маърифий, диний ўзгаришлар ўша даврда ҳаёт бўлган кўплаб авлиё ва пирларни, таниқли олиму-уламоларни, шу жумладан Хожа Ҳофиз Меросий ҳазратларини ҳам оғир ва ташвишли ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлади.

Исломга ривож берган халқни бўлиб юбориб парокандаликка айлантириш ҳаракатининг нақадар ҳафлилигини билган, бу фалокатнинг олдини олишга ҳаракат қилиб, халқ бирлиги, диний ислом бирлигини сақлаб қолишга ҳаракат қилган аллома эди.

Хожа Ҳофиз Меросий Ҳазратлари юқорида таъкидланган сиёсий, тарихий маълумотлардан ташқари Мовароуннаҳр, Хуросонда яшаётган ўзбеклар билан Дашти Қипчоқ деб аталган-Дашт, саҳроларда, умуман, Шайбонийхон ҳукмронлиги остида яшаётган “кўчманчи” ўзбекларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволларини, турмуш тарзини жуда яхши билар, улар ўртасидаги катта фарқларни ҳам яхши тушунган йирик олим эди.

Хожа Ҳофиз Меросий ҳазратларининг ёшлик даврида олган илми ва билими қўлга киритган салоҳиятли обру эътибори, ислом дини бирлиги, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлашдаги хизматлари, ўзбек халқининг ҳам бирлигини, ўзаро ҳомийлиги ва дўстона ҳамкорлигини мустаҳкамлашда баҳоли-қудрат имконият яратишда, куч-қувват бағишлаган.

Юқорида таъкидлаганимиздек Хожа Ҳофиз Меросий ҳазратлари ўзбек халқининг бирлигини нафақат сақлаб қолиш, балки, Ислом динига бўлган ўзбек халқининг диний эътиқодини янада мустаҳкамлашда катта хизматлар кўрсатиб самарали илмий ва амалий фаолият олиб боради.

Бу даврда вояга етиб, таълим-тарбия олиб, диний ва дунёвий фанлардан юксак билимларга эга бўлган Хожа Ҳофиз Меросий ҳазратлари даражасига кўтарила олган турли соҳа кадрлари кўп бўлган. Машҳур ўзбек олими, академик М.М.Хайруллаев бу ҳақда шундай деб ёзади: “Бу давр жуда кўп машҳур давлат арбоблари, олимлар, қурувчилар, санъаткорлар, шоирлар кабиларни ярата олдики, уларнинг ҳар бирининг мероси, ижоди, исъёдодини маҳсус ва чуқур тадқиқ этиш мумкин”.<sup>18</sup>

Хожа Ҳофиз Меросий ҳазратлари диний ва дунёвий фанларнинг етук билимдони бўлган. Тасаввуф таълимотини мукамал эгаллаб, ўша давр улуғ авлиёлари Хўжа Ахрорий Валий рухий таъсирида, Маҳдуми Аъзам ҳазратлари етакчилик-устозлик тарбиясда ўзининг дастлабки амалий иш фаолиятини дастлаб Самарқанд шаҳрида бошлаган, кейинроқ эса Булунғур тумани ҳудудига қарашли ўша даврда машҳур бўлган Шероз қалъаси хонақо масжидида имомлик вазифасидан бошлаган эканлар.

Ислом дини бирлиги, яхлитлиги учун, ислом тасаввуфчилик таълимотининг илмий-назарий ва амалий моҳиятини халқимиз тафаккурига сингдириб, миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, аҳли жамоани нафақат ислом дини, балки, миллий давлатчилигимиз атрофида бирлаштириш учун бутун ҳаётини фаолиятини бахшида қилган, ўзининг

<sup>18</sup>М.М.Хайруллаев. «Ўрта Осиёда илк ўйғониш даври маданияти», Тошкент, “Фан”, 1994, 76-бет.



маънавий-маърифий ва маданий хислатларини ана шундай мураккаб шароитда тобора такомиллаштирган, тасаввуф таълимотининг маърифатли вакиларидан бири бўлган Хожа Ҳофиз Меросий ҳазратларининг ҳаётий фаолиятлари ўзбек халқи учун ибрат намунасидир.

Ҳожа Ҳофиз Меросий ҳазратларининг ҳаёт йўллари, маънавий-маърифий фазилатларидан тўлиқ баҳраманд бўлишни истаган азиз ўқувчига марҳум тарихчи олим Ш.Аҳадов ва катта ўқитувчи А.Зиётова томонидан ёзилиб, 2018 йил апрел ойида нашр этилган “Ҳожа Ҳофиз Меросий ҳазратларининг ҳаёти ва фаолияти”<sup>19</sup> номли илмий оммабоп китобни ўқишларини тавсия қиламиз.

## **Tarixiy sintaksisda ramka konstrukturasining buzilishini o'rganilishi**

*ABDURAXMANOV SIROJIDDIN MO'MINQULOVICH*

*Samarqand davlat arxitektura qurilish institute*

Nemis tilidagi an'anaviy sigmatik so'z tartibi birinchi o'rinda funksional qoidalarda kuzatiladi. Lekin qoidadan tashqari holatlar ham kuzatiladi, va ular mavjud qonun-qoidalarning funksiyalarini kuchaytirish imkoniyatiga ega. Bundan tashqari ko'pchilik til xodisalariga tayanib aytganda, ko'plab qoidadan bu holatlar bora-bora til normasiga aylanadi. Shuning uchun bugungi kunda bu holatlarni kuzatish juda qiziq. Ammo bunday kuzatishga o'tishdan oldin, shuni aytish keraki, kuzatuvchilarni o'zlari ramka konstruksiyasini buzish qoidalarini har xil sabablarga ko'ra tushuntiradilar. Aniq grammatik konstruksiyalarning ramkadan chiqishi nemis tilida to'g'ri tendensiyaga aylangan, grammatikshunos va stilistik tilshunos olimlar tomonidan nafaqat hozirgi kun nemis tiliga, balki tilning tarixiga ham kiritilgan. Bu xodisa faqatgina hozirgi kun adabiyotida kuzatilmagan, balki tadqiqotchilar buni bir qancha o'n yillar davomida kuzatganlar.

Ramka konstruksiyasining o'zi nemis tilining struktur xususiyatiga asosan 1930-yillarda aniqlangan, shunday qilib 1940-yillardan ramkali struktura tilining rivojlanishni yangi holati hisoblanmaydi. Ramkali konstruksiyadan ko'pchilik kechish hollari, birinchi o'rinda, tadqiqotchi zamonaviy nemis tili bilan tanishayotganida seziladi va ular grammatikaga bog'liq. Bosh gapda bu leksik birlik hisoblanib bo'laklarga, va fe'l va o'tli ramkani tashkil qiladi. Fe'l birinchi yoki ikkinchi o'rinni egallaydi, va ot gapning oxirida turadi. Bunday gaplarni tarjima qilish ramkali konstruksiyaning elementlarini talab qiladi.

In Gottes freier Natur wollen wir sie aussaufen (Suter M. Der Koch, S.209) Bu gaplarning maqsadi qarama-qarshi, ikkinchi holatda inkor ramkali konstruksiya yordami bilan tushirilib ketgan. Doch so tadellos der wagen nun innen auch war, -von sah er immer noch wüst aus (Suter .M. Der Koch, S.149)

Bunday gaplarda grammatik tahlil yordamida gaplar o'rtasida gap bo'laklarni aniqlab tarjimaga o'tish mumkin. Bularni qilishda nemis tilidagi grammatik va sintaktik qoidalardan chetlanish muhim. Gapning qayta tuzilishi nemis tilidan tarjima qilinganda ko'pchilik hollarda gapda so'z tarkibini

<sup>19</sup>Ш.Аҳадов, А.Зиётова. “Ҳожа Ҳофиз Меросий ҳазратларининг ҳаёти ва фаолияти” Тошкент, “Янги нашр”-2018. 158 бет.

butunlay ramkali konstruksiyadan o'zgarishini aniqlash muhim .Ramkadan tashqariga gap bo'laklarini chiqishi yoki "noto'liq" ramka bugungi kunda keng tarqalgan hisoblanadi.Tilshunoslikda "Ausklammerung" termini "Umklammerung" terminiga antonim sifatida kiritilgan va uning sinonimi "Einklammerung" hisoblanadi. Schmidt ramkasidan chiqarilgan elementlar soniga qarab "qisqartirilgan" yoki "potensial ramka" terminlarini ishlatadi.Agar ramkadan tashqarida bitta yoki bir necha gap bo'laklari chiqarilsa, bunday xolat "qisqartirilgan" ramka xisoblanadi, agar hamma gap bo'laklari chiqarilgan bo'lsa "potensial ramka" bo'ladi:

"Es wird verwiesen auf den Idealismus, der im Rahmen sich verbreitet, also". "Was ist bekannt über den Männel" [Steinhöfel.A. Die Mitte der Welt, S.41] (qisqartirilgan ramka). In den Fahrschulen sollte mehr auf Autobahnen und Landstraßen geübt werden als in der Stadt (Suter . M. Der Koch, S.107)

Oxirgi vaqtlarda tilshunoslar hozirgi nemis tilida noto'g'ri ramka ko'proq ishlatilishini aytishiyapti. "Bir qancha xolatlar normaga aylangan , boshqalari esa juda keng tarqalgan va ular ikkinchi darajali norma xisoblanishi mumkin" [Gulga , Hatanzon 2004:323]Ilmiy adabiyotlarning taxlil fikri bu xolatda, ramkali konstruksiyaning buzilishi qanchalik tarqalgani aniq emas . Bu sintaktik xolatga maxsus sintaktik va grammatik jihatdan e'tibor berish XX arsning 50-yillaridan boshlangan.

Birinchidan „Ausklammerung“ termini Duden-Grammatik lug'atida 1966-yil paydo bo'lgan. Bunday kuzatish yozma nutqda kuzatilgan va aniq natijalarni olishga qaratilgan.E.Benes, U. Goberg, R.Rat mashxur tilshunoslarning ishlari ramkali konstruksiyaning buzulishi muammosiga qaratilgan, ular bu xolatni tilning normasi sifatida ko'rishga harakat qilishgan.RK ning paydo bo'lishi bosqichida komponentlar o'rtasidagi munosabatning birinchi o'rinda sabotsizligi kuzatiladi.

Birinchi o'rinda bu fe'li ramkaga dahldor,fe'l gapning ichida erkinlik bilan joy almashtiradi. Bir qancha tilshunoslar ( P. von Polens, R,Rat va boshqalar) fikricha bu RK ning buzulishidir. Bizning fikrimizcha komponentlarning erkin joy almashishi gapning birinchi bo'lagiga bog'liq bo'lishi kerak.)Tarixiy nemis tili ikki belgi bilan ta'riflanadi: bir tomondan sintaksisning yozma nutqqa ta'siri va ramkaning og'zaki nutqqa rioya qilinishi, boshqa tomondan esa, ramkali konstruksiyaning buzulish usullarini har xilligi(Polenz: 190-191) V.G.Admoni o'z taqiqotlarida ramkadan chetlashishni XVI asrdagi bir qancha matnlarda ahamiyatli bo'lganligini keltirib o'tadi. U o'zining kuzatishlarida ramkali- neytral gaplarni chetga surib qo'yadi. Keyinchalik esa Admoni ishonch bilan shunday fikrni bildirib o'tadi:„ 16-asr nima bo'lishidan qa'ttiy nazar,ramkadan chiqishidagi elementlarning soni qisqartirilishi bilan emas, ularning soni o'sishi bilan mashxurdir”(Admoni 1966:140).Ramka tuzulishining kuchsizlanishiga faqat xalq og'zaki ijodi sabab bo'lgan bo'lishi mumkin degan fikr mavjud. Admoni bir qancha og'zaki shakllarning yozma tilga bo'lgan ta'sirini aytib o'tgan, lekin miqdorga oid ma'lumot buning teskarisini aytadi: „ xalq og'zaki tili bu vaqtda ramkali strukturaga bog'liqligi yo'q”( Admoni 1966:140)

Ramkani to'liq buzulishi ilmiy asarlarda kuzatiladi. Bundan tashqari ramkaning buzulishi keng ko'lamlı katta gaplar qo'llangan asarlarda kuzatiladi.

Boshqa faktlarga quyidagilar kiradi: emotsional-stilistik, stilistik-tematik, komponentlarning ramkadan keyin tuzulishi, yozuvchi tomonidan qo'shimcha kiritilgan komponentlar boshqa ma'noda kelsa. XVII asr ramka tuzulishda qoidalarni buzmaslik bilan ajralib turgan. Ko'pchilik matnlarda ramkani to'liq buzulish konstruksiyasi mavjud emas. Bunday an'ana XVII asrda ham rivojlanishda davom etgan. Og'zaki va yozma nutqda bu sintaktik qurulishning normalari bilan bog'liq. XVIII asrning birinchi boshi va o'rtasida adabiyotda ergash gaplar va qiyosiy konstruksiyalarning ko'pincha ramkadan tashqariga chiqishiga qaramay, RK chetlanishlar kam kuzatiladi.

Xulosa qilib aytganda, to'liq ramka o'zini ma'nosini asta-sekin yo'qotadi. „ Bunday konstruksiyadan XVIII asrdagi cheklanish sababi bu xis- tuyg'uning kuchayishini boshlanishi va yozma nutqni og'zaki nutqqa yaqinlashishi hisoblanadi.

### **Таълимдаги инновацион жараёнлар мазмуни ва йўналишлари**

*С.Қ. Абсобиров, Ё.Р. Буранов, У.Холбекова  
(Навоий давлат педагогика институти)*

Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги йўналиш - инновацион фаолиятни майдонга олиб чиқди. “Инновацион педагогика” термини ва унга хос бўлган тадқиқотлар XX асрнинг 60-йилларида Ғарбий Европа ва АҚШда пайдо бўлган.

Инновацион иборасига бир қанча педагог олимлар ўзларининг турли хил фикрларини айтиб ўтишган. Жумладан педагогика соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган А.И. Пригожин инновация деганда муайян ижтимоий бирликка - ташкилот, аҳоли, жамият, гуруҳга янги нисбатан турғун унсурларни киритиб борувчи мақсадга мувофиқ ўзгаришларни тушунади. Демак, инновацион педагогик жараённинг муҳим таркибий қисми бу шахснинг ўз-ўзини бошқариши ва ўзини-ўзи сафарбар қила олиши ҳисобланади. Унинг энг муҳим йўналишларидан бири эса таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилади.


Таълимдаги инновацион жараёнлар босқичларини қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

Ҳозирги глобаллашув жараёнларида таълимга инновацион ёндашувнинг ижтимоий-педагогик зарурияти қуйидагилар билан ўлчанади:

1. Фан-техника тараққиёти ва ижтимоий-иқтисодий янгиланиш узлуксиз таълим тизими, хусусан, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнини илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, таълимдаги инновацион ёндашувлар ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда такомиллаштириш;

2. Талаба-ёшлардаги маълумотлилик даражаси, интеллектуал салоҳият, ижтимоий фаоллик, ижодкорлик кўникмаларини ривожлантиришга хизмат қилувчи шахсга йўналтирилган ўқитишнинг самарали ташкилий шакллари, технологияларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш;

3. Педагогик инновацияларни ўзлаштириш ва уни тадбиқ этишга нисбатан ўқитувчининг касбий-инновацион компетентлигини ривожлантириш зарурати. Янгилик киритиш ҳам ички мантиқ, ҳам вақтга нисбатан қонуний ривожланган ва унинг атроф-муҳитга ўзаро таъсирини ифодалайдиган динамик тизимдир.



Педагогик инновацияда "янги" тушунчаси марказий ўрин тутаяди. Шунингдек, педагогик фанда хусусий, шартли, маҳаллий ва субъектив янгиликка қизиқиш уйғотади. Мураккаб ва прогрессив янгиланишга олиб келувчи маълум унсурларнинг йиғиндиси шартли янгилик ҳисобланади. Маҳаллий янгилик аниқ объектда янгиликнинг фойдаланиши билан белгиланади.

Субъектив янгилик маълум объект учун объектнинг ўзи янги бўлиши билан белгиланади. Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари фарқланади. Янгилик - бу воситадир: янги метод, методика, технология ва бошқалар. Шу ўринда анъанавий ва инновацион таълимни қиёсий таҳлил қиламиз:

**Анъанавий ва инновацион таълим моделига қиёсий тавсиф**

Асосий тавсифи	Анъанавий таълим модели	Инновацион таълим модели
<b>Мақсади</b>	Ўқитиш натижаси (дастур асосида ахборотни ўзлаштириш)	Ўқитиш жараёнида ўқишга ўргатиш
<b>Талабанинг</b>	Пассив эшитувчи,	Фаол таълим субъекти

<b>роли, ўрни</b>	тингловчи	
<b>Ўқитувчининг роли, ўрни</b>	Билим берувчи манба	Ташкилотчи, менежер, бошқарувчи
<b>Билим бериш шакли</b>	Тайёр ҳолда, вербал мантлар шаклида	Интерфаол ўйинли, муаммоли, мустақил мутоала, изланувчанлик
<b>Олган билимларидан фойдаланиш</b>	Топшириқлар, масалалар, ёзма ишлар	Билимни кундалик фаолиятда ишлатиш
<b>Ўқув фаолияти шакллари</b>	Фронтал, маъруза, шахсий тайёргарлик	Якка, жуфт, кичик ва катта гуруҳларда ўқув жараёнини олиб бориш

Маълумки, инновацион тайёргарлик бу - мутахассисининг ўзлаштирилган касбий билим, малака ва кўникмаларига таянган ҳолда педагогик жараёни лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва кафолатли натижага эришиш жараёнидаги ностандарт тафаккур тарзи ва иш тартибига асосланган ҳолда янги йўналишдаги ўқитишнинг шакл, метод ва воситаларини излаб топиши ва амалга ошириши билан боғлиқ бўлган сифатлари йиғиндисидир.

**Ўқитувчининг инновацион фаолиятига нисбатан ёндошувлари**

**Гуманистик аксиология** - аксиологияга инсонга олий қадрият ва ижтимоий тараққиётнинг бирдан –бир мақсади сифатида қарайди. Инновацион фаолиятга аксиологик ёндошув инсоннинг ўзини янгилик яратиш жараёнига бахшида қилиши, унинг томонидан яратилган педагогик қадриятлар мажмуасини аниқлатади

**Акмеологик ёндошув** - акмеология (*akme*) – юнонча олий нуқта, ўткир, гуллаган етук. энг яхши давр деган маъноларни билдиради.

**Креатив ёндошув** – термини АҚШда XX асрнинг 60-йилларда пайдо бўлди. У индивиднинг янги тушунча яратиши ва янги кўникмалар ҳосил қилиш қобилияти, ҳислатилини билдиради.

**Рефлексив ёндошув** – (лотинча *reflexio* - ортга қайтиш) субъектнинг ўз (ички) психик тўғрив ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Ўқитувчининг инновация фаолияти тузилмасидаги энг муҳим компонент бу рефлексиядир. Рефлексия ўқитувчининг ўз онги ва фаолиятини белгилаш ва таҳлил қила олиш деб қаралади, ўз фикри ва ҳаракатларига ташқаридан назар (В.А. Слостенин). Педагогикага оид адабиётларда рефлексив жараёнларни изоҳлашнинг икки анъанаси мавжудлиги айтилади:

- объектлар моҳиятини изоҳлашга ва уларни конструкциялашга олиб келадиган онгнинг рефлексив таҳлили;
- шахслараро мулоқот маъносини тушуниш рефлексияси.

Бу билан боғлиқ равишда педагог олимлар қуйидаги рефлексив жараёнларни фарқлайдилар:

- ўз-ўзини ва бошқаларни тушуниш;
- ўз-ўзига ва бошқаларга баҳо бериш;
- ўз-ўзини ва бошқаларни изоҳли таҳлил қилиш.

Рефлексия (лотинча *reflexio* - ортга қайтиш ) субъектнинг ўз (ички) психик туйғу ва ҳолатларини билиш жараёни сифатида қаралади.

Инновационлик педагогик жараёни ифодалаб, нафақат унинг дидактик қурилмасига, балки ўқитувчининг ижтимоий моҳиятли натижалари ва руҳий қиёфасига ҳам тааллуқлидир. Инновационлик очикликни, бошқалар фикрининг тан олиншини билдиради. Ўқитувчининг инновацион фаолияти турли хилдаги қарашларнинг тўқнашуви ва ўзаро бойитилиши динамикасида амалга ошишини кўзда тутаяди. Ўқитувчининг инновацион фаолиятини самарали амалга ошириш бир қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Унга ўқитувчининг тайинли мулоқоти акс фикрларга нисбатан беғараз муносабат, турли ҳолатларда рационал вазиятнинг тан олиншини уқтиришга тайёрлиги киради. Бунинг натижасида ўқитувчи ўз билим ва илмий фаолиятини таъминлайдиган кенг қамровли мавзу (мотив)га эга бўлади.

Ўқитувчи фаолиятида ўз-ўзини фаоллаштириш, ўз ижодкорлиги, ўз-ўзини билиши ва яратувчилиги мавзу (мотив)лар муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўқитувчи шахсининг креативлигини шакллантириш имкониятини беради.

Янгилик киритишнинг муҳим шarti мулоқотнинг янги вазиятини туғдиришидир. Мулоқотнинг янги вазияти - бу ўқитувчининг ўз мустақиллик мавқеини, дунёга, педагогик фан, ўзига бўлган янги муносабатни ярата олиш қобилиятидир. Ўқитувчи ўз нуқтаи назарларига ўралашиб қолмайди, у педагогик тажрибаларнинг бой шакллари орқали очилиб, мукамаллашиб боради. Бундай вазиятларда ўқитувчининг фикрлаш усуллари, ақлий маданияти ўзгариб боради, ҳиссий туйғулари ривожланади.

Кейинги шarti - бу ўқитувчининг маданият ва мулоқотга шайлиги.

Ўқитувчининг инновацион фаолияти воқеликни ўзгартиришга, унинг муаммолари ва усуллари ечишни аниқлашга қаратилгандир.

Ўқитувчи ва талаба ўртасидаги мулоқот намунасининг ўзгариши инновацион фаолият шартларидан биридир.

Янги муносабатлар анъаналарда бўлганидек, қистовлар, ҳукмга бўйсунуш каби унсурлардан ҳоли бўлиши лозим. Улар тенгларнинг ҳамкорлиги, ўзаро бошқарилиши, ўзаро ёрдам шаклида қурилган бўлиши даркор. Улар муносабатларидаги энг муҳим хусусияти бу ўқитувчи ва талабанинг ижоддаги ҳамкорлигидир.

Инновацион фаолият қуйидаги асосий функциялар билан изоҳланади:

- касбий фаолиятнинг онгли таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан шайлик;
- дунёга ижодий яратувчилик муносабатида бўлиш;


- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, ўз турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам қилиш.


Демак, олий таълим муассасининг профессор-ўқитувчилари инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

### Трамвай ленияларининг теодолит ёрдамида олинган съёмка натижаларини Credo Dat дастурида бажариш

Илмий раҳбар : Д.О.Журакулов, катта ўқитувчи А.М.Ахунжонов  
Э Жахонгиров (СамДАҚИ)


Ишчи ойнадан **Credo Dat** ни, яъни дастурни ишга тушириш учун,

ишчи ойнадан  нинг устига сичқончанинг чап тугмасини икки марта босиш ёки ўнг тугмасини босиб контекстли менюдан **Открыть** тугмасини босиш орқали ишчи ҳолатга тушираемиз. Дастурни ишчи ҳолатга туширганимиздан сўнг, **Файл** менюсидан **Создать** тугмасидан **Проект Ctrl+N** ни босамиз ва теодолитдан олинган санокларни киритамиз.

Бунинг учун  дан **Имя** каттакчасига биринчи станцияни **С1** ва теодолитни шимолга қаратиб олган нуқтамизни **101** деб номини ёзамиз. Масалан, **С1** ва **101** нинг **X,Y** координаталарини ва **H** баландликларини киритамиз (1-расм).

Пункты ПВО   Дирекционные углы   Измерения   Теодол. ходы   Нивелир. ходы   Топогр. объекты									
	Имя	X	Y	Тип XY	Статус XY	H	Тип H	Статус H	Принадл. релье
<input type="checkbox"/>	С1	1600,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный
<input type="checkbox"/>	101	1700,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный

1-расм.

Шундан кейин шу қатордан  ни танлаб, **Тахеометрия** га белги қўямиз ва **Станция** каттакчасига **С1** нинг, ҳамда **101** ни маълумотларини биринчи жадвалга 2-расмдагидек киритамиз.

А )

Пункты ПВО   Дирекци...   Измерен...   Теодол. х...   Нивелир...   Топогр. о...							
Тип съёмки: <input type="radio"/> ПВО <input checked="" type="radio"/> Тахеометрия							
	Станция	H <sub>i</sub>	Место нул	Инструмент	X	Y	H
<input type="checkbox"/>	С1	1,500	1°00'00,00"	Default	1600,000	-2890,080	688,020

В )

Пункты ПВО   Дирекци...   Измерен...   Теодол. х...   Нивелир...   Топогр. о...							
Тип съёмки: <input type="radio"/> ПВО <input checked="" type="radio"/> Тахеометрия							
	Станция	H <sub>i</sub>	Место нул	Инструмент	X	Y	H
<input type="checkbox"/>	С1	1,500	1°00'00,00"	Default	1600,000	-2890,080	688,020
<input type="checkbox"/>	101	1,500	1°00'00,00"	Default	1700,000	-2890,080	688,020

2-расм.

Бунда **H<sub>i</sub>** – асбоб ва рейка баландлиги.


Шундан сўнг экранда ҳосил бўлган пастки, яъни иккинчи жадвалга **С1** дан туриб керакли нуқталардан олинган санокларни **Цель** ячейкасига

теодолит съёмкасини киритишни бошлаймиз. Шимолга қаратилган нукта **101** ёзилган қаторнинг горизонтал ва вертикал стумларига  $0^0$  киритиб, съёмка жараёнида олинган нукталарни **горизонтал, вертикал, масофа (Расстояния)** ва  $N_y$  рейка баландлиги стумларига санокларни киритамиз (3-расм).


№	Цель	Круг	Гор. лимб	Верт. лимб	Превыше-	Расст.	Hv	Метод определ.	X	Y	H	Принатл.г
101	Лево		0°00'00,00"	9°00'00,00"			1,500	Горизонтальное г	1700,000	-2890,080	688,020	Рельефный
1	Лево		139°30'00,00"			12,200	1,500	Горизонтальное г	1590,723	-2882,157		Рельефный
2	Лево		132°05'00,00"			8,100	1,500	Горизонтальное г	1594,571	-2884,068		Рельефный
3	Лево		72°25'00,00"			24,000	1,500	Горизонтальное г	1607,250	-2867,201		Рельефный
4	Лево		79°40'00,00"			26,400	1,500	Горизонтальное г	1604,735	-2864,108		Рельефный
5	Лево		76°50'00,00"			29,000	1,500	Горизонтальное г	1606,606	-2861,842		Рельефный
6	Лево		76°05'00,00"			30,000	1,500	Горизонтальное г	1607,215	-2860,961		Рельефный
7	Лево		69°51'00,00"			32,000	1,500	Горизонтальное г	1611,023	-2860,039		Рельефный
8	Лево		33°00'00,00"			19,000	1,500	Горизонтальное г	1615,935	-2879,732		Рельефный
9	Лево		358°00'00,00"			7,500	1,500	Горизонтальное г	1607,495	-2890,342		Рельефный
10	Лево		42°49'00,00"			4,500	1,500	Горизонтальное г	1603,301	-2887,022		Рельефный
11	Лево		234°20'00,00"			8,400	1,500	Горизонтальное г	1595,102	-2896,904		Рельефный
12	Лево		166°21'00,00"			8,400	1,500	Горизонтальное г	1591,837	-2888,098		Рельефный
13	Лево		157°15'00,00"			12,800	1,500	Горизонтальное г	1588,196	-2885,130		Рельефный
14	Лево		153°35'00,00"			12,500	1,500	Горизонтальное г	1588,805	-2884,519		Рельефный
C2	Лево		142°40'00,00"	9°10'00,00"		25,000	1,500	Горизонтальное г	1580,122	-2874,919	687,511	Рельефный

3-расм.

**Credo Dat** дастури ишчи ойнасининг ўнг томони экранига сичқончанинг ўнг тугмасини босамиз, ҳосил бўлган контексли менюдан **Показать все** тугмасини босамиз (4-расм. А) ва яна сичқонча ўнг тугмасини бир марта босиш орқали ушбу менюдан **Свойства проекта** буйруғини ишга туширамиз(4-расм. В).




4-расм.



5-расм.



Хосил бўлган ойнадан **Масштаб съёмки** ни **1:500** масштабга келтириб, **ОК** тугмасини босамиз (5-расм.), натижада дастурнинг ўнг томонидаги ойнада съёмка қилинган нуқталар тасвирланади (6-расм).



6-расм.

C1 нуқталаридан олинган санокларни киритиб бўлгандан сўнг C2 яъни иккинчи станцияга ўтиш учун, яна тугмачасини ишга туширамиз ва **Имя** каттакчасига C1 ва 101 дан пастки қаторга иккинчи станциянинг номини C2 деб ёзамиз ҳамда C2 нинг қийматларини ушбу дастур **Credo Dat** нинг 2-жадвалида берилган X,Y координата ва Н баландликларини киритамиз (7-расм).

Пункты ПВО             Дирекционные углы             Измерения             Теодол. коды             Нивелир. коды             Топогр. объекты									
	Имя	X	Y	Тип XY	Статус XY	H	Тип H	Статус H	Принадл. релъ
<input type="checkbox"/>	C1	1600,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный
<input type="checkbox"/>	101	1700,000	-2890,080	Исходный	Уравненный	688,020	Исходный	Уравненный	Рельефный
<input type="checkbox"/>	C2	1580,122	-2874,919	Исходный	Уравненный	687,511	Исходный	Уравненный	Рельефный

7-расм.

Шундан кейин ни танлаб, **Станция** каттакчасига C1 ва 101 дан пастки қаторга C2 ни, **Н<sub>i</sub>** асбоб баландлигини дастурнинг биринчи жадвалига 8-расмдагидек киритамиз.


Пункты ПВО             Дирекционные углы             Измерения             Теодол. коды             Нивелир.							
Тип съёмки: <input type="radio"/> ПВО <input checked="" type="radio"/> Тахеометрия							
	Станция	H <sub>i</sub>	Место нул	Инструмент	X	Y	H
<input type="checkbox"/>	C1	1,500	1°00'00,00"	Default	1600,000	-2890,080	688,020
<input type="checkbox"/>	101	1,500	1°00'00,00"	Default	1700,000	-2890,080	688,020
<input type="checkbox"/>	C2	1,500	1°00'00,00"	Default	1580,122	-2874,919	687,511

8-расм.

Шундан сўнг экранда ҳосил бўлган пастки, яъни иккинчи жадвалга **Цель** ячейкасининг биринчи қаторига **С2** дан туриб **С1** нинг съёмкага олинган санокларини киритамиз ва кейинги қаторларга теодолит съёмкасини, съёмка жараёнида олинган нуқталарни горизонтал, вертикал, масофа (Расстояния) ва **Н<sub>y</sub>** рейка баландлиги стумларига санокларни киритамиз. **С2** дан туриб съёмкага олинган охириги нуқтадан сўнг учинчи станциянинг санокларини киритиб, **Х,У** ва **Н** ларини кўчириб оламиз (9-расм). Учунчи станциянинг номи **С3** деб киритамиз.


	Цель	Круг	Гор. лимб	Верт. лимб	Превыше-	Расст.	Нв	Метод определ. л	X	Y	H	Принадл.г
<input type="checkbox"/>	С1	Лево	241°05'00,00"	-1°10'00,00"		25,000	1,500	Горизонтальное г	1600,000	-2890,080	688,020	Рельефный
<input type="checkbox"/>	15	Лево	252°35'00,00"			5,500	1,500	Горизонтальное г	1585,072	-2877,316		Рельефный
<input type="checkbox"/>	16	Лево	314°00'00,00"			19,500	1,500	Горизонтальное г	1595,981	-2863,572		Рельефный
<input type="checkbox"/>	17	Лево	350°10'00,00"			20,000	1,500	Горизонтальное г	1586,385	-2855,925		Рельефный
<input type="checkbox"/>	18	Лево	9°27'00,00"			23,500	1,500	Горизонтальное г	1579,698	-2851,423		Рельефный
<input type="checkbox"/>	19	Лево	15°23'00,00"			21,000	1,500	Горизонтальное г	1577,575	-2854,074		Рельефный
<input type="checkbox"/>	20	Лево	16°10'00,00"			20,000	1,500	Горизонтальное г	1577,425	-2855,102		Рельефный
<input type="checkbox"/>	21	Лево	324°53'00,00"			13,500	1,500	Горизонтальное г	1589,420	-2865,132		Рельефный
<input type="checkbox"/>	22	Лево	322°30'00,00"			7,500	1,500	Горизонтальное г	1585,509	-2869,701		Рельефный
<input type="checkbox"/>	23	Лево	313°35'00,00"			3,300	1,500	Горизонтальное г	1582,820	-2873,018		Рельефный
<input type="checkbox"/>	24	Лево	18°55'00,00"			5,000	1,500	Горизонтальное г	1579,211	-2870,003		Рельефный
<input type="checkbox"/>	25	Лево	1°14'00,00"			8,000	1,500	Горизонтальное г	1581,122	-2866,982		Рельефный
<input type="checkbox"/>	26	Лево	4°10'00,00"			10,000	1,500	Горизонтальное г	1580,863	-2864,946		Рельефный
<input type="checkbox"/>	27	Лево	353°12'00,00"			10,700	1,500	Горизонтальное г	1582,930	-2864,594		Рельефный
<input type="checkbox"/>	28	Лево	26°11'00,00"			18,000	1,500	Горизонтальное г	1574,629	-2857,778		Рельефный
<input type="checkbox"/>	С3	Лево	14°14'00,00"	-1°32'00,00"		24,400	1,500	Горизонтальное г	1577,649	-2850,645	676,885	Рельефный

9-расм.

Кейинги боскичда **С2** нуқталаридан олинган санокларни киритиб бўлгандан сўнг, **С3** яъни учинчи станцияга ўтиш учун, яна  **Пункты П...** тугмачасини ишга туширамыз ва **Имя** катакчасига **С2** дан пастки қаторга учинчи станциянинг номи **С3** деб ёзамиз ҳамда **С3** нинг қийматларини, ушбу дастур **Credo Dat** нинг 2-жадвалида берилган **Х,У** координата ва **Н** баландликларини киритамиз (10-расм).

	Имя	X	Y	Тип XY	Статус XY	H	Тип H	Статус H	Принадл. рел
<input type="checkbox"/>	С1	1600,000	-2890,080	Исходный	Уравненные	688,020	Исходный	Уравненные	Рельефный
<input type="checkbox"/>	101	1700,000	-2890,080	Исходный	Уравненные	688,020	Исходный	Уравненные	Рельефный
<input type="checkbox"/>	С2	1580,122	-2874,919	Исходный	Уравненные	687,511	Исходный	Уравненные	Рельефный
<input type="checkbox"/>	С3	1577,649	-2850,645	Исходный	Уравненные	686,858	Исходный	Уравненные	Рельефный

10-расм.

Шундан кейин  **Измерен...** ни танлаб, **Станция** катакчасига **С2** дан пастки қаторга **С3** ни, **Н<sub>i</sub>** асбоб баландлигини дастурнинг биринчи жадвалига 11-расмдагидек киритамиз.


	Станция	Н <sub>i</sub>	Место нул	Инструмент	X	Y	H
<input type="checkbox"/>	С1	1,500	1°00'00,00"	Default	1600,000	-2890,080	688,020
